

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРКЕТИНГ КАФЕДРАСИ

М.А. ИКРАМОВ, М.Қ. ПАРДАЕВ, Л.Т. АБДУХАЛИЛОВА

МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ

Ўқув қўлланма



ТОШКЕНТ – “IQTISODIYOT” – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	8
1-БОБ. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ.....	16
1.1. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тушунчалари.....	16
1.2. Маркетинг тадқиқотлари таснифи.....	21
1.3. Маркетинг тадқиқотлари жараёни ва йўналишлари.....	25
1.4. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг аҳамияти.....	31
1.5. Маркетинг тадқиқотларининг статистик таъминоти.....	38
2-БОБ. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МУАММОСИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ ЎТҚАЗИШГА ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	44
2.1. Маркетинг тадқиқотлари муаммосини аниқлашнинг аҳамияти.....	44
2.2. Ёндашувларни ишлаб чиқиш ва муаммоларни аниқлаш жараёни.....	53
2.3. Тадқиқот муаммоларини аниқлаш билан боғлиқ масалалар.....	56
2.4. Бошқарув ва маркетинг муаммолари.....	59
3-БОБ. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЛОЙИҲАСИ ВА ЖАРАЁНИ.....	66
3.1. Маркетинг тадқиқотлари жараёнининг мөхияти ва аҳамияти.....	66
3.2. Маркетинг тадқиқотларининг дастлабки босқичлари.....	71
3.3. Тадқиқот лойиҳасини олиб бориш ёндашувлари.....	76
3.4. Тадқиқот лойиҳасини олиб бориш бюджети ва жадвалини шакллантириш.....	82
3.5. Тадқиқот ўтказиш тўғрисидаги таклиф ва ахборотга эҳтиёжни аниқлаш.....	84
4-БОБ. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ.....	93
4.1. Маркетинг тадқиқотларида ахборотнинг мөхияти ва уларнинг	

турлари.....	93
4.2. Маркетинг тадқиқотлари учун маълумотларни тўплаш.....	98
4.3. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тамоиллари (принциплари).....	102
4.4. Маркетингда ахборот тўплаш усуллари.....	106
4.5. Маркетинг тадқиқотларида иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти.....	111
4.6. Иккиласмчи ахборотдан фойдаланиш ва уларнинг афзаликлари...114	
5-БОБ. ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	122
5.1. Интернетнинг ривожланиши ва маркетинг тадқиқотларидағи ўрни....122	
5.2. Маркетинг қарорларини статистик таҳлил қилишда умумжаҳон ўргимчак тўри ахборотларидан фойдаланиш.....128	
5.3. Интернетда тадқиқотлар турлари ва уларни таснифланиши.....130	
5.4. Интернетда мижозлар хатти – ҳаракатини ўрганиш.....136	
5.5. Интернет ва электрон почта хизмати.....145	
6-БОБ. АХБОРОТ ТЎПЛАШНИНГ ҚИДИРУВ ВА ДЕСКРИПТИВ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.....	151
6.1. Дастраслабки ахборот: сифат ва миқдорий маркетинг тадқиқотлари...151	
6.2. Сифатли тадқиқотлар усулларини таснифланиши.....154	
6.3. Фокус – гурухлар, уларни режалаштириш ва фаолиятини юритиш.160	
6.4. Сўров ўтказиш усуллари ва уларни танлаш.....168	
6.5. Кузатув усуллари ва уларнинг таснифланиши.....174	
7-БОБ. САБАБ – ОҚИБАТ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ: ЭКСПЕРИМЕНТ (ТАЖРИБА).....	182
7.1. Сабаб – оқибат алоқаларининг мазмуни.....182	
7.2. Тажрибанинг (эксперимент) ишончлилиги ва унга таъсир этувчи омиллар.....188	
7.3. Ташқи омиллар назорати.....191	

7.4. Тажриба моделларини таснифлаш.....	193
7.5. Дастраслабки ва ҳақиқий тажриба моделлари.....	196
8-БОБ. ЎЛЧАШ ВА ШКАЛАЛАШТИРИШ.....	201
8.1. Ўлчаш ва шкалалаштириш тушунчаси ва моҳияти.....201	
8.2. Шкаларапнинг асосий турлари.....	206
8.3. Шкалалаштириш усулларини қиёслаш.....	211
8.4. Маркетинг тадқиқотларида иқтисодий таҳлил усулларини таққослаш.....	214
9-БОБ. СТАТИСТИК ТАНЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	222
9.1. Танловни шакллантириш жараёни.....	222
9.2. Тасодифий танловни шакллантириш.....	227
9.3. Танлаш кўламини аниқлаш усуллари.....	232
9.4. Танлама тўплам ишончлилиги.....	236
9.5. Маркетинг тадқиқотларида танлама тўпламлар турлари.....	242
10-БОБ. ВАРИАЦИЯ ҚАТОРИ, БЕЛГИЛАРНИНГ БОГЛАНГАНЛИК ЖАДВАЛЛАРИ ВА ГИПОТЕЗАЛАРНИ ТЕКШИРИШ.....	252
10.1. Вариация қаторининг моҳияти.....	252
10.2. Частоталарни тақсимлаш билан боғлиқ статистика.....	257
10.3. Статистик таҳлил усулини танлашга таъсир этувчи омиллар.....263	
10.4. Гипотезаларни текшириш.....	267
10.5. Дискрет вариация қаторлари.....	274
11-БОБ. ДИСПЕРСИЯЛИ ВА КОВАРИАЦИЯЛИ ТАҲЛИЛ.....	280
11.1. Статистик таҳлил усулларининг ўзаро боғлиқлиги.....	280
11.2. Бир омилли дисперсия таҳлили.....	285
11.3. Дисперсияли таҳлилда фойдаланадиган мезонлар (ANOVA).....296	
11.4. Кўп омиллик дисперсияли таҳлил.....	301
11.5. Ўлчамли эркин ўзгарувчилар.....	307
12-БОБ. КОРРЕЛЯЦИЯЛИ ВА РЕГРЕССИЯ ТАҲЛИЛЛАР.....	315
12.1. Корреляцияон ва регрессив таҳлилнинг умумий тушунчалари....315	
12.2. Жуфтли корреляция.....	320

12.3. Регрессион таҳлил тушунчаси.....	327	16.4. Оғзаки тақдимот.....	426
12.4. Жуфт регрессия таҳлили.....	335	ТЕСТЛАР.....	433
12.5. Кўп миқдорли регрессия билан боғлиқ статистика.....	344	ГЛОССАРИЙ (ИЗОҲЛИ ЛУФАТ).....	449
13 – БОБ. ДИСКРИМИНАНТ ВА КАНОНИК ТАҲЛИЛЛАР.....	349	ТАВСИЯ ЭТИЛУВЧИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	458
13.1. Дискриминант ва каноник таҳлил концепцияси тушунчаси.....	349		
13.2. Дисперсияли ва регрессияли таҳлилларнинг ўзаро алоқаси.....	354		
13.3. Кўп миқдорли ва босқичли дискриминант таҳлил.....	356		
13.4. Каноник корреляцияли таҳлил мазмуни.....	358		
13.5. Дискриминант ўзгарувчилар омиллари.....	362		
13.6. Синергетик самара усули.....	368		
13.7. Маркетинг тадқиқотларида ковариацион таҳлилнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	371		
14-БОБ. ОМИЛЛИ ВА КЛАСТЕР ТАҲЛИЛЛАРИ.....	377		
14.1. Омилли таҳлилнинг мазмуни.....	377		
14.2. Омилли таҳлил модели.....	382		
14.3. Кластер таҳлилиниң моҳияти.....	385		
14.4. Кластерли таҳлилни қўллашдаги муаммолар.....	390		
14.5. Кластерли таҳлилни қўллаш бўйича тавсиялар.....	392		
15-БОБ. КЎП ЎЛЧАМЛИ ШКАЛАЛАШТИРИШ ВА ҚЎШМА ТАҲЛИЛ.....	398		
15.1. Кўп ўлчамли шкалалаштиришнинг асосий тушунчалари.....	398		
15.2. Кўп ўлчамли шкалалаштиришни бажариш тартиби.....	400		
15.3. Биргаликдаги таҳлил (<i>conjoint analyses</i>).....	406		
16-БОБ. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА УНИНГ ТАҚДИМОТИ.....	414		
16.1. Натижаларни тақдим этиш.....	414		
16.2. Ҳисобот ва тақдимот муҳимлиги.....	416		
16.3. Ҳисобот шакли.....	419		

КИРИШ

Замоновий инновацион технологияларни илм-фан ва техника ютуқлари асосида иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларга жадал тадбик этиш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шартидар. Президентимизнинг шу йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрасидаги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади [12]. Ушбу муаммони самарали ҳал этишда жорий йилнинг 18-19 октябрь кунлари бизнинг Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошида бўлиб ўтган “Ўзбекистон – Россия таълим форуми” ҳам катта ҳисса қўшади.

Бу анжуманинг шиори “Янги иқтисодиётга янги кадрлар билан” бўлиб, унда Россия давлатининг 82, Ўзбекистоннинг 80 та олий ўқув юргуларининг ректорлари қатнашдилар, ўзаро 100 дан ортиқ ҳамкорлик шартномалар тузилди. Мамлакатимизнинг таълим тизимида ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали ва ташаббускор кадрларни тайёрлашда олдинга қўйилган қадам тариқасида қабул қилиниши мумкин. Ушбу анжуманинг Пленар қисмида Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринbosари А.Абдухакимов маърузасида хозирги кунги ёшларнинг 10 % олий таълим муассасаларида ўкиётгани, яна 27 % ёшлар ўкишни хоҳлаётганини таъкидлаб ўтди. Хусусан, таълим соҳасидаги олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада такомиллаштириш мақсадида, ёшларни ўқишига жалб этишини ошириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам ўз аксини топди. Ушбу фармонда таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш уларнинг ютуқларини амалиётга жорий этишнинг

самарали механизмларини яратиш каби устувор вазафалар ва йўналишлар белгилаб берилди.

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларнига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида Президент Ш. Мирзиёев куйидагини таъкидлаб ўтга: “Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг маҳсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадрияларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”. Бу вазифани бажаришда юртбошимизнинг 2018 йил 5 июнда қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775 -сонли Қарори айнан олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бу борада Олий таълим муассасаларининг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир катор муаммолар сақланиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маркетинг тадқиқотлари – мураккаб ва комплекс ҳисобланади. Кўп тадбиркорлар томонидан маркетинг тадқиқотлари деганда, биринчи навбатда ҳар хил сўровномалар ўтказиш билан боғлиқ, дала тадқиқотлари тушунилади. Бизнинг фикримизча, маркетинг тадқиқотларининг моҳияти корхоналардаги мавжуд ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имконияти билан ифодаланади.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки – бозор иқтисодиёти шароитида ахборот ва тўпланган маълумотларнинг ҳажми кун сайин ошиб бориши, самарали бошқарув ёки маркетинг қарорларини қабул қилиш учун уларни тезкор ва сифатли қайта ишланиши муҳим ўрин эгаллайди. Албатта, бу мақсадга эришиш борасида ривожланаётган ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Амалиётда маркетинг тадқиқотлари

билан шугулланаётган компаниялар ва мутахассислар, ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи корхоналар маркетинг бўлимлари олинаётган дала маълумотларини таҳлил қилишда чегаралангандарни қўллаган ҳолда, деярли статистик услублардан фойдаланишмаяпти.

Ваҳоланки, статистик таҳлил маълумотлар ўртасидаги алоқалар ва қонуниятларни очиб беришга хизмат қилади. Шу сабабдан, маркетинг тадқиқотларида ҳосил бўлган натижаларни, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини кондириш усулларини таҳлил қилишда статистик усуллардан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Статистик таҳлил услубларидан фойдаланиш ўзгарувчанлар ўртасидаги алоқа мавжудлиги ҳақида гипотеза (таҳмин, фараз)ни, маҳсулот хусусиятларининг истеъмолчилар муносабатларига таъсири, истеъмолчиларни сегментлаштириш, бозор конъюнктурасини ўзгаришини прогнозлаштиришга ўхшаган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Ушбу қўйилган вазифаларни амалга оширишда замонавий маркетологлар нафакат прогрессив услуг ва усуллардан фойдаланиш, балки зарурий маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш ва улар асосида оқилона қарор қабул қилишда инновацион иқтисодиёт талабларига риоя қилишлари зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида “...бошқа давлатларда маҳсулот сотишнинг янги бозорларини излаш бўйича бошланган ишларни янада фаол давом эттириш керак” деб таъкидлаб ўтган эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳалқаро бозорга чиқиш учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарин, дунё андозаларига мос бўлишни таъминлаш, ҳамкорлик ришталарини ўрнатиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу вазифаларни амалга ошириш борасида замонавий бозор талабларига жавоб берадиган, маркетологларни тайёрлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда дарслик ва ўкув қўлланмалар микдори ошмоқда, айниқса Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида иқтисодий адабиётлар, уларнинг электрон кўринишлари тўла бўлмасада етарли даражада мавжуд. Аммо, шу нарсани таъкидлаш керакки, қайсиdir адабиётлар тадқиқотларнинг маълум қисмини жамлаган бўлса, бир ҳиллари кенг ҳажмини ташкил этиб, кўпроқ маҳсус тайёрланган ходимларга мўлжалланган. Хорижий адабиётлар, айниқса, инглиз тилидан рус тилига ўтириш даврида бир ҳилги адабиётларнинг мазмуни ўзгариб қолишига, қолаверса, бунинг республикамиз шароити, менталитети, бутун дунё тан олган “ўзбек модели”га мос эмаслиги ҳам ҳақиқатдир. Бошқа тиллардан ўзбек тилига ўтирилганда таржимонлар тадқиқот қонуниятларини тўла очиб бермаслиги, адабиётларнинг асосий – ўргатувчи, зарурий маълумот етказувчи – функцияларини амалга оширилмаслигига олиб келмоқда. Бундай муаммоларга лотин графикасидаги адабиётлар камлиги ҳам киради.

Ушбу қўлланмани ёзилишининг сабаби ҳам, юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун илк қадамлардан ҳисобланади. Унинг асосида тўрт йилдан бери университет магистратура бўлимида “Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” фани бўйича ўтилаётган маъruzalар курси ҳисобланади. Ўкув қўлланмада АҚШ ва Буюк Британия олий ўкув юртларида қабул қилинган ўкув стандартлари, маркетинг тадқиқотларини ўқитиш методикаси, назарий ва амалий бўлимларни узвийлаштириш тизимидан фойдаланилган. Таклиф этилаётган ўкув қўлланманинг тузилмаси Джорджия технологик институтининг профессори Н.Малхотранинг “Маркетинг тадқиқотлари” дарслигидан андоза олинган. Ушбу адабиётдан маълум бир маълумотлар, кейс- стадилардан фойдаланилган. Ундан ташқари қўлланмани шакллантиришда АҚШ олимлари Аакер Д. нинг «Стратегическое рыночное управление», Портер М. нинг «Конкурентная стратегия», Россиялик Квинта В.И. нинг Тошкентда бўлиб ўтган илмий анжумандаги докладидан фойдаланилган. Аммо, имконият даражасида, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунлар, меъёрий хужжатлар, “Маркетинг” кафедрасида олиб борилаётган

илмий – услугбий ишланмалардан фойдаланилган. Муаллифлар таркибида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда Фарғона политехника институтларининг профессор-ўқитувчилари бўлганилиги сабабли худудий муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳам қўлланмада акс эттирилган.

“Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” фани бакалавриатурода ўтилаётган “Статистика”, “Эҳтимоллар назарияси”, “Маркетинг”, “Маркетингни бошқариш”, “Маркетинг тадқиқотлари”, магистратура босқичида “Иқтисодий математик моделлар ва прогнозлаштириш” фанлари билан узвий равишдэ боғлиқ бўлиб, фанларни ўрганишда бир бирига ёрдам беради.

Қўлланмада кейс-стадиларни яратишида “Маркетинг” кафедраси билан инновацион-интеграцион ҳамкорлик қилаётган “Файз” холдинг компанияси, “Ўзавтосаноатсервис” корхоналари тажрибаларидан келиб чиқкан статистик, ҳисобот ва кузатув материалларидан фойдаланилган.

“Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” фани қўйилган муаммоларни ҳал қилишга назарий асос солиш билан бирга бўлажак маркетологларда таҳлилни ўтказишида ихтисослашган дастурий таъминотлардан фойдаланилган холда, масалан, SPSS статистик дастурий комплекс, амалий кўнкима хосил қилишга кўмаклашади. Ушбу фанни ўзлаштиришдан сўнг талаба **билиши керак:**

- маркетинг тадқиқотлари соҳасида фойдаланиладиган базавий тушунчалар тизимини, маркетинг тадқиқотларининг қўлланилиш ва ўтказиш тизимининг таснифланишини, ҳар турдаги тадқиқотларнинг ҳусусиятларини;
- комплекс маркетинг тадқиқотларини ўтказиш моҳияти ва босқичлар ҳусусиятини, уларнинг тайёрлов босқичлари кетма-кетлигини (вазифани қўйилишини, уларнинг ечимини тайёрлаши ва режани ишлаб чиқиш);
- изланиш тадқиқотларининг имкониятлари ва чегараларини: иккиласми маълумотларни таҳлил қиқиши, фокус-гурухлар, чуқурлашган интервью, лойиҳа технологияларига ўхшаган сифатли тадқиқотлар услубларини;

• турли услублар ва тадқиқотлар дизайнни асосида амалга ошириладиган ифодаланувчи ижобий ва салбий томонларини;

• маркетинг тадқиқотлари орасидаги сабабли тадқиқотлари ўрнини, ушбу тадқиқотларнинг мақсади тадқиқотларининг ва ҳусусиятларини, турли хил қўринишдаги тажрибаларини;

• маркетинг ўлчовларини ишлаб чиқиш принципларини, маълум турдаги ўлчовларни танлаш ва уларнинг ҳар хил ҳолатдаги фойдаланиш имкониятларини;

• сўровнома (анкета) га қўйилган талабларни, алоҳида саволларни ифодалаш қоидаларини, уларнинг кетма-кетлигини жойлаштиришини, қўпайтириш ва амалиётда қўллаш принципларини;

• маркетинг тадқиқотларини ўтказишида танлов ўтказишнинг принципларини, унинг асосий босқичларининг моҳияти ва мазмунини;

• дала тадқиқотларини ўтказишнинг асосий принципларини;

• маълумотларни таҳлил қилишга тайёрлаш принципларини, уларни қайта ишлашни, статистик услубларидан қўллаш имкониятларини;

• маълумотларни таҳлил қилишдаги чуқурлашган услуг ва усуллардан фойдаланишда иқтисодий математик ва статистик моделларни қўллашни;

кўнкимага эга бўлиши:

• маркетинг тадқиқотининг гипотеза (илмий тахмин)сини ифодалаш ва вазифани қўя билиши, унинг ечимини топишда турли ёндашувларнинг устун ва камчиликларини муҳокама қилишни, ҳамда тадқиқот ўтказиш режаларини қўллашни;

• ички маркетинг ахборотларини тўплаш ва таҳлил қилиш мувофиқлигини асослашни;

• ҳар хил ҳолатда ташқи иккиласми маълумотлардан фойдаланишни баҳолашни, корхонанинг мақсад ва вазифаларига мослигини аниқлашни;

• фокус-гурухларга сценарийларни ишлаб чиқиши, чуқурлашган сўров ва интервью ўтказишни;

- ифодаланувчи тадқиқотларни ўтказишида унинг дизайнни ва услубларини танлашни, ахборот – технологияларини қўллаш имкониятини яратувчи статистик усул ва моделларни қўллашни;
- оддий-тасодифий танловни қўллаган ҳолда сўров маълумотларининг статистик камчиликларини баҳолашни;
- таққослаш ва таққослаб бўлмайдиган шкалаштиришнинг устунлик ва камчиликларини солиштиришни, уларнинг ахборот тўплаш услубларини билишни;
- анкета саволларини ифодалашни, респондентларнинг интервьюда катнашувини рад этмаслик усулларини билишни ва қўйилган саволларга рад этмаслик имкониятини яратишни;
- корхонанинг тадқиқот вазифаларига мос бўлган эҳтимолли ва бошқа танловни ўтказиш услубарини қўллай олишни;
- оддий сўров ва тадқиқот натижаларини компьютерга киритиш макетини яратишни ва бу жараённи ташкил этишни;
- респондентлар жавобларининг кўрсаткичларнинг асосий тенденциялари билан ишлашни турли хил жавоблар статистик тавсифларини таҳлил этишни ва тасодифий ҳажмларга баҳо беришни;
- маълумотларни ташкил этишда самарали чукурлашган услублардан фойдаланишни, маркетинг тадқиқотларини ўтказишида замонавий ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослашни;
- тадқиқот асосида олинган натижаларни матн шаклида ифодалаш ва ташки кўринишни танлашни;

фойдалана билиши:

- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш заруратида амалиётдаги ҳолатларни аниклаш асосий принципларни қўллашни;
- танқидий таҳлил қўнималари ва корхона олдига қўйилган вазифаларга мос тадқиқотлар ўтказишни билиши;

- фокус – гурухларни моделлаштириш базавий кўнималари, чукурлашган интервью ўтказиши ва тўпланган материалларни таҳлил қилишни;

- тест орқали маркетинг ўтказиш ва ташкил этиш қўнималарига эга бўлиши;

- маркетинг фаолиятида ўзбекистон иқтисодиётининг ресурс ва истеъмол тузилмасини ҳисобга олиш қўнимасини шакллантириши;

“Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил” ўкув қўлланмасини тайёрлашда қўйидаги шогирдлар илмий тадқиқот изланишлари натижалари билан иштирок этишди ва қўйидаги қўлланманинг саволларини ёритишида ўз улушларини қўшишди: Набиева Н.М. 2-бобнинг 2.1 ва 2.2. 11-бобнинг 11.3-параграфлари; Пардаев О. 3-бобнинг 3.1 ва 3.6, 4-бобнинг 4.2 ва 4.4 параграфлари; Пўлатов М. 10 ва 15-боб параграфларини шакллантириша фаолият кўрсатишди. Кўлланма техник ишларида И.Каримов стипендияси совриндори Ф.Алимовнинг улушкини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Тавсия этилаётган ўкув қўлланма “Маркетинг” мутахассислигига таҳсил олаётган магистрантларга мўлжалланган бўлсада, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, уларнинг натижаларини тезкор ва сифатли қайта ишлаш, ҳамда улар асосида қарор қабул қилиш билан машғул бўлган мутахассислар, тадқиқотчи ва амалиётчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Кўлланмани бойитиш борасидаги таклифлар, қўшимчалар, камчиликлари ҳакида мулоҳазаларни Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49 уй, “Маркетинг” кафедраси манзилида кутиб коламиз ва олдиндан миннатдорлик изҳор қиласмиз.

1 – боб. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛГА КИРИШ

1.1. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тушунчалари

Маркетинг тадқиқотлари (marketing research) – маркетингнинг энг муҳим ва ўзига хос томонларини ифодаловчи жараён бўлиб, маркетинг қарорини қабул қилиш учун зарурий маълумотларни етказиб бериш асосий, вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бозорнинг интенсив ривожланиш ва рақобатнинг кучайиш даврида корхона ёки бошқа иқтисодий фаолият кўрсатаётган субъектни самарали бошқариш учун бозор хусусиятни билиш, унинг ривожланиш суръатлари, ҳолатини баҳолаш, харидорларнинг маҳсулот ёки хизматга бўлган эҳтиёжлар асосида тезкор бошқарув қарорини қабул қилиш зарур бўлади.

Агар корхона атрофидаги бозор мухитини ноаник бўлмаган кенглик тариқасида қабул килсақ, унда маркетологларнинг асосий вазифаси бўлиб ушбу ноаниқларни доимий равишда минималлаштириш, бозор ҳолатини тўғри тушунган ҳолда истеъмолчи ва бошқа катнашувчилар харакатини мувофиқлаштиришдан иборат бўлади. Аммо бозор, доимий равишда ўзгариб бориши, истеъмолчиларнинг хатти-харакатлари бир маҳал мантиққа мос эмаслиги, уларнинг қайфияти ўзгариши ёки бошқа омиллар таъсири асосида сотув ҳақидаги қарорлари ўзгариши, иқтисодий ўзгаришлар – сиёсий, ташкилий, экологик ва бошқа омиллар таъсирида барқарорликни бўлишига сабаб бўлишини ҳаётда ўзгартириб туришимиз мумкин.

Ҳар бир маркетинга йўналтирилган корхонанинг фаолиятини оқилона юритишида, аниқ ва самарали қарор қабул қилиш учун қўйидаги билимлар зарур: бозорнинг салоҳияти, ресурс билан таъминланганлиги, харидор талаби, уларнинг хоҳиш ва истаклари, имкониятлари, рақобатдошларнинг ниятлари ва



ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш зарур. Бозорни билиш ва ундаги жараёнларга баҳо бера олиш тижорат рискларини, қолаверса, нотўғри қарор қабул қилиш натижасидаги йўқотиш имкониятини камайтиради. Бунинг учун маркетинг тадқиқотларига муражат қиласиз. Қўйидаги расмда маркетинг тадқиқотлари зарурати акс эттирилган.



1.1-расм. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиши¹

Ҳар бир иқтисодий субъектга объектив билимларни шакллантириш ва уларни доимий равишда тўлдириб бориш учун маркетинг тадқиқотларини ўтказиб туриш керак.

Иқтисодий адабиётлар ва амалиётда маркетинг тадқиқотларига турлича таърифларни учратиш мумкин. Масалан, АҚШ маркетинг уюшмасининг таърифи бўйича тадқиқотларнинг ахборот-боғловчи ролига алоҳида ургу берган ҳолда, “Маркетинг тадқиқотлари”нинг функцияси тариқасида истеъмолчилар, мижозлар, жамият билан маркетологлар ўртасида маркетинг имкониятлари ва муаммоларини кўйилиши ва аниқланиши учун ахборотлардан фойдаланиш; маркетинг фаолиятини баҳолаш ва такомиллаштириш; маркетинг фаолияти

¹ <http://www.refcity.ru/content/15963.html>

самарадорлигини мониторинг қилиш; маркетингни жараён тадқиқотидаги тушунчасини ривожлантириш” – деб ифодаланган.²

Америкалик маркетолог Гилберт Черчилль фикри бўйича: “Маркетинг тадқиқотларини фирмани ташки муҳит билан боғлаб турган коммуникация кўлами тариқасида қабул қилиш мумкин. Маркетинг тадқиқотлари асосида компания ташки муҳити хақида маълумотлар тўплайди, қайта ишлайди ва шу асосда ўзининг маркетинг режаларини ишлаб чиқади, улардан фойдаланади ва самарадорлигини баҳолайди”³.

Замонавий маркетинг асосларидан бири Ф.Котлернинг таърифи бўйича: “Маркетинг тадқиқотлари деб, турил йўналишларни тизимли равишида тайёрлаш ва ўтказиш, компания олдига қўйилган конкрет маркетинг вазифасига мос бўлган натижа ва хуносаларга эга бўлиш учун олинган маълумотларни таҳлил этиш жараёни”⁴ тушунилади.




Ўрганилаётган қўлланманинг асосий америкалик олимларидан Нэрэн К. Малхотра “Маркетинг тадқиқотлари” амалий қўлланмасида қўйидаги ёндашувни келтирган: “Маркетинг тадқиқотлари деб, маркетинг муаммолари (имкониятлари)ни мослаштириш ва ечимларининг самарадорлигини ошириш учун

ахборотларни тизимли ва объектив равишида аниқлаш, тўплаш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва фойдаланиш”⁵, деб эътироф этилган.

Россия олимларидан Е.П. Голубков қўйидаги ёндашувни таъкидлаб ўтган: “Корхоналар учун маркетинг тадқиқотларининг ўрни – маркетинг фаолиятининг турил кўринишларидағи маълумотларни тизимли равишида тўплаш, акс эттириш ва таҳлил этиб, ишлаб чиқарувчиларнинг бозорлар,

истеъмолчилар, рақобатчилар, маркетингнинг бошқа ташки муҳит элементлари билан ахборот орқали боғлашдан иборатdir”⁶.



1.2 - расм. Маркетинг тадқиқотларининг ўрни⁷

Бошқа рус маркетологи Д.В.Тюрин фикрича “Маркетинг тадқиқотлари – бу доимий равишида корхонанинг ички ва ташки муҳити хақидаги

² www. Ama. org

³ Черчилль Г., Браун Т. Маркетинговые исследования. 5 – е изд. СПб.: Питер, 2014 – 28.6.

⁴ Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. 11-изд. СПб.: Питер, 2013 – 155 б.

⁵ Малхотра Н.К. Маркетинговые исследования. Практ. Ру.во. – М.: ИД “Вильямс”, 2012. – 33 б.

⁶ Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика: учебник. – М.: Финпресс, 2012. -83 б.

⁷ Галицкий, Е.Б. Маркетинговые исследования. теория и практика 2-е изд., пер. и доп. учебник для вузов / Е.Б. Галицкий, Е.Г. Галицкая. - Люберцы: Юрайт, 2016. - 570 с.

маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали ноаниқлик шароитида самарали стратегик ва тактик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқиши жараёнинг айтилади”, деган⁸.

Маркетинг тадқиқоти – маркетингнинг кўзлари ва қулоқларидир.

Маркетинг тадқиқоти маркетингнинг ахборот эҳтиёжларини қондириши кўзда тутилган тадқиқотчилик фаолияти турини ифодалайди. Маркетингнинг асосий талабларидан бири бозор «шаффоғлиги» ва унинг ривожланишини «олдиндан айтиб бериш мумкинлиги»ни таъминлаш ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқоти – маркетингнинг ахборот-таҳлилий эҳтиёжларини қондиришига ўйналирилган ҳар қандай тадқиқотчилик фаолиятидир.

Маркетинг тадқиқотлари бозор жараёнлари ва ҳодисалари хақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, шунингдек, излаб топиш ва сақлашдан иборат. У тўпланган материалларни систематик таҳлил қилиш, амалиётга тўгри келадиган назарий жиҳатдан асосланган хуносалар олиш ва ниҳоят, келажақдаги ривожланиш башпоратини ўз ичига олади. Маркетинг тадқиқоти жараённада ракобат шароитларида маркетинг қарорлари қабул қилиш учун ахборот-таҳлилий асослар яратилади. Маркетинг фирма фаолиятини, унинг ички ва ташқи муҳит элементларини, коммуникация каналлар тизимини боғлайди.

Юқоридаги таърифларга кўра биз қуйидагича талқин қиласмиз: “Маркетинг менежерларга маркетинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ечимини топиш ҳисобига бозор имкониятларидан самарали фойдаланиш учун объектив равиша амалга оширилаётган ўлчаш, тўплаш, таҳлил ва ахборотни тарқатиш жараёнинг маркетинг тадқиқотлари” дейилади. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф, биринчи навбатда, маркетинг масалалари билан шуғулланаётган

мутахассислар учун, шу сабабдан, ушбу фанни ўзлаштирувчи бакалавриат ва магистратура талабаларига ёрдам беради, деган умиддамиз. Уларнинг ўрнини нафақат маркетинг тадқиқотларини ўтказишида, балки барча иқтисодиётимизда тутганлигига алоҳида ургу берамиз ва кейинчалик ҳам инсон омилига эътиборни каратамиз.

Инсон қаерда ишламасин, ҳаётда нима билан машғул бўлмасин, доимий равиша маиший эҳтиёжларини қондириш борасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш зарурати билан тўқнашади. Айниқса, бозор муносабатлари ривожлана борган сари, зарурий товар ёки хизмат ахтаришимиз ва танлашимиз, маҳсулотлар тавсифларини такъослаш таҳлилини ўтказиш, нарх-наво мониторингини олиб бориш заруратини сезамиз.

Шундай қилиб, маркетинг тадқиқотлари доимий равиша ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва шулар ижросида қарор қабул қилиш тушунилади. Ушбу натижавий ва тўғри қабул қилинган қарорлар корхонанинг истиқболига жуда катта таъсир кўрсатади.

1.2. Маркетинг тадқиқотлари таснифи

Маркетинг тадқиқотларининг турлари ва уларнинг таснифи ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур жараённинг кўлами жуда кенг. Маълум мақсадларга кўра маркетинг тадқиқотларини қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

➤ Разведка тадқиқотлари – бундай тадқиқотларнинг асосий мақсади – маркетинг фаолиятини кенг кўллашда ишлатилиб, гоялар генерацияси ва дастлабки ахборотлар тўплами, гипотезаларни келтириш ва муаммоларни чуқурроқ ўрганиш учун фойдаланилади.

Разведкали тадқиқотларнинг усуулларига қуидагилар киради:

- ❖ Иккиласмчи ахборотларни таҳлили;
- ❖ Тажрибани ўрганиш;
- ❖ Конкремт вазиятлар таҳлили;

⁸ Тюрин Д.В. Маркетинговые исследования: учебник. – М.: “Юрайт”, 2013. – 15.6.

❖ Фокус – гурух ишларидир.

➤ Ёзувли тадқиқотлар – гипотеза орқали ишлаб чиқилган маълум бир воқеанинг пайдо бўлиш частотасига қараб ишлатилади. Ёзувли тадқиқотларда: Ким?, Нима, Қаерда?, Қачон? ва Қандай? саволларига жавоб олинади.

Ёзувли тадқиқотларнинг асосий усуллари:

- ❖ Иккиламчи ахборотларни таҳлили;
- ❖ Кузатув;
- ❖ Сўровлар;
- ❖ Тажрибалар.

➤ Казуаль тадқиқотлар. У ёки бу ҳодисага сабаб –оқибат орқали боғланиш тадқиқотларига айтилади. Ушбу тадқиқотлар давомида Нимага? деган саволга жавоб оламиз ва ишчи гипотезасини текширишга ёрдам беради.

Казуаль тадқиқотлар усулига куйидагилар киради:

- ❖ Мантиқан – маъновий моделлаштириш;
- ❖ Математик моделлаштириш;
- ❖ Тажрибалар.

➤ Тажрибали. (эксперименталь). Ушбу тадқиқот тури юкорида таъкидланган бўлсада, у тадқиқ қилинаётган бир хил турдаги гурухларнинг ҳар хил турдаги ўзгаришлардаги қарашлар ўрганилади. Бунда бирламчи ахборотлардан фойдаланилади.

Тажрибанинг асосий усуллари куйидагилар:

- ❖ лаборатория шароитида;
- ❖ дала тадқиқотларида.

Ундан ташқари, маркетинг тадқиқотлари бир неча турларга таснифланади. Масалан, вакти-вақти билан ўтказиладиган тадқиқотларга:

- Бир марталик – бир маротаба ўтказилади;
- “тўлқинли” - тўлқинлар ўртасида одатда бир хил вақтда ўтказилади;
- Бевосита – узоқ вақт ичida доимий ўтказиладиган тадқиқотлар.



Шунингдек, маълум мақсадларга кўра маркетинг тадқиқотлари бир қанча ўйналишларда амалга оширилади:

- бозорни тадқиқ қиласди;
- истеъмолни ва истеъмолчиларни тадқиқ қиласди;
- ишлаб чиқараётган товар (хизмати)ни тадқиқ қиласди;
- товар (хизмат)нинг баҳосини тадқиқ қиласди;
- рақобатдош корхоналарни тадқиқ қиласди.

Ушбу ўйналишларнинг ҳаммасида маркетинг тадқиқоти ўтказилади ва мазкур жараёнда унинг турли хилларидан фойдаланилади. Бирок шундай турлари борки, улар нисбатан умумий ва барча жараёнда иштирок этиши мумкин. Буларга қуидагидарни киритиш мумкин (1.1-жадвал).

Маркетинг тадқиқотининг мазкур турлари хўжалик юритувчи субъектлар маркетологлари томонидан амалга оширилади. Шу туфайли маркетологлар қандай даражадаги корхона бўлмасин тадқиқот элементларини ва уни ўтказиш усулларини яхши билишлари лозим. Чунки юкори самарадорликни таъминлаш ва бозорда ўз ўрни ва аҳоли ўртасида нуфузини мустаҳкамлаб бориши учун мазкур корхонадаги мутахассислар ушбу талабларга жавоб берадиган бўлишлари керак.

1.1-жадвал

Маркетинг тадқиқотлари айрим белгилари бўйича таснифи⁹

Таснифий белгилар	Тадқиқотларнинг турлари
Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усули бўйича	Кабинет тадқиқотлари
Тадқиқотнинг мақсади бўйича	Дала тадқиқотлари
Ахборотларни тўплаш характери бўйича	Кидирув тадқиқотлари Ёзib борувчи тадқиқотлар Таҳлил қилувчи тадқиқотлар
	Миқдорий тадқиқотлар Сифат тадқиқотлар

⁹ Герасимов, Б.И. Маркетинговые исследования рынка: Учебное пособие / Б.И. Герасимов, Н.Н. Мозгов. - М.: Форум, 2013. - 336 с.

Маркетинг тадқиқотлари турининг ҳар бирі бүйіча қисқача тавсифини көлтириш учун ҳар бир турининг мазмуні билан танишиш, улардан қай даражада фойдаланиш учун имконият беради. Чунки ҳар бир тадқиқот тури маълум бир турдаги корхоналарга мўлжалланиши мумкин. Чунки корхоналар турлари кўп бўлганлиги учун, баъзи корхоналарга бир маротабалик тадқиқотларнинг ўзи ҳам етади, баъзиларга эса доимий тарзда тадқиқотлар ўтказилиши тавсия этилади. Шу мақсадда ҳар бирининг қисқача тавсифини көлтирамиз (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Маркетинг тадқиқотлари турлари ва уларнинг тавсифи¹⁰

Маркетинг тадқиқотларининг турлари	Маркетинг тадқиқотларининг мазмуни
Кабинет тадқиқотлари	Тайёр ҳолдаги иккиламчи маълумотлар (нашр қилинган, олдиндан ҳисобот ва бошқа шаклларда тайёрланган) асосида кабинетда ўтказиладиган тадқиқотлар.
Дала тадқиқотлари	Ҳамиша иккиламчи маълумотлар тадқиқотлар учун етарли бўлмаганда турли сўровлар, кузатишлар, анкеталар ва тажрибалар ёрдамида бирламчи маълумотларни тўплаш.
Қидирув тадқиқотлари	Муаммога чуқур кириб бориш ва уни ҳал қилишининг мукаммал йўлларини ишлаб чиқиш мақсадида тегишли маълумотларни ва гояларни тўплаш.
Ёзиб борилувчи тадқиқотлар	Бевосита бозорда содир бўладиган ҳодисаларни ёзиб бориш асосида вазиятни ўрганиш ва уларни тизимлаштириш орқали тегишли стратегияни ишлаб чиқиши.
Таҳлилий тадқиқотлар	Натижанинг ижобий ёки салбий ҳолати нималар эвазига содир бўлганлигини тегишли далиллар асосида чуқур ўрганиш.
Миқдорий тадқиқотлар	Турли таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда ким, қаерда, қачон ва қанча деган саволларга жавоб топиш учун килиниши.
Сифат тадқиқотлари	Турли таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда нима, қандай, нима учун деган саволларга жавоб сифатий баҳолаш мақсадида чуқур таҳлилий ишларни амалга ошириш.

¹⁰ Карапев, А.П. Маркетинговые исследования и ситуационный анализ: Учебник и практикум / А.П. Карапев. - Люберцы: Юрайт, 2016. - 323 с.

Ушбу ҳолатлар маркетинг соҳасининг шу кирраси бўйича батафсил хулоса чиқариш учун асос бўлади. Чунки уларнинг ҳар бир тури тегишли тарзда тадқиқ қилинади. Бундай ҳолатда бемалол маркетинг тадқиқоти натижаси асосида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин.

1.3. Маркетинг тадқиқотлари жараёни ва йўналишлари

Бугунги кунга келиб, реал сектор корхоналари фаолиятида маркетинг тадқиқотларини жорий қилишдан кўзланган асосий мақсад, ишлаб чиқариш ривожининг янги ҳамда замонавий шаклга келтиришга, истеъмолчиларнинг хулқ-атвори, диди, рақобатчилар ва бозор конъюнктурасини ўрганишга қаратилган амалий изланишларнинг асосий йўналишларидан биридир.

Корхоналар томонидан маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш жараёнида қўйилған мақсадларни амалга ошириш юзага келган вазият сабабларини аниқлаш ва тушунтириб бериш бўйича ҳаракатлар кенг доирасини ҳал қилиш, шунингдек, фирманинг ракобат устунликларини таъминлашга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар таклиф қилишга имкон беради. Бу борада маркетинг тадқиқотларига бўлган вазифаларни кўриб чиқамиз. (1.3 – расм).

- 1 • харидорлар (истеъмолчилар) эҳтиёжини ўрганиш
- 2 • товарларга бўлган ички ва ташкил талабларни ўрганиш
- 3 • корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш
- 4 • талаб ва таклиф тўғрисидаги олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш
- 5 • товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишига кизиқишни ошириш
- 6 • товар яратувчи ёки уни сотовучи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш ва тахдил килиш
- 7 • товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш
- 8 • тўлдирувчи товарлар ва ўрнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиши
- 9 • товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат килиш

1.3-расм. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда қўйиладиган вазифалар¹¹

Реал сектор корхоналарида маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланди, ҳамда унинг мақсади нихоятда кенг ва мураккаб масалаларни хал килишга қаратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган ҳолда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир.

Маркетинг фаолияти кўлами жиҳатидан жуда кенг ва мураккаб жараён. Ушбу жараённинг жуда кўп йўналишлари мавжуд. Унинг асосий йўналишларидан бири ички маркетингдир. Бу битта мамлакат ичидаги амалга ошириладиган маркетинг бўлиб ҳисобланади. Унинг ҳам иккита тури мавжуд: маҳаллий ва бутун мамлакат миқёсида. Бунда маркетинг тадқиқотлари шу доирада олиб борилади.

Иккинчи йўналиш бу ҳалқаро маркетинг бўлиб ҳисобланади. Бунда компания ишлаб чиқарилган маҳсулотини (хизматини) экспорт қилиш орқали

амалга оширади. Бунда товарни сотиш маркетинги билан бевосита товарни сотиб олган мамлакат сотовчилари шуғулланади.

Учинчи йўналиш интеграциялашган маркетинг бўлиб ҳисобланади. Бунда бир мамлакат фирмаси (корхонаси, компанияси) бошқа мамлакатлarda ўзларининг филиалларини, савдо уйларини очиб бошқа мамлакатлarda ўзлари сотишини амалга оширади. Бунга кўпинча трансмиллий компанияларни мисол келтириш мумкин.

Тўртинчи йўналиш глобал маркетинг бўлиб ҳисобланади. Бунда нафақат компаниянинг маҳсулоти (хизмати) иштирок этади, балки иш кучи ва капитал ҳам биргаликда олиб борилади. Бунда ушбу бойликларнинг бутун дунё бўйлаб сотилиши амалга оширилади. Мос равища, маркетинг ҳам факат товар (хизмат) билан чекланиб қолмасдан иш кучи ва капитал ҳаракати билан ҳам шуғулланади.

Ушбу йўналишларнинг ҳаммаси пировардида маркетинг тадқиқотлари обьекти бўлиб ҳисобланади. Бунда маркетингнинг асосий куроли ахборот бўлиб ҳисобланади. Маркетинг мос равища шу ахборотларга асосан истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида товар (хизмат)лар орқали уларнинг олди-сотди муносабатларини ўрнатади.

Юқорида таъкидланганидек, замонавий компаниялар товарларини битта худуд ёки битта мамлакат доирасида эмас, балки ҳалкаро миқёсда, имкони бўлса глобал масштабда сотишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун эса, маркетологлар бозорни муттасил ўрганиб бориши лозим.

Шунингдек, маркетинг тадқиқотлари асосий йўналишларининг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, буларни тадқик қилганда ушбу жараённинг ҳамма йўналишлари бўйича самарадорлигини инобатга олишни тақозо қиласди. Бу

¹¹ Манба: Ўрганилган адабиётларга асосан муаллифлар томонидан тузилди.

йўналишлар сотувчининг ҳам, олувчининг ҳам манфаатларига зид бўлмаслигини тақозо қилади.

Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда барча йўналишлар каби, уларни кўйидаги йўналишлар бўйича ўрганиш лозим бўлади. Буларга реклама, сотиш жараёни, сотувчининг масъулияти, харидорлининг ижтимоий-иктисодий ахволи, товарнинг хусусиятлари, товарнинг сотилиш жараёни ва унда бозорнинг ахволини инобатга олиш кабиларни киритиш мумкин. Бозор иктисодиёти шароитида маркетинг тадқиқотлари кенг доирадаги субъект ва обьектларни ўз ичига камраб олади. Маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари тури – туман бўлиб, 100 дан ортиқ турини кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишлари кўйидаги жадвалда келтирилган (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари бўйича таснифланиши

т/р	Тадқиқотлар йўналиши (объект)	Тадқиқот саволлари
1.	Бозор	<ul style="list-style-type: none"> Конъюнктура Таркиби, географик жиҳатлар Мақсадли бозорни танлаш Бозор хажмини прогнозлаш
2.	Товар	<ul style="list-style-type: none"> Ассортимент сиёсати Позициялаш (ўрнини белгилаш) Сифат Рақобатбардошлиқ Товар – аналог ва рақобатчи товарларнинг истеъмол хусусиятлари Товарнинг ташқи кўриниши, дизайни, маркалаш, сервис даражасининг замонавий бозор талабларига мувофиқ бўлиши Янги товарлар ғоясини тўплаш Товар харакатининг тури тизимларини солиштириш Товар ишлаб чиқарувчилар, воситачилар, бўлажак истеъмолчилар, савдогарлар, рақобатчилар, бўлажак истеъмолчилар ўрни.

3.	Истеъмолчилар	<ul style="list-style-type: none"> Товар билан таъминланганлик даражаси Истеъмол таркиби ва тенденцияси Товарни танлаш ва харид этишга таъсир этувчи асосий омиллари
4.	Рақобатчилар	<ul style="list-style-type: none"> Потенциал (бўлажак) рақобатчиларни аниқлаш Рақобатчиларнинг бозор улушини эгаллаши Рақобатчиларнинг моддий ва молиявий имкониятларини аниқлаш Рақобатчиларнинг кучли ва заиф томонлари
5.	Нархлар	<ul style="list-style-type: none"> Нархга нисбатан истеъмолчиларнинг муносабати Товарлар нархи ва талаб ўртасидаги боғлиқлик Нарх хажмига таъсир этувчи омиллар Товарнинг ҳаётгий циклининг тури боскичларига нарх сиёсатини башорат қилиш
6.	Коммуникатив алоқалар	<ul style="list-style-type: none"> Рекламанинг холати, ривожланиши ва самарадорлиги Товар маҳсулотига талабни шакллантириш Сотувни рағбатлантириш услуг ва усуллари Шахсий сотуввларни ташкил этиш ва олиб бориш Жамият билан алоқани ташкил этиш ва амалга ошириш
7.	Савдони ташкил этиш	<ul style="list-style-type: none"> Мақсадли бозор Бозор сигими Савдо шакллари Савдо услублари ва усуллари Савдо корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар Товар сотувининг омбор ва транзит шакллари ўртасидаги муносабат.
8.	Воситачилар	<ul style="list-style-type: none"> Савдо корхоналари фаолияти хақида истеъмолчилар ва воситачилар фикри Кредитнинг лизинг, муддатга белгиланган ва бошқа шакллари Савдо воситачилари ва агентлари ва хоказолар.

Бугунги кунда барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва шу билан бирга бошқа соҳа ходимлари ҳам маркетинг нуқтаи назаридан фикрлай олишлари ва ундан самарали фойдаланишлари лозим. Шу ўринда ушбу йўналишлардан фойдаланиш соҳасида маркетинг элементларидан кенг фойдаланишни кўзда тутиш лозим. Масалан, маркетинг воситаларини оламиз.

Маркетинг-микс 4Р аҳамияти. Маркетинг тизимида қўйилган мақсадга эришиш учун харидорлар ва бошқа субъектларга таъсир этиш учун маркетинг

воситалари, яъни маркетинг усуллари йифиндиси, услуглари зарурдир. Шундай воситалардан маркетинг-микс, маркетинг комплекси ҳисобланади. Буларни маркетинг назариясига 1964 йилда биринчи бўлиб Гарвард бизнес мактаби профессори Борден киритган. Маркетологлар тайёрлаш тизимида маркетинг комплекси 4 “Р” деб номланиб, бу модел Маккарти томонидан 1960 йилда таклиф этилган. Ушбу моделда маркетингнинг тўртта асосий элементлари ажратиб кўрсатилган: товар (product), нарх (price), сотиш (place), реклама-рагатлантириш (promotion).

Маркетинг фаолиятида эҳтиёж ва муҳтожликни айирбошлиш орқали қондириш жараёнида албатта инсон иштирок этади. Шунинг учун юкорида кўрсатиб ўтилган маркетинг элементлари таркибига 5 “Р” хам киритилиб, у кишилар (people) эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгандир.

1968 йилда Ф.Котлер маркетинг-микс элементлари таркибига паблик-рилейшнз (public relations) ва сиёсатни (politics) кўшиб, олдинги 4 “Р” ни 6“Р” га кенгайтириб кўрсатди.

4“Р” моделини кўлланишини чекланганигига қарамасдан, маркетинг назариясини шаклланиши ва амалиётини ривожланишида илгор роль ўйнайди.

Маркетинг-микс кенг кўлланадиган шаклда 4 та маркетинг субмиксини ўз ичига олади. Булар қўйидагилар: товар микси, шартнома микси, коммуникатив микс, тақсимот микси. Товар микси товар сиёсатини шакллантиради, товар билан боғлик бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу чора-тадбирлар: дизайн, уни безатилиши, маҳсулот сифати, ўрови, харидорлрга хизмат кўрсатиш, кафолат хизмати сиёсати, товар диверсификацияси, ассортимент сиёсати ва ҳоказо.

1.4. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг аҳамияти
Ўзбекистон бозорида иштирок этаётган йирик корхоналарнинг маркетинг бўйимлари ҳамда маркетинг тадқиқотларини ўтказишга ихтисослашган

ташкилотлар амалиётдаги мавжуд маълумотларни тўплаш уларни қайта ишлаш ва бошқарув ёки маркетинг қарорини қабул қилишга чегараланган восита ва услуглардан, маълум ҳолатда статистика аппаратидан фойдаланилмаган ҳолда амалга оширилиб келинмоқда. Бундай ҳолат оқилона қарор қабул қилиш муддатини чўзиш ва ракобат бозорида мувоффақиятсизликка олиб келади. Маълумки статистика таҳлили маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик ва конуниятларни очиб беришга, уларнинг ўзаро назаридан унумли фойдаланиш имкониятини яратади.

Таҳлилларни статистик услублар ёрдамида мувоффакиятли амалга ошириш ўзгарувчанлар ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги гипотеза (таҳлили)ни исботлаб бериш ушбу алоқаларга баҳо бериш, истеъмолчига таъсир кўрсатувчи маҳсулот ёки хизматнинг маълум тарафларини ўрганиш, истеъмолчиларни сегментларга тақсимлаш, бозор конъюнктурасини ўрганишни истиқболини белгилаш имкониятини хосил қиласди.

Маркетинг борасида қарор қабул қилишни қувватловчи куйи тизимга эга бўлган заруратнинг келгусида ҳам ортиб бориши табиийдир. Чунки ахборот кўлами ва миқдорининг ниҳоят кўплиги ва уни бошқаришга сарфланадиган вақтни тежаш мухим аҳамиятга эга. Статистик ва математик моделлар балки воситасида эса ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилишда нисбатан кам ҳатога йўл қўйилади ҳамда жараён тезлашади.

Маркетинг тадқиқотларида кўлланиладиган статистик таҳлилни ўрганишга фан сифатида ёндошмоқ лозим. Бу фаннинг обьекти маркетинг жараёнларини тадқиқ қилишдан иборатдир. Ушбу ўрганилаётган обьектни мураккаб иқтисодий жараёнлар мажмуасидан иборат деб баҳолаб, уларнинг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқликларидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда барча жиҳатларини тартибга солган ҳолда яхлит хуносага келишни тақозо қиласди. Мазкур жараёнда амалга ошириладиган амаллар

маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг системали (тизимли) ёндашиш методологиясини ташкил қиласи.

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асосларини ўрганиш учун, унда кўлланиладиган фалсафий категорияларнинг қисқача мазмунига шу фан нуктаи назаридан қарашни тақозо қиласи. Чунки фалсафий категориялар жамият ва табиатда содир бўладиган ўзгариш ва жараёнларни ўрганишда қўлланилади. Маркетинг тадқиқотлари ҳам жамиятда содир бўлган ва бўладиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлик иқтисодий-ижтимоий жараёнларни ўз ичига олади. Буларни ракамларда ифодалаб, статистик ва таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш масаласи ўта долзарб ва муҳим бўлиб ҳисобланади. Энди маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил методологияси таснифи ва тавсифига эътиборни қаратамиз. Ушбу категорияларнинг йўналишларини куйидаги жадвалдаги сингари ифодалаш мумкин (1.4-жадвал).



1.4-жадвал

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил методологиясининг таснифи ва тавсифи

Фалсафий категориялар	Фалсафий категорияларнинг мазмуни
1. Индуksия ва дедукция	
Индуksия	Хусусийликдан умумийликга, омиллардан натижага қараб ўрганиш тушунилади.
Дедукция	Умумийликдан хусусийликга, натижадан омилга қараб ўрганиш тушунилади.
2. Макон ва замон	
Макон	Корхоналар, фирмалар каби хўжалик юритувчи субъектлардан ва маркетинг, менежмент, бошқарув каби жараёнлардан иборат
Замон	Таҳлил қилинадиган даврлар (ой, чорак, ярим йиллик ва йиллик)
Анализ ва синтез (Таҳлил ва умумлаштириш)	
Таҳлил (анализ)	Ҳисобот йилининг натижаси чораклари, ойлари бўйича ўрганилса, корхона фаолиятини алоҳида бўлинмалари бўйича ўрганиш таҳлилини ташкил қиласи. Таҳлилда умумийни бўлакларга бўлиб ўрганиш тушунилади.

Умумлаштириш (синтез)	Ҳисобот йилининг умумий натижасини алоҳида чорак ва ойларини таҳлил қилиб умумлаштириш бўйича ўрганилса, корхонанинг умумий натижасини алоҳида бўлинмалари бўйича ўрганиб умумлаштирилади.
Сабаб	Таҳлилда омиллардан иборат, деб қабул килинган. Масалан, маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ходимлар сони, меҳнат унумдорлиги, иш вакти, кабилар таъсир қиласи. Булар маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига сабаблардир.
Оқибат	Натижа, яъни маҳсулот ҳажми. Омиллар таъсирида оқибати яхши ёки ёмон бўлиши мумкин.
Шакл ва мазмун	
Шакл	Маҳсулот турни. Масалан нон маҳсулоти.
Мазмун	Унинг сифати, тарқиби, яъни уннинг навлар бўйича турлари (олий, биринчи, иккинчи ва х.к.) ва хомашё тарқиби бўйича турлари (буғдой нони, арпа нони, маккажӯҳори нони кабилар).
Миқдор	Иқтисодий кўрсаткичлардан Фойда. Ҳажм кўрсаткичларидан стиштирилган ялпи пахта.
Сифат	Иқтисодий сифат кўрсаткичларидан бири рентабеллик. Пахтадан толанинг чиқиши кабиларни мисол келтириш мумкин.

Энди мазкур таснифларнинг ҳар бирини назарий ва методологик жиҳатдан қараб чиқиш ушбу фаннинг мазмунини тўлиқ очиб бериш имконини беради. Чунки маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилни амалга оширишда юкоридаги барча категориялардан тўлиқ фойдаланишга тўғри келади.

Индуksия ва дедукция категориялари маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг муҳим методологик асослари сифатида намоён бўлади.

Ушбу категориялар маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг кетма-кетлигини таъминлайди. Масалан, индуksия деганда ўрганилаётган объектнинг хусусийликдан умумийликка қараб ўрганилиши тушунилади. Бунга мисол қилиб сотилган товарлар ҳажмининг таҳлилини олиш мумкин. Унга вакт нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак уни бир соатда қанча сотилган, бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир чораклик, ярим йиллик, тўққиз ойлик, бир йиллик обороти қандай бўлганилигининг даражасигача умумлаштириш мумкин. Ёки айнан ушбу кўрсаткичини макон нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак,

олдин бир кишининг сотган маҳсулотини, бир бўлинманикни ва бутун меҳнат жамоасининг умумий сотган маҳсулоти миқдоригача ўрганиш мумкин.

Дедукция методида таҳлил қилинаётган обьект умумийликдан хусусийлик сари, яъни умумий қўрсаткичлардан хусусий (кичик) қўрсаткичларга қараб ўрганиш тушунилади. Бу усулга мисол қилиб бирлашмада маркетингни яхши йўлга қўйиш натижасида олинган фойда режасининг бажарилишини олиш мумкин. Ушбу қўрсаткич олдин бутун бирлашма бўйича ўрганилади, сўнгра унинг алоҳида корхоналари (фирмалари) бўйича, уларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича кетма-кетликда ўрганилиб, умумий натижага қайси бугин ва бўлинмаларнинг ижобий ёки салбий таъсир қилганлиги тўғрисида хуласа қилинади.

Макон ва замон категориялари ҳам маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг муҳим методологик асосларидан биридир. Зеро, барча иктисадий жараёнлар маконда (хўжалик юритувчи субъектда) маълум бир замон доирасида (бир давр, вақт мобайнida) содир бўлади. Шу туфайли замоннинг ўтиши билан макондаги натижа ўзгаради ва унинг тескариси, яъни маконнинг ўзгариши билан замон ўтгандан кейин натижа бошқача бўлиши мумкин.

Масалан, маконга корхоналарни, иш жойларини, фирма каби хўжалик юритувчи субъектларни мисол келтириш мумкин. Булар таҳлиlinинг обьекти. Замон деганда эса, уларнинг маълум бир ҳисобот даври тушунилади. Маконда содир бўлган жараёнлар маълум бир ҳисобот даври (замон) ўтгач жамланади ва умумлаштирилади. Бу ҳам шу ҳисобот даврини таҳлил қилиш учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Макон ва замон ўртасидаги ҳамда уларнинг амалиёт билан боғлиқлигини ифодалаш учун одатда корхонада содир бўлган маркетинг жараёнлари натижасини маълум даврлар бўйича динамикада ўрганиш орқали эришиш мумкин.

Анализ ва синтез, яъни таҳлил ва умумлаштириш категорияси ҳам маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асосларидан

бири ҳисобланади. Таҳлил деганда бир бутун яхлит предметни алоҳида бўлакларга бўлиб ўрганиш тушунилади. Умумлаштириш (синтез) эса ўрганилаётган обьект тўғрисида яхлит хуласага келиш учун фойдаланилади. Унда обьектнинг барча бўлаклари бўйича таҳлил натижасида қилинган хуласалар асосида умумлаштирилади.

Ўрганилаётган обьект ёки иктисадий жараён ҳақида яхлит ва аник хуласага келиши учун у таҳлил қилинади ва барча хуласалар умумлаштирилади. Таҳлил бор жода умумлаштириш, умумлаштириш учун эса таҳлил қилиш лозим. Шу туфайли ушбу категориялар бир-бири билан узвий боғлиқлика қаралади. Бундан маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилни амалга оширишда ҳам бевосита фойдаланилади.


Сабаб ва оқибат категорияси ҳам фалсафий категориялардан бири бўлиб, бевосита маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асоси сифатида ҳам намоён бўлади. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда натижа ва омиллар тушунчаси мавжуд. Иктисадий фаолият натижасини ифода этган бирорта қўрсаткич натижа қўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Буни фалсафий жиҳатдан карайдиган бўлсак оқибатdir. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бир қанча сабаблар бор. Бу сабабларни маркетинг тадқиқотлари статистик таҳлилида омиллар деб қаралади.

Сабаб орқали оқибат юзага келади. Худди шундай натижанинг ҳам шаклланишига бевосита омиллар таъсир қиласи. Ижобий сабаблар (омиллар) яхши оқибатга, шунингдек, ижобий омиллар юқори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг пасайишига олиб келади. Шу туфайли таҳлил жараёнда натижа қўрсаткичларига омиллар таъсирини батафсил ўрганишга тўғри келади.

Шакл ва мазмун категорияси ҳам бевосита иктисадиётга, хусусан, маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилга ҳам алоқадордир. Шаклнинг ўзгариши мазмун ўзгаришига, мазмуннинг ўзгариши шакл ўзгаришига олиб келади. Иктисадиётда ушбу боғлиқлик жуда ёрқин намоён бўлади. Масалан,

аёллар сумкасининг шакли чиройли ва чидамли бўлиши учун, унга қимматбаҳо материаллар, турли безаклар ишлатилади. Натижада унинг мазмуни чидамилиги, нархининг нисбатан қиматлилиги билан ўзгаради. Ёки оддий материал ўрнига сифатли материал ишлатиб унинг мазмунини бойитиш керак бўлса албатта шакли ҳам ўзгаради.

Миқдор ва сифат категорияси ҳам маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда айниқса иқтисодий жараёнлар натижасини кўрсаткичларда ифодалашда кенг қўлланилади. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади. Масалан, корхонада банд бўлган ҳодимлар сони миқдор кўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унумдорлиги сифат кўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси муҳим натижавий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан миқдор кўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат кўрсаткичидир.



1.4-расм. Маркетинг тадқиқотлар жараёнида фойдаланиладиган статистик таҳлил усуслари

Хозирги кунда маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилни ўрганишда янги услуг ва технологиялардан фойдаланиш ихтисослашган дастурий таъминотни жорий этиш, масалан, SPSS статистик дастурий мажмумани қўллашни тақозо этади.

Анкетадаги саволлар ва жавобларни кодлаштириш схемаси ишлаб чиқилади. Анкета сўровномалари ўтказган интервьюлардан олинган маълумотларни инобатга олган ҳолда тадқиқотчи анкетадаги савол ва жавоблардан кодлаштиради SPSS томонидан ўрнатилган талабларга мувофиқлаштирилади. Ўтказилаётган тадқиқот даврида маълумотлар киритилиши SPSS дастурида эмас, балки бошқа дастур асосида масалан, Микрасофт Асесени қўлланганда, маҳсуслаштирилган маълумотлар базасини шакиллантириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Мавжуд бўлган анкеталарни кодлаштириш тизимидан фойдаланган ҳолда компютерда дала ишлари ўтказиш жараённида тўлдирилган анкеталар киритилади ва SPSS форматидаги дастлабги маълумотлар базаси яратилади.

SPSS га киритилаётган маълумотлар базасини якуни шаклланган ҳолати кейинги босқичда амалга оширилиб, ўзгарувчиларга ва уларнинг моҳиятига бир хил белгilar таксимланади ҳамда олинган файллар тизимлашади. Шу билан статистик таҳлилга зарур бўлган маълумотларга файллар тайёрланиши якунланади.

1.5. Маркетинг тадқиқотларининг статистик таъминоти

Маркетинг тадқиқотларини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб статистик методологиядан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Маркетинг статистикасини умумий назарияси ва эконометрикадан кенг равишда фойдаланиб микдорларнинг абсолют, ўрта ва нисбий қиймати топилади; вариация қаторлар таҳлили, таснифлаш ва гурухлаштириш; индекс усуллари; дисперсия таҳлили; омили таҳлил; эксперт баҳолаш услуги; корреляция таҳлили; регрессия таҳлили; чизма таҳлил усуллари; кўп омилли

стратегик моделлар; динамик қатор таҳлили; казуал таҳлил усуллари ва бошқалардан кенг фойдаланилади.

Маркетинг иқтисодиётга ўхшаб кўп параметрли тизим тариқасида тасаввур қўлмоқ, уни тадқиқ қилишга кўп омилли статистик таҳлилдан фойдаланиш максадга мувофиқ. Маркетинг таҳлилини ўтказиш кўп услублари статистика услубларига таянган ҳолда амалга оширилади. Масалан, маҳсулотларни бозордаги ўрнини белгилашда статистик гурухлаштириш услублари асосида амалга оширилади. Сегментлаштириш ҳам статистик гурухлаштиришнинг тури хисобланиб, унинг натижасида истеъмолчиларнинг сифатли бир гурухга мансуб бўлганлар шаклланади. Менежмент тадқиқотларида қўйидаги статистик таҳлилнинг услубларида фойдаланилади:

1. Статистик қўрсаткичларни тузиш.

Хозирги кунда маҳсулот ёки бренднинг рақобатдошлиқ қўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш вазифаси муҳим ўрин тутади. Айниқса долзарб ва қизикарли вазифалардан бири рейтингни тузиш хисобланиб эксперталар баҳолаш орқали баллар тартибли шакллар асосида қўлланилади.

2. Структура (тузилма)нинг таҳлил этиши.

Маркетинг тадқиқотларида товар айланиш структураси, даромадни, фойдани, сарфларни, истеъмолчиларни, савдо корхоналарини ва бошқаларни таҳлили ўтказилади. Ушбу таҳлилга талаб истеъмол, сотув, товар айланишининг нотекислиги товар ёки хизматнинг ҳаёт циклининг босқичлари, уларга таъсир кўрсатувчи турли омиллар келтирилади.

3. Гурухлаштириш.

Маркетинг тадқиқотларида статистик гурухлаштириш услубидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бунга мисол тариқасида, бозорни сегментларга тақсимланишини келтиришимиз мумкин. Маркетингда сегментлаштириш асосан истеъмолчиларнинг тавсифи ҳамда маҳсулот хизматнинг хусусияти бўйича амалга оширилади.

4. Таснифлаш.

Статистикада қабул қилиниши бўйича таснифлаш объектларни маълум бир синфга мансублигини кўрсатади. Товар ёки хизматнинг кўп даражали, иерархик таснифланиши ассортимент ёки хилма – хиллик даражасини ифодалайди. Амалда таснифлаш истеъмолчиларнинг тавсифига қараб сегментлаштиришнинг бир хиллиги ва якунловчи босқичини акс этади. Маркетингда ушбу усул сегментацияси тариқасида қабул қилинган.

5. Танловни ўтказиш.

Маркетинг тадқиқотларида маркетинг муҳити ҳолатини ўрганиш жараёнидаги бирламчи маълумотларни қўллашда танлов услуги мухим ўрин эгаллайди. Танлов кузатув объектлари тариқасида ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, рақобатчилар ва бошқалар қабул қилинган. Танлов услугини қўллашнинг бир йўналишларидан бири истеъмол фанини ёки фокус гурухларга кирувчи зарурий респондентлар микдорини ҳисоблаш ҳисобланади.

6. Ўзаро боғлиқликни таҳлил этиш.

Маркетинг тадқиқотлари жумладан казуал таҳлилини ўтказишда кенг фойдаланилиб даражали корреляция услублар асосида респондентларнинг солиширма таҳлили амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг тавсифларини истеъмол танловига таъсир кўрсатишни таҳлилида кенг фойдаланилади, ушбу маълумотлар асосида таъсир кўрсатиш ва дисперсия таҳлили амалга оширилади.

7. Кўп ўлчамли таҳлил услублари ва кўп ўлчамли маълумотларни кўрсатиш.

Кўп ўлчамли таҳлил услублари маркетинг тадқиқотларининг замонавий вазифаларида бўлиш товар сиёсатини ишлаб чиқишига хизмат қиласди. Кўп ўлчамли маълумотларни кўрсатиш рақобат ўрнини белгилаш ва истеъмолчиларни сегментлантиришда фойдаланилади. Маҳсулот хизматининг бозордаги рақобатдошлигини таҳлил қилганда товарни ўрин эгаллаш

харитасидан фойдаланилади. Ушбу харита белгилар масофани, ҳажмини камайтириш натижасида шаклланади.

8. Вариация қаторларини таҳлили.

Вариация қаторлари – рақобатдошлик даражасини ҳисоблаш, истеъмолчининг ва турли истеъмолчиларга сотувнинг нотекислигини таҳлил этишини асоси ҳисобланади. АБС – таҳлилини ўтказиш функционал қиймат таҳлилини амалга оширишда ушбу услуг кенг фойдаланилади.

9. Динамика ва прогнозлаштириш таҳлили.

Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда индекс услуби, прогрессия таҳлили, ўсиш темпларини таҳлил этишга ўхшаган услублардан кенг фойдаланилади. Динамика деганда нафақат ўсиш балки пасайиш ҳолати ҳам акс этади. Ҳозирги кунда бозор жараёнлари динамиканинг моделлаштириш ёки истеъмолчилар томонидан товарни ман этиш жараёнини ўрганиш мухим ўрин эгаллайди.

10. Маркетинг ва статистика.

Статистика методологияси ва маркетинг вазифалари алоҳида маркетинг – статистика шаклланиб маркетинг тадқиқотларини вазифасини ечим топишига йўналтирилган амалий статистика бўлиши тариқасида хизмат қиласди. Тавсия килинаётган ўкув қўлланманинг ҳам асосий вазифаси тариқасида маркетинг тадқиқотларида статистик услублардан унумли фойдаланиш бўлиб хизмат қилса, ўқувчи томонидан математика моделлаштириш ҳамда маркетинг фанларини чуқур ўрганишни тақазо қиласди. Маркетинг тадқиқотлари маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тортиб то бозорга чиқиб кетгунга қадар босқичларни ўрганиш ва ундаги устунлик ва муаммоларни ажратиш бўлажак стратегик режаларни ишлаб чиқариш ва уни амалда тадбиқ этишдан иборат. Бу борода маҳсулот статистикаси куйидаги вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилган бўлинмалардан иборат:

1. Маҳсулотни абсолют ва нисбий баҳолаш;
2. Товарнинг хилма – хиллигини таҳлили;
3. Маҳсулотни ишлаб чиқиш;

4. Товар бүйича маркетинг қарорини қабул қилишга таъсир этувчи омиллар ва шароитлар таҳлили;

5. Истеъмолчилар ҳулқи ва улар талабларининг таҳлили;

6. Махсулот ёки корхонанинг бозордаги ўрнини таҳлили;

Ўқув жараённида статистика, статистика назарияси, иқтисодий таҳлил, менежмент тадқиқотлари, маркетингни бошқарувга ўхшаган фанлар ўзаро кам боғланган. Ваҳолангки замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чексиз бўлган маълумотларни зарурятини танлаб олиш, уларни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш учун барча фанлардан олинган билимлардан фойдаланиш мухим ўрин тутади.

Ушбу бобда маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг айрим методологик асосларига тўхтадик. Фалсафий категориялар ҳаёт иникоси. Иқтисодий жараёнлар эса ижтимоий ҳаётнинг бир бўлгадидир. Шу туфайли иқтисодий жараёнларни ўрганишга боғишлиган маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил ҳам шу фалсафий категорияларга тўлиқ асосланади.

Қисқа хулосалар

Ушбу бобда биз маркетинг тадқиқотлари тушунчаси моҳияти ва йўналишлари, маркетинг тадқиқотлари олдига кўйган вазифалар ҳакида батафсил гапириб ўтдик. Маркетинг тадқиқоти маркетингнинг ахборот эҳтиёжларини кондириши кўзда тутилган тадқиқотчилик фаолияти турини ифодалайди. Маркетингнинг асосий талабларидан бири бозор «шаффоғлиги» ва унинг ривожланишини «солдиндан айтиб бериш мумкинлиги»ни таъминлаш ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқоти – маркетингнинг ахборот-таҳлилий эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилган ҳар қандай тадқиқотчилик фолияти эканига амин бўлдик.

Шунингдек, маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асосларини ўрганиш учун, унда қўлланиладиган фалсафий категорияларнинг қисқача мазмунига шу фан нуқтаи назаридан қарашлар ҳакида тушунчалар бериб ўтдик.

Таянч иборалар: Маркетинг, эҳтиёж, истеъмол, талаб, таклиф, харидор, истеъмолчи, сотовчи, айирбошлиш, бозор, товар, хизмат, ахборот, услуг, маркетинг тадқиқотлари, МТСТ фани предмети, МТСТ фани методи, МТСТ фани обьекти, МТСТ фани мақсади, статистика, статистик таҳлиллар, статистик усуслар, маркетинг қарорлари, маълумотни аниклаштириш, тўплаш, таҳлил этиш, тарқатиш ва фойдаланиш.

Назорат саволлари

1. Маркетинг тадқиқотлари деганда нимани тушунасиз?
2. Маркетинг тадқиқотлари турларига қандай усуслар киради?
3. Ёзувлар тадқиқотларга нималар киради?
4. Казуаль тадқиқотлар усусларига қандай ахборот тўплаш усуслари киради?
5. Маркетинг тадқиқотларининг айрим белгилари бўйича қандай тавсифланади?
6. Дала тадқиқотларининг тавсифини айтиб беринг.
7. Миқдорий ва сифат тадқиқотлари ўртасидаги фаркни аниклаб беринг.
8. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари бўйича қандай тавсифланади?
9. Маркетинг тадқиқотларида статистиканинг роли ва аҳамияти нималардан иборат?
10. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асослари нималардан иборат?

2-боб. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МУАММОСИНІ АНИҚЛАШ ВА УНИ ЎТКАЗИШГА ЁНДАШУВЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

2.1. Маркетинг тадқиқотлари муаммосині аниқлашнинг аҳамияти

Маркетинг тадқиқотларини самарали ўтказиш учун муаммони аниқ ва тўғри белгиланиши лозим. Маркетинг тадқиқотларининг муаммосини аниқланиши барча фаолиятни тўғри юритилишига, лойиҳани амалга оширилишига асос бўлиб хисобланади. Тиббиёт соҳасида касални олдини олиш ёки уни даволашда ташхис кўйиш қанчалик мухим ўрин тутса, маркетинг тадқиқотларида унинг муаммосини аниқланиши шундай рол ўйнайди. Агар муаммо нотўғри тушунилса ёки аниқланса унда вақт ва маблаг самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин. Муаммони аниқлаш тадқиқотлари ва муаммони ҳал этиш тадқиқотлари мазмунан ва методологик нуқтаи назардан ҳар хил вазифаларни қаратилган бўлсада, иккаласини жамласа бўлади. Масалан, хорижий компаниялар тажрибасида (“Scott Paper” компанияси) бозордаги улушини камайишини тадқиқот қилинганда, унинг асосида ракобат кучайтганлиги (муаммони аниқланиши) аниқланди ва ракобатчилар билан курашиб учун бозорга янги товарлар чиқариш зарурлиги ҳакида қарор қабул қилишган (муаммо ечими).

Муаммони аниқлаш учун МТ (problem identification research)

Хозирги ёки келажакда мавжуд бўлиши мумкин аниқ бўлмаган муаммони мувофиқлаштиришга ёрдам беришда фойдаланилади.



Бозор муносабатлари шароитида кутилмаган вазиятлардан кам сарф билан чиқиб кетиши тадбиркорлик фаолиятида мухим муаммолардан бири хисобланади. Албатта, самарали фаолият юритишида ички ва ташқи омилларнинг таъсирини олдиндан била олиш, уларнинг зарарий таъсирини камайтириш ҳаммани кўлидан келавермайди. Шу сабабдан маркетинг тадқиқотларини ўтказишни асосий вазифаларидан бўлмиш,

юзага келган ва келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан башоратлаш вазифаси мухим ўрин эгаллайди. Бекорга бизнесда “ким биринчи маълумотга эга бўлса, ўша бозорни эгаллайди”, деган ибора ўзининг долзарблигини кўрсатиб келмоқда.

Муаммони ечими учун маркетинг тадқиқотлари (problem salving research) – аниқ маркетинг муаммосини ечимини топиш учун фойдаланиладиган тадқиқот хисобланади.



Албатта, маркетинг тадқиқотларининг бу тури олдингига нисбатан осонроқ ечимга эгалиги билан ажралиб туради. Сабаби, аниқ маркетинг муаммосини, масалан нарх ошиши муносабати билан оиласиб бюджетни бошқатдан кўриб чиқиш, ёки истеъмол маданияти ошган сари товар ёки хизматларга талаб ўрнатиш ва ҳоказо.

Ҳар бир муаммо ўзининг шароити, маблаги, вақти, ҳамда ким ҳал қилиши билан ажралиб туради. Конкрет муаммони ҳал этишини режалаштириш ва олдиндан сарф-харажатини хисоблаб чиқиш мумкин. Шу билан таъкидлаб ўтиш керакки, маркетинг тадқиқотларини қайси бир турини ўтказишдан қатъий назар, уларни ўтказишнинг асосан иккита сабаби мавжуд.

Хозирги кунда маркетинг тадқиқотларида жуда катта муаммолар мавжуд. Уларнинг сони ва саногига этиш қийин. Чунки товар (хизмат)нинг кимга, қачон ва қаерда сотилиши ҳамиша ҳам силлиқ кўчавермайди. Бозор ҳам, харидорлар талаби ва диди ҳам тез ўзгарувчан тусга кирган бугунги ҳолатда мўлжални олиш бир мунча мураккаб. Шу туфайли маркетинг тадқиқотларидағи муммамоларни ўрганиш объектив заруратга айланди.

Хозирги муаммолар жуда кўплигидан тўғри хулоса қилиш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча уларни куйидагича таснифий белгиларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- товар (хизмат)ларни ишлаб чиқариш жойи бўйича муаммолар;
- товар (хизмат)ларни сотиш бозори бўйича муаммолар;

- товар (хизмат)ларни сотиш вақти бўйича муаммолар;
- товар (хизмат)ларни истеъмолчилари бўйича муаммолар;

Ушбу муаммоларнинг боғлиқлигини қўйидагича ифодалаш мумкин (2.1-расм).



2.1-расм. Маркетинг муаммоларини таснифлаш белгилари

Ушбу расмда келтирилган маркетинг муаммоларининг таснифини унинг ҳар бир гурухи бўйича қараб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар бир-бiri билан узвий боғлиқ муаммолардир. Бирини ҳал қилиб иккинчиси эътибордан четда қолса кутилган натижани бермайди. Шу туфайли ҳамиша барча мавжуд муаммоларни аниқлаш билан бирга уларни ҳад қилиш йўлларини ҳам аниқлашни тақозо қиласди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, муаммолар кўриниб турмайди. Улар кўринимасада ўз таъсирини ўтказади. Масалан, маҳсулот (хизмат) сотилмаяпти, сотилса ҳам ўсиш суръати камайиб бормокда. Бу албатта маълум муаммоларнинг таъсирида содир бўлади, аммо улар, таъкидланганидек кўриниб турмайди. Шу туфайли ҳар бир муаммони аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ушбу тўртта йўналишдаги муаммоларнининг ҳар бирини таснифлашни тақозо қиласди. Кўйида ҳар бир гурух муаммоларнинг тавсифига алоҳида тўхталишни лозим, деб топдик.

Маркетинг тадқиқотларида муаммолар ва уларнинг таснифи:

1. Товар (хизмат)ларни ишлаб чиқариш жойи бўйича муаммолар таснифи. Ушбу гурух муаммолар иккита йўналишда содир бўлади. Биринчиси,

ишлаб чиқариш жараёни маркетинг тамоили асосида бошқариш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бевосита ташки омилларга (харидорлар диdi ва имкониятларининг ўзгариши, рақобат майдонига янги рақобатчиларнинг кириб келиши, инновациянинг корхоналарга бир хил даражада жорий қилинмаётганлиги кабилар) боғлиқ бўлади. Ушбу муаммоларни яхлит ҳолда қарайдиган бўлсак, булар ўз навбатида бир қанча гурухларга бўлинади. Ушбу гурухларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари;
- чет мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари;
- маҳаллий ва чет мамлакатладаги ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари. Буларни қўйидаги расмда ифодалаш мумкин (2.2-расм).



2.2-расм. Товар (хизмат)ларни ишлаб чиқариш жойи бўйича муаммолар таснифи

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари бевосита ишлаб чиқаришнинг қайси бозорга мўлжалланганлиги билан ифодаланади. Чунки товар (иши ва хизмат)ларнинг бир қисми ички бозорга ва бир қисми ташки бозорга мўлжалланган бўлиши мумкин. Бунда

қанча товар қачон ва қаерда сотилишини аниқлаш ҳам ўзига яраша тадқиқотларни талаб қиласидан муаммолардир.

Чет мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари ҳам ўзига хос. Чунки, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари ўзларининг талаб ва эҳтиёжини инобатга олади ва нарх ҳам биздан холда шаклланади. Шу туфайли бир хил товар ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган бўлсада нархи турлича бўлиши мумкин. Энди қайси товар билан муомила қилиш масаласи ҳам маълум даражада муаммоларни келтириб чиқаради.

Ушбу муаммоларнинг статистик қўринишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$M_{\text{ж}} = \sum_{i=1}^n M_i;$$

Бунда: $M_{\text{ж}}$ – товар (хизмат)ларни ишлаб чиқарии жойи бўйича мавжуд бўлган жами муаммолар;

M_i – товар (хизмат)ларни ишлаб чиқарии жойи бўйича мавжуд муаммоларнинг алоҳида i – тури;

\sum – жамлаш белгиси;

I – муаммонинг тури;

n – муаммонинг умумий сони.

2. Маркетинг тадқиқотлари муаммоларнинг бир қисми товар (хизмат)ларни сотиш бозори билан боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқарилган товар (хизмат)ни қайси бозорга сотишлиги, қандай сотишлиги, қачон ва қанча сотишлиги ҳам катта муаммо. Ушбу муаммолар икки гурӯхга бўлинади:

- ички бозорда сотиш муаммоси;
- ташқи бозорда сотиш муаммоси.

Ташқи бозорда сотиш ҳам икки йўналишда амалга оширилади. Товар (хизмат)ни сотиш фақат хорижий давлатларгагина эмас, балки ўз мамлакатимизнинг ичидаги башка худудларда ҳам сотиш тушунилади. Шу туфайли буни ҳам икки гурӯхга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Буларга:

- бир давлат ичидаги, аммо товар (хизмат) ишлаб чиқарилган худуддан башка худудда;

- мазкур давлатдан ташқаридаги бозорда. Бу асосан товар (хизмат)ларни экспорт килиш йўли билан амалга оширилади. Ташки бозордан харидорларни топиш ҳам жуда катта муаммо. Аммо бугунги кунда ушбу масалага кенг йўл очиб берилди. Ҳозир товар (хизмат)лар экспорти билан хар бир хорижий мамлакатларда жойлашган элчиларимиз ҳам шуғулланмоқда. Бу товар (хизмат)ларни ишлаб чиқарувчилар учун ҳам катта имконият яратилганигидан далолатдир. Буларнинг боғлиқлигини қўйидагича ифодалаш мумкин (2.3-расм).



Маркетинг муаммоларидан яна бир гурӯхи товар (хизмат)ларни сотиш вақти бўйича аниқлашдан иборатдир. Чунки, жуда кўп жараёнлар мавсумий характерга эга ва кўп жиҳатдан белгиланган қонунчилик асосида бўлмасдан, анъянага асосланган ҳолда бажариладиган юмушлардир. Ушбу муаммолар ҳам ўз навбатида икки гурӯхга бўлинади:

- доимий муаммолар;
- мавсумий муаммолар.

Мазкур гурӯхлар қўйидаги расмда келтирилган (2.4-расм).

Доимий

- Айрим товар (хизмат)лар борки доимий ишлаб чиқарилади ва доимий истеъмол қилиб борилади. Масалан, нон. Ишлаб чиқарилиши ҳам истеъмоли ҳам доимий равиша давом этади. Бундаги маркетинг тадқиқотлари муаммоси ўзига хос.

Мавсумий

- Мазкур гурух муаммолар жуда катта. Чунки, шундай товар (хизмат)лар борки, доимий равиша ишлаб чиқарилади, аммо мавсумий истеъмол қилинади. Масалан, ёзи ёки кишиги кийимлар, балиқ маҳсулотлари. Айрим товарлар борки, мавсумий ишлаб чиқарилади, аммо доимий истеъмол қилинади. Масалан, мева ва сабзовотлар.

2.4-расм. Маркетинг муаммоларини сотиш вақти бўйича таснифлаш

Шунингдек, маркетинг муаммосини аниқлаш ва уни ҳал этиш 2.5 – расмда маркетинг тадқиқотларининг таснифий белгилари асосида гурухлаштириш амалга оширилган.

Маркетинг тадқиқотлари муаммоларини товар (хизмат)лар истеъмолчилари бўйича таснифлашда биринчи навбатда одамларнинг *жинси* бўйича товар (хизмат)ни етказиб бериш муаммоларига эътиборни қаратиш лозим. Айрим товар (хизмат)лар борки, уларни сотиша жинсий табакаланиш инобатга олинмайди. Масалан, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, жуда кўп оиласиди умумий фойдаланадиган товарлар (телевизор, холодильник, автомашина кабилар) шулар жумласига киради. Аммо жуда кўп товарларнинг бир кисми факат аёлларга ёки эркакларга, айримлари эса, болаларга мўлжалланган. Бунга асосан кийим-кечакларни мисол қилиш мумкин. Ҳар бир кийим кечакдан қанча эркакларга, кайси ўлчамда, қанчаси аёлларга ва улар ҳам ўлчами ва бошқа ассортимент турлари бўйича ишлаб чиқариш лозимлиги, кейин уларни сотиш муаммоси барчаси ушбу маркетинг муаммосида жамланади. Буларнинг қай тарзда амалга оширилиши мумкинлигини ушбу муаммоларнинг ечими орқали ҳал бўлишини инобатга олиш лозим.


Маркетинг тадқиқотлари муаммоларини товар (хизмат)лар истеъмолчилари бўйича таснифлашда кишиларнинг *касби* бўйича товар (хизмат)ни етказиб бериш масаласи ҳам муҳим йўналишлардан бириди. Чунки, айрим касбдаги товарлар маҳсус шу касбга йўналтирилган бўлади.

Буларга тиббиёт ходимларининг маҳсус касбий ҳалати, айрим йирик компанияларнинг маҳсус кийими, ишчиларнинг иш кийими кабиларни мисол келтириш мумкин. Ушбу кийимларни ҳам қанча ва қаерда ишлаб чиқиши, кимларга сотиш масаласи ҳам ечимини кутаётган муаммо тарзида ҳамиша кун тартибидан тушмайди.

Маркетинг тадқиқотлари муаммоларини товар (хизмат)лар истеъмолчилари бўйича таснифлашда одамларнинг ёши бўйича товар (хизмат)ни етказиб бериш масаласига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Чунки, бир хил ўлчамдаги костюм ёшига қараб турли фасонда, кўринишда тикилиши мумкин. Қайси рангдагити ҳам одамларнинг ёшига қараб танлаш лозимлигини тақозо қиласи.

Шундай қилиб, маркетинг тадқиқотлари муаммоларини товар (хизмат)лар истеъмолчилари бўйича таснифлаш ҳам кўрсатдики, ушбу гурухнинг ўзида ҳам жуда катта муаммолар мавжуд экан. Шу туфайли ушбу масалада тўғри хуносаларни чиқариш, тўпланган ахборотларни тизимга келтириш учун математик, статистик ва иқтисодий таҳлил усусларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқиди.

Маркетинг тадқиқотлари муаммосини аниқлаш (*problem definition*) маркетинг тадқиқотлари муаммосининг умумий ва унинг алоҳида кисмлари бўйича аниқлашдан иборат. 2.5 – расмда ушбу жараённи олиб бориш чизмаси келтирилган бўлиб, унда муаммони аниқлаш вазифасини бажариш учун қарор қабул қилаётган шахслар, тармоқ ва бошқа экспертлар билан сұхбат ўтказиш, иккиласи маълумотларни таҳлил этиш, маълум сифатли тадқиқотлар ўтказишдан иборатлиги берилган.



2.5- расм. Маркетинг тадқиқотларини тақсимлаш

Олдин эслатиб ўтканимиздек, маркетолог бошқарув қарорини қабул қилиш ва қандай мақсад кўзлаётганини аниқ билиши керак бўлса, менежерлар томонидан маркетинг тадқиқотларини ҳар бир элементидан кутилаётган натижа қизиқтиради.

Бу вазифани бажариш учун, маркетолог томонидан ташки мухит омилларини таҳлил қилган ҳолда, муаммони пайдо бўлиш ҳолатлари ёритилади. Бошқача килиб айтганда, маркетолог томонидан ҳар бир омилнинг таъсирини кўра билиши орқали бошқарув қарорини қандай қабул қилиниши ёндашуви ишлаб чиқилади. Бунинг учун қарор қабул қилувчи бошқа шахслар билан вазифаларни муҳокама қилиниши, тармоқ эксперталаридан интервью олиниши ҳамда иккиласми маълумотларни таҳлил қилиши зарурдир.

2.2. Ёндашувларни ишлаб чиқиш ва муаммоларни аниқлаш жараёни

Юқорида келтирилган маркетинг тадқиқотларида муаммоларининг тавсифи ва уларнинг изоҳи шуни кўрсатдиги, мазкур соҳада муаммоларни аниқлаш бир қанча объектив заруратга таяниши билан бирга жуда кўп

муҳимликларга ва ёндашувларга ҳам эгалигидан далолат беради. Шу туфайли муаммони аниқлашда бир қанча усул ва ёндашувлардан фойдаланилади.

Муаммонинг аниқ ва тўғри белгиланиши маркетинг тадқиқотларини самарали ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотларининг муаммосини аниқланishi барча фаолиятни тўғри юритилишига, лойиҳани амалга оширилишига асос бўлиб хизмат қиласи. Юқорида таъкидланганимиздек, тиббиёт соҳасида касални олдиндан аниқлаш ва уни ўз вақтида даволаш учун тўғри ташхис кўйиш қанчалик мухим бўлса, маркетинг тадқиқотларида унинг муаммосини аниқланishi ҳам худди шундай муҳимбир. Агар муаммо ўз вақтида аниқланмаса, аниқланган тақдирда ҳам у нотўғри аниқланган бўлса, ўтказиб юборган касал қандай бўлса, корхонанинг аҳволи ҳам худди шундай бўлади. Касални даволаш мушкул бўлгани сингари, мазкур корхонанинг ҳам жонланиб, оёққа туриб кетиши жуда кийин кечади. Чунки вақт ва маблаг самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, маркетинг соҳасидаги муаммолар аниқ ҳисоботда ифодаланадиган кўрсаткичларда ўз аксини топмайди. Шу туфайли мазкур соҳада муаммоларни аниқлашда социологик сўров ўтказиш лозим бўлади. Шу туфайли социологик сўровлар бир қанча аниқ саволларни кўйишни тақозо қиласи. Ушбу сўровномалар маҳсус тайёрланган саволлар ёки анкеталар орқали аниқланади. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Рақобатчиларингизни ўзингиздан кучли деб ҳисоблайсизми?
 - қанча субъектлари ва мутаҳассислари бор?
 - улардан нечтаси сиздан кучли?
2. Сиз нима қилсангиз рақобатбардошлини мустаҳкамлайсиз?
 - нархни тушуриш керакми?
 - маҳсулот сифатини ошириш лозимми?




- арzonлаштирилган баҳо билан таннархингиз ўртасидаги нисбат уччалик яқин эмасми?
3. Мувоффақиятга эришиш учун мухим деб хисоблайдиган жиҳатларингиз нимада?
- инновацияни жорий қилишда;
 - модернизация қилиб, тежамкор технологияларни жорий қилишда;
 - бозорни диверсификация қилишда;
4. Сотилмай қолган товарларнинг ҳолати қандай?
- сизда ушбу товарлар бўйича меъёр борми?
 - сотилмай қолган товарлар кўпаймаяптими?
 - пул айланishiда қандай муаммолар бор?
 - дебиторлар кўпми, муддати ўтганлари қанча?
 - кредиторларингиз билан муносабатлар қандай?
5. Коммунал хизматлардаги муаммоларни айтинг!
- электр энергия таъминотида қандай муаммолар бор?
 - газ таъминотидаги муаммолар?
 - сув таъминотидаги муаммолар борми?
6. Яна қандай муаммоларингиз бор?
- кадрлар масаласи ва уларнинг малакаси етарлими?
 - банк билан муносабатда қандай муаммолар бор?
7. Муаммоларни ҳал қилиш йўли борми? Агар бўлса, ўзингизнинг фикрингизча қандай чора-тадбирларни кўллаш мумкинлиги хусусида қисқагина тадбирлар айтилиб асосланади.
- Социологик сўров натижаси умумлаштирилиб муаммоларнинг умумий сони аниқланади ва улар йўналишлари бўйича таснифланади. Оқибатда қайси йўналишда муаммолар кўплиги аниқланиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилиши лозим бўлади. Бунда статистик методларнинг гурухлаш, индекс усусларидан фойдаланилади.

Маркетинг тадқиқотларида муаммоларни аниқлаш ўта мухим жараён хисобланади. Муаммо бор нарса, аммо уни қўрмасак, уларни ҳал қилиш чораларини ишлаб чиқмасак, оқибати нима бўлиши тайин. Шу туфайли ҳар йили корхоналарнинг умумий сонига нисбатан 17-20 фоиз субъектлар янгидан ташкил қилинади, афсуски худди шунча корхона “юкини тортолмасдан” банкротлик ҳолатга тушиб қолаётганларини ўзлари ҳам сезмай қолмоқда. Булардан ҳам кўриниб турибдики, социологик сўров ўтказиш орқали муаммоларни аниқлаш ҳам ўта мухим чоралардан биридир. Унинг мухимлигига қўйидагиларни киритиш мумкин.

1. Ушбу муаммоларнинг ҳал қилиниши билан бирорта товардан (хизматдан) қаерда ва қанча ишлаб чиқариш лозимлигини аниқлаш имконини беради.
2. Ишлаб чиқарилган товарни (хизматни) қаерга, қанча миқдорда ва қанча баҳода сотиш мумкинлигини аниқлаш билан бирга қайси бозорни танлаш йўлларини ҳам кўрсатиб беради.
3. Бозорни тўлдириш учун қанча товар (хизмат)ни ички ишлаб чиқарувчилар ва қанчасини ташкаридан (бошқа худудлардан ва ташки мемлакатлардан) келтириш лозимлигини ҳам ҳал қилиш йўлларини аниқлаш имконияти яратилади.
4. Товар (хизмат)ни вакт нуқтаи назаридан (доимий, мавсумий) аник белгилаш имкони туғилади ва улар билан йил давомида таъминлашнинг имкониятлари қидирилади.
5. Ишлаб чиқаришни ва бозорни бевосита ахолининг миллий таркибидан келиб чиққан ҳолда талабларни қондириш учун қанча ишлаб чиқариш ва сотиш лозимлигини аниқлаш имконини беради.

Ушбу жараённи яхлит ҳолда қўйидагича тасвиrlаш мумкин (2.6-расм)



2.6-расм. Маркетинг тадқиқотларида муаммоларни аниқлашнинг мухимлиги

2.6 – расмдан кўриниб турибдики, хар кандай корхона фаолиятида муаммолар мавжуд бўлади. Маркетинг тадқиқотларида ушбу муаммоларни аниқламасдан унинг фаолиятини стратегик режалаштириб ҳам, унинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳам мукаммал ишлаб чиқиши қийин кечади. Шу жиҳатдан муаммоларни аниқлаб олиш албатта керак. Бу эса ўз навбатида, мазкур масалага статистик таҳжил усулларини қўллашни тақозо қиласди. Шу тариқа маркетинг жараёнларидаги муаммоларни бартараф килиш имконияти туғилади ва мос равишда уларни ҳал қилиш бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқилади. Хуллас, маркетинг тадқиқотларида муаммоларни аниқлашнинг мухимлиги жуда кўп ечимларни ҳал қилиш орқали корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва ракобатбардошлигини мустаҳкамлаш йўлларини аниқ белгилашга асос бўлади.

2.3. Тадқиқот муаммоларини аниқлаш билан боғлиқ масалалар

Маркетинг тадқиқотларини муаммосини пайдо бўлиш манбаасини тушуниш учун, корхонанинг ўзи ва қайси тармоқда фаолият юритаётгани билан танишиш керак. Тадқиқот муаммоларини аниқлаш билан боғлиқ масалаларга, аввалом бор, унга таъсир кўрсатувчи мухит омилларига мурожаат қиласмиш уларга қуйидагилар киради:

- | | |
|---|---|
| 1 | • Олдинги маълумотлар ва прогнозлар |
| 2 | • корхонанинг ресурслари ва чекланиши |
| 3 | • Мақсадлар |
| 4 | • харидорлар хатти – харакати; |
| 5 | • иқтисодий ва қонуний мухит; |
| 6 | • иқтисодий ва қонуний мухит; |
| 7 | • Фирма персоналининг маркетинг ва технологик кўнікмалари |

2.7.-расм. Муаммони аниқлашда ҳисобга олинувчи мухит омиллари

Ушбу расмда муаммони аниқлашдаги ҳисобга олинувчи мухит омиллари ва уларнинг кетма – кетлиги тасвирланган, яъни корхона ва тармоқнинг олдинги ҳолати ва келажак истиқболи ҳақидаги ахборот; корхонанинг ресурслари ва чекланиши; карор қабул қилувчи шахснинг мақсадлари; харидорлар хатти – харакати; иқтисодий ва қонуний мухит; корхона ходимларининг маркетинг ва технологик кўнікмаларидан иборат.

Муаммога таъсир кўрсатувчи мухит омиллари (environmental context of the problem)—Маркетинг тадқиқотлари муаммосини аниқлашга таъсир кўрсатувчи омиллар (олдинги ва келажак ахборотлари, фирманинг ресурслари ва чегаралари, карор қабул қилувчининг мақсади, харидорлар хатти – харакати, ҳукуқ ва иқтисодий мухит, фирма персоналининг маркетинг ва технологик кўнікмалари) ҳақида гап кетади.

Қарорлар қабул қилиниши маълум мақсадга эришиш учун хизмат қиласди. Бошқарув муаммосини ифодалаш икки турдаги мақсадларни аниқ тасаввур этиш билан боғлиқ: ташкилот мақсади ва қарор қабул килаётган раҳбарнинг шахсий манфаати. Ушбу иккита мақсадни бирлаштириш мухим, аммо жуда оғир кечади. Унинг сабаби жамоа ва шахс манфаатлари ўртасидаги мавжуд зиддиятлардир.

Мақсадлар (objectives) - қарор қабул қилаётган ташкилот ёки шахснинг қарорларидан самарали маркетинг тадқиқотларини ўтказишда фойдаланиш кўзда тутилади.

Маркетинг тадқиқотларининг мақсади ҳам самарали бошқарув қарорини қабул қилишга керакли ахборот базасини яратишдан иборат. Аммо, бу жараёнда корхона ва менежерларнинг мақсадларини мувофиқлаштириша маркетологнинг ҳам маҳорати ва тажрибаси мухим роль ўйнайди.

Маркетинг муаммосининг асосида истеъмолчиларнинг хатти- харакати, уларнинг иқтисодий салоҳияти, эҳтиёжи ва талаблари ташки мухит омилларидағи ўрни бекёйсdir.

Харидорлар хатти – ҳаракати (buyer behavior) – ташки мухитнинг асосий омили ҳисобланиб, истеъмолчиларнинг индивидуал хислатларини ифодалайди.

Маркетинг муаммолосини манбасини аниқлаштириша корхонанинг ёки бу ҳаракатига истеъмолчининг муносабатини ўрганиш мухим ўрин эгаллайди. Харидорлар хатти – ҳаракатини ўрганиш маркетинг муаммосининг моҳиятини очишга олиб келиш мумкин.

Истеъмолчиларнинг хатти – ҳаракатига таъсир кўрсатувчи омилларни шуни кўрсатмоқдаки, улар таркибига асосан қўйидагилар киритилиши мумкин:

- Харидорлар микдори ва географик жойлашуви;
- Демографик ва психологияк тавсифлар;
- Истеъмол килинаётган маҳсулотлар тавсифлари;
- Реклама ва сотувга харидорлар муносабати;
- Нархга бўлган муносабат;
- Магазинларга ўрганиш ҳолати;
- Истеъмолчиларнинг танлаш эркинлиги.

Ҳар бир давлатда ўзининг қонунлари, меъёрий хужжатлари, давлат сиёсати барча ташкилот ва ахоли ҳаётига таъсир кўрсатади ва мувофиқлаштириб туради. Қонунлар ичida савдо маркалари роялти, савдо келишуви, солик ва тарифлар билан муносабатларни мувофиқлаштирувчи

хуқуқ нормалари мухим ўрин эгаллайди. Давлатда қабул қилинган қонунлар маркетинг тадқиқотларини ўтказишга бевосита ва билвосита таъсир кўрстаади ҳамда маркетинг тадқиқотлари муаммоларини ифодалашда асосий омил ҳисобланади.

Қонун мухити (legal environment) – ташкилотнинг фаолиятини ташкил этишини мувофиқлаштирувчи сиёсат ва меъёрлар.

Қонун мухитидан ташқари ташки мухитнинг таркибиغا кирувчи асосий компонент тарикасида иқтисодий мухитнинг аҳамияти катта.

Иқтисодий мухит (economic environment) – даромад, нарх, тўпланган захира, кредит шартлари, умумий иқтисодий ҳолат билан ифодаланади.

Иқтисодий мухит омиллари харидорларнинг сотиб олиш салоҳияти, умумий (ялпи) даромад, товарлар ассортименти, нархлар ва бошқа иқтисодий томонларни инобатга олади. Масалан, истеъмолчи ва корхонанинг кредит олиш имконияти иқтисодиётнинг умумий ҳолатига узвий равишда боғлиқдир. Давлат иқтисодий барқарорлигини ўсиши, ахолига кредит бериш имконияти ошишига замин яратади.

2.4. Бошқарув ва маркетинг муаммолари

Бошқарув ва маркетинг фаолияти бир йўналиш ва мақсадга қаратилган: бошқарув муаммоси қандай килиб самарали қарор қабул қилиш бўлса, маркетинг тадқиқотлари эса ушбу қарор қабул қилишга қанақа ахборот кераклиги ҳамда уни қандай қилиб олишдан иборатdir.

Бошқарув муаммоси (management decision problem) – қарор қабул қилувчи шахснинг дуч келаётган муаммосини ифодалайди.

Бу муаммони “Қарор қабул қилувчи шахс нима қилиши керак?” деган савол билан ифодалаш мумкин.

2.1 – жадвалда бошқарув муаммолари ва маркетинг тадқиқотлари муаммоларини мазмунан таққослаш ўтказилган бўлиб, улар ўртасидаги асосий фарқлар кўрсатилган.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш жараёни унинг натижаларининг корхона фаолиятига таъсир кўрсатиша, қайси услублар, маблағ, воситалардан фойдаланиш билан узвий равишда боғлиқдир. Маркетинг тадқиқотларининг ўрнида корхона шароитида зарурй ташкил этувчи омилларнинг ўзаро бир – бирига боғлиқлиги ва таъсири кўриб чиқилади.

2.1. - жадвал

Бошқарув муаммолари билан маркетинг тадқиқотлари муаммолларини таққослаш

Бошқарув муаммоси	Маркетинг тадқиқотлари муаммоси
Қарор қабул қиласидан шахсга нима қилиш кераклигини аниқлайди	Қандай ахборот керак ва ушбу ахборотни қандай қилиб қабул килинишини аниқлайди
Ҳаракатга йўналтирилган	Маълумот қабул қилишга йўналтирилган
Натижаларга ургу бериш	Сабабларга ургу бериш

Маркетинг тадқиқотлари муаммоси (marketing research problem) – қанақа ахборот зарур ва уни қандай самарали олиш билан боғлик муаммо ҳисобланади.

Масалан, бозордаги улушнинг камайиши, бошқарув муаммоси тарикасида қандай қилиб бу улушни қайтариш иложи бўлса кўпайтишини хал этишга қаратилади. Маркетинг муаммоси тарикасида товарни такомилластириш, рақобат устунликларини ошириш, бозор сегментациясини ўзгартиришдан иборат.

Маркетинг тадқиқотларининг муаммосини аниқлаш унинг муҳим босқичларидан ҳисобланиб, унинг мураккаблиги менежментларнинг яъни бошқарув қарорини қабул қиласувчи масъулларнинг, корхонанинг асосий муаммосини ҳам аниқ тасаввур қиласлиги ёки манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар доирасидан чиқа олмаслик ҳолати бўлишидандир. Шу сабабдан маркетинг тадқиқотларини ўтказувчи мутахассислар, маркетологлар зиммасига

менежментларга оқилона қарор қабул қилишга қўмаклашиш маркетинг тадқиқотлари муаммосини аниқ ва равshan кўрсатиб беришдан иборат. Маркетинг тадқиқотлари муаммосини ифодалаш билан боғлик вазифалар таркибига менежерлар билан муҳокама, тармоқ экспортлари билан интервью иккиласми маълумотларни таҳлил ва сифатли тадқиқотлар ўтказиш киради. Ушбу муаммони ҳал этилиши корхонадаги муаммога таъсир этиш имконияти бор. Ҳодимларнинг бир мақсадга интилган ҳолда фаолият кўрсатишни тақазо этади. Бу борада корхона ёки ташқаридан таклиф этилган маркетинг мутахассисларининг ўрни бекиёсдир.

Шу билан бирга маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши куйидаги элементларини ўз таркибига олади:

- Тадқиқот методологияси;
- Таҳлилий модуллар;
- Изланиш саволлари;
- Гипотезалар (Тахминлар);
- Омиллар;

Ушбу кўрсатиб ўтилган элементлар маркетинг тадқиқотларининг режасига таъсир кўрсатади, уларнинг натижаларини алоҳида параграфларда кўриб чиқилади.

Тадқиқот методологияси деганда фаолиятнинг тузилмаси, мантикий ташкил этилиши, услуг ва воситалари ҳақидаги назарий ёндашувлар тушунилади. Маркетинг методологияси куйидаги бош элементни киритишимиз мумкин:

1. Тамойиллар (принциплар);
2. Бошқарув усуслари;
3. Маркетинг тадқиқотлари воситалари;
4. Қарор қабул қилишнинг ижобий услублари;
5. Ахборот тўлаш услублари.

Назария (theory) – маълум фундаментал тасдиқловчи (аксиомалар)ларга таянган ҳолда маълум концепцияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Объектив маълумотлар (Objective evidence) – эмпирик тасдиқланган ҳолисона маълумотлардан иборат.

Маркетинг тадқиқотлари объектив маълумотлар ва назарий ёндашувларга таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Назарий – методологик ёндашув амалга оширилаётганда маркетолог томинидан мавжуд махаллий ва хорижий олимлар ишланмалари, мавжуд академик манбалар (китоб, журнал, монографиялар), статистик ҳисбот ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим.

Амалий маркетинг тадқиқотларида назариясини қўлланилиши тадқиқоти томонидан ижодий ёндашувни талаб қиласди. 2.2 – жадвалда амалий маркетинг тадқиқотининг турли босқичлардаги назариясининг ўрни келтирилган.

2.2 – жадвал

Амалий маркетинг тадқиқотларида назариянинг ўрни

Маркетинг тадқиқотларининг вазифалари	Назариянинг роли
1. Концепцияни ишлаб чиқиш ва таянч ўзгарувчанларни ажратиш	Муаммоли ҳолат асосида ётган жараёнларни тушунтириш ва методологик асосини таъминлаш.
2. Таянч ўзгарувчанларни тадқиқот ишига мувофиқлаштириш	Тадқиқотни ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи назарий асосланган ўзгарувчилардан фойдаланиш мумкин.
3. Тадқиқот йўналишларини танлаш	Сабаб оқибат қонуниятлари назариялари маркетинг тадқиқотларининг дескриптив ёки сабаб оқибат турларини танлашга ёрдам беради.
4. Танлов кузатувининг турини аниклаш	Методология асосида бош тўплам ва респондентларини танлаш учун ўзгарувчилар аникланади ва квоталар ўрнатилиди ёки бош тўплам страфикацияланади.
5. Маълумотлар таҳлили ва уларни мослаштириш	Методология маълумотлар таҳлили учун танланган стратегия ва улар натижалари мослаштиришга асос бўлади.

6. Умумлашган натижалар

Маркетинг тадқиқотларига олинган натижалар олдинга ўтказилган изланишлар ва тўпланган материаллар билан умумлаштирилади.

Методология зарурий таҳлилий моделни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қиласди.

Таҳлилий модель (analytical model) – реал тизим ёки жараённи ифодалаш учун зарур бўлган ўзгарувчанлар ва уларнинг ўзаро алоқалар тўпламининг таърифи.

Вербаль модель (verbal model) – ўзгарувчанлар ва улар ўртасидаги алоқадорликни ёзма равишда ифода этилган таҳлилий моделни ифодалайди.

Чизма модели (graphical model) – ўзгарувчилар билан алоқали кўргазма тарикасида ифодаловчи таҳлилий модель.

Математик модель (mathematical model) – тенглик шаклида ўзгарувчилар ўртасидаги алоқани ифодалайдиган таҳлилий модель.

Изланиш саволлари (research questions) – муаммони маълум томонларини аниклаштиради.

Гипотеза (Hypothesis) – исботланмаган фикр ёки маълум омил ёки ходиса хусусидаги тасаввурлар.

Эливант тасаввурлар (Relevant characteristics) – тадқиқот режасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган товар ёки ўзгарувчанларнинг тавсифи омиллари атрибутларини кўрсатади.

Қисса хуносалар

Бу бобда маркетинг тадқиқотларининг муаммоларини аниклаш, муаммолар ечимини топиш ёндашувлари, объектив маълумотларнинг ўрни ўрганиб чиқилди. Маркетинг тадқиқотларини самарали ўтказиш учун муаммони аниқ ва тўғри белгиланиши лозим. Маркетинг тадқиқотларининг муаммосини аникланиши барча фаолиятни тўғри юритилишига, лойиҳани амалга оширилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Хозирги кунда маркетинг тадқиқотларида жуда катта муаммолар мавжуд. Уларнинг сони ва саногига етиш қийин. Чунки товар (хизмат)нинг кимга, қаочон ва қаерда сотилиши ҳамиша ҳам силлиқ кўчавермайди. Бозор ҳам, харидорлар талаби ва диди ҳам тез ўзгарувчан тусга кирган бугунги ҳолатда мўлжални олиш бир мунча мураккаб. Шу туфайли маркетинг тадқиқотларидаги муммамоларни ўрганиш объектив заруратга айланди.

Маркетинг муаммоларидан яна бир гурӯҳи товар (хизмат)ларни сотиш вақти бўйича аниқлашдан иборатdir. Чунки, жуда кўп жараёнлар мавсумий характерга эга ва кўп жихатдан белгиланган конунчилик асосида бўлмасдан, анъанага асосланган ҳолда бажариладиган юмушлардир.

Маркетинг тадқиқотлари муаммоларини товар (хизмат)лар истеъмолчилари бўйича таснифлашда биринчи навбатда одамларнинг *жинси* бўйича товар (хизмат)ни етказиб бериш муаммоларига эътиборни қаратиш лозим. Айрим товар (хизмат)лар борки, уларни сотища жинсий табакаланиш инобатга олинмайди.

Маркетинг тадқиқотларининг мақсади ҳам самарали бошқарув қарорини қабул қилишга керакли ахборот базасини яратишдан иборат. Аммо, бу жараёнда корхона ва менежерларнинг мақсадларини мувофиқлаштиришда маркетологнинг ҳам маҳорати ва тажрибаси мухим роль ўйнайди.

Маркетинг муаммосининг асосида истеъмолчиларнинг хатти-харакати, уларнинг иқтисодий салоҳияти, эҳтиёжи ва талаблари ташки мухит омилларидағи ўрни бекиёсdir.

Таянч иборалар: маркетинг тадқиқотлари, муаммо, муаммони ўрганиш, муаммони ечиш, муаммоларни таснифлаш, экспорт, импорт, муаммога ёндашув, ҳаридорлар хатти-харакати, бошқарув, бошқарув усуслари назорат, ташки бозор, ички бозор, доимий муаммолар, мавсумий муаммолар, вақтинчалик муаммолар, социологик сўровлар.

Назорат саволлари

1. Маркетинг тадқиқотлари муаммосини аниқлашнинг зарурияти нимада?
2. Муаммони аниқлаш учун қандай ёндашувларга мурожат қилинади?

3. Нима учун муаммоларни таснифлаш зарур?
4. Доимий муаммоларга нималар киради?
5. Мавсумий муаммоларга нималара киради?
6. Муаммони аниқлашда ҳисобга олинувчи мухит омиллари нималардан иборат?
7. Чет мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари нималардан иборат?
8. Маҳаллий ва чет мамлакатладаги ишлаб чиқарувчилар бўйича маркетинг тадқиқотлари муаммолари нима?
9. Ички бозорда сотиш муаммоси нима учун керак?
10. Ташки бозор деганда бошқа худдуларда сотиш муаммоси нималар билан боғлиқ?

3-боб. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЛОЙИҲАСИ ВА ЖАРАЁНИ

3.1. Маркетинг тадқиқотлари жараёнининг моҳияти ва аҳамияти

Маркетинг тадқиқотларини белгилаб олишдан ва ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқишдан кейинги жараён бу - маркетинг тадқиқотларини лойиҳалаштириш жараёнидир. Қуйидаги 3.1 - расмда маркетинг тадқиқотлари жараёни босқичлари акс эттирилган.

- 1 - босқич
 - Муаммони аниқлаш: Ушбу вактда маркетинг тадқиқот мақсадига мос маълумотлар тўпламиши, улар қабул қилишишаги ўрни ва улардан қандай фойдаланиши кераклигини аниқлаши лозим.
- 2 - босқич
 - Муаммони ҳал қилиш бўйича режа ишлаб чиқилг: Бу босқичда тадқиқотнинг назарий тасвирини таҳлил қилиш ва унинг моделлари, қидиув саволлари, фаразларини шакллантирилишини талаб қилинувчи ахборот ва унинг манбалини аниқлаш; зарур маълумот тўплаш усулларини аниқлаш;
- 3 - босқич
 - Тадқиқот режасини ишлаб чиқиш: тадқиқот режаси керак бўладиган маълумотларни олиш учун зарур жараёнлар йўналишларини батафсил тавсифлайди.
- 4 - босқич
 - Маълумотларни йигади маълумотларни тўплаш (кузатув орқали, почта орқали, шахсий ёкиофис телефони ва ххз.) маълумотларни тайёрлайди ва таҳлил қиласди.
- 5 - босқич
 - Хисобот тайёрлаш ва уларни тақдимот қиласи : Ушбу таҳлилнинг хисоботи тайёрланиб, уни тақдимот қиласди. Бу хисоботда тадқиқотнинг аник саволлари, унинг режаси ва ечиш усуллари, маълумотларни йиғиш жараёни ва охири хулоса келтиради.

3.1-расм. Маркетинг тадқиқоти жараёни тузилмаси ва кетма-кетлиги.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда энг муҳим омил тадқиқот ўтказиш жараёни дейилади. Ушбу жараённи бошлашдан олдин бозор тадқиқ қилинади. Бозорни тадқиқ қилиш - маркетинг тадқиқотларининг маълум бир қисмидир, холос. Фақатгина шартли равишдагина уларни маркетинг тадқиқотларининг асоси деб қабул қилиш мумкин. Бозорни тадқиқ қилиш жараёнида қўйидагилар аниқланади:

- бозорга киритилаётган ёки унда мавжуд бўлган маҳсулотнинг мумкин

бўлган сотиш миқдори;

➤ товарнинг истеъмол хусусиятидаги ва бошқа характеристикаларининг ўзгариши тенденцияси;

➤ ёши, жинси, ҳудудий, ижтимоий, оиласидаги кишилар сони, ўзини тутиши, даромади даражаси бўйича истеъмолчилар гурухини аниқлаш;

➤ ассортиментни режалаштиришда, сотиш ва рекламани ташкил қилишда харидорларнинг истагини аниқлаш;


➤ маҳсулотнинг сотилиши миқдори, унинг умумбозор сифимидағи улуши (худудлар ва сегментлар бўйича ҳам);

➤ фирманинг рақобатдошлигини ва унинг бозордаги ўрни.

Кўриниб турибдики, бозор тўғрисидаги маълумотлар миқдори катта ва турли характерга эга. Шунинг учун бозорни тадқиқ қилишда турли билим соҳаларининг мутахассислари қатнашадилар ва бу тадқиқотлар анча қимматга тушади, лекин фирмадар бозорни иложи борича тезроқ ўзлаштириш мақсадида харажатлардан қочмайдилар, чунки рақобатчилар бозорда янги рақобатчи пайдо бўлишини олдини олиш учун қарши чоралар кўрадилар. Шунинг учун тадқиқотлар жараёни, айниқса, унинг натижалари олинганидан кейин ва фирма уларни маркетинг концепциясини асослаш учун қабул қилингандан сўнг товарни синовли сотишни ташкил қилиш бошланади. Бу жараённинг асосий вазифаси, фирманинг бозордаги самарали ўрнини аниқловчи ўзига хос омилларни ўрганишdir.

Маркетинг тадқиқотлари жараёнини ўтказишида унинг асосий таркибини ва бўлиб ўтадиган, кутиладиган ҳодисалар натижасини лойиҳалаштириш зарурлигини англаб етамиз. Бунда истеъмолчилар хатти-ҳаракатидан бошлаб, рақобатчилар ва ахборот тўплаш ва улардан фойдаланиш жарёнлари таҳлил қилинади.

Ушбу жараённи бошқа усуlda, яъни мақсадлар дарахтида ҳам акс эттириш мумкин.



Ушбу 3.2-расмда келтирилганидек, маркетинг тадқиқотларининг режасини ишлаб чиқилиши маркетинг таҳлили ёки унинг мақсадли дараҳтини шакллантиришдан бошланади. Бу таҳлил ўз ичига ўрганилаётган бозорнинг конъюктурасини таҳлилий тасвирлари ва омилларини қамраб олади. (3.3-расм).

Товар бозоридаги ҳолат				Талаб: даромадлар даражаси ва тузилмаси
Циклиллик	Бозорнинг хажми ва тузилмаси	Бозор сиғими	Бозор ривожланисининг вектори, тенденция ва тезлиги	
Бандлилиқ	Бозор ривожланишининг барқарорлиги ва бир текислиги	Талаб ва тақлиф муносабат	Бозордаги рисклар	Демографик ҳолат
Қимматбаҳо қоғоздар бозоридаги ҳолат	Ишбилармон фаоллиги	Талабнинг нарх эластиклиги	Сиёсий ҳолат	
Молия ва пул муомаласи	Истъемолчи (харидор) ларнинг фикри хошиг-истаги ва хулқи			Тасодифий омиллар
Ҳом-ашё бозоридаги ҳолат	Инвестициялар			

3.3-расм. Конъюнктуравий таҳлил тавсифи ва омиллари

Ҳар доим таҳлил этилганидек омиллари ташқи ва ички ҳолатларини ўз таркибиға кирган ҳолда, бозорнинг (товар ёки хизмат) ҳолати, унинг хажми, тузилмаси, рақобат, ривожланиш барқарорлиги, сиғими, рисклар ва бошқа турли омилларни инобатга олинишини тақазо қиласди.

Маркетинг тадқиқотлари жараёнининг режаси (research design) – маркетинг таҳлилини муваффақиятли ўтказиш учун зарурдир. Маркетинг таҳлили муаммосини ҳал этиш, ёки унинг учун зарурий ахборотларни тўплаш моделларини аниқлаштириш мухим ўрин тутади. Шу сабабдан маркетинг режаси ушбу тадқиқотларни самарали ўтказиш жараёнидага ўзига хос аҳамиятга

эга. Ўз вазифасини самарали ва юқори сифатда бажаришда маркетолог биринчи навбатда аниқ ўйланган маркетинг таҳлил режасини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Бошқача килиб айтганда, маркетинг таҳлилиниң режаси зарурий ахборотга эга бўлиб, маркетинг таҳлили муаммосини ҳал этишда фойдаланиладиган методлар (услублар)ни аниқлаштиради.

Маркетинг тадқиқотлари жараёни режаси ўз таркибига қўйидаги вазифа ёки компонентларни киритади:

1. Зарурий ахборотларни аниқлаш.
2. Тадқиқот изланиш, дескриптив ёки сабаб-оқибат фазаларини ишлаб чиқиш.
3. Ўлчаш ва шкалалаштириш жараёнларини аниқлаштириш.
4. Анкета (сўровнома)ни шакллантириш ёки ахборот тўплашнинг бошқа услубини аниқлаш.
5. Танлаш жараёнини аниқлаш ва унинг ҳажмини белгилаш.
6. Маълумотлар таҳлилини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш.

Ушбу босқичлар алоҳида бобларда кўриб ўтилиши режалаштирилган ва ушбу ўқув кўлланмада амалга оширилган.

Албатта, биринчи навбатда тадқиқот режасининг тури ҳил кўринишларини таҳлил қилишга ҳаракат киласиз.

Умуман олганда, маркетинг тадқиқотлари лойиҳаси – бу маркетинг тадқиқотларини бажариш схемаси бўлиб, унда ушбу тадқиқотнинг ҳар бир босқичи баён қилинади ва талаб қилинадиган ахборотларни олиш учун зарур барча жараёнлар белгилаб олинади. У муаммони аниқлашга ва ушбу муаммони ҳал қилиш усулини танлашга асосланади.

3.2. Маркетинг тадқиқотларининг дастлабки босқичлари

Дастлабки ёки бошлангич тадқиқотлар – муаммоли ҳолатни аниқлаш, асосий ғояни шакллантириш, тадқиқотчи олдида турган муаммони мөҳиятини аниқ тасвирлашга қаратилган. Бошлангич ёки дастлабки тадқиқотлар муаммони

аниқлашга қаратилган бўлса-да, лекин унинг келиб чиқиши манбаларини аниқ тасаввурга эга бўлмаганилиги учун унга мурожат қилинаверади.


Қўйидаги 3.4-расмда маркетинг тадқиқотлари режаларини таснифлаштириш ўтказилган бўлиб, улардан кўриниб тургандек, тадқиқот режаси асосан иккига таксимланиб, изланиш ва яқуний тадқиқот режаларидан иборат экан. Ушбу режалар ўртасидаги фарқлар 3.1-жадвалда акс эттирилган. Изланиш тадқиқотларининг асосий мақсади бўлиб, тадқиқот ортида турган муаммонинг мазмун ва аҳамиятини аниқлаштиришдан иборат.

Иzlaniш тадқиқоти (*expiatory research*) – маркетинг тадқиқотларининг турларидан бири ҳисобланиб, тадқиқотчи олдида турган муаммони тўғри тушунишини таъминлаб беришга хизмат қиласи.

Иzlaniш тадқиқотлари асосан муаммони аниқлаш, уларни ечимини топишида тўғри ёндашувга эга бўлиш ҳолатида фойдаланилади. Бу босқичда маркетолог олдига қўйилган вазифани аниқ тасаввур эта олмаган ҳолда, қандай ахборот зарурлигини аниқлашда изланиш тадқиқотлари навф беради.

Яқуний тадқиқот (*conclusive research*) - топ-менежерга маълум ҳолатда энг яхши ҳаракатлар вариантини аниқлаш, баҳолаш ва танлаш учун хизмат киладиган маркетинг тадқиқотларидир.

Қўйидаги расмда, маркетинг тадқиқотлари режасини таснифлаш акс эттирилган.



3.4 - расм. Маркетинг тадқиқотлар режаларини таснифлаштириш

Тадқиқот изланишларнинг асосий вазифалари муаммо ёки ҳолатини аникроқ ўрганиш, унинг моҳиятини тўлиқ тушунишдан иборат. Маркетолог олдига кўйилган бундай катта вазифаларни амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

- муаммони аниклаш ва ифодалаш;
- ҳаракатларнинг муқобил йўналишларини аниклаш;
- гипотезаларни ишлаб чиқиш;

- асосий ўзгарувчиларни ажратиш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниклаш;
- муаммони ечимида у ёки бу ёндашув вариантини асослаш;
- келажак тадқиқотнинг устувор йўналишларини аниклаш.

**3.1-жадвал
Иzlаниш ва якунний маркетинг тадқиқотлари ўртасидаги фарқлар**


	Иzlаниш	Якунний
Мақсад	Маркетинг муаммосини чукур тушуниш	Конкрет текшириш ва ўзгарувчилар ўртасидаги гипотезаларни боғлиқликни ўрганиш
Тавсифлар	Зарурый ахборот нотўғри аникланган тадқиқот жараёни ўзгарувчан ва таркиблаштирилмаган Танлов юқори эмас.	Зарурый ахборот тўғри аникланмаган Тадқиқот жараёни тартиба келтирилмаган
	Бирламчи маълумотларни сифатли таҳлил қилиш	Бирламчи маълумотларни миқдорий таҳлил қилиш
Натижалар	Дастлабки	Якунний
Якун	Кейинги йўналиш ёки якунний тадқиқот олдидан амалга оширилади	Натижалар бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида дастлабки манба тариқасида фойдаланилади.

Иzlаниш ёки кидирув тадқиқотлари қуйидаги методларни қўлланишини тақазо этади:

- экспертларни сўров қилиш;
- бошланғич тадқиқотлар;

- иккиламчи ахборотлар таҳлили;
- сифатий тадқиқотлар.

Шунингдек, маркетинг тадқиқотларида иккиламчи ахборот манбаларидан халқаро маркетингни кўллашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Бозорнинг мазмун тавсифларини ёки маркетинг фаолиятини маълум жабҳаларини ифодалашда дескриптив тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Дескриптив тадқиқоти (*descriptive research*) – тадқиқотнинг бир тури бўлиб, унинг асосий мақсади бўлиб, бозорнинг ёки маркетинг фаолиятининг маълум жабҳаларини ифодалашдан иборат.

Дескриптив тадқиқотларни ўтказиш борасида маркетологлар муаммоли ҳолат тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши муҳим ўрин тутади. Шу

сабабдан изланиш ва дескриптив тадқиқотлар ўртасидаги асосий фарқ ҳам шундан иборатки, дескриптив тадқиқотлар ўтказаётганда маркетологлар олдиндан қандай маълумотга эга бўлишини билади, тадқиқот гипотезаларини аниқ тасаввур қиласди. Дескриптив тадқиқотлар олтига саволга аниқ жавоб олишни тақизо этади, яъни: ким, нима, қачон, қаерда, нима учун ва қандай (инглиз тилида six Ws).

Профиль (қайтарилмайдиган) тадқиқотлар маркетинг тадқиқотларини ўтказиша кўп ҳолатда фойдаланилади.

Профиль (қайтарилмайдиган) тадқиқотлар (cross-sectional desings) – тадқиқот режасини тури, хисобланиб, бош тўпламдан бир маротаба, танлов тариқасида ахборот тўплашни тушунилади. Кўпинча бундай тадқиқотлар танлов сўров (sample survey) тариқасида ифодаланади. Улар бир маротабалаб ёки кўп профиллик турларига тақсимланади.

Бир маротабалик профиль тадқиқотлар (single cross-sectional desing) – бош тўпламдан респондентлардан битта танлови олинниб, ундан маълумот фақат бир маротаба тўпланилади.

Кўп маротабалик профиль тадқиқоти (multiple cross-sectional design) – бу ҳолатда респондентларнинг икки ёки ортиқроқ танловдан ахборотлар фақат бир маротаба тўпланилади.

Маълум бир пайтда содир этилаётган ходисаларни таҳлил этишда респонденттар когорт тариқасида қабул қиласди.

Когорт таҳлили (*cohort analysis*) – маълум вактда сўровларнинг серияси билан ўтказиладиган кўп маротабалик профил тадқиқотлардир. Когорта деганда бир пайтни ўзида бир хил ходисага дуч келаётган респондентлар гурӯҳи хисобланади.

Бир ҳилги маҳал қайта изланиш ёки текшириш ишларини амалга ошириш керак бўлади. Бундай ҳолатларда қайта изланиш амалга оширилиб, бош тўпламдан олинган танлов ёки танловлар бошқатдан тадқиқ қилинади.

Қайта тадқиқот (longitudinal desing) – аниқланган ва асосий тўпламдан танлаб олинган элементлар тавсифлари қайта ўлчанилади.

Қайта тадқиқот ўтказиш амалиётида панель ибораси кўп ҳолатда ишлатилиди.

Панель (panel) – узок муддат давомида маълум интервал мобайнида маълумотларни етказиб, беришга рози бўлган респондентлар танлови ёки гурӯхига айтилади.

3.3. Тадқиқот лойихасини олиб бориши ёндашувлари

Замонавий тадбиркорлик даври ўзининг бир канча хусусиятларига кўра дастлабки даврлардан ажralиб туради. Бу биринчи навбатда маркетинг фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатдан асосий кураш воситаси, ривожланиш услуги ва дастури сифатида тобора намоён бўлаётганилигида кўринмоқда. Маркетинг хусусида тўпланган ахборотни ўз вақтида ишлатиши, ундан зарурий йўналишларни аниқлашда фойдаланиш натижасида, кўпгина фирмалар машҳурликка эришдилар, доимий харидорлар қўламига, улар эътиборига сазовор булдилар. Бундай фирмалар жумласига, «Майкрософт», «Найк», «Рибок», «Сименс» каби бир катор фирмаларни киритиш мумкин. Маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва маркетинг ахборотига бўлган оммавий зарурият куйидаги ўзгаришларга бевосита боғлик.

Биринчидан, замонавий тадбиркорликнинг дастлабки ривожланишида асосий эътибор харидор эҳтиёжини кондиришга қаратилган бўлса, хозирги пайтда асосий эътибор харидорлар истакларини кондиришга қаратилган. Эҳтиёж – инсон томонидан хис этилган моддий ва маънавий неъматларга нисбатан етишмовчилик демакдир. Эҳтиёж умумлашган тарзда ушбу неъматларга эгалик қилишни назарда тутса, харидорлик истаги – алоҳида инсоннинг моддий ва маънавий етуклик даражасига кўра, муайян товарга бевосита эгалик қилиш ва уни ўзлаштириш борасида заруратидир.

Лекин, харидор истаги тушунчаси тўла маънода харидорнинг муайян товарни сотиб олишга, фойдаланишга кодир ва тайёр эканлигини англатмайди. Шу сабабли, бу ўринда харидорлик талаби тушунчасини келтириш лозим.

Харидорлик талаби – муайян товарни сотиб олишга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланадиган харидорлик истагининг аниқлаштирилган шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, харидорнинг харид қилишда тўловга қодирлик даражаси ва имкониятида бўлган қисмигина харидор талаби чегарасини ифодалайди.

Демак, замонавий тадбиркорлик ва маркетинг фаолияти биринчи ўринга харидорларнинг умумлашган тарздаги эҳтиёжини эмас, балки индивидуал харидорнинг истаги, диди, хохиши ва ўзлаштириш хусусиятлари билан фарқланувчи – харидорлар иштиёқини кондиришга талаб этади. Шундай қилиб турар жойга, овқатланишга, дам олишга бўлган эҳтиёжни кондиришдан, муайян тарздаги харидорлар истагини кондиришга, яъни уларнинг салмоғи, турмуш тарзи, одатлари, мавқелари ва бошқа хусусиятларни назарда тутиб, уни кондириш сари йул тутилиши хозирги пайтдаги тадбиркорлик фаолиятининг асосий хусусиятларидан бириди.

Иккинчидан, маҳаллий миқёсдаги маркетингдан, умумдавлат ва ундан халқаро маркетинг фаолияти сари ўтилиши оқибатида, фирмалар ўз имкониятларини самарали жиҳатларини интернационализация жараёнида кўрмоқдалар. Маҳаллий бозор талабларини кондириш учун курашда географик чекланишларнинг йўқолиши, янги товарлар ва хизматлар билан янги бозорларни ўзлаштириш самарали эканлигини ушбу хусусиятнинг асосий моҳиятини белгилайди.

Ушбу нуқтаи назардан, маркетинг ахборотига бўлган зарурат тобора ортиб бормокда. Маркетинг жараёнини самарали ташкил этишда маркетинг тадқиқоти муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалга оширилиши лозим бўлган маркетинг тадқиқоти жараёни учун тўрт муҳим манфаатдорликни таъминлаш лозим.

1. Товарлар ва хизматларни харидорларга етказишнинг фирма ва харидор ўртасидаги ўзаро манфаатли ва самарали шаклини излаш. Харидор учун ўта манфаатли савдо ва хизмат кўрсатиш шакллари асосида харидорнинг барча психологик, физиологик ва бошқа харидор истакларини кондириш. Бу

жиҳатдан, «харидор доим ҳақ» тамойили асосида фирма ўз фаолиятини ташкил этиши лозим.


2. Харидор учун манфаатли ва фойдали бўлган манзилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этишга интилиш. Харидор географик жиҳатдан чекланиш ва хизматлардан фойдаланишдан этишмовчиликни сезмаслиги лозим.

3. Харид этиш вақти харидор учун қулай ва кўп жиҳатдан манфаатли бўлишини таъминлаш ёхуд керакли ва зарурий вақтда сотувчининг харидорга тегишли товарлар ва хизматларни таклиф эта олиш қобилиятини ошириш.

4. Харид қилиш ва фойдаланишдан харидорнинг мамнунлиги ва манфаатдорлигини таъминлаш. Кўпгина холларда, харидор ўзи учун зарур товарларни сезмай қолади ва эътибор бермайди. Ана шу вазиятда сотувчи харидор иштиёқини сеза билиши, уни ушбу бозорда керакли товарлар билан иштироқи муҳим эканлигини англаши зарур бўлади.

Ушбу манфаатдорликка эришиш учун зарурий шарт – шароитни маркетинг тадқиқоти амалга оширади. Етарли ахборотни тўплаш келгуси ўзгаришларни белгилаш учун ушбу тадқиқотнинг аҳамияти бекиёсdir. Жумладан, юқорида қайд этилган манфаатдорликни таъминлаш маркетингнинг таркибий элементларида ўз аксини топади, яъни «Маркетинг – Микс» дастури тарзида: бошқача қилиб айтганда тўрт «Р», товар, баҳо, манзил ва товарларни талабга мослаштириш бўйича келгуси амалий тадбирларда ойдинлаштирилади. Демак, маркетинг фаолиятига хос бўлган барча ахборотлар, маълумотлар тадқиқотлар учун муҳим курол сифатида шаклланади.

3.6-расмда маркетинг тадқиқотларини ўтказища амал қилиш лозим бўлган асосий тамойиллар – тизимилийк, комплекслийк, объективлийк, тежамкорлик, мунтазамлик, тезкорлик, аниқлик ва синчковлик акс эттирилган. Бу тамойилларнинг ҳар бири ўзича муҳим бўлсада, бироқ улар биргаликда ва уйғунликда яхши ўйлаб чиқилган ва асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маркетинг тадқиқотларини тайёрлашга имкон беради.



3.6.-расм. Маркетинг тадқиқотларини ўтказища амал қилиш лозим бўлган асосий тамойиллар¹²


Ушбу концепцияни ишлаб чиқиш маркетинг тадқиқотларини бутун мураккабликларини билан кўришдан ташкири уни янада оқилона усуллари билан ҳал қилиш йўлларини белгилашга имкон беради. Бу эса янада муҳим аҳамият касб этади.

Товар ишлаб чиқарувчи исталган корхона раҳбарияти бозордаги ҳолат, кўйилган мақсадлар ва бажарилувчи вазифалар характеристи ҳамда белгиланган стратегиядан келиб чиқкан ҳолда қайси маркетинг тадқиқотларини ва қандай кетма-кетлиқда ўтказиш, қандай инсон ва молия ресурсларини ишга солиши, нимани ўз кучи билан қилиш, қайси тадқиқотларни четдан бажарувчиларга буюртма қилиш фойдали эканлигини ҳал қилишга мажбур.

¹² Завъялов П.С. Маркетинг в схемах и рисунках. –М.:Инфра-М, 2013, 70-б

Инсон ва молия ресурсларини тежаш ва бунда маркетинг тадқиқотларини ўтказишида катта натижага эришиш учун ушбу муаммони истиқболда қандай бўлишини концептуал жиҳатдан кўриш зарур.

Мураккаб ва кенг миқёсли маркетинг тадқиқотларини ўтказишида тадқиқот концепциясини ишлаб чиқиши, унда муаммони батафсил очиб бериш, уни энг самарали усул билан ҳал қилиш йўллари ва воситаларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бундай концепция асосида тадқиқот лойиҳасини, уни ўтказиши усулини ишлаб чиқиши, вазифаларни ифодалаш, ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши мумкин. Куйидаги расмда маркетинг тадқиқотларини ўтказиши лойиҳасининг турли йўллари кўрсатилган.



¹³ Завъялов П.С. Маркетинг в схемах и рисунках. –М.:Инфра-М, 2013, 72-б

Маркетингли тадқиқотлар тизимида фирма раҳбариятига ички бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа маълумотлардан ташқари, бозор конъюнктураси ҳақида, харидорнинг айнан шу товарни сотиб олишга нима мажбур қилганлигини тадқиқ қилиш, ҳудудлар бўйича сотиш миқдорини истиқболлаш, реклама самарадорлигини ҳисоблаш каби маркетингли маълумотлар ҳам зарур. Бундай маълумотларни маҳсус маркетингли тадқиқотлар орқали олиш мумкин. Бу тадқиқотлар доимий равишда маълумотларни лойихалаш, йиғиш, таҳлил қилиш, эълон қилиш ва ўзига хос маркетингли вазиятларда уларни кўллаш чораларини излашдан иборатdir.

Фирмалар маркетингли тадқиқотлар натижасини турли йўллар билан олишлари мумкин. Масалан, кичик компаниялар бу тадқиқотларни ўтказишини университет (институт) кафедралари ёки маҳсус фирмаларга буюртма қилишлари мумкин. Йирик компаниялар кўпчилик ҳолларда ўз структураларида маркетингли тадқиқот бўлимларига эга бўладилар.

3.4. Тадқиқот лойиҳасини олиб бориш бюджети ва жадвалини шакллантириш

Тадқиқот режаси ишлаб чиқилгандан ва умумий хатоликка йўл қўйиш устидан назорат ўрнатилаганидан сўнг маркетинг тадқиқотларини ўтказиши жадвали ва бюджети ишлаб чиқилиши лозим бўлади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиши **бюджетини тузиш ва жадвалини ишлаб чиқиш** (*budgeting and scheduling*) лойиҳа етарли даражада молиявий, вақт, меҳнат ва бошқа ресурсларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун зарурдир. Маркетинг тадқиқоти лойиҳаларини вақт чегаралари ўрнатилганидан сўнг бошқариш имкониятига эга бўламиз.

Ушбу лойиҳани самарали бошқаришда кўп ҳолатда *танқидий (критик) йўл методи* (*Critical Path Method*) фойдаланиб, лойиҳани алоҳида босқичларга вақти, кетма-кетлиги ва ҳаражатларини инобатга олинган ҳолда тартиблаштирилади. Бундай тартибга олиш турли жадвал асосида амалга

оширилади ва ундан кейин ҳар бир ҳаракатнинг танқидий йўли, яъни маълум ҳолатда энг оптимал бажариш йўли ҳисобланади.

Хозирги кунда танқидий йўл методи (*CPM*)нинг такомиллашган шакли дастурни бажарилишини баҳолаш ва текшириш усули (*Program Evaluation and Review Technique – PERT*) ҳисобланиб, лойиҳанинг амалга ошириш жадвалини тузишга эҳтимоллик ёндашув билан тасвирланади. Ундан ҳам замонавий усуллардан бири бўлиб *жадвалий баҳолаш ва текшириши* (*Graphical Evaluation and Review Technique – GERT*) усули ҳисобланади. Бу усулда бажариш эҳтимоллиги, ҳар фаолиятнинг харажатлари турли жадвал тариқасида акс эттирилади.

Маркетинг тадқиқотларининг ўтказиш режаси ва бюджети тасдиқлангандан сўнг уни олиб бориш таклифлари ишлаб чиқилади. Маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш таклифи (*marketing research proposal*) маркетинг тадқиқотларининг моҳиятини ифодалаб, тадқиқотчи ва мижоз ўртасидаги шартнома тариқасида қабул қилинади. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳақидаги таклиф унинг барча босқичларини ўз ичига қамраб олади:

- тадқиқот олдидаги муаммо;
- унинг ҳал килиш учун ёндашув;
- тадқиқот режаси;
- маълумотлар қандай тўпланилади, қандай таҳлил этилади;
- қандай натижалар мижозга тақдим этилади ва бошталар.

Бу таклифда барча амалга оширилаётган фаолият бўйича харажатлар ҳисоб-китоб қилинади ва унинг вактичалик жадвали ишлаб чиқилади. Ушбу таклиф қўйидаги 10 та бўлимдан иборат бўлади:

1. Раҳбариятга қисқача маълумот (резюме) тайёрланади.
2. Бошлангич манба маълумотлари.
3. Тадқиқотнинг муаммоси ва вазифаларини аниқлаш.
4. Муаммога ёндашиш.
5. Тадқиқот ўтказиш режасини ишлаб чиқиши.

6. Маълумотларни тўплаш ёки дала тадқиқотлари жараёнларини амалга ошириш.

7. Тўпланган маълумотларни таҳлил этиши.
8. Ҳисобот тайёрлаш ва унинг тақдимотини амалга ошириш.
9. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишдаги босқичларининг муддати ва ҳаражатларини ҳисоблаш.
10. Бажарилган иш бўйича иловаларни (статистик ёки бошқа ахборотлар) бириктириш.

Барча тўпланган маркетинг маълумотлари тадқиқот ўтказишдаги таклиф ва ахборотта эҳтиёжни аниқлашдан иборат бўлади.

3.5. Тадқиқот ўтказиш тўғрисидаги таклиф ва ахборотга эҳтиёжни аниқлаш

Юкорида кўриб ўтилган бўлимларда биз томондан маркетинг тадқиқотларини ўтказишга асос бўладиган таклиф ўзи нималигини ёритиб берилган эди. Аммо, бундай таклиф фақат мижознинг эҳтиёжи ёки хоҳишидангина эмас, балки маркетологлар, ёки маркетинг муаммосини таҳлил киляётган бошқа мутахассислар ташабbusи билан ҳам амалга ошиши мумкин.


3.2.-жадвалда маркетинг маълумотларини мақсадига қараб гурухлаштириш тизими тавсия қилинган. Унда маълумотларнинг турлари, олдига қўйилган мақсадлар ва манбалари ҳам кўрсатилиши лозимdir. Маълумотлар бирламчи ва иккиламчи, мижоз томондан қўйилган талаблар, тадқиқот бюджети, ўтказиш босқичлари ва бошқа омилиларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқdir.

3.2-жадвал

Маркетинг маълумотларини мақсадига қараб гурухлаштириш

Маълумот тuri	Маълумотнинг мақсади	Маълумот қаердан олинганилиги
Маълумотнома	Ёрдамчи, хизмат мақсадлари	Маълумотнома, регистрлар, бюллетенлар, ўкув адабиётлар

Норматив	Турли мөйөрлар ва норматив далолатномалар, бошқарув	Норматив маълумотномалар, конунлар ва қарорлар тўплами
Тахлилий	Қонуниятлар, тенденция, ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва моделлаштириш	Динамик қаторлар, таҳсимот қаторлари, гурухлаштириш ва бошқалар
Тавсия этилувчи	Консалтинг мақсадлари, маълумотлар базаси	Буюртма ёки кутилмаган тадқиқотлар асосида тавсия қилиш, прогнозлар тузиш
Сигналлик	Мониторинг (кузатув)	Хисоблаш ва фактлар, кисқа муддатлаи прогноз ва экстраполяция
Мувофиқлаштирувчи	Контроллинг	Режадан чиқиш холати <small>бўйича маълумотлар</small>



3.8-расм. Маркетинг ахборот тизими ва қарор қабул қилишга ёрдам берувчи тизимни таққослаш

Шу сабабдан 3.8 - расмда маркетинг ахборот тизими ва маркетолог томонидан қарор қабул қилишга ёрдам берувчи тизимни таққослаш амалга оширилган.

Шу сабабдан маркетинг ахборот тизимининг ва қарор қабул қилишга ёрдам берувчи тизимни солишириб кўрилиши, маркетинг тадқиқотларининг мақсади, олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда оқилона йўл топишга хизмат қиласди.

Дескриптив тадқиқотлари асосан иккиласми маълумотлардан фойдаланишигини эсдан чиқмаслиги лозим. Айниқса, иккиласми маълумотлардан фойдаланиш жараённида ўрганилаётган объектга мослиги, тармоқ, соҳа хусусияти, ташкилотдаги қўйилган мақсадлар, фойдаланилаётган методлар, усуслар ва бошқаларни инобатга олиниши зарурдир.

Ҳозирги даврда маълумотларни йиғиш ва тахлил қилишда замонавий ахборот-технологиялардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини амалга ошириш, Интернет тизимида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Маркетинг тадқиқоти натижаларини умумлаштиришда бир қанча масалалар қараб чиқилиши лозим. Буларни амалга ошириш учун қўйидаги жиҳатларга аҳамият берилади.

1. Маркетинг тадқиқотлари мақсад ва вазифаларига тўлиқ эришилганини қайд қилинади.
2. Маркетинг тадқиқотларининг концепцияси бажарилганлиги умумий тарзда қараб чиқилади.
3. Маркетинг тадқиқотлари бўйича тўпланган ахборотларнинг тўғрилигига баҳо берилиб, хатоликлар даражаси аниқланади.
4. Маркетинг тадқиқотлари бўйича статистик таҳлил амалга оширилади. Бунда жуда кўп кўрсаткичлар турли усусларни қўллаган ҳолда таҳлил қилинади. Чунки кутилаётган натижага билан омиллар ўртасидаги боғлиқликлар функционал ёки стохистик бўлиши мумкин. Булар ўртасидаги боғлиқликларни

аниқлашда оддий таҳлилий усуллардан тортиб корреляцион усулларгача фойдаланилади.

5. Маркетинг тадқиқотларининг статистик таҳлили натижалари бўйича атрофлича хулоса килинади ва маҳсулот (хизмат) бозорини такомиллаш-тириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қиласди.

6. Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

7. Ушбу чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этишга киришилади. Бунда ҳар бир мутахассисга тегишли тарзда вазифалар бўлиб берилади ва унинг бажарилиши тизимли равишда назорат қилиб борилади.

Ахборот тўплаш «танлаб олиш» асосида амалга оширилувчи маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойили бутун популяция учун унинг кичик бир қисмни танлаб олиша ахборот олишдан иборат. Танлаб олиш ҳажми олинган натижаларнинг аниқлик даражасини белгилаб беради.

Классик усул тасодифий танлаб олиш ҳисобланади. Истеъмолчиларни тадқиқ қилиш учун одатда тасодифий рақамлар ёки «ҳар биринчи» тамойили бўйича танлаб олинувчи рўйхат кўлланади. Танлов ҳажми одатда бир неча юз ёки мингтани ташкил этади (масалан, Англия учун 30000 атрофида, яъни ёши катта аҳолининг мингдан бир қисми олинади).

Нормал тақсимот конунини қабул қилишда ўртacha квадрати огиш куйидагича аниқланади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{p(100 - p)}{n}},$$

бу ерда

p – ўзгартириш лозим бўлган хислатга эга популяция фоизи;
 n – танлаб олиш ҳажми.

Масалан, 1000 та уй эгаси танлаб олишга жалб этилган ва улардан 10%и ўлчанаётган белгига эга бўлса, у ҳолда қолган 90% и ичida бир – бирига яқинлари ёки ўхшашлари танлаб олинади. Ушбу ўхшашликдан ярмидан кўпни эҳтимоллик даражасига таянади.

Бу эса шуни англатади: 68% эҳтимоллик даражаси (битта стандарт оғиши билан тасдиқлаш мумкини, натижা 9,7 ва 10,3% ўртасида ётади, эҳтимоллик даражаси 0,95 бўлганда эса - 9,4 ва 10,6% (оғиши икки), п қ 400 бўлса, охирги ҳолатда 7-13% (стандарт оғиши 1,5%) бўлади. Шу сабабли кўпинча танлаб олиш ҳажми 1000 киши қилиб олинади (3.3-жадвалга қаранг).

3.3-жадвал

Танлаб олиш ҳажми турлича бўлганда аниқлик диапазонлари

Ҳажм	Мувоғиқлик даражаси 0,95 да кутилаётган натижা (%)		
	10 или 90 (±)	30 или 70 (±)	50 (±)
50	9 (4,5)	13 (6,5)	14 (7)
100	6 (3)	9 (4,5)	10 (5)
200	4 (2)	6 (3)	7 (3,5)
500	3 (1,5)	4 (2)	4 (2)
1000	2 (1)	3 (1,5)	3 (1,5)
5000	1 (0,5)	1 (0,5)	1 (0,5)

Тўпланган статистик маълумотлар турли тарзда таҳлили қилиниши мумкин. Масалан, кўп омилли регрессия таҳлили, омиллар таҳлили, кластер таҳлили ва алоқалар таҳлилидан фойдаланиш мумкин.

Кластер таҳлилида бир гурӯх истеъмолчилари бошқа гурӯҳдан кескин фарқ қилувчи омиллар изланади ва шу тариқа битта кластер бошқалардан «ички боғланиш» натижасида ажратилади.

Маркетинг тадқиқотининг якуний боскичи унинг натижаларини эҳтиёж билдирган барча шахсларга тақдим этишдан иборат. Биринчидан, ким бу натижаларни фойдали деб ҳисоблашини аниқлаш керак. Фойдаланувчилар учун ҳисобот тилини соддлаштириш талаб қилиниши мумкин, чунки кам сонли менежерларгина маркетинг тадқиқотлари атамаларини тушунади.

Менежерларга ҳисобот билан куйидаги тарзда ишлаш таклиф этилади.



3.9-расм. Мезонларнинг асосий кетма-кетлиги¹⁴

Хисобтнинг биринчи бетига назар ташлашдан олдин менежер ўзидан тадқиқот предмети унинг ўзига хос эҳтиёжларига жавоб берishi ҳақида савол берishi лозим. Бундан ташқари, ишнинг хисобот билан мақсадга мувоғиқлигини баҳолашни хисобот аннотациясига кўз югуртириб чиқиб ҳам билиш мумкин.

Энг мухим масала – тадқиқотнинг ишончлилигини баҳолашдир. Хисобтнинг методологияси билан танишишда (масалан, анкеталар мазмуни билан танишишда) қўпол баҳолашга йўл кўйилиши мумкин. Аникликни фойдаланилаётган танлов ҳажми билаң баҳолаш лозим.

Аксарият хисоботларда маъдум бир тенденциялар кузатилади, чунки тадқиқотчининг ўз қарашларидан четга чиқиши қийин. Энг яхши хисоботлар тадқиқ этиладиган нарсалар ва уларнинг натижалари қатъий тезисларидан иборат олади. Бу натижаларнинг «безалиши»ни англашга имкон беради.

Хисобот устида ишлашда якуний масала фойдаланиладиган ахборот доираси қандайлигидир. Жавобни қандай масалалар кўриб чиқилганинги тўғри тушуниш учун анкеталар билан танишиб чиқиб олиш мумкин.

Факат бу кўрсаткичлар бўйича баҳолагандан сўнг хисобтнинг асосий қисмини ўқишга ўтиш лозим.

Табиийки, ўқишни аннотациядан бошлаш, сўнgra деталли натижаларни англашга ўтиш лозим. Менежер тадқиқот натижасида олинган хулосалар билан розилигини билдириши, қайси ахборот унинг учун ҳақиқатлан ҳам янги эканлигини фарқлаши лозим. Ва ниҳоят, ҳисобот билан танишишни ўз аннотациясини ёзиш билан якунлаш зарур бўлади.

Киска хулосалар

Бу бобда биз, маркетинг тадқиқотлари жараёни, маркетинг тадқиқотларини ўтказишида энг мухим омил тадқиқот ўтказиш жараёни ва маркетинг тадқиқотлари жараёни босқичларининг кетма-кетлиги, бозорни тадқиқ қилиш учун зарурий ахборотлар манбай маълумотлари билан танишиб чиқдик.

Шунингдек, маркетинг тадқиқотлари жараёнининг режаси (*research desing*) – маркетинг таҳлилини муваффакиятли ўтказиш учун зарурдир. Маркетинг таҳлили муаммосини ҳал этиш, ёки унинг учун зарурий ахборотларни тўплаш моделларини аниқлаштириш мухим ўрин тутади. Шу сабабдан маркетинг режаси ушбу тадқиқотларни самарали ўтказиш жараёнида ўзига хос аҳамиятга эга. Ўз вазифасини самарали ва юқори сифатда бажарища маркетолог биринчи навбатда аниқ ўйланган маркетинг таҳлил режасини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, маркетинг таҳлилиниң режаси зарурий ахборотга эга бўлиб, маркетинг таҳлили муаммосини ҳал этишда фойдаланиладиган методлар (услублар)ни аниқлаштиради.

Изланиши тадқиқоти (*expiatory research*) – маркетинг тадқиқотларининг турларидан бири ҳисобланиб, тадқиқотчи олдида турган муаммони тўғри тушунишини таъминлаб беришга ҳизмат қиласи.

Изланиш тадқиқотлари асосан муаммони аниқлаш, уларни ечимини топишида тўғри ёндашувга эга бўлиш холатида фойдаланилади. Бу босқичда

¹⁴ Федъко В.П. Маркетинг. 100 экзаменационных ответов, Ростов на Дону, MarT, 2012, с.129

маркетолог олдига қўйилган вазифани аниқ тасаввур эта олмаган ҳолда, қандай ахборот зарурлигини аниқлашда изланиш тадқиқотлари навф беради.

Якуний тадқиқот (*conclusive research*) - топ-менежерга маълум ҳолатда энг яхши ҳаракатлар вариантини аниқлаш, баҳолаш ва танлаш учун хизмат қиласидаги маркетинг тадқиқотлариридир.

Дескриптив тадқиқотлар олтига саволга аниқ жавоб олишини тақозо этади, яъни: ким, нима, қачон, қаерда, нима учун ва қандай (инглиз тилида *six Ws*).

Профиль (*қайтарилмайдиган*) тадқиқотлар (*cross-sectional designs*) – тадқиқот режасини тури, ҳисобланиб, бош тўпламдан бир маротаба, танлов тариқасида ахборот тўплашни тушунилади. Кўпинча бундай тадқиқотлар танлов сўров (*sample survey*) тариқасида ифодаланади. Улар бир маротабалаб ёки кўп профиллик турларига тақсимланади.

Бир маротабалик профиль тадқиқотлар (*single cross-sectional design*) – бош тўпламдан респондентлардан битта танлови олиниб, ундан маълумот факат бир маротаба тўпланади.

Кўп маротабалик профиль тадқиқоти (*multiple cross-sectional design*) – бу ҳолатда респондентларнинг икки ёки ортиқроқ танловдан ахборотлар факат бир маротаба тўпланилади.

Қайта тадқиқот (*longitudinal design*) – аниқланган ва асосий тўпламдан танлаб олинган элементлар тавсифлари қайта ўлчанилади.

Қайта тадқиқот ўтказиш амалиётида панель ибораси кўп ҳолатда ишлатилиади.

Панель (*panel*) – узок муддат давомида маълум интервал мобайнида маълумотларни етказиб, беришга рози бўлган респондентлар танлови ёки гуруҳига айтилади.

Тадқиқот лойихасини олиб бориш бюджетини ишлаб чиқиш йўуллари билан ҳам танишиб чиқдик.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бюджетини тузиш ва жадвалини ишлаб чиқиш (*budgeting and scheduling*) лойиха етарли даражада молиявий, вақт, меҳнат ва бошқа ресурсларига эга эканлигига ишонч хосил килиш учун

зарурдир. Маркетинг тадқиқоти лойиҳаларини вақт чегаралари ўрнатилганидан сўнг бошқариш имкониятига эга бўламиз.

Таянч иборалар: Маркетинг тадқиқотлари жараёни, бозорни ўрганиш, босқичлар, максадли дараҳт, режани ишлаб чиқиш, Дескриптив тадқиқоти, Профиль (*қайтарилмайдиган*) тадқиқотлар, бир маротабалик профиль, кўп маротабалик профиль, Когорт таҳлили, қайта тадқиқот, панель (*panel*), лойиҳа бюджети, маълумот турлари, кластерли таҳлил.

Назорат учун саволлар

1. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади нима?
2. Маркетинг тадқиқотларининг вазифалари нималардан иборат?
3. Маркетинг тадқиқотлари концепциясининг шаклланиш босқичлари.
4. Маркетинг тадқиқотларини режалаштиришнинг мазмуни нималардан иборат?
5. Маркетинг тадқиқотлари учун маълумотларни тўплашда талаб килинадиган жиҳатларни айтиб беринг.
6. Маълумотларни тўплайдиган ходимларни танлаш ва уларга тегишли тарзда малакавий маслаҳатлар бериш ким томондан амалга оширилади?
7. Ходимларни услубий маълумотлар билан тўлиқ таъминлаш ва уларни назорат килиш шакли қандай йўналишларда олиб борилади?
8. Маълумотларни тизимлаштиришда қандай статистик усуллардан фойдалнилади?
9. Сўралувчилар томонидан йўл кўйилиши мумкин бўлган хатоликлар.
10. Тадқиқот натижаларини умумлаштириш қандай кетма – кетлик зарур?

4-боб. МАРКЕТИНГ АХБОРОТИ МАНБАЛАРИ

4.1. Маркетинг тадқиқотларида ахборотнинг моҳияти ва уларнинг турлари

Ахборотлар дейилганды, ҳодиса ёки жараёнлар ҳақидағи далил, маълумот, хабар, баҳо ва рақамларда ифода этилган, уларни таҳлил қилиб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўладиган маълумотлар тушунилади.


Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Ахборот” атамасига “Иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот”¹⁵, деган изоҳ берилган. Кўриниб турибдики, ахборотлар корхона ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда иш, ҳаётда воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумотлардан иборат. Демак ҳаётда қанчалик воқеа-ҳодисалар кўп бўлса, улар ҳақида тушунча берувчи хабарлар ҳам, уларни ифода этадиган маълумотлар ҳам шунчалик кўп. Уларни ўрганиш учун маълум даражада тизимлаштиришини тақозо қиласи. Бу эса, ўз навбатида уларни маълум белгилари бўйича таснифлаш заруратини туғдиради.

Маркетинг тадқиқотларида ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини ўрганар эканмиз, аввалам бор маркетинг ахборот тизими (МАТ)га мурожат қиласиз. МАТ – инсонлар, техник воситалар ва амалга ошириш услубларидан ташкил топиб, муҳим ва тўғри ахборотни тўплаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш, узатиш натижасида маркетинг соҳасида қарор қабул қилувчига самарали ёрдам кўрсатиш вазифасини бажаради. (4.1 – расм) Маркетинг ахборот тизими ўзаро муштарак, боғланган элементлар ва муносабатлар мажмуини ташкил этади.

Маркетинг ахборот тизими маркетингли режалаштиришнинг такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидан назорат мақсадларида фойдаланиш юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш учун замонда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш,



баҳолаш ва тарқатиш юзасидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кишилар, асбоб-ускуналар ва жараёнлар йигиндисига киради. Қуйидаги расмда маркетинг ахборот тизимининг кўриниши акс эттирилган. (4.1 – расм).



4.1-расм. Маркетинг ахбороти тизимининг умумий кўриниши¹⁶

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, ахборотга бўлган эҳтиёж ва ахборотни натижавий тақдим этиш учун, маркетинг бўйича мутахассис мақсадга эришиш учун аввало режалаштириш жараёни ва тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб бўлганидан сўнг уни тақдим этади.

Маркетингни бошқариш ишини амалга оширишда бизнинг билимларимизни кўпайтирадиган маълумот ва ахборотларнинг барча турлари ахборотга киради. Булар янги машиналар, янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни сотиш, рақобатбардош маҳсулотлар, уларнинг ҳолати, келажаги ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборотлардир. Ҳар бир корхона, ташкилот ёки маркетинг бўлими гурухидан қатъий назар ахборотнинг статистика, оператив режа – иктисодий, бухгалтерия ахборотларини, молиявий ахборот, моддий техника таъминотига оид ахборот, кадрларга оид ахборот,

¹⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси. ДИН, 2015. – 119-120 бетлар.

технология, конструкторлик, справка каби турлари бўлади. Ахборотларни олиш манбаларига кўра ички ва ташки ахборотга бўлиш мумкин.

Ахборот тизимларини шаклланишида ахборотга бўлган эҳтиёж, зарурий шакллардаги ва талабдаги ахборотни тақдим этиш тартиби ва муддати муҳим аҳамият касб этади. Ундан ташқари ахборот турлари манбаларини ҳам билишимиз лозим бўлади. Яъни уларни таснифлаш ҳақида гап бормоқда.

Ахборотларни таснифлашда А.Дуровичнинг тавсияси¹⁷ диққатимизни жалб қилди. Шу туфайли биз ҳам уни асос килиб олишни мақсадга мувофик, деб топдик. Бу қуидаги жадвалда келтирилган (4.1-жадвал).

4.1-жадвал

Ахборотлар таснифи ва уларнинг мазмуни¹⁸

Ахборотларнинг тавсифий белгилари	Ахборотларнинг турлари	Ахборотларнинг мазмуни
Мазмуни бўйича	Меърий	Корхоналар фаолиятига доир конунлар ва бошка меърий хужжатлар.
	Хисоб-статистик	Корхонанинг фаолиятига доир жараёнларнинг хисоб ва хисоботларда ифода этилиши.
	Справочникдаги	Турли справочник, каталог, паспорт ва проспектлар кабиларда келтирилган маълумотлар.
	Илмий-техникавий	Илмий-техник тадқикотлар натижалари, ихтиrolар ва бошка илмий ишланмалар
Тизимлаштириш даражаси бўйича	Тизимлаштирилган	Муддати, кўрсаткичлари, даври, шакли, тарқиби каби жихатлари тизимлаштирилган ахборотлар.
	Тизимлаштирилмаган	Юкоридаги қатъий тартибга амал килинмаган тарзда турли манбалarda келтирилган ахборотлар.
Маълумотлар манбаси бўйича	Иккиласми	Бухгалтерия ва статистик хисоботлар, меърий хужжатлар, справочниклар, нормалар каби олдиндан тайёрланган ахборотлар.

¹⁷Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2013. – 8-11 бетлар.

¹⁸Уша жойда. 8-11 бетлар. Таржима муаллифлар томонидан соддалаштирилган ҳолда ахборот турининг мазмуни ўзимизнинг иқтисодиётимизга мослаштириб амалга оширилди.

	Бирламчи	Олдиндан тайёр бўлмаган, аммо тадқикот учун зарур бўлган маълумотларни турли сўровлар, тадқиқотлар, кузатувлар ва тажрибалар натижасида тўплangan ахборотлар
Даврийлиги бўйича	Ўтган давр ахбороти	Корхона ва бозор фаолияти тўғрисида олдин содир бўлган маълумотлар.
	Жорий давр ахбороти	Ҳисобот даврида содир бўлган жараёнлар тўғрисида тезкор тарзда келтирилган ахборотлар.
	Келгуси давр ахбороти	Келгусида корхонанинг ахволи қандай бўлиши тўғрисида эҳтимолларни берувчи ахборотлар
Карорларни кабул қилиш босқичи бўйича	Ифода этувчи	Холат ҳақида тўлиқ маълумот ифодаланган ахборотлар.
	Тушунтурувчи	Корхона фаолиятида содир бўлган жараёнларга изоҳ берадиган ахборотлар.
	Режали	Корхонанинг ҳаракатини ўзида ифода этадиган дастурий тадбирлар.
	Назоратда фойдаланувчи	Корхона фаолияти ҳақидаги реал маълумотлар ва хужжат асосида бўлиши керак бўлган маълумотлар таққосланишини ифода этувчи ахборотлар.
Ахборотларнинг характеристики бўйича	Микдорий	Кузатилаётган обьект ҳақида ракамларда бериладиган маълумотлар (бозор ҳажми, тўйинганлик даражаси, нархи кабилар).
	Сифатий	Сифатий жиҳатларни ифодалайдиган (истеъмолчиларнинг жинси, яшаш жойи бўйича, фаолияти бўйича) кўрсаткичлар.
Барқарорлиги бўйича	Доимий	Узок муддат давомида бир хил холатда келиб турадиган (сотиш ҳажми, солиқ микдори кабилар ҳақидаги хисобот) ахборотлар.
	Ўзгарувчи	Тасодифан келиб тушадиган ва тез ўзгариб турадиган турли ходисалар тўғрисидаги ахборотлар.

Келиб тушуш даврийлиги бўйича	Вақти-вақти билан	Бир хил вақт оралиғида доимий тушиб турадиган ахборотлар (ойлик, чораклик, ийиллик хисоботлар).
	Узлуксиз доимий равища	Доимий равища содир бўладиган ходисалар (кунлик пул тушуми, ҳар куни бажарилган ишлар, кунлик тезкор хисоботлар каби) тўғрисидаги маълумотлар
	Зарурат бўлганда	Зарурат бўлганда келиб тушадиган ахборотлар бўлиб хисобланади. Масалан, янги рақобатчилар тўғрисида ёки бозор хақидаги маълумот керак бўлиши мумкин.
Типи бўйича	Демоскопик ёки сегментацион(истеъмолчилар таркиби)	Истеъмолчилар таркиби (жинси, ёши, миллати, ижтимоий аҳволи, даромад олиш даражаси кабилар) бўйича ахборотлар.
	Экоскопик (умум-иктисодий вазият)	Мамлакат миқиёсида бозорнинг ҳолати, умумиқтисодий вазият, баҳонинг ўзгариш тенденцияси кабилар.

Мазкур 4.1 - жадвалдан кўриниб турибдики, маркетинг тадқиқотларида қўлланиладиган ахборотлар 9 та белгиси бўйича таснифланган. Бунда ахборотларнинг 25 та тури келтирилган ва унга изоҳ берилган. Аммо бу тизим мукаммалликка даво қилмайди, деб ўйлаймиз. Чунки тадқиқотнинг максади ва кутилаётган натижасидан келиб чиқиб, уларни яна бир қанча гурухларга ҳам бўлиш мумкин. Мос равища келтирилган гурухларнинг айримларидан фойдаланиш ҳам шарт бўлмайди. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ахборотлар қанчалик кўп бўлса, уни ўрганишга бўлган қизиқиш ва ўрганиш жараёнидаги ёндашувлар ҳам шунчалик кўп бўлади. Шу жиҳатдан мазкур бўлимда методологик асос сифатидаги фикрлар келтирилган. Ушбу фикрлар ўз хусусиятларига эга, чунки ҳар бир маълумотнинг ўз ўрни ва унинг зарурлигини мутахассис берилган натижадан кейин аниқлади. Уни тадқиқ қилишда ва улардан фойдаланишда масалага ҳамиша ижодий ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

4.2. Маркетинг тадқиқотлари учун маълумотларни тўплаш

Маркетинг тадқиқотларининг самарадорлигини таъминлаш учун тадқиқотга зарур бўлган маълумотларни тўплашни тақозо қиласди. Аммо маркетинг тадқиқотлари учун тайёр маълумотлар махсус ҳисоботларда ёки бошқа расмий хужжатларда келтирилмайди. Шу туфайли уни асосан социологик сўровлар натижасида тўплашни тақозо қиласди. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади:

- маълумотларни тўплайдиган ходимларни танлаш ва уларга тегишли тарзда малакавий маслаҳатлар бериш;
- ходимларни услубий материаллар билан тўлиқ таъминлаш;
- ходимларни назорат қилиш шаклини ишлаб чиқиш;
- маълумотларни тизимлаштиришда турли статистик усуслардан фойдаланиш.

Буларнинг мазмуни қуйидагича ифодалаш мумкин (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

Маркетинг тадқиқотлари учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш тадбирлари

Амалга ошириладиган тадбирлар	Ушбу ҳолатда бажариладиган ишлар
Маълумотларни тўплайдиган ходимларни танлаш ва уларга тегишли тарзда малакавий маслаҳатлар бериш	<ul style="list-style-type: none"> - маъсулиятни ҳис киладиган ва шу ишни уddyалайдиган ходимларни танлаш; - уларни руҳан тайёрлаш; - сўралувчилар билан муомила қилиш маданиятини ўргатиш; - тегишли маслаҳатлар бериш; - зарур ҳолларда тренинглар ўтказиб ўқитиш; - имкон қадар тўпланадиган далилларнинг тўғрилигини таъминлашга қаратилган тадбирларни кўллаш кабилар.
Ходимларни услубий материаллар билан тўлиқ таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> - нима мақсад учун маълумотлар кераклигини билиш; - тегишли анкеталар ва сўровномалар билан таъминлаш; - бир хилликка эришиш учун тегишли низомлар билан таъминлаш;

	<ul style="list-style-type: none"> - сўралувчиларнинг тўғри йўналиш олиши учун уларга ҳам турли эслатмаларни тайёрлаш кабилар.
Ходимларни назорат қилиш шаклини ишлаб чиқиш.	<ul style="list-style-type: none"> - ходимларнинг маълумотларининг ахамиятидан келиб чиқиб, уларни тўғри маълумот тўплашига эришиши учун тегишли назорат усулларини ишлаб чиқиш; - олинган маълумотларни танлаб қайтадан кузатиб кўриш; - видео камера ўрнатилган жойда сўровни ўтказиш; - сўралувчиларнинг айримларидан интервью олиш; - олинган маълумотларни тизимлаштириш кабилар.
Маълумотларни тизимлаштириша турли статистик усуллардан фойдаланиш.	<ul style="list-style-type: none"> -маълумотларни гурухлаштириш; - маълумотларнинг ўртача миқдорларини аниқлаш; - маълумотларнинг таркибий тузилишини аниқлаш; -тўғри хулоса қилиш учун хатоликлар даражасини аниқлаш кабилар.

Ахборотларни тўплашда бир қанча хатоликлар бўлиши мумкин. Ахборотларни тўплашда сўралувчининг маданий ва интеллектуал савиаси етарли бўлсагина у қўйилган саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бериши мумкин. Сўралувчи масаланинг моҳиятини тўғри тушуниши, маъсулиятини ҳис қилиш даражаси юқори бўлишлиги лозим. Шундагина анкетадаги саволларни тўғри тушунсагина қўйилган саволларга бўлган муносабат бошқача бўлади. Айрим саволларга жавоб беришдан бош тортиши (оилавий ахволи, даромадлар манбаи, ёши, миллати кабилар) мумкин. Шу тифайли мазкур холатда ёпик сўровларни ўтказиш маъқул бўлади. Бунда аниқ фамилияси ва яшаш манзили қайд этилмайди. Булар сўровчilar томонидан ҳам, сўралувчilar томонидан ҳам йўл қўйилиши мумкин. Буларнинг мазмуни ушбу жадвалда келтирилган (4.3-жадвал).


4.3-жадвал

Сўровчи(корреспондент) ва сўралувчilar (респондентлар) томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар

Хатоликка йўл қўйиши мумкин бўлган субъектлар	Хатоликларнинг турлари
Сўралувчilar томонидан	- сўралувчининг маданий ва интеллектуал

Йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар	<ul style="list-style-type: none"> савиаси; - масаланинг моҳиятини тўғри тушуниши; - сўралувчининг маъсулиятини ҳис қилиш даражаси; - анкетадаги саволларни тушуниш ва уларга бўлган муносабат даражаси; - айрим саволларга жавоб беришдан бош тортиши (оилавий ахволи, даромадлар манбаи, ёши, миллати кабилар); - нотўғри жавоб учун жавобгарликнинг йўклиги; - тўғри жавоб учун рағбатнинг йўклиги; - сўралувчининг руҳий холати кабилар
Сўровчilar томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар	<ul style="list-style-type: none"> - сўровчининг маъсулиятсизлиги ва ислаҳ юзаки караш қўникмасининг мавжудлиги; - ўзининг токатсизлиги эвазига ўзи томонидан ҳам анкетани тўлдириш эҳтимолининг мавжудлиги; - сўровчининг сўралувчиларга тил топа олмаслиги; - сўровчининг қўполлиги; - сўралувчilarни ўзи хоҳлаган, аммо реалликдан йироқ жавобларга ундаши кабилар.

Кўриниб турибдики, маълумотларни тўплаш ва уларни хулоса чиқарадиган даллилар сифатида баҳолаш даражасига етказиш учун анча мураккаб жараёнларни ўтишга тўғри келар экан.



4.2.-расм. Маркетинг тадқиқотларидағи ахборотларни таснифлаштириш

Ушбу жараёнда сўралувчилар ва сўровчилар томонидан қўйилган хатоликлар натижасида тўпланган маълумотларнинг тўлақонилклари таъминланмайди. Чунки арзимаган хато орқали бир тадқиқот олиб борилаётган объектнинг бир нечта унсурларига таъсир кўрсатиш мумкин. Юқоридаги 4.2-расмда биз маркетинг тадқиқотларини ўтказиша ахборотларнинг турлари ёки таснифлаштириш жараёнини кўришимиз мумкин. Ҳар бир ахборт тури истеъмолчиларнинг ижтимоий келиб чиқиш холатига ҳам таъсир кўрсатади. Социологик сўровнинг нозик жиҳатларидан бири, нотўгри жавоб учун жавобгарликнинг йўқлиги ва мос равишда, тўгри жавоб учун рагбатнинг ҳам етарли эмаслиги кабилар сўралувчининг қонуний маъсууллигини кучайтиrmайди. Шу туфайли ушбу жараёнда, юқорида таъкидланганидек, ахборотларнинг ҳаққонийлиги сўралувчиларнинг савиясига боғлиқ бўлиб қолади.

4.3. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тамоиллари (принциплари)

Ҳар қандай тадқиқот жараёнида, шу жумладан маркетинг тадқиқотларида ҳам асосий фойдаланадиган восита ахборотлар бўлиб хисобланади. Уларни шакллантириш масаласи ҳам ўта мураккабдир. Чунки ушбу тадқиқотда иккиласми маълумотлар билан бирга жуда кўп бирламчи маълумотларни ҳам тўплашга тўгри келади. Шу туфайли ушбу ахборотларни шакллантириш билан

бирга улардан фойдаланиш масаласи ҳам ўзига хос. Бу ҳолатлар ўз навбатида бир қанча принципларга асосланишини инобатга олиш лозим.

“Принцип” - сўзига ўзбек тилининг изоҳли lugatiда куйидагича изоҳ берилган. Ушбу сўз лотин тилидан олинган бўлиб, “principium – асос, негиз, ибтидо”¹⁹, деган маънони англатиши кўрсатилган. Шунингдек, унга иккита изоҳ берилган:

“1. Бирор назария, таълимот, дунёқараш ва ўз кабиларнинг дастлабки, асосий қонун-коидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган бош ғоя, қонун-коида.

2. Хулқ-автор, хатти-ҳаракат мөъёrlарини белгилайдиган, киши оғишмай амал қиладиган ички ишонч, нуктаи назар, қараш, маслак”²⁰.

Булардан келиб чиқиб, маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда асос бўладиган ва таянадиган йўналишларни аниклаш лозиб бўлади. Тадқиқотларимиз кўрсатдикси, маркетинг тадқиқоти ҳам бир қанча принципларга таянади. Чунки ҳар қандай тушунчани тўлиқ англаш учун уни ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади. Булардан келиб чиқиб мазкур принципларга куйидагилар киришини назарда тутамиз:

- ишончлилиги;
- долзарблиги;
- қамралганлиги
- мувофиқлаштирилганлиги;
- узлуксизлиги;
- мақсадга мувофиқлиги;
- тушунарлилиги;
- кўпайтириш мумкинлиги;
- тежамкорлиги кабилар.

Ушбу принципларнинг бир-бири



¹⁹Ўзбек тилининг изоҳли lugati. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. ДИН, 2012. – 309 бет.

²⁰Ўша жойда. 309-бет.

билин боғлиқларини күйидаги расмда келтирилишни лозим, деб топдик (4.3-расм).



4.3-расм. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциптері

Мазкур 4.3-расм маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциптерінің қызығынан көрсетілгендей болады. Булар күйидегі жадвалда көрсетілген (4.4-жадвал).

Күрініб турибиди, маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш бироз муреккаб бўлганилиги туфайли, уларнинг сони ҳам анча. Шу туфайли уларни тизимлаштирган ҳолда ғойдаланыш лозимлігінің қайд этамиз.

4.4-жадвал

Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциптері

принципларнинг номлари	
Долзарблилик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар айни зарур бўлган, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган маълумотлардан иборат бўлмоғи лозим.
Ишончлилик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар ишончли далилларга асосланган бўлиб, тури ўзгартирислар ва маңафтадан келиб чиқиб, соҳталаштиришлардан холи бўлмоғи лозим.
Кенг қамровлилик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар бирорта қарорни қабул қилиш учун ҳамма омилларни ҳисобга оладиган, етарли даражада тўлиқ бўлиши лозим.
Мувофиқлаштырилганлик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар соништириладиган, бир-бiriни тўлдирадиган, бир хил кўрсаткичларни ўзида ифода этадиган маълумотлардан иборат бўлиши лозим.
Узлуксизлик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар тизимлийкни ва комплекс тадқиқотни таъминлаш учун бир маромда узлуксиз шакллантирилиб туриладиган маълумотлардан иборат бўлмоғи лозим.
Мақсадға мувофиқлик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар улардан ғойдаланувчиларнинг мақсадини тўлиқ ўзида ифода этадиган бўлиши лозим.
Тушунарлылик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар ғойдаланувчилар учун тушунарлы, очик-оидин кўриниб турадиган, ҳар кандай вазиятда ғойдаланыш мумкин бўладиган бўлмоғи лозим.
Кўпайтириладиганлик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотлар кўп ғойдаланувчилар томонидан ишлатишга ва битта ғойдаланувчи учун кўп марта ғойдаланыш имкониятига эга бўлиши учун улар кўпайтириладиган бўлиши лозим.
Тежамкорлик	Маркетинг тадқиқотлари учун тұпланадиган ахборотларга кетадиган харажатлар, уларни ишлатишдан олинадиган натижадан ошиб кетмаслиги, маълум даражада фойдани таъминлайдиган даражада тежамкор бўлиши лозим.

Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциптері	Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциплерінің мазмуну	Кўлланиладиган
Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциптері	Маркетинг тадқиқотларида ахборотларни шакллантириш үшін ғойдаланыш принциптері	Кўлланиладиган

Маркетинг тадқиқотлари тизими. *Маркетинг тадқиқотлари* – фирма олдида турган маркетинг вазияти билан боғлиқ маълумотлар доирасини систематик аниқлаш, уларни тўплаш, таҳлил қилиш ва натижалар ҳақида хисобот тузишдир. Фирма маркетинг тадқиқотларини ўз кучи билан ёки ихтисослашган ташкилотлар ёрдамида амалга оширади. Юқорида таъкидланганимиздек, маркетинг тадқиқотчиларининг энг тарқалган вазифалари қуидагилар хисобланади: бозор тавсифномасини ўрганиш, бозорнинг потенциал имкониятларини ўлчаш, фирмалар ўртасида бозор улушларининг тақсимланишини таҳлил қилиш, сотув тахлили, ишбилармонлик фаоллиги тенденцияларини ўрганиш, рақобатчилар товарларини ўрганиш, қисқа муддатли башоратлаш, янги товар ва унинг ҳажмига реакция ни ўрганиш, узок муддатли башоратлаш, нарх сиёсатини ўрганишдан иборат.

4.4. Маркетингда ахборот тўплаш усуслари

Маркетингда ахборот тўплаш учун қуидаги усуслардан фойдаланилади: сўров, кузатув ва маълумотларни автоматик қайд этиш (эксперимент фактат ўзига хос тадқиқот режакни ифодалайди), панель. Муайян усулни танлаш ўрганилаётган хислат (одам, предмет) мақсадига боғлиқ бўлади. Ахборот олиш усуслари ва уларнинг айрим тавсифномалари қуидаги 4.5 -жадвалда келтирилган.

4.5-жадвал

Маркетингда ахборот тўплаш усуслари

Усул	Таърифланиши	Шакли	Мисол	Афзаллиги ва муаммолари
1.Бирламчи тадқиқот	Маълумотлар пайдо бўлиши билан уларни тўплаш			



<i>Кузатув</i>	Сезги органлари орқали хис килинувчи ҳолатларни уларга таъсири кўрсатмасдан қамраб олиш	дала ва кабинет, шахсий, кузатувчи иштирокида ёки усиз	Дўконда ёки раста олдида истеъмолчилар хулқ-атворини кузатиш	Кўпинча объектив ва сўровга нисбатан аник. Кўп фактларни кузатиб бўлмайди. Харажат катта
<i>Интервью</i>	Бозор катнашчилари ва эксперталар ўртасида сўров ўтказиш йўли билан.	ёзма, оғзаки, телефон орқали	Бирламчи истеъмолчи ҳақида маълумот тўплаш, фирма ва марка имижини ўрганиш	Кузатиб бўлмайдиган нарсаларни тадқиқ қилиш, ишончлилик
<i>Панель</i>	Бир хил оралиғида вактта гурухдан маълумотлар тўплаш	Савдо, истеъмол	Дўконлар гурухида савдо заҳираларини доимий кузатиб бориш	Вакт бўйича ривожланиши аниқлаш
<i>Синов</i>	Бир омилиниг бошқасига таъсирини бир вактининг ўзида бошқа омилиларни назорат килган ҳолда тадқик этиш	Дала, лаборатория, тажриба	Бозор синови, маҳсулотни тадқиқ этиш, реклама тадқиқоти	Ўзгарувчилар таъсирини алоҳида кузатиш имконияти. Вазият назорати. Вакт ва пул сарфи
<i>2.Иккиласи чи тадқиқот</i>	Мавжуд маълумотларни қайта ишлаш		Ташқи статистика ва хисобга олинган маълумотлар асосида бозор улушини таҳлил килиш	Харажатлар камлиги, тезкорлик. Маълумотларнинг эски ва тўлиқ эмаслиги

Сўров бу одамларнинг нуктаи назарини аниқлаш ёки улардан бирон-бир савол бўйича маълумот олишдир. Сўров маркетингда ахборот тўплашнинг энг тарқалган ва муҳим шаклидир. Тадқиқотларнинг қарийиб 90%и айнан шу усулга асосланади. Сўров оғзаки ёки ёзма равиша ўтказилиши мумкин. Оғзаки ва телефон орқали сўровлар одатда интервью деб аталади. Сўровлар қуидаги турларга тақсимланади:

➤ сўралаётган доираси бўйича (хусусий шахслар, эксперталар, тадбиркорлар ва ҳоказо);

➤ бир вақтнинг ўзида сўраладиганлар бўйича (якка ҳолдаги ёки гурухли интервью);

➤ сўровга киритилган мавзулар бўйича (битта ёки бир нечта);

➤ стандартлаштириш даражаси бўйича (эркин схема ёки структураланган, тўлиқ стандартлаштирилган структура);

➤ сўров тезлиги бўйича (бир ёки кўп марталик сўров).

Ёзма сўровда катнашувчиларга сўров варақалари берилиб, улар тўлдирилиши ва кўрсатилган манзилга жўнатилиши талаб қилинади.

Ахборот олишнинг кузатув усули бозор тадқиқотларида сўровга нисбатан анча кам учрайди. Илмий кузатув бир жараён сифатида қабул қилиниб, у:

➤ маълум бир тадқиқот мақсадига хизмат қиласди;

➤ бир текисда ва тизимли (системали) ўтади;

➤ умумлаштирувчи мулоҳазалар учун хизмат қиласди, факат қизиқарли маълумотларни тўплаш билан чекланиб қолмайди;

➤ аниқлик ва ишончлилик нуқтаи назаридан доимий назорат қилинади.

Ушбу усульнинг сўров усулига нисбатан афзалликлари қуйидаги келтирилган:

➤ объективнинг ҳамкорликка тайёрлигига, тадқиқ этилувчиларнинг ишнинг моҳиятини сўз билан ифодалаш қобилиятига боғлиқ эмаслиги;

➤ объективлик даражасининг юкори бўлишини таъминлаш имконияти;

➤ англамаган ҳолда амалга оширилган хулқ-атворни тушуниш имконияти (дўкон расталарида товарни танлаш);

➤ атрофдаги вазиятни, айниқса, асбоб-ускуналар ёрдамида кузатишда хисобга олиш имокнияти.

Шу билан бирга мазкур усул айрим камчиликларга ҳам эга:



✓ намойиш этишни таъминлаш қийин;

✓ кузатувчининг субъективлиги;

✓ очик кузатув пайтида объектлар хулқ-атвори табиий хулқ-атвордан фарқ қилиши мумкин (кузатув самараси).

Кузатувнинг қуйидаги усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

➤ атрофдаги вазиятнинг характери бўйича дала кузатуви бўлиши мумкин – бу жараёнлар табиий мухитда (дўконда) рўй беришини англатади, ёки лаборатория кузатуви, яъни сунъий яратилган вазиятда амалга оширилувчи кузатувлар. Биринчи шаклнинг афзаллиги кузатилаётган шахсларнинг хулқ-автори табиий бўлишидадир. Иккинчи шакл кузатув шарт-шароитларининг барқарорлигини таъминлайди ҳамда бир қатор техник воситаларни қўллашга имкон беради;

➤ кузатув жойи бўйича бевосита тадқиқотчининг иштироқидаги кузатув ва четдан кузатув фарқланади;

➤ объектни қабул қилиш шакли бўйича персонал кузатув ва асбоб-ускуналар ёрдамида ёки хулқ-атвор натижаларини қайд этиш ёрдамида кузатувни ажратиш мумкин;

➤ стандартлашув даражаси бўйича стандартлаштирилган ва эркин кузатувга тақсимланади.

Стандартлаштириш бу ерда хулқ-атвор схемасининг маълум бир мезонларини белгилашни назарда тутади. Масалан, витринадаги реклама таъсиранлигини кузатиш учун йўлдан ўтиб кетаётганларнинг қуйидагича хулқ-атвор враиантларини ажратиб кўрсатиш мумкин: шахс рекламага эътибор қаратмасдан дўконга киради; шахс аввал рекламага қараб, кейин дўконга киради; шахс рекламага қараб, дўконга кирмайди; витринага карамай ўтиб кетади.




Эксперимент(синов) деб битта ёки бир нечта мустакил ўзгарувчиларнинг



ўзгариши бошқа боғлик бўлган ўзгарувчиларга қандай таъсир кўрсатиши аниқланадиган тадқиқотга айтилади. Ушбу усулнинг ўзига хос белгилари:

- изоляция қилинувчи ўзгаришлар (айрим катталиклар тадқиқотчи томонидан вариацияланади, бошқалари иложи борича доимий бўлиши лозим);
- тадқиқотчи маълумотларнинг пайдо бўлиш жараёнига фаол аралашади;
- сабаб-оқибат алоқалари текширилади (масалан, маҳсулот ўрови рангининг сотув ҳажмига таъсири).



4.4-расм. Панеллар турлари²¹

Амалиётда панеллар қатори пайдо бўлди. Панель тадқиқотлари деб, бир вақт оралиғида битта обьект ёки гурухдан қайта – қайта маълумотлар тўпланади. Ушбу маълумотлар олдинги маълумотлар билан солиширилади ва тақоосланади. Унда ушбу таққослаш орқали ўсиш ёки камайиш, кўтарилиш

тушиш тенденциялари кузатилади. Қўйидаги 4.4-расмда панеллар турлари акс эттирилган.

Панель бир нечта асосий белгиларга эга:

- тадқиқот предмети ва мавзуси доимий;
- маълумот тўплаш бир хил вақт оралағидан сўнг амалга оширилади; тадқиқот обьектларининг доимимйлиги – уй бекалари, савдо корхоналари, ишлаб чиқаришдаги истеъмолчилар.

4.5. Маркетинг тадқиқотларида иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти

Маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил килиш фанининг моҳияти ва мазмуни ҳам ислоҳотлар даврида тубдан ўзгарди. Олдин таҳлилнинг натижаси асосан режани бажариш учун ички имкониятларни ахтариб топишга қаратилган бўлса, эндилиқда ҳар бир корхонанинг ички имкониятларини молиявий-маркетинг тадқиқотини яхшилаш учун сафарбар килишга қаратиладиган бўлди.

Шунингдек, ҳар бир корхона ва тармоқдаги ўсиш ёки пасайиш динамикасини статистик усуллар орқали таҳлил қилганда, тўлиқ маълумотларга эга бўлишимизни кузатиб турибмиз. Бундан кўриниб турибдик таҳлилнинг мақсади ҳам ўзгарди. Олдин таҳлил яхши ютуқларни ошкора этган бўлса, эндилиқда яхши усулларнинг тижорат сири эканлигини кўрсатиб беради. Бу бевосита маркетинг тадқиқотларини таҳлил қилишга ҳам дахлдордир.

Бозор муносабатларига хос бўлган ракобат ҳар бир корхонани ўз тижорат сирларини сақлашга мажбур қиласди.

Бундай шароитда маркетинг тадқиқотларини таҳлил қилишининг умумий усули бўлиши лозим. Лекин ҳар бир корхона ушбу умумий усуллар орқали ўзининг ички имкониятларини топади ва у ўта муҳим бўлса тижорат сири сифатида сақлашлари мумкин. Хуллас , ракобат



²¹ Завьялов П.С. Маркетинг в схемах и рисунках. –М.:Инфра-М, 2012, 98-б

ҳар бир корхонани, уларнинг мулк шаклидан қатъий назар, самарави ишлашини талаб қиласди. Самарадорликни узлуксиз ошириб бориш учун унинг ҳолатини чуқур ўрганишни, таҳлил қилишни тақозо қиласди. Бу тадбир факат таҳлил орқали амалга ошишини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида барча иқтисодий механизмлар, жумладан статистик ва иқтисодий таҳлил ҳам, унинг усуllibари ҳам кескин такомиллаштирилишини талаб қиласди.

Маркетинг тадқиқотларини таҳлил қилишда бир қанча усуllibар қўлланилади. Ҳозир иқтисодий таҳлил назариясига багишланган кўплаб адабиётлар мавжуд. Аммо ушбу адабиётларда таҳлил усуllibарини ёритишга турлича ёндошилган. Кўплари амалиётга қўлланилиши қийинлигидан ташқари, бозор иқтисодиёти учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган, чунки уларнинг кўпи, таъкидлаганимиздек, режали иқтисодиётга мўлжалланган эди. Бундан ташқари адабиётларда таҳлилда қўлланиладиган усуllibарнинг соддаликдан мураккаблик сари ифодаланиши таъминланмаган.

Маркетинг тадқиқотини таҳлил қилишда жуда кўп усуllibар қўлланилади. Шу фан вужудга келгандан сўнг уларни фаннинг методи билан бирга берар эди. Эндиликда эса, усуllibарга алоҳида тўхталиб, уларни шартли равишда икки гурухга бўлиб бермоқдалар. Бу гурухлар мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бозор иқтисодиёти шароитига ҳам тўғри қиласди. Шу туфайли барча усуllibарни ҳозирги шароитда ҳам икки гурухга бўлиб ўрганишни таклиф қиласмиш. Бунга қуйидагилар киради:

- 1) анъанавий усуllibар;
- 2) математик усуllibар. Буларнинг тузилиши қуйидаги 4.5 - расмда келтирилган.



4.5-расм. Маркетинг тадқиқотларида қўлланиладиган иқтисодий таҳлил усуllibарининг таснифи

4.5 - расмдан қўриниб турибдики иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуllibар ийрик иккита гурухга бўлинади. Ушбу усуllibардан маркетинг тадқиқотларини таҳлил қиласданда ҳам бевосита фойдаланилади. Чунки ҳар қандай жараённи тўғри ва оқилона бошариш учун уларни таҳлил қилишни тақозо қиласди. Бу айниқса, бозор билан боғлиқ бўлган маркетинг тадқиқотларига ҳам даҳлдордир. Зеро, корхона фаолиятини оптималлаштириш, унинг бозордаги ўрнини баркарор таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизация қилиш, маҳсулотлар ва хизматларини диверсификациялаш учун ушбу ҳолатларни таҳлил қилишни тақозо қиласди. Ушбу ҳолатлар ўз навбатида, мазкур жараёнларнинг ҳаммасига инновацияларни жорий қилиш орқали амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, маркетинг тадқиқотларида иқтисодий таҳлил усуllibаридан фойдаланиш шунчаки оддий тадбир бўлибгина қолмасдан, балки мухим иқтисодий дастак сифатида объектив зарур эканлигини кўрсатмокда. Шу туфайли мазкур масала нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам ўта мухимдир.

4.6. Иккиламчи ахборотдан фойдаланиш ва уларнинг афзаликлари

Иккиламчи ахборотлар – бу шундай ахборотларки, аниқ маркетинг тадқиқотларининг бошқа мақсадлар учун тўпланган маълумотларга айтилади. Иккиламчи ахборотлар ички ва ташки ахборотларга бўлинади.

Ички ахборотларга фирма фаолиятининг хужжатлари: бюджети, ҳисоботлари, молиявий ҳисоботлари, заҳиралар, дастлабки ва олдинги маълумотлари ва х.)

Ташки ахборотларнинг манбаларига қўйидагилар киради:

- Миллий ва ҳалқаро юридик ташкилотларнинг нашрлари;
- Давлат, муниципал, вазирликлар ва давлат органларининг нашрлари;
- Савдо – саноат корхоналари ва бирлашмаларнинг нашр маълумотлари;
- Статистика қўмитаси маълумотлари тўплами;
- Тармоқ корхоналар ва қўшма корхоналарнинг ҳисобот нашрлари;
- Китоблар, газета ва журналлардаги эълонлар;
- Ўқув, илмий – тадқиқот, лойихалаштириш институтлари ва илмий – жамоат ташкилотлари, симпозиумлар, конгресслар ва конференциялар маълумотлари;
- Прайс – листлар, каталоглар, проспектлар ва бошқа фирма нашрлари;
- Консалтинг ташкилотларининг маълумотлари ва бошк.

Иккиламчи маълумотлар асосида тўпланган ахборотлар, қоидага кўра дастлабки ҳусусиятларига эга бўлиб ёзувли ва ижодий характерга эга. Бунда тадқиқотлар ёрдамида, одатда бозорнинг умумиктисодий характеристикиаси, айрим тармоқларнинг холати чет эл бозорларига чиқишида алоҳида ҳусусиятларга эга бўладилар.

Иккиламчи ахборотларни тадқиқ қилишда ички ва ташки маълумотларга эга бўлишда тадқиқотнинг ва объектнинг мақсадига кўра аниқланади.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида бирламчи ва иккиламчи ахборотлар манбаларидан фойдаланадилар.

Қоидга кўра, маркетинг тадқиқотлари иккиламчи маълумотлардан бошланади, ушбу маълумотлар одатда кабинет тадқиқотлари орқали

112

фойдаланилади. Бирламчи маълумотлар эса дала тадқиқотлари асосида тўпланади.

Юкорида таъкидлаганимиздек, иккиламчи ахборотлар – бу ҳар хил мақсадларда тўпланган ва қаердадир пайдо бўлганилиги ҳакида маълумотларга таянади. Иккиламчи маълумотлар тадқиқотчига тармоқ вазиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Шунингдек, сотув ҳажми ва фойданинг ўзгариш тенденциялари, ракобатчилар фаолияти, фан ва техника ютуқларини кузатишида ёрдам беради.

Кабинет тадқиқотлари эса, иккиламчи маълумотларни бошқа мақсадлар учун тайёрланган ва ҳар хил манбалардан фойдаланиб таҳлил қилиш ва қайта ишлашни тақозо этади.

Кабинет тадқиқотлари орқали тўпланган маълумотларнинг ютуқларига:

- маълумотларни тўплаш тез ва кам ҳаражат орқали;
- бозорнинг асосий тенденцияларини кузатувда маъкул усул;
- мустақил фаолият орқали фирма тўплай олмайдиган маълумотлар билан қабул қилиш имкониятига эга;
- бир неча манбалардан олинган маълумотларнинг таққослаш жараёни имконияти туғилади ва муаммонинг ёчими топилади.

Кабинет тадқиқотларининг камчиликларига:

- ахборотнинг тўлақонли эмаслиги;
- тўпланган маълумотларнинг бир – бирига мос эмаслиги;
- бор маълумотларнинг тўғри кемаслиги.

Таъкидлаб ўтамизки, кабинет тадқиқотларини нашр қилинган материаллар, радио ва телекўрсатувлар, анкета маълумолари, йўриқномалар ва хоказоларда қўлланилади.

Энди иккиламчи ахборотларнинг ютуқлари билан танишиб чиқамиз:

- ❖ Бирламчи маълумотларга кўра арzonлиги;
- ❖ Бир неча манбаларни таққослашда;
- ❖ Бирламчи маълумотлар тўпалашдан кўра, иккиламчи маълумотларни тезкор тарзда қабул қилиниши.

Камчиликлари:

- ✓ түлиқ маълумотларга эга эмаслиги;
- ✓ эскирилиши;
- ✓ бир хил пайт тўплаш ва таҳлил қилишнинг маълум эмаслиги;
- ✓ маълумотларни тўлақонли ва ҳаққонийлигини баҳолаш қийинлиги.

Иккиласми маълумотларнинг камчиликларининг хоссаси шундаки, аввалом бор, ушбу маълумотлар қандайдир мақсадлар учун тўпланган, маркетинг тадқиқотлари учун эмас. Бундан келиб чиқалики, иккиласми ахборотларнинг ишончлилигини баҳолашда 5 асосий саволларга жавоб бериш лозим:

1. Мазкур ахборот ким томондан тўпланган ва таҳлил қилинган ?
2. Ахборотларни тўплашда ва таҳлил қилишда қандай мақсадлар кўзланган ?
3. Қандай ахборотлар ва қай усулда тўпланган ?
4. Ахборотлар қандай усуллар билан таҳлил қилинган ва қайта ишланган ?
5. Мазкур ахборот қай тарзда шунга яқин ахборотларга мос келади ?

Ушбу маълумотлар маркетинг ахборот тизими орқали фойдаланилади. Маркетинг ахбороти турлари ва уларнинг менежер фаолиятидаги ролини кўриб чиқадиган бўлсак, корхона менежерлари бирламчи ва икиласми ахборотлардан кенг фойдаланадилар.

МТТ менежерларга тақдим этувчи ахборот турларига мисоллар

4.6-жадвал

Лавозим	Ахборот		
	Даврий	Кузатилувчи	Сўров бўйича
Маркетинг бўйича вице-президент	Товарга тўғри келувчи бозор улуши	Бозордаги ёндош соҳада ишловччи янги рақобатчилар; Рақобатчилар томонидан янги товар чиқариш	Махсулот рекламаси ва нарх мослашувчанлиги

Реклама бўйича менеджер	Рекламанинг танишлиги	ОАВда нархлар; Рақобатчилар реклама мавзулари; ОАВ самарадорлигини ўрганиш	Янги тижорат нархларини синаш; Рақобатчилар рекламасига дуч келиш
Сотув бўйича менеджер	Фирманинг савдо нукталари улуши; Конунчилик ва хукукий жиҳатдан маҳсулотга кўйилувчи чеклов	Минтақавий иктиносидай ўзгаришлар; Рақобатчилар янги фаолияти	Харидорлар билан ҳамкорлик; Рақобатчилар сотувини оширища саъй-харакатлар самарадорлиги

4.6 - жадвалдан кўриниб турибдики, уч хил ахборот тuri орқали корхонадаги масъул шахс учун ажратилган вазифалар белгиланган. Ҳар бир шахс ўз вазифасини ёки функциясига тегишили бўлган мақсадни кўзлайди. Ҳар бир мезондаги ахборотлар корхона ходимларининг лавозимига қараб белгиланган. Яъни:

- Даврий ахборот – маълум бир вақт оралиғида тақдим этилувчи ахборот.
- Кузатилувчи ахборот – мунтазам кўриб чиқилувчи манбалардан олинувчи ахборот.
- Сўров бўйича ахборот – маркетинг бўйича менежернинг ўзига хос истаклари бўйича ишлаб чиқилувчи ахборот.

Бундан кўриниб турибдики, масалан, сотув бўйича менежернинг вазифаси белгиланган ва у ўз функциясидан ташқари бошқа вазифалар билан чалгимайди. Чунки, бошқа вазифаларга кетказилган вақт оралиғида рақобатчига позицияни бой берib қўйиши мумкин.

Қўйидаги 4.7-жадвалда ахборот тўплаш воситалари орқали сўровларнинг афзаллик ва камчиликларини кўриб чиқамиз.

4.7-жадвал

Телефон ва почта орқали ёки шахсан учрашув орқали анкета сўровларининг афзаллик ва камчиликлари²²

Мезон	Телефон	Почта	Шахсан учрашув
Ахборот аниклиги	◎	○	●
Вақт омили	●	○	
Ташкилий кийинчиликлар	◎	○	●
Харажатлар	◎	●	○
Саволлар ҳажми	○		●
Мослашувчанлик	◎	○	●
Респондент шахсига мослашувчанлик	◎	○	●
Бошқа талаблар	-интервью ўтказиши режалаштирища телефон рақами териш учун кетувчи вақтни хисобга олинг -респон-дентнинг уй телефонидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқинг	-саволнинг оддий шакли -деталли босма йўрікнома -очик саволлар йўклиги -респон-дентнинг хат солинган бирон совға билан мукофотлаш	-муаммони респондент билан деталли мухокама килишни килади -турли воситалардан фойдаланиш учун куай имконият

● - яққол устунлик
◎ - устунлик ва камчилик бир хил
○ - яққол камчилик

Маркетинг тадқиқотлари тизими. *Маркетинг тадқиқотлари* – фирма олдида турган маркетинг вазияти билан боғлиқ маълумотлар доирасини систематик аниқлаш, уларни тўплаш, таҳлил қилиш ва натижалар ҳакида ҳисобот тузишдир. Фирма маркетинг тадқиқотларини ўз кучи билан ёки ихтисослашган ташкилотлар ёрдамида амалга оширади. Маркетинг тадқиқотчиларининг энг тарқалган вазифалари куйидагилар ҳисобланади: бозор

тавсифномасини ўрганиш, бозорнинг потенциал имкониятларини ўлчаш, фирмалар ўртасида бозор улушларининг тақсимланишини таҳлил қилиш, сотув таҳлили, ишбилармонлик фаоллиги тенденцияларини ўрганиш, рақобатчилар товарларини ўрганиш, қисқа муддатли башоратлаш, янги товар ва унинг ҳажмига реакцияни ўрганиш, узок муддатли башоратлаш, нарх сиёсатини ўрганиш.

Маркетинг тадқиқотларига мурожаат этувчи бошқарувчилар уларнинг ўзига хосликлари билан таниш бўлишлари ҳамда тадқиқот технологияларини билишлари лозим, чунки улар хотүгри ахборот асосида карор кабул килишда католикка йўл қўйишга ҳақли эмаслар.

Қисқа хуносалар

Маркетинг ахборотлари манбаи ва улардан кенг фойдаланиш йўлларини кўриб чиқдик. Маркетинг тадқиқотлари учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш тадбирлари билан танишиб чиқдик.

Маркетинг ахборот тизими маркетингли режалаштиришнинг такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидан назорат мақсадларида фойдаланиш юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш учун замонда ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарқатиш юзасидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кишилар, асбоб-ускуналар ва жараёнлар йиғиндисига киради.

Маркетинг тадқиқотларининг самарадорлигини таъминлаш учун тадқиқотга зарур бўлган маълумотларни тўплашни тақозо қиласди. Аммо маркетинг тадқиқотлари учун тайёр маълумотлар махсус ҳисботларда ёки бошқа расмий хужжатларда келтирилмайди. Шу туфайли уни асосан социологик сўровлар натижасида тўплашни тақозо қиласди.

Ҳар қандай тадқиқот жараённида, шу жумладан маркетинг тадқиқотларида ҳам асосий фойдаланадиган восита ахборотлар бўлиб ҳисобланади. Уларни шакллантириш масаласи ҳам ўта мураккабдир. Чунки ушбу тадқиқотда иккиласми маълумотлар билан бирга жуда кўп бирламчи маълумотларни ҳам

²² Завъялов П.С. Маркетинг в схемах и рисунках. –М.:Инфра-М, 2013, 81-6

тўплашга тўғри келади. Шу туфайли ушбу ахборотларни шакллантириш билан бирга улардан фойдаланиш масаласи ҳам ўзига хос. Бу ҳолатлар ўз навбатида бир қанча принципларга асосланишини инобатга олиш лозим.

Сўров бу одамларнинг нуқтаи назарини аниқлаш ёки улардан бирон-бир савол бўйича маълумот олишдир. Сўров маркетингда ахборот тўплашнинг энг тарқалган ва муҳим шаклидир. Тадқиқотларнинг қариб 90%и айнан шу усулага асосланади. Сўров оғзаки ёки ёзма равишда ўтказилиши мумкин. Оғзаки ва телефон орқали сўровлар одатда интервью деб аталади.

Иккиламчи маълумотлар асосида тўпланган ахборотлар, коидага кўра дастлабки хусусиятларига эга бўлиб ёзувли ва ижодий характерга эга. Бунда тадқиқотлар ёрдамида, одатда бозорнинг умумиқтисодий характеристикаси, айрим тармоқларнинг ҳолати чет эл бозорларига чиқишида алоҳида хусусиятларга эга бўладилар.

Иккиламчи ахборотларни тадқиқ қилишда ички ва ташқи маълумотларга эга бўлишда тадқиқотнинг ва объектнинг мақсадига кўра аниқланади.

Шунингдек, ушбу бобда ахборот тўплаш мезонлари ва уларнинг камчиликлари ва афзалликлари йўлларини кўриб чиқдик.

Таянч иборалар: Ахборот, МАТ, ахборотлар классификацияси, Демоскопик, Экоспектр, бирламчи ва иккиламчи ахборотлар, ишончлилик, долзарблilik, узлуксизлик, кузатув, панель, сўров, эксперимент, телефон ва почта, кабинет тадқиқотлари, дала тадқиқотлари, ахборот мезонлари ва хк.

Назорат саволлари

1. Маркетинг тадқиқотларида ахборот тўплашнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Ахборот тўплаш ва ундан фойдаланиш жиҳатига кўра қандай турларга бўлинади?
3. Ахборотлар қандай турларга таснифланади?
4. Маркетинг тадқиқотлари учун зарур бўлган маълумотлар манбаи ҳакида гапириб беринг.
5. Бирламчи маълумотларга нималар киради ва улар қандай тўпланади?

6. Иккиламчи маълумотлар манбаига нималар киради?
7. Маркетинг тадқиқотларида қўлланиладиган принципларнинг мазмуни нималардан иборат?
8. Кузатув орқали маълумотларни тўплашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
9. Сўров услуби қандай воситалар орқали ўтказилади?
10. Иккиламчи ахборотларнинг камчиликлари ва афзалликлари нимадан иборат?

5 – боб. ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ ҮТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5.1. Интернетнинг ривожланиши ва маркетинг тадқиқотларидағи ўрни

Интернет инглизча -“Internet” – умумжаҳон компьютер тармоқтарининг бирлашган тизими деб номланади. У маълумотлар пакетига йўналтирилган IP протоколидан фойдаланувчи курилмадан иборат.

Интернетнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўплаб ёндош ва турдосх соҳалар ютуқлари билан узвий боғлиқ. Бу тармоқ технологияларининг ривожланиши, операцион тизимларнинг такомиллашуви, дастурлаш тилларининг ривожланиши ва ҳоказолардан иборат. Қирқ йилдан ортиқ ривожланиш тарихи давомида Интернет кўплаб ҳодисаларни бошидан кечирди. Уларнинг асосийлари ҳақида куйида кисқача тўхталиб ўтамиз.

Глобал тармоқнинг вужудга келиши. Интернетнинг Ватани АҚШ ҳисобланади. У ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирида ARPANET (Advanced Research Project Agency Network) пакетлар коммутацияси тармоқ лойиҳасидан келиб чиқкан. Дастрлаб Интернет бир-биридан узокликда жойлашган компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда ахборот саклаш ва тарқатишнинг кўплаб мұқобил йўлларига эга марказлашмаган ҳудудий тақсимланган тармоқ сифатида кўзда тутилган. Бу АҚШ Мудофаа вазирлиги компьютерлари ўртасида ишончли алоқа ўрнатиши, ҳарбий харакатлар,



масалан, атом бомбаси портлаши натижасида ҳам тармоқнинг ишдан чиқмаслигини таъминлаши тахмин қилинган.

World Wide Web. Бизнеснинг, хусусан, электрон тижоратнинг ривожланиш нуқтаи назаридан Интернет тарихидаги энг муҳим ҳодисалардан бири, гиперматни технологияга асосланган «жашон ўргимчак тўри» — World Wide Web (WWW) муҳитини яратиш ҳисобланади.

World Wide Web тарихи 1989 йилнинг март ойида бошланган бўлиб, бунда Тим Бернс Ли (Tim Berners Lee) юкори энергиялар физикаси соҳасида кўшма тадқиқотлар үтказиш учун телекоммункация мухит лойиҳаси билан чиқди. 1991 йилда эса Швейцарияда жойлашган Европа амалий физика лабораторияси (CERN) бутун дунёга World Wide Web янги глобал ахборот муҳитининг яратилгани ҳақида хабар қилди.

Хужжатларни форматлаш учун воситалар тўпламини ифодаловчи гиперматни тил (Hypertext Markup Language, HTML) ёрдамида WWW тўри Интернетда матн, тасвир ва овоз шаклида мавжуд бўлган улкан ҳажмли барча ахборотларни бир қилиб боғлади.

WWW ва web-саҳифаларни кўриб чиқиш учун даструлар —браузерларнинг пайдо бўлиши Интернетдан фойдаланувчиларга улар илгари MS Windows туридаги график «кобик»лар билан ишлаш давомида олган тажриба ва кўникмаларидан фойдаланиш имконини берди. Бунда тасвир, матн ва бошқа шаклдаги ахборотларни битта хужжатга жойлаштириш шарт бўлмай қолди. Хужжатнинг таркибий қисмлари, шунингдек, унинг бўлимлари турли web-серверларда сақланиши, хужжат тузилмасида жойлаштирилган URL-кўрсаткичлар ёрдамида эса боғланиши ва гиперматни хужжатни ташкил килиши мумкин.


Маркетинг тадқиқотлари замонавий корхоналар маркетинг ахборот тизимининг асосий воситаларидан бирини ифодалайди.



Бозорни тадқиқ этиш, истеъмолчи дид-истакларини таҳлил қилиш, сотовни башорат қилиш, реклама самарадорлигини баҳолаш каби қўплаб вазифалар фақат улар ёрдамидагина ҳал этилиши мумкин. Интернет барча билимлар соҳасида улкан ҳажмдаги ахборотларни қамраб олган, жаҳондаги етакчи компаниялар ва истеъмолчиларнинг кенг қатламларини акс эттирувчи ўзига хос муҳит сифатида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун самарали фойдаланилиши мумкин.

Юқоридаги бобларда таъкидлаганимиздек, маркетинг тадқиқоти бу компаниянинг тижорат фаолиятида оператив ва стратегик қарорлар қабул қилиш учун ахборот излаш, тўплаш, кайта ишлаш ва тайёрлаш жараёнидир.

Сamarали маркетинг тадқиқотлари бешта босқичдан иборат (5.1-расм).



Интернетда маркетинг тадқиқотлари ўтказишни анъанавий тадқиқотлардан ажратиб турувчи асосий фарқлар ахборот тўплаш усуслари ва маълумот манбалари ҳисобланади.

Маълумот манбалари

Тадқиқот режаси бирламчи ва иккиласми маълумотлардан фойдаланишни кўзда тутиши мумкин. Бирламчи маълумотлар мазкур лойиҳани

амалга оширишда муайян мақсадда тўпланади. Иккиласми маълумотлар эса бошқа мақсадлар учун олинган, маълум бир шаклдаги ахборотлар ҳисобланади.

Одатда, тадқиқотлар вазифани тўлиқ ёки қисман ҳал қилиш учун тўғри келувчи ҳамда бирламчи маълумотлар тўплаш учун харажатларни қисқартиришга имкон берувчи иккиласми маълумотлар таҳлилидан бошланади. Иккиласми маълумотларнинг асосий манбалари қуидагилардан иборат:

- корхона фаолияти ҳақидаги ички маълумотлар;
- Интернет орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар. Бу ҳолатда web-сахифа ва web-сайтлар, маълумотлар тўплами, телеконференция ва файл серверлари манба вазифасини бажариши мумкин.

Зарур маълумотларни иккиласми маълумотлар таркибидан топишнинг имкони бўлмаган ёки бу маълумотлар тўлиқ, аниқ ва етарли даражада ишончли бўлмаган ёки эскириб қолган ҳолларда бирламчи маълумотларни тўплашга тўғри келади. Бирламчи маълумот тўплашнинг асосий усуслари сўровлар, кузатув усули ва экспериментлар ўтказиш ҳисобланади.

Интернетда маълумот тўплаши усуслари

Маълумот тўплашда фойдаланиувчи усуслар ўтказилаётган тадқиқот турига қараб иккى хил – бирламчи ёки иккиласми усувларга тақсимланади.

Иккиласми маркетинг тадқиқотлари ўтказишда биринчи ўринга Интернетда зарур ахборотларни кидириш усувлари чиқади. Бугунги кунда асосий қидирив воситалари қидирив тизимлари ва каталоглар ҳисобланади. Бир қатор ҳолларда, улардан фойдаланиш етарлича самара бермаган шароитларда тематик сайтлар, «сарик сахифалар» ва бошқа ресурслар бўйича «кўлда қидириш» амалга оширилади.

Бирламчи ахборот тўплашда маълумот тўплашнинг асосий усули сифатида Интернет-сўровлари, кузатув ва экспериментлар хизмат қилади.

1. Интернет-сўровлар ўтказишнинг энг тарқалган усули анкета сўровлари ҳисобланади. Анкета респондентлар фикрини билиш учун киритилган бир қатор саволлардан иборат бўлади. Бу восита мослашувчанлиги ва

универсаллиги билан ажралиб туриши сабабли у бирламчи маълумотлар тўплашнинг энг тарқалган воситаси саналади.

5.2-расмда www.mail.ru. сайтида бепул электрон почта хизматидан фойдаланиш ниятида бўлган фойдаланувчиларга тўлдириш учун тақдим этилувчи анкетанинг бир қисми акс эттирилган.

The screenshot shows a survey form titled 'Personal information and interests'. It includes fields for gender (Male, Female), date of birth (01 January), marital status (Married, Not married), family size (Up to 18 children), education level, work schedule, and family income levels. There are also sections for hobbies and interests, including categories like 'Sphere of work, study' and 'What category do you belong to?'. A large watermark 'БИОГРДИ' is overlaid across the form.

5.2-расм. www.mail.ru сайтидаги анкетанинг бир қисми

Анъанавий анкета сўровлари ўтказишда бўлгани каби, хар бир Интернет-тадқиқоти ўтказишдан аввал анкетада фойдаланилувчи саволларни пухта ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш зарур. Бу ишга нопрофессионал ёндашув воеликни бузиб кўрсатишга ёки олинган натижалар нотўғри талқин қилиниши олиб келиши мумкин.

2. Кузатув усули бирор-бир обьект ёки субъектнинг хулқ-атвори мунтазам равиша ўрганилувчи маркетинг тадқиқотлари шаклини ифодалайди. Сўров усулидан фарқли ўлароқ кузатув усули кузатилаётган обьектнинг ахборот ҳақида хабар қилишга тайёр эканлигига боғлиқ бўлмайди ҳамда унинг хулқ-атвори билан боғлиқ воеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни очиқ

ёки яширин тўплаш ва қайд этиш жараёни ҳисобланади. Кузатув предмети, масалан, харидорлар хулқ-атвори ёки тавсифномалари бўлиши мумкин.

Бу усулга ўз web-сервери ёрдамида фирмалар томонидан ўтказилувчи маркетинг тадқиқотлари киради. Бу усул web-сервернинг журнал файлларидан (log files) ёки cookie файлларини қўллаш асосидаги технологиялардан фойдаланган ҳолда олинувчи маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдан иборат. Бу маълумотлар ташриф буюрувчиларнинг хулқ-атворига, уларнинг сахифалар бўйлаб ҳаракатлиш кетма-кетлигига ёки web-серверга ташриф буюриш тезлигига тааллукли бўлиши мумкин. Сайтда кидирув тизими жойлаштирилган ҳолларда фойдаланувчилар киритувчи сўровлар ҳам кўшимча равиша тўпланиши ва таҳлил қилиниши мумкин.

Серверга ташриф буюриш статистикаси таҳлили имкониятлари энг самарали маркетинг воситаларидан бири саналади. Респондентларнинг фаол иштирок этишини талаб қилувчи сўров ўтказишдан фарқли ўлароқ, статистика таҳлили фойдаланувчиларни фаол ҳаракатга жалб этмасдан туриб кимматли ахборот тўплашга имкон беради.

3. Эксперимент усули илмий нуқтаи назардан энг жиддий усул бўлиб, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашни ўз олдига максад килиб кўяди. Эксперимент обьектлари махсус танлаб олиниши ҳамда уларнинг реакцияси ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқларни аниқлаш учун ташки мухитни назорат қилган ҳолда режалаштирилган таъсирга учратилиши лозим. Ишга алоқаси бўлмаган ташки омиллар назорат остига олинган даражада



кузатилаётган самаралар эксперимент олиб борувларнинг обьектга таъсирига киритилиши мумкин. Шу тариқа воеа-ҳодисалар ўртасида аниқланувчи алоқалар сабаб-оқибат алоқалари, эксперимент мақсадлари эса эришилган деб ҳисобланishi мумкин.

5.2. Маркетинг қарорларини статистик таҳлил қилишда умумжаҳон ўргимчак тўри ахборотларидан фойдаланиш

Интернет ёрдамида иккиламчи маркетинг тадқиқоти ўтказишнинг асосий жиҳатларидан бири ахборот манбаларини излаш ҳисобланади. Ҳозирги кунда Тармоқдаги юз миллионлаб сайтлар бу вазифани жуда мураккаб қилиб қўяди. Бу жараённи енгиллаштириш ва уни самаралироқ қилиш учун Интернетда ахборот излаш вазифасини ҳал қилишга ёндашувни тавсифлаб берамиз.

Интернетда қидирувни амалга оширишда сифатли натижа олиш учун бир қатор шартларга риоя қилиш зарур. Уларнинг асосийлари ресурсларни кенг қамраб олиш ва топилган ахборотнинг ишончлилиги ҳисобланади.

Тармоқда у ёки бу маълумотни топиш имконияти аввало, унинг ресурсларини қамраб олиш тўлиқлигига боғлик бўлади. Кўпинча бундай қидирув ўтказиши максимал ҳажмдаги манбалардан фойдаланишини талаб қиласди, бунда web-сайтлардан ташкири маълумотлар тўпламлари, минтақавий телеконференциялар, FTP-архивлар ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин. Бунда бугунги кунда мавжуд бўлган барча Интернет ресурслари турларини билиш, уларни ахборот билан тўлдиришнинг техник ва тематик хусусиятларини тушуниш қидирув ишларини муваффақиятли режалаштириш ва ўтказишнинг мухим шарти бўлиб хизмат қиласди.

Интернет тармоғида маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилни амалга ошириш жараённида бир қанча статистик усууллардан фойдаланилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин (5.1-жадвал).



5.1-жадвал

Интернет тармоғида маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилни амалга оширишда қилинадиган ишлар

Қилинадиган ишларнинг номи	Қилинадиган ишларнинг мазмуни
Гурухлаштириш	Типология гурухлаш Таркибий гурухлаш Таҳлилий гурухлаш
Мутлақ миқдорлар	Оғирлиги Майдони Ҳажми Вакт ўлчови Узунлиги кабилар
Нисбий миқдорлар	Турли коэффициентларда, фоизда, промеилледа, продетсимелледа ифодаланади Режанинг бажарилиши Ўзгариш субъати (динамикаси) Таркибий кўрсаткичлар
Ўртacha миқдорлар	Ўртача арифметик Ўртача гармоник Ўртача хронологик Ўртача квадратик Ўртача геометрик
Мода	Тўпламда энг катта сонга ёки салмоққа эга бўлган кўрсаткич
Медиана	Тўпламнингтeng иккига бўладиган кўрсаткичи
Вариация	Тўплам бирликлари ўртасидаги тафовут (фарқланиши), ўзгарувчанлик
Вариация кенглиги	Белгининг энг катта ва энг кичик даражалари ўртасидаги фарқ
Дисперсия	Алоҳида миқдорлар билан уларнинг ўртача миқдори ўртасидаги фарқлар квадратининг тўпламдаги бирликлар сони йиғиндисига бўлган нисбат натижаси
Ўртача квадратик тафовут	Дисперсияни квадрат илдиздан чиқариш натижасида ўзгарувчанлик-нинг ҳақиқий даражаси аниқланади

Магистрлар статистика фанини бакалавр босқичида ўрганган. Айнан шу ўрганган статистик усууллар маркетинг тадқиқотларида қўлланилади. Шунинг учун уларни мустақил равишда ҳар бир магистр яна бир бор тақрорлаб чиқади.

Ва уларнинг маркетинг тадқиқотларида қандай қўллаш мумкинлигига аҳамият беради.

Интернетда ахборотларни тўплаш ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш турларидан фойдаланиш тариқасида ахборотлар манбаи ва реусрсларидан фойдаланилади.

Ресурсларни қамраб олиш тўлиқлиги билан бир қаторда ўтказилаётган кидирув сифати топилган ахборотнинг ишончлилик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Ахборотнинг ишончлилик даражасини назорат қилиш маълумотни топиш ва муқобил ахборот манбалари билан солиштириш, унинг бошқа манбалар томонидан фойдаланиш тезлигини аниқлаш, хужжат ва у жойлашган сайт мақомини аниқлаш каби турли усувлар билан амалга оширилиши мумкин.

5.3. Интернетда тадқиқотлар турлари ва уларни таснифланиши

Тармоқ ахборот ресурслари. Ташкил қилиш ва ахборотни сақлаш усувлари бўйича Интернет манбаларини қуидаги тоифаларга тақсимлаш мумкин:

➤ файл серверлари маълумотлар сақлашнинг анъанавий усули бўлиб, диск хотирасининг маълум бир кисми Интернет орқали уланиш учун очик бўлган компьютерларни ифодалайди. Бундай серверда маълумотга уланиш FTP - файл узатиш протоколини қўллаб-кувватловчи маҳсус дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Мазкур протокол умумий ҳолатда авторизация, яъни фойдаланувчи идентификациясини талаб қиласи ва барча стандарт браузерлар томонидан қўллаб-кувватланади;

➤ web-сайтлар бугунги кунда Тармоқдаги ахборот ресурсларининг энг асосий ва энг тарқалган тури хисобланади. Сайт график, овоз, матн, видеотасвир каби турли кўринишдаги ахборотларни тақдим этиши мумкин;



➤ телеконференциялар қоидага кўра норасмий характерга эга бўлган зарур ахборотлар манбаи бўлиши мумкин. Телеконференция Интернетга уланиш имконига эга бўлган шахсларнинг бирон-бир масалани муҳокама қилиш ёки ахборот тарқатиш учун мўлжалланган мулокот усулини ифодалайди;

➤ маълумотлар тўпламлари турли мавзудаги ахборотдан иборат бўлиши мумкин: нашрлар, маълумотнома ахбороти ва б. Маълумотлар тўпламларига стандарт браузерлар орқали уланиш усули энг тарқалган, чунки у ахборот истеъмолчилари мулокот доираси максимал даражада кенг бўлишини таъминлай олади. Маълумотлар тўпламларидан бевосита ахборот чиқариб олиш билан бир қаторда фойдаланувчи сўровларини бажариш жараёнида web-саҳифа динамик қурилиши кенг қўлланади.

Санаб ўтилган барча манбаларни бир қатор белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

➤ тил бўйича - тарихий-географик сабаблар туфайли Интернетда энг тарқалган тил инглиз тили хисобланади, бироқ Тармоқда дунёдаги асосий тилларнинг деярли барчасидан фойдаланилиб, тадқиқот компанияларининг қайд этишича, уларнинг улушки йил сайин ўсиб бормоқда. Кўпинча битта сайтни бир нечта тилда тақдим этиш ҳоллари учрамоқда;

➤ географик белгилар бўйича, одатда ахборот ресурсларининг ўз мақсадли мулокот доираси мавжуд бўлиб, унинг жойлашган ўрни кўпинча бирон-бир географик минтақа билан boglaniishi мумкин. Айтиб ўтиш керакки, худудий тақсимот ресурсга уланиш имкониятларига таъсир кўрсатмайди, Тармоқка дунёнинг исталган нуқтасидан бир хил уланиш мумкин;

➤ тақдим этилаётган ахборот тури ва характери бўйича (янгиликлар, реклама ахбороти, тематик ахборот, маълумотнома ахбороти), бу амалий нуқтаи назардан тақдим этилаётган ахборотни тури ва характери бўйича тақсимлашнинг энг муҳим шакли хисобланади, чунки охир-оқибатда айнан ахборот билан таъминланганлик манбани танлаб олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бир пайтда айнан шу жиҳат тақдим этилаётган

ахборотларнинг бир хил эмаслиги сабабли энг қийин ифодаланувчи бўлиши мумкин. Масалан, битта web-сайтнинг ўзи турли қўринишдаги ахборотларга эга бўлиши мумкин. Шу сабабдан келтирилган гурухларга таксимлаш шартли хисобланади.

Aхборот излаш воситалари

Ахборот излаш воситаларини ташкил қилиш ва фойдаланиш тамоили бўйича қуйидаги воситаларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

➤ кидирув машиналари — ахборот излашнинг асосий воситаси хисобланади, чунки Интернет web-серверларининг аксарияти индексларини қамраб олади. Бироқ айнан шу устунлик унинг камчилиги ҳам бўлиб чиқади. Хар қандай сўровга улар, одатда жуда ҳажмда ахборот берадиларки, бу маълумотларнинг орасида фойдаланувчи учун керакли ахборот кам бўлади;



➤ кидирув метавоситалари — кидирув аргументларини, яъни таянч сўзларни бир вактнинг ўзида бир нечта кидирув тизимларига бериш йўли билан сўровни бажариш жараёни тезлаштиришга имкон беради. Кидирув қамрови кенгайиб, жараён тезлашган шароитда бу усул сўров билан ишлаш натижалари бир нечта тизимдан келиб тушганда уларни вакт бўйича мувофиқлаштириш зарурати билан боғлиқ камчиликларга ҳам эга бўлади;



➤ ихтисослашган кидирув воситалари — «ўргимчак-дастурлар» бўлиб, автоматик режимда web-саҳифаларни кўриб чиқади ва керакли ахборотни кидириб топади. Уларнинг ишлаш механизми кидирув тизимлари ўз индекс жадвалларини яратища фойдаланувчи механизмга яқин;

➤ каталоглар — кидирув машиналари каби Интернетдан фойдаланувчилар томонидан зарур ахборотни топиш учун фойдаланилади.

Каталог барча маълумотлар фойдаланувчилар ташабbusi билан киритилувчи иерархик ташкил қилинган тузilmани ифодалайди. Натижада улардаги ахборот ҳажми қидирув тизимларига нисбатан бирор чекланган, бироқ шу билан бир пайтда уларнинг асосида ётувчи иерархик мавзу тузилмаси сабабли анча тартибига солинган бўлади.

Aхборот излаш усуллари. Ҳар қандай вазифага жиддий ёндашув уни ҳал қилиш мумкин бўлган усулларни таҳлил қилишдан бошланади. Интернетда ахборот излашни иккита асосий усул ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлиб, улар мақсад ва вазифалардан келиб чиқкан холда биргаликда ёки бир-биридан алоҳида кўлланиши мумкин:

1. Кидирув тизимларидан фойдаланиш — бугунги кунда ушбу усул маълумот излашнинг энг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Унинг кўлланиши тизимга кидирув аргументи сифатида берилувчи таянч сўзларга асосланади. Натижада деталли кўриб чиқиш талаб қилинувчи Интернет ресурслари рўйхати олинади. Энг тўғри келувчи натижани олиш тезаурус тузиш бўйича олдиндан ишлашни талаб қиласди;



2. Гиперматн ссылкалар бўйича излаш — Интернетдаги барча сайтлар бир-бири билан гиперссылкалар орқали боғлиқлиги сабабли ахборот излаш браузер ёрдамида ссылкалар билан боғланган web-саҳифаларни кетма-кетлика кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Кидиувнинг бу турига каталоглар, таснифий ва тематик рўйхатлар ва турли маълумтономалардан фойдаланишни киритиш мумкин. Бундай усул энг кўп меҳнат талаб қиласди, бироқ web-саҳифаларни «қўлбола» кўриб чиқиш чукур таҳлил талаб қилувчи ахборот излашнинг якуний босқичларида ягона тўғри усул бўлиб чиқиши мумкин.

Кидирув машиналари ёрдамида ахборот излаш. Энг кўп қўлланувчи, лекин шу билан бир пайтда энг мураккаб кидирув усули кидирув тизимларидан

фойдаланган ҳолда ахборот излаш ҳисобланади. Унинг кенг тарқалганлиги қидирав тизимлари кўп сонли сайтлар индексини қамраб олиши ва тўғри ифодаланган сўров ёрдамида қизиктираётган ресурсларга тезда ссылкалар олиш мумкинлиги билан асосланади. Усулнинг мураккаблиги шундаки, натижага сифатли бўлиши учун энг тўғри келувчи қидирав тизимларини танлай олиш, унга сўровларни тўғри шакллантириш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва функционал имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Қидирав тизимларини танлаш.

Ушбу босқич қидирав машиналаридан бу машиналарнинг хар бирини қўллаган ҳолда кутилаётган самарадорликнинг пасайиб боришига мувофиқ фойдаланиш кетма-кетлигини аниқлашни талаоб қиласди.

Қамраб олиш минтақалари, қидирав ўтказиш тамойиллари (демак, сўровлар тили ва характеристи бўйича ҳам), индекс базаси ҳажми, ахборотни янгилаш тезлиги, «ностандарт» ахборот излаш қобилияти бўйича фарқланувчи жами бир неча юзга яқин қидирав машиналари маълум. Қидирав машиналарини танлашнинг асосий мезони сервернинг индекс базаси ҳажми ва қидирав машинасининг ўзи ривожланганлик даражаси, яъни у қабул қилаётган сўровларнинг мураккаблик даражаси ҳисобланади.

Қидирав машиналарига сўровлар тузиши ва бажарии

Бу катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш билан боғлик энг мураккаб ва меҳнат талаоб қилувчи босқичдир. Тезаурус асосида танлаб олинган қидирав серверларига сўров шакллантирилади. Дастрлабки натижалар олингандан сўнг релевант бўлмаган ахборотни чиқариб ташлаш мақсадида сўровни аниқлаштириш мумкин. Сўнгра қидирав мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда энг кизиқарли ресурслардан бошлаб ресурсларни танлаш амалга оширилади ва релевант деб тан олингандар майлумотлари таҳлил учун тўпланади.

Сўровлар формати ҳам, семантикаси ҳам қўлланадиган қидирав машинаси ва муайян предмет соҳасига қараб турли вариантда бўлиши мумкин. Сўровлар шундай тузилиши керакки, қидирав соҳаси максимал даражада

аниқлаштирилган бўлиши, яъни битта кенгайтирилган сўровдан фойдаланиш ўрнига бир нечта кичик махсус сўровлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Турли машиналар учун сўров тиллари асосан қуйидаги функцияларнинг бирикуви ҳисобланади:

➤ хужжатлар қидиришни қуйидаги операторлари ёрдамида амалга ошириш: AND, OR, NOT, AND – у бирлаштирувчи барча атамалар бор бўлган, OR — изланаётган матнда оператор бирлаштирган атамалардан ҳеч бўлмаса биттаси мавжуд бўлган; NOT – матннда мазкур оператор ортидан келувчи атамалар йўқ бўлган хужжатни излаш;

➤ атамаларни кесиши имконияти – атаманинг охири ўрнига * белгисидан фойдаланиш рўйхатга сўзният бошлангич қисми шаблонидан бошланувчи барча сўзларни киритишга имкон беради;

➤ тил морфологиясини ҳисобга олиш – машина қидирав бораётган тилда мазкур атаманинг барча шаклларини автоматик равища ҳисобга олади;

➤ сўз бирикмаси, ибора бўйича маълумот қидириш имконияти;

➤ қидиравни хужжат элементи билан чеклаш (сўров сўзлари айнан сарлавҳада, биринчи абзацда, ссылкада жойлашиши мумкин ва ҳоказо);

➤ хужжат чиқарилган сана бўйича чеклаш;

➤ атамаларнинг мос тушиши сони бўйича чеклаш;

➤ график тасвирларни излаш имконияти;

➤ кичик ва бош харфларга қараб излаш.

Сўров натижаси, яъни тизим чиқариб берган топилган ресурсларга ссылкалар рўйхати икки босқичда қайта ишланади. Дастрлабки босқичда рўйхат таркиби қидирав машинасининг мукаммал эмаслиги ёки сўровнинг етарли даражада «интеллектуал» эмаслиги сабабли кириб қолган норелевант манбалар

чиқарып ташланади. Параллел равища кейинги сўровларни модификациялаш учун тезаурусни аниқлаштириш мақсадида семантик таҳлил ўтказилади. Кейинги ишлар топилган ҳар бир ресурс билан кетма-кетликда ишлаш ва ундаги ахборотни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ресурслар таҳлили ва ахборот тўплаши

Ахборот излашнинг якуни босқичи ресурслар таҳлили ва ахборот тўплаш ҳисобланади. Ресурсларнинг бирламчи таҳлили агар бор бўлса аннотацияларга, йўқ бўлса ресурснинг ахборот мазмунига асосланиши лозим. Шундан кейин ахборот танлаб олинган манбалардан чиқарып олинади ва мос келувчи мақсадларда фойдаланилади.

5.4. Интернетда мижозлар хатти – ҳаракатини ўрганиш

Интернет пайдо бўлган кунидан бошлаб ахборот тарқатишнинг яхлит бир мухитини яратиши лозим бўлган лойихадан кундан-кунга тижорат уни ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бораётган марказлашмаган тармоқкача бўлган йўлни босиб ўтди. Фойдаланувчиларнинг ўзи навигация жараёнини бошқарувчи Интернет мухитида тижорат фаолиятининг муваффакиятга эришиши бизнес ва уларнинг манфаатларини қанчалик ҳисобга олиши билан белгиланиши мумкин, бунинг учун эса улар ким, уларнинг эҳтиёжлари, дидистаклари, хулқ-атвор моделлари қандай эканлигини билиш зарур.

Интернетда унинг мулокот доираси тавсифномаларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар бу саволларга жавоб топиши мўлжалланган. Унинг асосий тавсифномалари қаторига Тармоқ ва унинг айрим сайтлари мулокот доираси ҳажми, унинг ижтимоий-демографик суръати, истеъмол кўрсаткичлари ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Интернетда тадқиқотчилик агентликлари

Интернетда энг аҳамиятли тадқиқотлар кенг доирасини Nua Internet Surveys (www.nua.ie/surveys) серверидан топиш мумкин. Бу ерда Интернет мулокот доирасининг нафакат умумий, балки ихтисослашган – минтақавий ёки тармоқ тадқиқотлари натижалари ҳам келтирилган. Шу билан бирга

134

Тармоқнинг келажакда ривожланишига доир башоратлар ҳам илгари сурилмоқда. Янги нашрлар ҳақида ахборот олиш учун серверда жўнатмалар рўйхати ишлаб турибди. Интернет ривожланишига доир статистика ахборотлари, янгиликлар ва таҳлилларнинг яхши манбалари сифатида Forrester Research (www.forrester.com), Cyber Atlas (cyberatlas.internet.com), AdKnowledge (www.adknowledge.com) ва Internet Advertising Resource Guide (www.admedia.org)ни кўрсатиш мумкин.

Интернет фойдаланувчилари умумжасон тавсифномаси

Энг асосий ва ўзига жалб этувчи масалалардан бири Интернетнинг жамиятга таъсирини кўрсатувчи Интернетдан фойдаланувчилар умумий сони ҳисобланади. Бу масалага эътиборни Интернетдан тижорат йўлида фойдаланиш анъанавий ОАВ каби кўп жиҳатдан у мўлжалланган мухитда кенг тарқалганлик даражаси билан изоҳланади.

Ўтказилаётган тадқиқотлар Интернетдан фойдаланувчиларнинг тахминий сонини баҳолашга имкон беради ва шу тарика Интернетнинг ўсиши ва ривожланиши мезони бўлиб хизмат қиласи. Nua Internet Surveys (www.nua.ie/surveys/) тадқиқотларига кўра 2014 йилнинг май ойида Интернетга 980 млн. киши уланиш имконига эга бўлган. Бу ўша пайтда ер шари аҳолисининг 30 %дан камини ташкил қилган бўлиб, Интернет бугунги кунда ривожланишининг фақат дастлабки босқичларидан бирида турғанлигидан далолат беради.

“Global Digital 2018” ҳисоботи бўйича шу йилнинг январь ойига Интернетдан фойдаланувчилар сони 4.021 млрд. етди.

Башоратларга кўра, 2019 йил январга бориб, Интернетдан фойдаланувчилар сони сал кам 4.5 млрд. кишидан ортиб кетади.

Интернетдан фойдаланувчилар сонининг ўсиш динамикаси тури тебранишларга учрайди. Бу кўрсаткичнинг максимал ўсиши йилига қарийб 100 %ни ташкил этган. Бироқ АҚШ ва Канада каби ривожланган



мамлакатларда аҳолининг 80 %дан ортиги Интернетга уланиш имконига эга бўлиб, бу кўрсаткич вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони географик кўрсаткичлари бир хилда эмас. 5.2-жадвалларда Интернетдан фойдаланувчилар сони дунё мінтақалари бўйича тақсимланган ҳолда келтирилган.

5.2-жадвал

Интернетдан фойдаланувчиларнинг дунё мінтақалари бўйича тақсимланиши (манба: Nua Internet Surveys)

Мінтақа	Фойдаланувчилар сони, млн. кишидан ортик
Шимолий Америка	320 (88.1 %)
Европа	660 (80.2)
Тинч Океани ва Австралия мінтақаси	28 (69.6 %)
Лотин Америкаси	404 (62.4 %)
Осиё	1 938 (49.7)
Африка	388 (31.2%)
Ўрта Шарқ	147 (58.7 %)
Умумий сони	3 885

Интернетдан фойдаланувчиларнинг айрим Европа мамлакатлари бўйича тақсимланиши (манба: Nua Internet Surveys)

Интернет компаниялар ва уларнинг міжозлари ўртасида индивидуал алоқаларни шакллантириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар тақдим этади. Бу имкониятлар муваффақиятли бизнес юритиш бўйича замонайи тенденциялар билан узвий алоқада бўлиб, улар орасида асосий рақобатли афзалликлардан бири міжозларнинг компанияга мойиллигини шакллантириш ва уларнинг кониқканлик даражасини ошириш учун улар билан ўзаро алоқани йўлга кўйиш ва кўллаб-куватлаш хисобланади.

Маҳсулот сотишнинг белгиланган даражада бўлишини кўллаб-куватлаш учун компания ўз фаолиятида иккита асосий йўналишни: янги харидорларни жалб қилиш ва мавжуд харидорлар билан муносабатларни кўллаб-куватлашни хисобга олиши зарур. Иктисолий фойда нуқтаи назаридан янги харидор

топгандан кўра доимий харидорлар билан ўзаро муносабатларни кўллаб-куватлаш арzon тушади.

Оммага кенг маълум бўлган бир нечта далилни келтириб ўтамиз:

➢ Парето тамойилига кўра компания даромадларининг 80%ини міжозларнинг 20 %и келтиради;

➢ товар бирлигини сотиш учун савдо вакилига янги харидорларни жалб қилиш учун уларга ўнлаб марта мурожаат қилиш талаб қилинган бир пайтда доимий міжозларга ўртacha 2-3 марта мурожаат қилиш кифоя;

➢ доимий міжоз билан битим тузиш худди шу битимни янги харидор билан тузишга нисбатан 5-10 баравар арзонга тушади;

➢ доимий харидорлар сонининг 5 %га ўсиши умумий сотув ҳажмининг 25 % ўсишига олиб келади.

Компанияларни міжозлар билан муносабатларни қайта кўриб чиқишига мажбур қилувчи сабаблар бошқа тенденциялар ҳам бўлиши мумкин. Интернетда фойдаланилаётган замонавий технологиялар шунга олиб келдики, энди харидор бозорнинг исталган қисмига энг кам транзакция харажатлари билан мурожаат кила олади. Мавжуд міжозларни ушлаб қолиш бундай шароитларда бирламчи вазифага айланади.

Міжоз ва фирма ўртасидаги алоқа телефон ва факсдан тортиб телеконференция ва электрон почтагача турли усуслар билан амалга оширилиши сабабли міжоз бу каналлар бўйича олинувчи барча ахборотлар компания томонидан биргаликда кўриб чиқилишини кутади. Бундай шароитларда міжоз ва у билан алоқа ҳақидаги барча ахборотларни ҳисобга олган ҳолдагина уни ушлаб қолиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, реклама ва сотувни рағбатлантириш каби истеъмолчи талабининг анъанавий рағбатлари самарадорлигининг пасайиш йўналиши ҳам кузатилади. Натижада кучли рақобат шароитларида компаниялар міжозларни жалб қилиш ва ушлаб қолиш учун янги имкониятлар излаб топишга мажбур бўлади.

CRM тизимлари

Юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири сифатида CRM (Customer Relationships Management) истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини жорий қилиш мумкин.

CRM бу фирманинг ўз мижозларига «мижозларга йўналтирилган» ёндашувни акс эттирувчи концепциядир. Бу концепцияни амалга оширувчи тизимлар фирма мижозлари ҳақида ахборот тўплаши, бу ахборотлардан мижозлар билан ўзаро манбаатли муносабатлар ўрнатиш йўли билан компания



манбаатлари йўлида фойдаланиши кўзда тутилган.

CRM тизими вазифалари қаторига даромадлилик, сотувнинг фойдалилиги ва мижозларнинг қониқанлигини ошириш кабилар киради. Ушбу концепция доирасида компания унинг тасарруфидаги воситалар, технология ва ёндашувлардан фойдаланган ҳолда сотув ҳажмини

остириши мақсадида мижозлар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштиради.

CRM тизими функциялари ва улар бажарувчи вазифалар

Ўз олдида турган вазифаларни бажариш учун CRM тизими куйидаги асосий функцияларни бажариши лозим:

мижозлар ҳақида ахборот тўплаш, олинган ахборотни саклаш ва қайта ишлаш, ахборот ва уни таҳлил қилиш натижаларини бошқа тизимларга экспорт қилиш имконияти. Бу функцияларни муфассал равишда кўриб чиқамиз:

➤ ахборот тўплаш. Ахборот тўплаш вазифаси мижоз ва унинг компания билан алоқалари ҳақидаги барча маълумотларни тизимга киритишини назарда тутади. Мижоз ҳақида шахсий маълумотлар унинг ёши, оиласиб ахволи, йиллик даромади, мулки ва ҳоказолардан, унинг компания билан алоқалари ҳақидаги маълумотлар эса бу алоқаларнинг мақсади – товар харид



қилиш, ахборот олиш, харид пайтида сотиб олинган товарни тавсифлаш, унинг нархи, микдори, мақсади, тўлов тури ва бошқалардан иборат бўлади. Бу маълумотлар тизимга компания ходими ёки мижознинг ўзи томонидан, масалан, Интернет-дўйонда товар харид қилишда киритилиши мумкин. Икки томон ўртасидаги алоқа хоҳ мижознинг компанияяга шахсан ташриф буориши бўлсин, хоҳ телефон, факс, почта ёки Интернет орқали алоқа бўлсин, маълумотлар янгиланиб туриши лозим;

➤ ахборотни саклаш ва қайта ишлаш. Тизим олинган маълумотларни саклаш ва белгиланган мезонлар бўйича қайта ишлашга имкон беради;

➤ ахборотни тақдим этиш ва экспорт қилиш. Ахборотни тақдим этиш CRM тизимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Тизимда сакланувчи маълумотлар турили бўлинмалар томонидан исталган кўринишда талаб қилиниб қолиши мумкин. Масалан, CRM тизими тарихий маълумотларни экстраполяциялаш асосида муайян мижоз қайси товарни афзал кўришини аниқлаши мумкин.



Агар мижоз доимий харидор бўлса, тизим унга чегирма бериш лозимлигини эслатади. Ва ниҳоят, компания ходимига мижознинг фирма билан тарихий алоқалари ҳақида ахборот керак бўлиб қолиши мумкин ва тизим бу маълумотларни яққол кўринишда намойиш эта олиши лозим.

CRM концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш учун куйидаги асосий вазифаларни бажариши лозим:

➤ мижозни таниб олиш (идентификация). Мижознинг «қимматли»лигини ошириш учун компания маркетинг бўлими маълумотлари ва ўзаро муносабатлар тарихи ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳолда у ҳақда маълум бир тасаввурга эга бўлиши керак;

➤ мижозларни тақсимлаш (дифференциация). Ҳар бир мижоз компания учун алоҳида аҳамият касб этиб, компанияга ўз индивидуал сўров ва талабларини билдириш ҳукуқига эга бўлади;

➤ мижоз билан муносабатлар. Мижозларга ўзгаришлар керак бўлади. CRM нұқтаи назаридан мижоз билан ҳамкорликдан узок муддатли фойда олиш муҳим, шу сабабли компания у ҳақда ижтимоий мақоми, оиласвий ахволининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни инобатга олган ҳолда тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим. CRM вазифаси мижознинг дид-истаклари ва эҳтиёжларини кузатиб боришдир;

➤ персонализация шундай жараёнки, унда мижозларнинг ҳар бири бекиёс бирлик сифатида баҳоланади ва унга шу қоидага асосан хизмат кўрсатади. Шу тариқа мижознинг компанияга мойиллик даражасини тартибиға солиш мумкин.

CRM тизими таркиби

Куйидаги жадвалда замонавий CRM тизимлари таркиб топувчи асосий модуллар, шунингдек, улар бажарувчи функциялар акс эттирилган.

5.3-жадвал

CRM тизими модуллари ва улар бажарувчи функции

Номи	Функциялари
Contact Management	Ҳар бир мулокот бўйича кенгайтирилган ёзув, ҳар бир мижоз учун алоҳида фойдаланувчи профили, мулокотлар тарихи юритиши, ташкилий диаграммалардан фойдаланиш, мижозларни турли гурӯхларга тўплаш имконияти ва б.
Account Management	Контрагентлар (жумладан, мижозлар, ҳамкорлар, агентлар, рақобатчилар) бўйича ахборот юритиши, жумладан, ўзаро муносабатлар тарихи, режадаги ва амалга оширилган битимлар, шартномалар, молиявий ва бухгалтерия маълумотлари юритиши
Sales Management	Бевосита олди-сотди билан боғлиқ ахборот юритиши – цикллар, статистика, худудий боғланиш, ҳисботлар тузиш, сотов тарихи ва х.к. Сотовни самарали бошқариш ва башорат қилишга имкон берувчи уни босқич ва қадамларга бўлиб караш
Time Management	Барча бўлинмалар ишини ваqt бўйича мувофиқлаштириши: календарь, вазифалар рўйхати, турли модуллар билан факс, электрон почта ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида алоқа

	қилиш
Customer Service	Мижозларни интерактив кўллаб-куватлаш (Интернет, виртуал тармоқлар ва б) – мижозларга зарур ахборотни мустақил олишга имкон беради; мижозлар билан ишлашни режалаштириш, мулокотлар статистикаси, ҳисботлар тайёрлаш, мутахассисларнинг ваqt сарфини хисобга олиш ва б.
Field Force Automation, Telemarketing/telesales	Минтақавий, тармоқ ва бошқа белгиларга кўра тақсимланган мижозлар билан гурух бўлиб ишлаш, узок худудда жойлашган бўлинмалар билан ишлаш, буюртмаларга ишлов бериш маркази билан интеграция имконияти, статистика юритиши, стандарт савол ва жавобларни ёзиб бориш ҳамда электрон почта, IP-телефония ва бошқалардан фойдаланган ҳолда мижозлар билан коммуникация воситаларининг бошқа турли имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш
Marketing	Статистик маълумотлар тўплаш ва тақдим этиши, турли маркетинг акцияларини режалаштириш ва олиб бориш, самарадорликни хисоб-китоб қилиш, моделлаштириш, ёрдамчи (ўкув) материали, истеъмолчилар сегментацияси ва б.
Lead Management	Потенциал мижозлар билан муносабатларни бошқариш: бирламчи ахборот тўплаш, сотов бўлинмаси ходимлари ўртасида мулокотни тақсимлаш, бирламчи мулокот манбалари самарадорлигини кузатиб бориш
PRM	Ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш
Knowledge Management	Билимларни бошқариш, компания фаолияти учун зарур барча ахборотларни (хариталар, тармоқ ахбороти, таҳлилий материалилар, статистика маълумотлари) тўплаш, алоҳида янгиликлар бўлимлари яратиш (масалан, қайта ишлаш саноати менежерлари учун), Интернетдаги манбалар ва кучли кидирив тизимлари билан интеграция
e-Business	Мижозлар билан Интернет орқали алокаларни ташкил қилиш ва мос келувчи функцияларни кўллаб-куватлаш: компания web-сайти мазмунини бошқариш, телеконференция хизмати, чат, интернет-дўкон, B2B савдо майдончаси, интернет-аукционлар ва хоказо
Business Intelligence	Муаммоларни назорат қилиш бўйича автоматик имкониятлар, олдини олувчи харакатларни амалга ошириш, шаблон бўйича индивидуал ҳисботлар тузиш, режалаштириш, моделлаштириши.
User support	Фойдаланувчини кўллаб-куватлаш, унга ёрдам бериш.

CRM тизимини ишлаб чиқкан компаниялар сафифа Siebel (www.siebel.com), Hyperion (www.hyperion.com), Epicor (www.epicor.com),

People Soft (www.peoplesoft.com), Nortel Networks (www.nortelnetworks.com), Tranzline (www.tranzline.co.uk), People Link (www.peoplelink.com), Genesys (www.genesys.com), Open Market (www.openmarket.com), BroadVision (www.broadvision.com), Vignette (www.vignette.com), SAS (www.sas.com), SAP (www.sap.com), Oracle (www.oracle.com), Baan (www.baan.com), Symix (www.symix.com), Microstrategy (www.microstrategy.com), Инвест ахборот технологиялари (www.pro-invest.com/it) каби компанияларни санаб ўтиш мумкин. Санаб ўтилган компанияларнинг бир қисмida электрон тижорат учун ихтисослашган CRM тизимлари бор бўлса, бошқа қисмida бу функцияларни ERP тизими таркибида бажарувчи модуль мавжуд.



5.5. Интернет ва электрон почта хизмати

Интернет хизматларидан энг оддийларидан бири бу – электрон почтадир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, электрон почта – бу Интернет тармоғи орқали хабарлар алмашиш хизмати хисобланиб, асосан иккита компонент иштироқида ташкил этилади:

А) электрон почта сервери (SMTP, POP) – хабарларни жўнатиш ва қабул килишни таъминлаш;

Б) электрон почта клиенти – хабарларни яратиш, ўқиш ва жавоб кайтариш.

Электрон почта хизмати қуйидаги имкониятларни тақдим этади:
– Хабарларни тезкор алмашиш (бир неча дақиқа);

- Хабарларга қўшимча маълумотларни илова қилиш;

- Хабарларга расм ва мультимедиа маълумотларини жойлаштириш.



5.3 – расм. Электрон почта хизмати²³
Электрон почта хизмати ва унинг афзалликлари:

Интернет-халқаро тармоғининг асосини Electronic mail (E-mail) - электрон почта хизмати ташкил қиласди.

Электрон почта худди одатдаги почтадек бўлиб, фақат бунда хатни когоғза эмас, балки компьютер клавиатурасидан ҳарф ва сўзларни териб, электрон сигналларнинг маълум тартибдаги кўринишига келтиради.

Электрон почта маҳсус дастур бўлиб, унинг ёрдамида дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон манзилга хат, хужжат, яъни ихтиёрий файлни тезда (бирнеча сонияларда) жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин. Бундан ташқари маълум талаблар мавжуд, яъни бунда хат жўнатаётган фойдаланувчи ва қабул килаётган фойдаланувчи ҳам Интернет тармоғига уланган компьютерга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиши керак. *Форумлар*. Веб-форум - Интернет тармоғида ўзаро мулоқотни ташкил этиш учун мўлжалланган веб-сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуаси. Қисқача айтганда, форум бу веб-сайтнинг ташриф буюрувчилари мулоқот ўрнатадиган майдончаси. Фойдаланувчи форум веб-сайтига ташриф буюриб, ўзини қизиқтирган мавзууни ўртага ташлаши ва веб-сайтнинг бошқа ташриф буюрувчилари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Халқаро интернет форумлари. Интернет форумлари алоҳида

²³ Гейн А.Г. Изучение информационного моделирования как средства реализации межпредметных связей информатики с дисциплинами естественнонаучного цикла: Автореф. канд.пед.наук. - М., 2014г.

йўналишларга ихтисослашган ёки умумий бўлиши мумкин. Ихтисослашган форумларда фақатгина мўлжалланган соҳага оид мавзулар муҳокама қилинади, умумий форумларда эса ихтиёрий мавзуни ўртага ташлаш мумкин.

Қисқа хуносалар

Интернет инглизча “Internet” – умумжаҳон компьютер тармоқларининг бирлашган тизими деб номланади. У маълумотлар пакетига йўналтирилган IP протоколидан фойдаланувчи қурилмадан иборат. Интернетнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўплаб ёндош ва турдош соҳалар ютуқлари билан узвий боғлик. Бу тармоқ технологияларининг ривожланиши, операцион тизимларнинг такомиллашви, дастурлаш тилларининг ривожланиши ва ҳоказолардан иборат.

Интернетда маркетинг тадқиқотлари ўтказишни анъанавий тадқиқотлардан ажратиб турувчи асосий фарқлар ахборот тўплаш усуллари ва маълумот манбалари ҳисобланади.

Маълумот манбалари

Тадқиқот режаси бирламчи ва иккиласми маълумотлардан фойдаланишни кўзда тутиши мумкин. Бирламчи маълумотлар мазкур лойиҳани амалга оширишда муайян мақсадда тўпланади. Иккиласми маълумотлар эса бошқа мақсадлар учун олинган, маълум бир шаклдаги ахборотлар ҳисобланади.

Одатда, тадқиқотлар вазифани тўлиқ ёки қисман ҳал қилиш учун тўғри келувчи ҳамда бирламчи маълумотлар тўплаш учун харажатларни қискартиришга имкон берувчи иккиласми маълумотлар тахлилидан бошланади. Исталган ҳолатда ҳам иккиласми маълумотлар бошлангич нуқта бўлиб, нисбатан арzon ва осон топилади.

Иккиласми маълумотларнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- корхона фаолияти ҳақидаги ички маълумотлар;
- Интернет орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар. Бу ҳолатда web-сахифа ва web-сайтлар, маълумотлар тўплами, телеконференция ва файл серверлари манба вазифасини бажариши мумкин.

Зарур маълумотларни иккиласми маълумотлар таркибидан топишнинг имкони бўлмаган ёки бу маълумотлар тўлиқ, аниқ ва етарли даражада ишончли бўлмаган ёки эскириб қолган ҳолларда бирламчи маълумотларни тўплашга тўғри келади. Бирламчи маълумот тўплашнинг асосий усуллари сўровлар, кузатув усули ва экспериментлар ўтказиш ҳисобланади.

Исталган ҳолатда ҳам иккиласми маълумотлар бошлангич нуқта бўлиб, нисбатан арzon ва осон топилади.

Иккиласми маълумотларнинг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

- корхона фаолияти ҳақидаги ички маълумотлар;
- Интернет орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар. Бу ҳолатда web-сахифа ва web-сайтлар, маълумотлар тўплами, телеконференция ва файл серверлари манба вазифасини бажариши мумкин.

Иккиласми маркетинг тадқиқотлари ўтказишда биринчи ўринга Интернетда зарур ахборотларни қидириш усуллари чиқади. Бугунги кунда асосий қидирив воситалари қидирив тизимлари ва каталоглар ҳисобланади. Бир қатор ҳолларда, улардан фойдаланиш етарлича самара бермаган шароитларда тематик сайтлар, «сарик сахифалар» ва бошқа ресурслар бўйича «қўлда қидириш» амалга оширилади.

Бирламчи ахборот тўплашда маълумот тўплашнинг асосий усули сифатида Интернет-сўровлари, кузатув ва экспериментлар хизмат килади.

1. Интернет-сўровлар ўтказишнинг энг тарқалган усули анкета сўровлари ҳисобланади. Анкета респондентлар фикрини билиш учун киритилган бир қатор саволлардан иборат бўлади. Бу восита мослашувчалиги ва универсаллиги билан ажralиб туриши сабабли у бирламчи маълумотлар тўплашнинг энг тарқалган воситаси саналади.

2. web-сервери ёрдамида фирмалар томонидан ўтказилувчи маркетинг тадқиқотлари киради. Бу усул web-сервернинг журнал файлларидан (log files) ёки cookie файлларини қўллаш асосидаги технологиялардан фойдаланган ҳолда олинувчи маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдан иборат. Бу маълумотлар ташриф буюрувчиларнинг хулқ-атворига, уларнинг сахифалар бўйлаб

ҳаракатланиш кетма-кетлигига ёки web-серверга ташриф буюриш тезлигига таалуқлы бўлиши мумкин. Сайтда қидирув тизими жойлаштирилган ҳолларда фойдаланувчилар киритувчи сўровлар ҳам қўшимча равишда тўпланиши ва таҳлил қилиниши мумкин.

3. Серверга ташриф буюриш статистикаси таҳлили имкониятлари энг самарали маркетинг воситаларидан бири саналади. Респондентларнинг фаол иштирок этишини талаб қилувчи сўров ўтказишдан фарқли ўлароқ, статистика таҳлили фойдаланувчиларни фаол ҳаракатга жалб этмасдан туриб қимматли ахборот тўплашга имкон беради.

4. Эксперимент усули илмий нуқтаи назардан энг жиддий усул бўлиб, сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Эксперимент объектлари маҳсус танлаб олиниши ҳамда уларнинг реакцияси ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқларни аниқлаш учун ташки мухитни назорат қилган ҳолда режалаштирилган таъсирга учратилиши лозим. Ишга алоқаси бўлмаган ташки омиллар назорат остига олинган даражада кузатилаётган самаралар эксперимент олиб борувчиларнинг объектга таъсирига киритилиши мумкин.

Интернет ёрдамида иккиласми маркетинг тадқиқоти ўтказишнинг асосий жиҳатларидан бири ахборот манбаларини излаш хисобланади. Ҳозирги кунда Тармоқдаги юз миллионлаб сайтлар бу вазифани жуда мураккаб қилиб қўяди. Бу жараённ енгиллаштириш ва уни самаралироқ қилиш учун Интернетда ахборот излаш вазифасини ҳал қилишга ёндашувни тавсифлаб берамиз.

Интернетда қидирувни амалга оширишда сифатли натижага олиш учун бир қатор шартларга риоя қилиш зарур. Уларнинг асосийлари ресурсларни кенг камраб олиш ва топилган ахборотнинг ишончлилиги хисобланади.

Таянч иборалар: “Internet”, WWW, телекоммуникация, тармоқ, форматлаш, протокол, гиперматн, web-саҳифа, MS Windows, URL-кўрсаткичлар, маълумотларни тўплаш, Интернет – сўровлар, Интернет-тадқиқоти, web-сервери, журнал файллари, кузатув, эксперимент, анкета, сайт, график, видеотасвир, браузер, гиперматн ссылкалари бўйича излаш, CRM,

идентификация, дифференциация, персонализация, Контрагентлар, электро почта ва форрумлар.

Назорат саволлари

1. “Internet” тармоғи қачон вужудга келган ва нима мақсадда шакллантирилган?
2. Интернетда маркетинг тадқиқотларининг роли ва ўрни нималардан иборат?
3. Самарали Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш нечта босқичдан иборат?
4. Интернет тармоғида қайси ахборот турларининг маълумотларидан кўпроқ фойдаланадилар?
5. Қидирув машиналар ёрдамида қандай ахборотлар қидирилади ва маркетинг тадқиқотлари усулларининг қайси бирига тўғри келади?
6. Қидирув машиналарига сўровлар тузиш ва бажаришда ахборотлар тўплашнинг қандай мезонлари асосида тузилади?
7. Интернетда мижозлар хатти – ҳаракатини ўрганишда қайси омилларни инобатга олади ва унинг мулоқот доираси нималардан иборат?
8. CRM (Customer Relationships Management) истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларни бошқаришда қандай ёндашувга асосланади?
9. CRM тизимида экстрополяция усули орқали мижознинг нимани афзал кўришини осонлаштиради?
10. CRM тизими таркиби ва модулини тавсифлаб беринг.

6-боб. АХБОРОТ ТҮПЛАШ: ҚИДИРУВ ВА ДЕСКРИПТИВ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

6.1. Дастлабки ахборот: сифатли ва миқдорий тадқиқотлар

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида ахборот түплаш усууларини икки гурухга – сифат ва сон усууларига ажратиш мумкин.

Сон тадқиқотлари одатда ёпиқ турдаги структураланган саволлардан фойдаланишга асосланған турлы сўровларни ўтказишига ўхшатилади. Бундай тадқиқотларга хос бўлган хусусиятлар: тўпланувчи маълумотлар шакли ва уларни олиш манбаларининг аниқ белгиланиши, тўпланган маълумотларнинг фақат тартибга солинган жараёнлар воситасида ўтказиш ҳисобланади.

Сифат тадқиқотлари одамларнинг нима қилаётганини ва нима деяётганини кузатиш йўли билан ахборот түплаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишини қамраб олади. Кузатув ва хulosалар сифат характеристига эга бўлиб, стандартлаштирилмаган тарзда амалга оширилади. Сифат маълумотлари сон шаклига келтирилиши мумкин, бироқ бундай олдин маҳсус жараёнларни ўтказиш талаб қилинади.

Сифат тадқиқотлари асосини кузатув усуулари ташкил қиласиди. Бу усууларнинг аксарияти психологлар томонидан ишлаб чиқилган ёндашувларга асосланади.

Маркетинг тадқиқотларида кузатув усули танлаб олинган одамлар гурухлари, ҳаракатлар ва вазиятларни кузатиш йўли билан ўрганилаётган обьект ҳақида бирламчи маркетинг ахбороти тўплашни ифодалайди. Бунда тадқиқотчи ўрганилаётган обьектга таалукли ва тадқиқот мақсадлари нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган барча омилларни бевосита қайд этади ва рўйхатга олади.

Юқоридаги бобларда таъкидлаганимиздек, маркетинг тадқиқотларининг турлари ва уларнинг таснифи ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур жараённинг кўлами жуда кенг. У бевосита бир қанча йўналишларда амалга оширилади:

- бозорни тадқиқ қиласиди;
- истеъмолни ва истеъмолчиларни тадқиқ қиласиди;
- ишлаб чиқараётган товарни (хизмат)ни тадқиқ қиласиди;
- товарни (хизмати)нинг баҳосини тадқиқ қиласиди;
- рақобатдош корхоналарни тадқиқ қиласиди.

Ушбу йўналишларнинг ҳаммасида маркетинг тадқиқоти ўтказилади ва мазкур жараёнда унинг турли хилларидан фойдаланилади. Бироқ шундай турлари борки, улар нисбатан умумий ва барча жараёнда иштирок этиши мумкин. Буларга қуидагидарни киртиш мумкин (6.1-жадвал).

6.1-жадвал

Маркетинг тадқиқотлари айрим белгилари бўйича таснифи

Таснифи белгилар	Тадқиқотларнинг турлари
Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усули бўйича	Кабинетда тадқиқ қилиш Дала тадқиқоти
Тадқиқотнинг мақсади бўйича	Қидирув Ёзib борувчи Таҳлил қилувчи
Ахборотларни тўплаш характеристи бўйича	Миқдорий тадқиқотлар Сифатий тадқиқотлар

Маркетинг тадқиқотининг мазкур турлари хўжалик юритувчи субъектлар маркетологлари томонидан амалга оширилади. Шу туфайли маркетологлар кандай даражадаги корхона бўлмасин тадқикот элементларини ва уни ўтказиш усууларини яхши билишлари лозим. Чунки юқори самарадорликни таъминлаш ва бозорда ўз ўрни ва аҳоли ўртасида нуфузини мустаҳкамлаб бориши учун мазкур корхонадаги мутахассислар ушбу талабларга жавоб берадиган бўлишлари керак.

Маркетинг тадқиқотлари турининг ҳар бири бўйича қисқача тавсифини келтириш учун ҳар бир турининг мазмуни билан танишиш, улардан қай даражада фойдаланиш учун имконият беради. Шу мақсадда ҳар бирининг қисқача тавсифини келтирамиз (6.2-жадвал).

6.2-жадвал

Маркетинг тадқиқотлари турлари ва уларнинг тавсифи	
Маркетинг тадқиқотларининг турлари	Маркетинг тадқиқотларининг мазмуни
Кабинет тадқиқоти	Тайёр ҳолдаги иккиламчи маълумотлар (нашр қилинган, олдиндан ҳисобот ва бошқа шаклларда тайёрланган) асосида хонада ўтказиладиган тадқиқот.
Дала тадқиқоти	Ҳамиша иккиламчи маълумотлар тадқиқотлар учун етарли бўлмаганда турли сўровлар, кузатишлар, анкеталар ва тажрибалар ёрдамида бирламчи маълумотларни тўплаш
Қидиув тадқиқоти	Муаммога чукур кириб бориш ва уни ҳал қилишнинг мукаммал йўлларини ишлаб чиқиш мақсадида тегишли маълумотларни ва гояларни тўплаш
Ёзib борилувчи тадқиқот	Бевосита бозорда содир бўладиган ҳодисаларни ёзib бориш асосида вазиятни ўрганиш ва уларни тизимлаштириш орқали тегишли стратегияни ишлаб чиқиш
Таҳлилий тадқиқот	Натижанинг ижобий ёки салбий ҳолати нималар эвазига содир бўлғанлигини тегишли далиллар асосида чукур ўрганиш
Миқдорий тадқиқотлар	Турли таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда ким, қаерда, қачон ва қанча деган саволларга жавоб топиш учун килиниши
Сифатий тадқиқотлар	Турли таҳлилий усуллардан фойдаланган ҳолда нима, қандай, нима учун деган саволларга жавоб сифатий баҳолаш мақсадида чукур таҳлилий ишларни амалга ошириш

Ушбу ҳолатлар маркетинг соҳасининг шу қирраси бўйича батафсил хулоса чиқариш учун асос бўлади. Чунки уларнинг ҳар бир тури тегишли тарзда тадқиқ қилинади. Бундай ҳолатда бемалол маркетинг тадқиқоти натижаси асосида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин.

6.2. Сифат тадқиқоти усулларини таснифлаш

Аксарият холларда маркетинг тадқиқотини ўтказишдан аввал бозор жараёнларини тўлиқ акс эттириш ва ахборот манбаларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида маркетинг ахборотлари чукур таҳлил қилинади.

Миқдор ва сифат категорияси ҳам маркетинг тадқиқотларида

стистик таҳлилда айниқса иқтисодий жараёнлар натижасини кўрсаткичларда ифодалашда кенг кўлланилади. Кўрсаткичлар мазмуни бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларига бўлинади.

Масалан, корхонада банд бўлган ҳодимлар сони миқдор кўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унумдорлиги сифат кўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси мухим натижавий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан миқдор кўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат кўрсаткичидир. Яна бошқа бир мисол келтирсак. Жамоа хўжалигининг бир йилда етиштирган пахтаси 50,0 минг тоннани ташкил қилди. Бу миқдор кўрсаткич. Унинг 60 фоизи биринчи нав, 20 фоизи иккинчи, 15 фоизи учинчи ва 5 фоизи тўртинчи навга топширилди. Булар пахтанинг сифат кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Ёки яна шу пахтадан соф толанинг чиқиш миқдори 35 фоизни ташкил қиласи.

Бу ҳам унинг сифат кўрсаткичларидан бири сифатида намоён бўлади.

Улар ўртасидаги боғлиқлик ифодаланиши учун ҳамиша кўрсаткичларни боғлиқ равища ифода этиш мумкин.

Иқтисодий жараёнларни ўрганишга бағишлиланган маркетинг тадқиқотларида стистик таҳлил фалсафий категорияларга тўлиқ асосланади.

Маркетинг ахборотининг шаклланиши ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган. Ўша йилларнинг ўрталаригача ушбу бозорда асосий таъминотчи бўлиб янгиликлар хизмати ва матбуот агентликлари хизмат қилган. Бироз

кейинроқ бу бозорга банкларнинг ахборот хизматлари, турли илмий-техник ташкилотлар ва бошқа корхоналар ҳам қўшилди.

70-йилларнинг бошида йирик ахборот хизматлари томонидан тузилган ахборот базалари пайдо бўлиб, улар илмий-техник, академик ва давлат муассасалари билан узвий боғлик бўлган.

XXI аср йилларида ахборот хизматлари бозори ахборот хизматларини сотиш ва сотиб олиш бўйича ахборот таъминотчилари ва истеъмолчилари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий, хукуқий ва ташкилий муносабатлар йигиндини ифодалайди.

Маркетинг ахбороти бозорини шартли равишда қўйидаги асосий секторларга ажратиш мумкин:

- иқтисодий ахборот;
- биржа ва молия ахбороти;
- профессионал ва илмий-техник ахборот;
- тижорат ахбороти;
- статистик ахборот;
- оммавий ва истеъмолчи ахбороти;
- буюртма маркетинг тадқиқотлари.

Маркетинг ахбороти бозорининг асосий секторлари 6.3-жадвалда батафсил ифодаланган.


Чет элда энг тўлиқ ва самарали ахборот манбалари профессионаллар учун маълумотлар тўплами ҳисобланади. Бу тўпламлар турли тадқиқотлар самарадорлигини бир неча баробар оширишига хизмат қиласи, потенциал ҳамкорлар ва инвесторларни излаб топиш, товарлар ва хизматлар бозорини ўрганиш, рақобатчилар тўгрисида маълумот тўплаш каби масалаларни бир зумда ҳал этишга имкон беради.

6.3-жадвал

Маркетинг ахбороти бозорининг асосий секторлари

Сектор	Тавсифнома	Манба ва тақдим этиш шакли
1	2	3
Иқтисодий ахборот	Тезкор ва маълумотнома иқтисодий ахбороти ва таҳлилий иқтисодий шарҳлар	Асосий тақдим этиш шакли маълумотлар банки ва профессионал базаси, босма справочниклар ҳисобланади
Биржа ва молия ахбороти	Қимматли көғозлар котировкаси, валюта курслари, ҳисоб ставкалари, товарлар ва капитал бозори, инвестициялар ҳакидаги ахборот	Махсус биржа ва молия ахбороти бўлинмалари, брокерлик компаниялари, банклар ва бошқа фирмалар томонидан тақдим этилади
Профессионал ва илмий-техник ахборот	Мутахассислар (юристлар, иқтисодчилар, мухандислар ва б.) учун профессионал, илмий-техник (рефератив илмий-техник журналлар ва б.), фундаментал ва амалий фан соҳаларида справочнинг маълумотлари	Давлат хизматлари, турли тижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқалар томонидан тақдим этилади
Тижорат ахбороти	Компаниялар, фирмалар, корпорациялар, уларнинг иш йўналиши ва маҳсулотлари, молиявий ҳолати, ишбилармонлик алоқалари, битимлари ҳамда бизнес ва иқтисодиёт соҳаларидағи янгиликлар бўйича ахборот	Электрон маълумотлар тўплами ёки вақти-вақти билан янгиланиб турувчи босма нашрлар шаклида тақдим этилади
Статистик ахборот	Компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотлар бўйича, белгиланган бозор, географик ва маъмурий худудлар бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар	Одатда давлат статистика органлари томонидан ва босма ёки электрон шаклда статистик тўпламлар кўринишида тақдим этилади
Оммавий ва истеъмолчи ахбороти	Кенг фойдаланувчилар оммасига мўлжалланган ахборот, масалан янгиликлар хизмати ва матбуот агентликлари ахбороти	ОАВ, телекоммуникация тармоқлари, турли (телефон, меҳмонхона, ресторан) справочниклар
Буюртма маркетинг тадқиқотлари	Маркетинг тадқиқотларини мижозлар буюртмаси бўйича баҳарувчи фирмалар тақдим этувчи ахборотлар	Маркетинг тадқиқотлари одатда маҳсус тижорат фирмалари томонидан ўтказилади

Ушбу секторларнинг ичida масалан, профессионал йўналтирилган маълумотлар тўплами бозорининг асосий иштирокчилари қўйидагилардан иборат:



6.1 – расм. Профессионал йўналтирилган маълумотлар тўплами

Яъни ушбу омилларни кенгайтирилган холда батафсил кўриб чиқамиз:

- ахборотни ишлаб чиқарувчилар – ахборотни тўплаш ва нашр килиш билан шуғулланувчи (ахборот агентликлари, ОАВ, нашриётлар), шунингдек, ахборотни қайта ишлаш (маълумотларни танлаб олиш, маълумотлар тўпламига тўлиқ матн шаклида киритиш ва ҳоказо) билан шуғулланувчи маҳсус ташкилотлар;
- ахборотни сотувчилар – глобал компьютер тармоқлари (масалан, интернет) ёки ўз онлайн хизматлари воситасида маълумотлар тўпламига пуллик уланиш хизматларини тақдим этувчи ташкилотлар;
- ахборотдан фойдаланувчилар (обуначилар).

Маркетинг ахборотларини тўплашда Internet, Infonet, Tymnet, Sprintnet, IBIS, EDGAR, NSFnet, EVnet каби телекоммуникация тармоқлари катта роль ўйнайди. Уларнинг орасида энг тез ривожланётгани Internet тармогидир. Internet орқали турли билимлар соҳалари бўйича мақолалар, справочниклар, маълумотлар тўпламлари, техник ҳужжатлар, рақобатчилар тўғрисида маълумотлар, бозор ҳолати ҳақида ахборот, макроиктисодий маълумотлар,

маркетинг тадқиқотлари натижалари ва бошқа кўплаб ахборотларни олиш мумкин.

Одатда маркетинг тадқиқотларини ўтказишида бирламчи ва иккиласми маълумотлар асосида олинган ахборотлардан фойдаланилади.

Бирламчи маълумотлар муайян маркетинг муаммосини ҳал қилиш мақсадида ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижасида олинади; уларни тўплаш кузатув, сўров, экспериментлар ёрдамида амалга оширилади.

Кабинет тадқиқотларида кўлланувчи *иккиласми маълумотлар* деб илгари ички ва ташки манбалардан маркетинг тадқиқотлари мақсадларидан фарқ қилувчи мақсадлар учун тўпланган маълумотлар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, иккиласми маълумотлар маҳсус маркетинг тадқиқотлари натижаси хисобланмайди.

Кабинет тадқиқотлари маркетинг тадқиқоти ўтказишнинг энг арzon ва тарқалган усулидир. Кичик корхоналар учун бу усул маркетинг ахбороти олишнинг амалда ягона усули хисобланади.

Компанияларнинг ички ҳисботлари, сотув бўлими ходимлари билан сухбатлар, маркетинг ахборот тизими, бухгалтерия ва молия ҳисботи, раҳбариятнинг акциядорлар йиғилишидаги ҳисботи, савдо ходимларининг хабарлари, истеъмолчиларнинг ариза ва таклифлари, ИТТКИ ва ишлаб чиқариш режалари, мажлис баённомалари, фирманинг иш ҳужжатлари ички манба бўлиб хизмат қиласди.

Ташки ахборот манбалари қаторида ҳалқаро ташкилотлар (Ҳалқаро валюта жамғармаси, ЕХХТ, БМТ) маълумотлари; қонун, қарор ва фармонлар; давлат, сиёсий ва жамоатчилик вакилларининг маърузалари; расмий статистика, даврий матбуот, илмий тадқиқотлар натижалари, аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари; оила бюджетлари; аҳоли жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар; турли фирмалар каталоглари ва проспектлари; фирмаларнинг йиллик молиявий ҳисботлари; конкурслар натижалари; тармоқлар, биржа ва банклар ахбороти; акциялар курслари жадваллари; суд ажримларини санаб ўтиш мумкин.

Ташқи иккиламчи ахборот манбалари қаторига шунингдек, кўргазма ва ярмаркалар, мажлис ва анжуманлар, тақдимолар, очиқ эшиклар кунлари ва тижорат базаларини ҳам киритиш мумкин.

Охириги йилларда компьютер тармоқларининг ривожланиши билан уларнинг хизматларидан фойдаланиш борасида ихтисослашган маркетинг фирмалари учун ҳам, ташкилотларнинг мустақил тадқиқот ўтказувчи маркетинг бўлинмалари мутахассислари учун ҳам кенг имкониятлар пайдо бўлди.

Бу ерда санаб ўтилган ва бошқа манбалар амалда ҳамма учун очиқлиги сабабли гап ахборотни дикқат билан кузатиш, тўплаш ва баҳолашда қолади. Бунда хulosалар ягона манбага таянмаслиги лозим, чунки дикқат эътиборга тушувчи ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам ишончли бўлиб чиқавермайди. Факат бир нечта манбани солишириб кўргандагина қимматга эга хulosаларга олиб келиши мумкин.

Тадбиркорлар ва менежерларга расмий статистика маълумотларидан фойдаланиш унчалик тўғри келмайдигандай туюлиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда бу фикр хато бўлиб чиқади. Айтайлик, сизнинг бизнесингиз маълум бир ёш гурӯхининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлсин. Тугилиш бўйича маълумотлар билан танишиш маркетинг фаолиятини янада тўғри режалаштиришга имкон беради, чунки сизда бозор салоҳиятининг узок муддатли тенденциялари ҳақида ахборот пайдо бўлади.

Расмий ахборот манбалари қанчалик қимматли бўлмасин, шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, улардаги маълумотлар ҳамма учун очиқ бўлиб, ҳеч кимга яққол устунлик бермайди. Бу ахборот «қаттиқ» ахборот деб аталади.

Кўп ҳолларда ракобатчиларда йўқ бўлган ахборотни олиш ёки бунда улардан ўзиб кетиш корхонанинг стратегик устунлигини таъминлайди.

Бу «юмшок» ахборот бўлиб, одатда норасмий манбалардан олинади. Бундай маълумотлар қаторига корхонанинг сотов бўлими, техник хизмат кўрсатиш бўлими ходимларидан, шунингдек, ташқи манбалардан (воситачилар, таъминотчилар, истеъмолчилар ва б.) олинувчи ахборотлар киради.

6.3. Фокус – гуруҳлар, уларни режалаштириш ва фаолиятини юритиш

Маркетинг тадқиқотларини ўтказишида, аввалом бор, ахборот тўплаш усуулларига мурожат қиласиз. Ушбу тадқиқотларнинг энг самарали усуулларидан бири бу – сўров усулидир. Чунки сўров орқали истеъмолчиларнинг индивидуал тарзда ички кечинмалари ва дунёсини аниқлаб олиш мумкин ва бу олинган ахборотлар натижасида кишиларнинг ички туйғуси ва дунёсидан ишончли маълумотларга эга бўламиз. Сўров кишиларга уларнинг билим даражаси, маҳсулотга муносабати, дид-истаклари ва истеъмолчи хулқ-атворига доира саволлар бериш йўли билан бирламчи ахборот тўплашда намоён бўлади.

Шунингдек, сўров ўтказишида ижтимоий соҳада ахборотларни гуруҳлар орқали тўплашда олдига қўйилган мақсадга эришиш учун, энг кенг тарқалган самарали ва сифатли усувлардан фойдаланишади. Бу усувларни гуруҳлар орқали тадқиқотни таникли этиш кўринишини – фокус –гуруҳ деб атасади.

Фокус гуруҳи усулини кўллашнинг бешта асосий мақсадини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Гоялар генерацияси – масалан, чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, дизайни, ўровини такомиллаштириш ёки янги маҳсулотлар ишлаб чикиш бўйича.
2. Истеъмолчиларнинг сўзлашув луғатини ўрганиш реклама кампанияси ўтказиш, саволномалар тузиш ва ҳоказоларда катта фойда келтириши мумкин.
3. Истеъмолчилар сўровлари, мотивлари, уларнинг ўрганилаётган маҳсулот ва унинг маркаси, ҳаракатлантириш усулига муносабати билан танишиш, бу маркетинг тадқиқотлари мақсадларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.



4. Микдорий тадқиқотлар ўтказишида тўпланган маълумотларни яхшироқ тушуниш. Баъзида фокус-гурух аъзолари ўтказилган сўров натижаларини тўғри англаб олишга кўмаклашади.

5. Маълум бир реклама турларига ҳис-туйғу ва хулқ-автор реакцияларини ўрганиш.

Одатда ишни гурухлар аудио ва видеотехника воситалари ёрдамида қайд этадилар, унинг натижалари эса масалан, сўров йўли билан микдорий тадқиқотлар ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, мазкур усуслдан фойдаланиш имкониятлари ва самарадорлигига турли мамлакатлар ва минтақаларнинг маданияти, мулокот анъаналари ва ҳоказолар кучли таъсир кўрсатади.

Фокус-гурухнинг оптимал ҳажми 8 кишидан 12 кишигача ҳисобланади. Иштирокчилар сони бундан кам бўлса, гурух иши маҳсулдорлиги учун зарур динамика таъминланмайди ва гурухнинг ишини фаоллаштириш учун гурух етакчисининг кўп тер тўкишига тўғри келади. Гурух аъзолари сони 12 кишидан



ортиқ бўлса, маҳсулдорлиги юкори мунозаралар ташкил қилиш кийин бўлади. Гурух бир нечта кичик гурухларга тақсимланиб, кераксиз мавзуларда сухбат юритилиши, мунозаранинг ўзи эса бир нечта кишигина иштирок этиши мумкин.

Афсуски, гурух таркибини олдиндан белгилаш қийин. Масалан, мунозарада 12 киши иштирок этиш истагини билдиради, амалда эса фақат 6 кишигина қатнашади, холос.

Гурух таркибига келадиган бўлсак, уни қатнашчилар таркибининг гомогенлиги (ёши, фаолият тури, оиласиёт ҳолати ва ҳоказолар бўйича) тамойилидан келиб чиқкан ҳолда шакллантириш тавсия этилади. Бу ҳолатда мунозаралар учун энг кулай шароит яратилади деб ҳисобланади.

Гурух қатнашчиларини танлашни аввало ўтказилаётган тадқиқот мақсадлари белгилаб беради. Масалан, агар тадқиқот мақсади маҳсулот ўрови

бўйича янги ғоялар ишлаб чиқиши бўлса, фокус-гурух қатнашчилари сифатида маълум бир маркали товар харид қилган истеъмолчилар таклиф этилади.

Одатда мунозараларда

иштирок этиш учун потенциал қатнашчилар телефон орқали таклиф қилинади, баъзида эса ҳоҳловчилар дўёнининг

ўзида харидорлар орасидан танлаб олинади. Гурухни шакллантириш жараёнида гурух етакчисининг иштирок этиши мақсадга мувофиқ.



Гурух қатнашчиларини «ёллаш»да уларнинг меҳнатига пул тўлаш шаклидан ҳам, маълум бир товарларни бепул тақдим этиш орқали натурал шаклидан ҳам фойдаланилади. Кўп ҳолларда фокус-гурухнинг иш куни арафасида потенциал қатнашчиларга бу ҳақда эслатиб қўйилади. Бу ҳолда мунозарада иштирок этишдан бош тортисла, уларнинг ўрнига бошқа кишиларни жалб қилиш имконияти бўлади.

Фокус-гурух ишининг муваффакиятга эришуви кўп жиҳатдан гурух етакчисининг фаолияти самарадорлигига боғлиқ бўлади. У дискуссиянинг мақсад ва вазифаларини чукур тушунган ҳолда бевосита аралашмасдан унинг боришини бошқариб туради. Гурух етакчisi қатнашчилар ўртасида табиий мунозара ва муҳокама қилинаётган мавзу доирасидан четга чиқиш ўртасида мувозанат бўлиши интилиши лозим. У гурух қатнашчиларининг нуқтаи назари ва шарҳларига катта эътибор қаратиши ҳамда ҳар бир киши билан мулокотга кириша олиши лозим. Одатда фокус-гурухда мунозара бошланмасдан олдин гурух етакчиси унинг иши бўйича деталли режани ишлаб чиқиб, муҳокама мавзуси бўйича ўз билимларини оширишга ҳаракат қиласи.

Фокус-гурухнинг асосий афзалликлари қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўз фикрини очиқ ва эркин баён қилиш, янгиояларни ишлаб чиқиш имконияти, айниқса, мунозара давомида «мия хужуми» усулидан фойдаланилган ҳолларда.

2. Буюртмачи учун мунозаранинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришда иштирок этиш, гурух ишини кузатиш имконияти унинг иш натижаларига ишонч даражасининг юқори бўлишини таъминлайди. Бу натижалардан буюртмачи баъзида амалий ишда расмий ҳисбот олмасдан туриб ҳам фойдаланиши мумкин.

3. Мазкур усульдан фойдаланиш йўналишларининг турли-туманлиги, бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди.

4. Респондентларни ўрганиш имконияти, уларни расмий ва структураланган вазиятларда ўрганиш қийин кечади.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур усульнинг камчиликлари қаторига олинган натижаларни субъектив интерпретация қилиш, ҳар бир гурух катнашчисига тўғри келувчи харажатларнинг катталиги киради.

Замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш фокус-гурухдан фойдаланиш доирасини кенгайтириш учун имкон беради.

Умуман олганда, фокус-гурухнинг асосий мақсади сифатли ва самарали интервью ўтказишдан иборатдир.

Интервью олишда сўров услубининг бошқа шаклларига ҳам эътиборни қаратамиз.

Сўров структураланган ва структураланмаган характерга эга бўлиши мумкин; биринчи ҳолатда барча сўралаётганларга бир хил саволлар берилади, иккинчи ҳолатда эса интервьюер олинган жавобларга қараб савол беради.

Сўров ўтказишда сўралаётганлар гурухи бир ёки бир неча марта тадқик этилиши мумкин. Биринчи ҳолатда танлаб олинган гурух қатъий белгиланган вақт учун бир нечта кўрсаткичлар бўйича бир марта тадқик этилади. Масалан, журнал ва газеталар редакциялари ўз ўкувчилари ўртасида уларнинг ёши,

жинси, маълумот даражаси, машғулот тури каби кўрсаткичлар бўйича бир марталик танланма тадқиқот ўтказади.


Иккинчи ҳолатда *панель* деб номланувчи сўралаётганлар гурухи белгиланган вақт давомида бир неча марта тадқик этилади. Кўплаб маркетинг тадқиқотларини ўтказишида турли турдаги панеллардан фойдаланилади.

Олдинги бобларда таъкидлаганимиздек, *панель* бу — тақорий тадқиқот ўтказилаётган сўровда иштирок этувчи шахсларнинг танланма йигиндисидир. Айрим истеъмолчилар, оиласлар, савдо ва саноат ташкилотлари, эксперталар панель аъзолари бўлиши мумкин. Панель усули бир марталик усуллардан бир қатор афзалликларга эга, хусусан, у кейинги сўров натижаларини олдинги натижалар билан солишириш ва ўрганилаётган ҳодисалардаги тенденцияларни белгилашга имкон беради.

Барча турдаги панеллар вақт бўйича, ўрганилаётган бирликлар (субъектлар) характеристи бўйича, ўрганилаётган муаммолар характеристи бўйича ва ахборот олиш усууллари бўйича тақсимланади.

Вақт бўйича панеллар қисқа муддатли (бир йилгача) ва узок муддатли (беш йилгача) турларга бўлинади. Узок муддатли панеллар узлуксиз ёки даврий ахборот берши мумкин. Узлуксиз ахборот кундайларда ҳар куни қайд этиб борилади, кундайларнинг ўзи эса маълум вақт оралиғидан сўнг ташкилотчиларга жўнатилади. Даврий ахборот анкеталар шаклида сўров ўтказилиши билан келиб тушади.

Ўрганилаётган бирликлар характеристи бўйича панеллар қуйидаги турларга тақсимланади:



6.2 – расм. Характер бўйича панель турлари

Яъни, ушбу бирликларни кенгроқ кўриб чиқамиз:

- *истеъмол*, уларнинг аъзолари якка ҳолдаги истеъмолчилар, оиласар ёки уй хўжаликлиридан иборат;
- *савдо*, уларнинг аъзолари савдо ташкилотлари ва савдо билан шугуулланувчи алоҳида шахслар ҳисобланади;
- *саноат корхоналари*, тадқиқ этилаётган товарларни ишлаб чиқаради;
- *экспертлар* – ўрганилаётган муаммо бўйича мутахассислар.

Сўровларни ўтказишида олинувчи ахборот қўп жиҳатдан панель таркибига ҳам боғлик бўлади. Оила ва якка ҳолдаги истеъмолчилар панелини тузиш энг кийин жараён ҳисобланади. Савдо, саноат корхоналари ва экспертлар панелларининг устунлиги уларнинг аъзолари сони истеъмолчилар панелига нисбатан камлигига бўлиб, бу уларни шаклантириш ва кузатиш харажатларини қисқартиришга имкон беради.

Ўрганилаётган муаммолар бўйича панеллар умумий ва ихтисослашган турларга тақсимланади. Ихтисослашган панеллар айрим товар ёки товарлар гурӯҳини ўрганиш учун тузилиши мумкин. Масалан, улар ёрдамида товарлар ва янги товар концепциялари синаб кўрилади; бозор тенденциялари кузатиб

борилади; истеъмолчилар янги товар ҳақида маълумот олувчи манбалар аниқланади.

Ахборот олиш усули бўйича тўрт хил панелни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) панель аъзолари талаб қилинувчи ахборотни (тўлдирилган кундаликлар, сўров ва рақалари) почта орқали жўнатади;
- 2) панель аъзоларидан интервью олинади;
- 3) панель аъзолари кундалик ёки сўров ва рақаларини тўлдиради, лекин ахборотни маҳсус ходимлар тўплайди;
- 4) панель аъзоларидан маълум вақт оралигидан сўнг интервью олинади, бу вақт ичida ахборот почта орқали жўнатилади.

Сўров ўтказишида ахборот респондентлардан уч усулда олинади:

- 1) респондентларга интервьюер томонидан савол бериш йўли билан, жавобларни интервьюер кайд этиб боради;
- 2) компьютер ёрдамида саволлар бериш йўли билан;
- 3) респондентларнинг анкеталарни мустақил тўлдириш йўли билан.

Биринчи усул қўйидаги афзаликларга

эга:

1. Респондентлар билан қайтувчан алоқанинг мавжудлиги сўров жараёнини бошқаришга имкон беради.
2. Респондентлар ва интервьюер ўртасида сўровнинг бошидаёқ ишончли муносабат ўрнатиш имконияти.

3. Сўралаётгандар маълумот даражаси ёки хусусиятларини ҳисобга олиш имконияти – масалан, респондентга кўлланувчи шкаалалар градациясида ёрдам бериш.

Мазкур усулнинг камчиликлари худди иккинчи усулнини каби бўлиб, кейинроқ кўриб чиқилади.



Иккинчи усулнинг афзалликлари қаторига қўйидағиларни киритиш мумкин:

1. Мазкур ёндашувни шахсий интервьюга нисбатан тезроқ амалга ошириш. Компьютер олдинги саволларга мослаштирилган саволларни жуда тез бериши, тасодифан танланган телефон рақамларини тез териши, хар бир сўралувчининг хусусиятларини ҳисобга олиши мумкин.

2. Интервьюернинг хатога йўл қўймаслиги, компьютер чарчамайди, уни «сотиб олиб» бўлмайди.

3. Расмлар, графиклар, видеоматериаллардан фойдаланиш.

4. Маълумотлар билан реал вақт режимида ишлаш. Олинган ахборот бевосита маълумотлар тўпламига жўнатилади ҳамда исталган пайт таҳлил қилиш учун очиқ бўлади.

5. Интервьюернинг субъектив хислатлари олинадиган жавобларга таъсир кўрсатмайди. Респондентлар интервьюерга ёқмайдиган жавобларни бермасликка харакат қилмайди.

Компьютер усулининг камчиликлари компьютер ва дастурий воситаларни харид қилиш ва ундан фойдаланиш, ҳар бир текширудан сўнг компьютерни вируслардан тозалаш харажатларининг нисбатан катталигидан иборат.

Учинчи усулнинг ўзига хос бўлган асосий жихати шундаки, респондент унга берилган саволларга мустақил, интервьюер ёки компьютер иштирокисиз жавоб беради.

Уйбу усулнинг афзалликлари:

1. Интервьюер ва компьютер техникасидан фойдаланилмаслик сабабли нисбатан арzonлик.

2. Респондентлар томонидан саволларга жавобларнинг мустақил берилishi, улар саволга жавоб бериш тезлиги ва вақтини ўзлари белгилайди.

3. Интервьюер ёки компьютер томонидан кўрсатилувчи бирон-бир таъсирнинг йўклиги респондентлар учун саволларга жавоб беришда янада қуляйлик яратади.

Бу усулнинг камчилиги биринчи навбатда респондентнинг ўзи анкета саволларига жавобни назорат қилиши, унинг жавобларида хатолар бўлиши мумкинлиги, сўров муддати бузилиши ёки анкеталарнинг умуман қайтариб берилмаслигидан иборат.

6.4. Сўров ўтказиш усуллари ва уларни танлаш

Сўров бу – тадқиқот объектлари билан мулокот ўрнатган ҳолда ахборот тўплаш усулидир.

Бу усул ахборот тўплашнинг маркетингда энг таркалган усулидир. У тадқиқотларнинг кариб 90%ини ўтказишида кўлланади.

Сўров усули қўйидағи афзалликларга эга:

1. Юқори стандартлашув даражаси, барча респондентларга бир хил жавоб вариантиларига эга бир хил саволлар берилishi билан изоҳланади.

2. Амалга оширишнинг осонлиги, респондентлар олдига келиш шарт эмас, уларга саволларни почта ёки телефон орқали бериш ҳам мумкин.

3. Чукур таҳлил ўтказиш имконияти кетма-кетлика аниқлаштирувчи саволлар берилishiдан иборат. Масалан, ишлаётган болали оналардан уларнинг иш жойи мактаб ёки болалар боғчасига қанчалик яқин бўлиши муҳимлиги сўралади. Кейин эса нечта мактаб вариант сифатида кўриб чиқилганлиги ҳақида савол берилади. Шундан сўнг машғулот тури, даромад, оила ҳажмига доир саволлар берилади.

4. Табуляция ва статистика таҳлилини ўтказиш имконияти математик статистика усуллари ва шахсий компьютерлар учун мос келувчи амалий дастурларни кўллашдан иборат.

5. Муайян бозор сегментлари бўйича олинган натижалар таҳлили.



Оммавий сўровларда ахборот манбаи бўлиб фаолият тури бўйича таҳлил предмети билан боғлиқ бўлмаган аҳоли хизмат қиласди.

Махсус сўровларда айнан мутахассислар (экспертлар) – профессионал фаолияти тадқиқот предмети билан боғлиқ бўлган шахслар асосий ахборот манбаи вазифасини бажаради.

Шу сабабли махсус сўровлар кўпинча эксперталар сўрови деб хам аталади. Улар маркетинг тадқиқотининг бошида муаммони аниқлаш учун ёки тадқиқотнинг охирида қарор қилиш лозим бўлган ҳолларда қўлланади.

Бир марталик сўровлар факат бозор субъектларининг корхона фаолияти ва унинг маҳсулотларига жорий реакциясини кўрсатган бир пайтда такорий сўровлар товарнинг бутун ҳаёт даврини, истеъмолчилар сўровлари ва дидистакларини аниқлашга имкон беради.

Сўровлар одатда ишлаб чиқариш йўналишидаги товарлардан фойдаланувчилар фикрини ўрганиш учун фойдаланилади, чунки уларнинг доираси нисбатан чекланган бўлади. Истеъмол бозорида потенциал истеъмолчилар сони шунчалик қўпки, амалда ушбу усулдан фойдаланишининг имкони йўқ. Бундай шароитларда танлама кузатувлар ўтказилади.

Анкета сўровлари усулининг афзалиги уни амалда ҳеч қандай чеклашсиз қўллаш мумкинлиги, объектнинг олдинги ва жорий хулк-атвори, келажақдаги режалари ҳакида маълумот олишга имкон беради.

Мазкур усулининг камчилиги сўровларни ўтказиш учун катта харажат ва кўп меҳнат талаб қилиниши, олинган ахборотнинг нотўғри жавоблар натижасида аниқлик даражаси пасайиши мумкинлигидан иборат.

Сўровни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари кўйидагиларни кўзда тутади:



- аудитория билан алоқа усулини танлаш;
- анкетани тайёрлаш;
- синов ўтказиш ва анкетани тўлдириш.

6.4.- жадвал

Амалиётда қўйидаги сўровлардан фойдаланилади:

Телефон орқали	Почта орқали	Шахсий интервью
N.....	N.....	N.....

Улардан ҳар бири маълум бир афзалик ва камчиликларга эга.

Телефон орқали сўровнинг афзаликлари:


- юқори тезкорлик,
- арzonлик,
- берилган саволни тушунтириш имконияти.

Камчиликлар:

- факат телефон абонентлари ўртасида сўров ўтказиш имконияти танлаб олишининг мос келишини таъминлай олмайди;
- саволларга жавоб беришдан бош тортиш, айниқса шахсий характерли саволларга жавоб бермаслик эҳтимоли юқори;
- сўралаётган шахснинг бандлиги (телефон қўнғироғи кутиши, телефондан бошқаларнинг фойдаланиши) сабабли сухбатдан киска бўлиши;

Почта орқали сўровнинг афзаликлари:

- интервьюернинг таъсирини йўқ қилиш,
- шахсий характерли саволларга жавоб учун энг яхши замин ҳозирлаш,
- кенг тарқалган аудиторияни камраб олишининг нисбатан арzonлиги.



Камчилклари:

- тезкорликнинг пастлиги;
- тарқатилган анкеталарнинг бир қисми қайтарилмаслик эҳтимоли (одатда анкеталарнинг ярмидан кўпич қайтарилмайди);
- саволни тушунтириб бериш имконининг йўқлиги саволлар доирасини чеклашга олиб келади (улар содда ва аниқ ифодаланган бўлиши зарур);
- савол йўлланмаган кишилардан жавоб келиш эҳтимоли.

Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш амалиётида почта орқали сўров, айникса, панеллар кенг тарқалган. Улар бир хил вакт оралиғидан сўнг бир неча марта сўров ўтказиш йўли билан катта гурухдаги истеъмолчилардан кенг доирадаги саволлар бўйича ахборот олишни таъминлади. Панель сўровлари оила харид қилувчи товалар миқдори, молиявий харажатлар, афзал кўрилувчи нарх даражаси, турли ижтимоий гурухлардаги истеъмолчилар хулқ-атвори ўртасидаги фарқлар, товар маркасига содиклик каби маълумотлар бўйича ахборот олиш йўли билан ташки мухитда рўй берувчи ўзгаришларни мунтазам хисобга олиб бориш имконини беради.

Шахсий интервью тадқиқот объектлари билан алоқа қилишининг энг оммавий ва универсал усулидир.

Унинг афзаллликлари:

- жавобдан бош тортиши холларининг камлиги;
- тадқиқотнинг нисбатан аниклиги;
- шахсий сўровни кузатув билан биргалиқда олиб бориш имконияти.

Камчилклари:

- ташкилий ишларнинг кўплиги ва моддий харажатларнинг катталиги;
- интервьюернинг респондентларга билиб ёки билмаган холда таъсир кўрсатиш эҳтимоли.

Шахсий интервью индивидуал ёки гурух шаклида бўлиши мумкин.



Анкета (сўров ва рақаси) бу – тадқиқот обьекти ёки предмети тавсифномаларини аниқлашга йўналтирилган саволлар тизимиdir.

Анкета саволларини тайёрлашда сўровни сифатли ўтказишга хизмат қилувчи асосий тамойилларга риоя қилиш зарур.

Анкета саволлари содда, тушунарли, бир маъноли ва нейтрал бўлиши лозим. Анкетада саволлар оддийдан мураккабга қараб ўзгариб бориши талаб этилади.

Анкетадаги саволлар сони жуда катта бўлмаслиги лозим, чунки анкета канчалик катта бўлса, унга жавоб қайтарши эҳтимоли шунчалик пасаяди. Анкетани тўлдириш вақти 20-30 дақиқани ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Анкета ва сўров усуллари орқали маркетинг тадқиқотларини ўтказишни батафсилоқ кейинги бобларда кўриб чиқамиз.

Ахборотларни тўплашда бир қанча хатоликлар бўлиши мумкин. Булар сўровчилар томонидан ҳам, сўроловчилар томонидан ҳам йўл қўйилиши мумкин. Буларнинг мазмуни ушбу жадвалда келтирилган (6.4-жадвал).

6.4-жадвал

Сўровчи ва сўроловчилар томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар

Хатоликка йўл қўйиши мумкин бўлган субъектлар	Хатоликларнинг турлари
Сўроловчилар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар	<ul style="list-style-type: none"> - сўроловчининг маданий ва интеллектуал савиаси; - масаланинг моҳиятини тўғри тушуниши; - сўроловчининг масъулиятини ҳис қилиш даражаси; - анкетадаги саволларни тушуниш ва уларга бўлган муносабат даражаси; - айрим саволларга жавоб беришдан бош тортиши (оиласвий аҳволи, даромадлар манбаи, ёши, миллати кабилар); - нотўғри жавоб учун жавобгарликнинг йўқлиги; - тўғри жавоб учун рағбатнинг йўқлиги; - сўроловчининг руҳий холати кабилар
Сўровчилар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар	<ul style="list-style-type: none"> - сўровчининг масъулиятсизлиги ва ишга юзаки қараш қўнинмасининг мавжудлиги; - ўзининг тоқатсизлиги эвазига ўзи томонидан

	<p>ҳам анкетани тўлдириш эҳтимолининг мавжудлиги;</p> <ul style="list-style-type: none"> - сўровчининг сўралувчиларга тил топа олмаслиги; - сўровчининг кўполлиги; - сўралувчиларни ўзи хохлаган, аммо реалликдан йирок жавобларга ундаши кабилар.
--	---

Кўриниб турибдики, маълумотларни тўплаш ва уларни хулоса чиқарадиган даллилар сифатида баҳолаш даражасига етказиш учун анча мураккаб жараёнларни ўтишга тўғри келар экан.

6.5. Кузатув усуслари ва уларнинг таснифланиши

Кузатув усули тадқиқотчиларнинг тадқиқ этилаётган обьектлар билан бевосита мулоқот ўрнатмасдан ва уларнинг хулқ-авторига таъсир кўрсатувчи омилларни назорат қилмасдан бу обьектлар фаолиятини қайд этиш воситасида ахборот тўплашни англатади. Кузатувнинг куйидаги усусларини ажратиб кўрсатиш мумкин:



➤ атрофдаги вазиятнинг характеристи бўйича дала кузатуви бўлиши мумкин – бу жараёнлар табиий мухитда (дўконда) рўй беришини англатади, ёки лаборатория кузатуви, яъни сунъий яратилган вазиятда амалга оширилувчи кузатувлар. Биринчи шаклнинг афзалиги кузатилаётган шахсларнинг хулқ-автори табиий бўлишидадир. Иккинчи шакл кузатув шарт-шароитларининг баркарорлигини таъминлади ҳамда бир катор техник воситаларни кўллашга имкон беради;

➤ кузатув жойи бўйича бевосита тадқиқотчининг иштироқидаги кузатув ва четдан кузатув фарқланади;

➤ обьектни қабул қилиш шакли бўйича персонал кузатув ва асбоб-ускуналар ёрдамида ёки хулқ-автор натижаларини қайд этиш ёрдамида кузатувни ажратиш мумкин;

➤ стандартлашув даражаси бўйича стандартлаштирилган ва эркин кузатувга тақсимланади.

Кузатув усули одатда изланиш характерига эга тадқиқотларда кўлланади. У барқарор шарт-шароитларни кўллаб-куватлаш ва техник воситалардан фойдаланишга имкон беради. У яширин (масалан, видеокамералар ёрдамида) ва очик (бевосита тадқиқотчи иштироқида) бўлиши мумкин. Тадқиқот мақсадларига кўра у эркин ва стандартлашган (тадқиқот учун маълум бир мезонлар белгиланади).

Кузатувни тайёрлаш кузатув жойи ва муддатини аниқлаш, яширинликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ва кузатувчиларга йўриқнома бериш билан боғлик.

Мазкур усульнинг афзаликлари:

➤ соддалиги ва нисбатан арzonлиги;

➤ тадқиқотчининг обьектлар билан алоқаси натижасида юзага келувчи хатоларнинг йўқлиги.

Мазкур усульнинг камчилликлари:

➤ обьектларнинг ички хулқ-автор мотивларини ва улар томонидан қарор қабул қилиш жараёнларини узил-кесил белгилашга имкон бермайди,

➤ кузатувчилар томонидан нотўғри тушунилиши мумкин.

Маркетинг тадқиқотларида кузатув турли мақсадларга эришишга йўналтирилиши мумкин. У гипотезалар тузиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши, унинг ёрдамида ўрганилаётган обьект ҳакида кўшимча маълумот олиш мумкин.

Кузатувни амалга ошириш усусларининг хилма-хиллиги уларни амалга оширишга тўрт хил ёндашув билан белгиланади: бевосита ёки билвосита кузатув, очик ёки ёпик кузатув, структураланган ёки структураланмаган кузатув ҳамда инсон ёрдамида ёки механик воситалар ёрдамида кузатув.

Бевосита кузатув айтайлик, харидорларнинг дўкондаги хулқ-атворини бевосита кузатишни назарда тутади. Билвосита кузатувни қўллашда маълум бир хулқ-атворнинг ўзи эмас, балки унинг натижалари ўрганилади. Бу ерда кўпинча архив маълумотларидан фойдаланилади, масалан, йиллар бўйича маълум бир товар заҳиралари динамикаси хақидаги маълумот бозор вазиятидаги ўзгаришларни ўрганишда фойдали бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айrim ҳодисаларнинг табиий исботлари ўрганилиши мумкин. Масалан, ахлат қутилари таркибини ўрганиш натижалари бўйича қайси товар ўровлари ва фирмалар атроф-мухитни кўпроқ ифлослантириши хақида хулоса чиқариши мумкин.

Очиқ кузатув одамлар уларни кузатишаётганликларини билишини назарда тутади. Бироқ кузатувчиларнинг борлиги кузатилаётганлар хулқ-атворига таъсир кўрсатади, шу сабабли буни имкон қадар камайтириш зарур.

Бу талабларни ёпиқ кузатув қондириши мумкин. Унда кузатилаётган шахсларнинг бундан хабари бўлмайди. Масалан, дўконларда сотувчи харидорлар билан қанчалик хушмуомала бўлиши ва уларга харид қилишда кўмаклашиши яширин равища кузатилиши мумкин.

Структураланган кузатув пайтида кузатувчи нимани кузатиш ва қайд этиш кераклигини олдиндан белгилаб олади. Бошқа барча хулқ-атвор турларига эътибор қаратилмайди. Кўпинча кузатувчининг вакт ҳаражатларини минималлалштиришга имкон берувчи стандарт кузатув варагидан фойдаланилади.

Уни қўллаш тадқиқот предметини олдиндан яхши билишни талаб қиласди, чунки структураланган кузатувни ишлаб чиқиш жараёнида тадқиқотчи кузатилаётган вазиятни ташкил этувчи ҳодисаларни таснифлаш тизимини тузиши ва кузатув тоифаларини стандартлаштириши лозим. Таснифлаш тизими кейинги таҳжил ўтказиш мўлжалланаётган атамаларда баён қилиниши лозим.

Структураланмаган кузатув ўтказилганда кузатувчи ўрганилаётган эпизодда барча хулқ-атвор турларини қайд қиласди. Бундай хулқ-атвор тури разведка тадқиқотларида кўп қўлланади. Масалан, қурилиш анжомлари ишлаб

чиқарувчи компания ўз ходимларини мазкур анжомлардан уй қурилишида фойдаланиш йўналишларини ўрганиш учун юбориши мумкин. Кузатув натижалари мазкур анжомларни такомиллаштиришда фойдаланилади.

Баъзida кузатувчи шахсни маҳсус механик восита билан алмаштириш мумкин. Бу алмаштириш аниклик даражаси юкорилиги. Арzonлик ёки функционал сабаблар билан изоҳланади. Масалан, кўча ҳаракатини ўрганишда автоматик воситалар маҳсус пластинани босиб ўтган ҳар бир автомобилни қайд этади. Шунингдек, оиланинг маълум бир телекўрсатувларни томоша қилишини маҳсус қурилмалар ёрдамида кузатиш ҳам осонрок ва ишончлирок хисобланади.

Кузатув усулининг камчиликлари деярли барча сифат тадқиқотларига хосdir. Бевосита кузатувда кичик гуруҳдаги кишиларнинг маълум бир шароитлардаги хулқ-атвори ўрганилади, демак, олинган маълумотларнинг репрезентативлиги масаласи вужудга келади. Инсоннинг қабул қилиш имкониятлари чекланган бўлиб, шу сабабли тадқиқотчи кузатилаётган вазиятдаги айrim муҳим ҳолатларни ўтказиб юбориши мумкин. Одатда тадқиқотчи кузатув усули асосида олинган натижаларни чукурлаштириш ва маълум бир хулқ-атвор асосида ётувчи манфаатлар, мотивлар, муносабатларни очиб бера олмайди. Бундан ташқари, шуни ҳам эътиборга олиш жоизки, кузатувчининг мавжудлиги кузатилаётган вазиятта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таъсирнинг қанчалик эканлигини аниқлаш жуда қийин.



Кузатув усули жуда кўп меҳнат талаб килувчи усулdir. Кузатув натижаларини расмийлаштириш баъзida кузатувнинг ўзидан кўра икки баравар кўпроқ вакт талаб қиласди.

Атроф-мухит характеристига кўра кузатув дала тадқиқоти бўлиши мумкин. Бу жараёnlар табиий ҳолатда (дўконда, пештахта олдида) рўй беришини

англатади. Лаборатория тадқиқотида эса кузатув сунъий шароитларда ўтказилади.

Кузатув натижалари аудио - ёки видеотехника орқали, шунингдек, ёндафтларга қайд этилади.

Кузатув усулини ўтказишнинг қийинчилклари субъектив (кузатувчи шахси билан боғлиқ) ва объектив (кузатувичга боғлиқ бўлмаган) турларга тақсимланади.

Кузатувни ўтказишнинг куйидаги босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Максадни белгилаш, вазифаларни кўйиш, кузатув обьекти ва предметини белгилаш. Тадқиқот мақсадларига боғлиқ ҳолда одатда кузатув предмети сифатида обьект фаолиятининг битта ёки бир нечта жиҳатлари олинади, масалан, харидорнинг дўйондаги савдо зали бўйлаб ҳаракатланиш йўналиши ўрганилади.

Кузатувга киришишдан аввал тадқиқотини қизиктираётган вазият ҳакида мулоҳаза юритиш учун кузатув бирликларини танлаб олиш лозим. Кузатув бирлиги (кузатилаётган шахс томондан эса бу – хулқ-атвор бирлиги) сифатида турли ҳарактердаги хатти-ҳаркатлар тўпламини кўрсатиш мумкин, масалан, харидор бирон-бир товарга назар ташлаши ёки кўлига олиб кўриши мумкин.

Режа ишлаб чиқилгандан сўнг кузатувни ўтказиш, маълумот тўплаш амалга оширилади.

Кузатув натижаларини қайд этиш қуйидаги қўринишда бўлиши мумкин:
а) қисқача ёзув; б) кузатилаётган шахс, ҳодиса ва жараёнларга тааллуқли ахборотни рўйхатга олишга хизмат қилувчи карточкалар; в) кенгайтирилган карточка вариантини ифодаловчи кузатув баённомаси; г) кузатувчининг кундалиги; д) фото-, видео-, аудиоёзувлар.

Кузатув режасини ишлаб чиқишида кузатилаётган шахслар фаолияти рўй берувчи вазият ва шароитларнинг муҳим тавсифномалари аниқлаб олиниши, яъни кузатувни қачон ва қаерда ўтказиш зарурлиги масаласи ҳал этилиши лозим.

Қўйида чукурлаштирилган интервьюю, баённома таҳлили, проекция усули ва физиологик ўлчовлар каби сифат тадқиқоти усувлари қисқача тавсифлаб берилади.

Чукурлаштирилган интервьюю малакали интервьююер томонидан респондентлар гуруҳига нима сабабдан улар ўзини у ёки бу тарзда тутиши ёки маълум бир муаммо ҳақида нима деб ўйлашини тушуниш учун текширувчи саволлар беришда намоён бўлади. Респондентга ўрганилаётган мавзу бўйича саволлар берилади ва у бу саволларга эркин жавоб беради. Бунда «Нима учун сиз бу тарзда жавоб бердингиз?», «Сиз ўз нуктаи назарингизни асослаб бера оласизми?» каби саволларни беради.

Маркетинг тадқиқоти ўтказиш усулини танлашнинг дастлабки вазифаси маркетинг ахборотини тўплашда фойдаланиш мумкин бўлган айрим усувлар билан танишишдан иборат. Сўнгра ресурслар имкониятидан келиб чиқкан ҳолда ушбу усувлар орасидан энг мос келувчиси танлаб олинади.

Қисқа холосалар

Ушбу бобда биз дастлабки ахборот тўплашнинг сифатий ва миқдорий кўрсаткичлари, қидирув ва дискриптив усувлари, фокус – гуруҳ фаолияти, сўров турлари, интервью олиш, ва бошқа ахборот турлари билан батафсил танишиб чиқдик. Улар ҳакида қисқача тўхталиб ўтамиз. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиша ахборот тўплаш усувларини икки гурухга – сифат ва сон усувларига ажратиш мумкин.

Сон тадқиқотлари одатда ёпиқ турдаги структураланган саволлардан фойдаланишга асосланган турли сўровларни ўтказишга ўхшатилади. Бундай тадқиқотларга хос бўлган хусусиятлар: тўпланувчи маълумотлар шакли ва уларни олиш манбаларининг аниқ белгиланиши, тўпланган маълумотларнинг факат тартибга солинган жараёнлар воситасида ўтказиш ҳисобланади.

Сифат тадқиқотлари одамларнинг нима қилаётганлиги ва нима деяётганлигини кузатиш йўли билан ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тақдим этишини қамраб олади. Кузатув ва холосалар сифат ҳарактерига эга бўлиб,

стандартлаштирилмаган тарзда амалга оширилади. Сифат маълумотлари сон шаклига келтирилиши мумкин, бироқ бундай олдин маҳсус жараёнларни ўтказиш талаб қилинади.

Микдор ва сифат категорияси ҳам маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда айниқса иқтисодий жараёнлар натижасини қўрсаткичларда ифодалашда кенг қўлланилади. Қўрсаткичлар мазмуни бўйича микдор ва сифат қўрсаткичларига бўлинади. Масалан, корхонада банд бўлган ҳодимлар сони микдор қўрсаткичи бўлса, уларнинг меҳнат унумдорлиги сифат қўрсаткичидир. Корхонанинг фойдаси муҳим натижавий қўрсаткич ҳисобланади. Аммо у иқтисодий мазмуни жиҳатидан микдор қўрсаткичи бўлса, рентабеллик даражаси унинг сифат қўрсаткичидир. Яна бошқа бир мисол келтирсан. Жамоа хўжалигининг бир йилда етиштирган паҳтаси 50,0 минг тоннани ташкил қилди. Бу микдор қўрсаткич. Унинг 60 фоизи биринчи нав, 20 фоизи иккинчи, 15 фоизи учинчи ва 5 фоизи тўртинчи навга топширилди. Булар паҳтанинг сифат қўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Ёки яна шу паҳтадан соғ толанинг чикиш микдори 35 фоизни ташкил қиласди. Бу ҳам унинг сифат қўрсаткичларидан бири сифатида намоён бўлади.

Сўров ўтказишида ижтимоий соҳада аҳборотларни гурухлар орқали тўплашда олдига қўйилган мақсадга эришиш учун, энг кенг таркалган самарали ва сифатли услублардан фойдаланишади. Бу услубни гурухлар орқали тадқиқотни ташкил этиши қўринишини – фокус – гурух деб аташади.

Фокус гурухи усулини қўллашнинг бешта асосий мақсадини ажратиб қўрсатиш мумкин:

1. Гоялар генерацияси – масалан, чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, дизайни, ўровини такомиллаштириши ёки янги маҳсулотлар ишлаб чикиш бўйича.
2. Истеъмолчиларнинг сўзлашув лугатини ўрганиш реклама кампанияси ўтказиш, савонномалар тузиш ва ҳоказоларда катта фойда келтириши мумкин.
3. Истеъмолчилар сўровлари, мотивлари, уларнинг ўрганилаётган маҳсулот ва унинг маркаси, ҳаракатлантириш усулига муносабати билан

танишиш, бу маркетинг тадқиқотлари мақсадларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

4. Микдорий тадқиқотлар ўтказишида тўпланган маълумотларни яхширок тушуниш. Баъзида фокус-гурух аъзолари ўтказилган сўров натижаларини тўғри англаб олишга кўмаклашади.

5. Маълум бир реклама турларига хис-туйғу ва хулк-атвор реакцияларини ўрганиш.

Таянч иборалар: сон ва сифат тадқиқотлари, кузатув, сўров ўтказиш турлари, дала, кабинет, қидиув, ёзиб борувчи тадқиқотлар, статистик аҳборотлар, очик кузатув, ёпиқ кузатув ва бошқ.

Назорат саволлари

1. Қандай аҳборотларга дастлабки аҳборотлар деб аталади?
2. Сон тадқиқотлари ва сифат тадқиқотлари ўртасидаги фарқ нимада?
3. Кабинет ва дала тадқиқотлари маркетинг тадқиқотларининг қандай аҳборотлар турларига киради?
4. Фокус – гурухнинг асосий бешта мақсадлари нималардан иборат?
5. Фокус – гурухнинг асосий афзалликлари нималардан иборат?
6. Структураланган ва структураланмаган сўров услугубарининг хусусиятлари нимада?
7. Панель турларини классификацияни санаб ўтинг. Истеъмол – турини референт гурухларга ажратиб беринг.
8. Сўров усуllibарини афзалликлари ва кмчиликлари нималардан иборат?
9. Табуляция ва статистика таҳлилини қандай амалга оширилади?
10. Сўралувчи ва сўровчи томонидан йўл куйган хатоликлар нималардан иборат?

7- боб. САБАБ-ОҚИБАТ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ: ЭКСПЕРИМЕНТ (ТАЖРИБА)

7.1. Сабаб – оқибат алоқаларининг мазмуни

Сабаб ва оқибат категорияси ҳам фалсафий категориялардан бири бўлиб, бевосита маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асоси сифатида ҳам намоён бўлади. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда натижа ва омиллар тушунчаси мавжуд. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бир қанча сабаблар мавжуд. Бу сабабларни маркетинг тадқиқотлари статистик таҳлилида омиллар деб каралади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (оқибат) унинг ҳажми бир қанча омилларга, яъни ҳодимлар сони, уларнинг малакаси, меҳнат унумдорлиги, қўлланилаётган технологик жараёни, хом ашёнинг ўз вақтида сифатли таъминоти каби омилларга (сабабларга) боғлик.

Шунингдек, *сабаб-оқибат тадқиқотлари* (*causal research*) – сабаб-оқибат алоқалари мавжудлигини исботлаш учун фойдаланилади. Маркетологлар доимий равишда карор қабул қилишаётганида сабаб-оқибат алоқаларига таянадилар. Шу сабабдан бундай тахминларни исботлаш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши зарур бўлади. Унинг ўтказилиши даврида кўйидаги иккита вазифани ҳал этилишига қаратилиади:

1. Қайси ўзгарувчилар сабаб (мустакил ўзгарувчилар), қайси бирлари оқибатни (бўйсинувчи ўзарувчилар) ташкил этишини тушуниш учун.
2. Сабаб ва оқибат ўзгарувчилар ўртасидаги алоқанинг моҳиятини аниқлаш учун керакdir.

Сабаб-оқибат тадқиқотлари (*causal research*) – маркетингнинг якуний тадқиқотлар тури ҳисобланаб, унинг вазифаси бўлиб, сабаб-оқибат алоқаларининг мавжудлигини исботлаш учун зарур бўлади.

Демак, сабаб-оқибат натижасида “Х” ва “У” ҳодисаларнинг юз беришига сабаблар аниқланади. Масалан, кўйидаги 7.1 – жадвалда ҳодисанинг юз бериши ва унинг сабаб кўринишлари акс эттирилган.

7.1 - жадвал “Х”-ҳодисанинг юз бериши ва “У”- ҳодисасининг юз беришининг сабаб кўринишлари


Одатий маъноси	Илмий маъноси
X ҳодисанинг бўлиши- У ҳодисанинг юз беришига биргина сабабдир.	X-ҳодисанинг юз бериши У-ҳодисанинг юз беришига сабаб булувчилардан биридир.
X ҳодисанинг булиши доимо У ҳодисанинг юз беришига сабаб бўлади (улар орасида аниқловчи (детерминация) боғлиқлик мавжуд).	X ҳодиса юз бериши У ҳодисанинг юз беришига сабаб булувчилардан биридир.
X ҳодисанинг юз бериши У ҳодисанинг юз беришига сабаб деб исботлаш мумкин.	X ҳодисанинг юз беришини У ҳодисанинг юз беришига сабаб деб исботлаш мумкинмас. Агар шундай бўлса, ундан чиқкан натижани тахмин килиш мумкин.

Иқтисодий фаолият натижасини ифода этган ҳар бир кўрсаткич натижа кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Буни фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак оқибатдир.

Маркетинг тадқиқотларида сабаб – оқибат муносабатларининг одатдагидан кўра илмий моҳиятидан фойдаланиш тўғрирок бўлади.

Маркетинг ҳаракатларининг натижалари бир қатор омиллар билан белгиланади ва сабаб ва оқибат ўртасидаги муносабатлар табиатда кўпроқ эҳтимоллик ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда тасодифий боғлиқликни исботлаб бўлмайди, шунчаки сабаб-оқибат боғлиқлигининг мавжудлигини тахмин килиш мумкин. Бошқача килиб айтганда, сабаб-оқибат муносабатларининг реал мавжудлиги аниқланмаган. Шунинг учун сабаб-оқибат ўртасида муносабатлар мавжудлиги илмий томондан асосланган ва бунинг учун уларнинг бирлигини аниқлаш учун бир неча шартлар мавжуд.

Сабаб-оқибат муносабатлари мавжуд бўлишининг шартларини кўриб чиқадиган бўлсак, тасодифий ёки сабаб-оқибат муносабатлар мавжудлигини ишонч ҳосил килиш учун Зта шартга амал килиш лозим:



7.1 – расм. Сабаб – оқибат алоқаларининг моҳияти

Бу шартлар муҳим аммо сабаб-оқибат боғлиқлиги борлигига етарли эмасдир. Ҳар бири алоҳида ёки уччаласи бир вактда сабаб-оқибат боғлиқлигини мавжудлигини якуний тасдиқлай олмайди. Бу шартларни ҳар бирини кўриб чиқамиз.

1. Биргаликда буладиган ўзгаришилар (вариация). Бу (concomitant variation) биргаликда юз бериш даражаси ёки “Х” сабаб-оқибат ҳодисасининг “У” оқибатини бирга юз бериш варианти бўлиб, сабаб боғлиқлигини мавжудлигини тахминий башорат килади. Бу шартга мувофиқлигини тасдиқловчи далиллар ҳам сифатли, ҳам микдорий бўлиши мумкин.

Сифатли далилга мисол келтирамиз: универмаг менеджерлари сотув ҳажми асосан харидорларга хизмат кўрсатиш сифатига боғлик дея тахмин килишади. Бу гипотезани биргаликдаги вариация шартларига амал қилиб текшириб кўриш мумкин. Бу ҳолатда сабаб омили- харидорларга хизмат кўрсатиш сифати, оқибат омили- сотув ҳажмидир. Бу гипотезада биргаликда вариация мавжудлиги шуни билдирадики, харидорларга ўрта сифатда хизмат кўрсатувчи универмаглар ўрта савдо ҳажмига эга бўлади дегани. Шу каби паст сифатда хизмат кўрсатувчи универмаглар кичик савдо ҳажмини кўрсатиб

беради. Агарда бу тахминга қарши омиллар кўринса ёки келиб чиқса, бу тахминни чиппакка чиқаради.

Микдорий далилга мисол сифатида ихтиёрий 1000 респондентдан универмаг модел кийимлар сотиб олиш буйича ўтказилган сўровномани келтириш мумкин. Бу сўров натижаси қўйидаги жадвалда келтирилган. Респондентлар ўз билим маълумот даражасига қўра паст ва юкори гурухларга ажратилган. Бу жадвал шундай тахминга асосан қурилганки, маълумот даражаси замонавий кийим сотиб олишга таъсир килади. Юкори маълумотга эга респондентлар кўпроқ замонавий кийимлар сотиб олиши мумкин.

7.2 - жадвал

Замонавий кийимлар сотиб олиш ва маълумот даражаси орасидаги боғлиқлик вариацияси

Маълумот даражаси, Х	Замонавий кийимлар сотиб олиш даражаси, У	
	Юкори	Паст
Юкори	363 (73%)	137 (27%)
Паст	322(64%)	178 (36%)

Жадвалдан кўриб турибмизки, юкори маълумотлilarнинг 73 % фоизи замонавий кийимлар харид килишининг юкори даражасига эга, паст маълумотлilar орасида эса бу 64 % нигина ташкил қиласиди. Шу билан бирга бу натижалар 1000 респондентларни орасида олинган маълумотлар натижасидир. Бундан келиб чиқиб, шундай холосага келиш мумкинки, яъни юкори маълумот даражаси юкори харидни келтириб чиқариши мумкини? Албаттa йўқ, бу ҳолатдан келиб чиқиб шундай дейиш мумкин, бу муносабат тахминни хақиқатга якин деб олади, аммо уни исботламаслиги мумкин.

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда натижага ўзгаришига омиллар таъсири аниқ маълумотлар асосида аниqlanadi. Демак, сабабнинг

оқибатга таъсири ўрганилади. Булар ўртасидаги боғлиқликни асосан формулаларда ифодалаб, уларга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ҳал қилиш мумкин.

7.3 -жадвал

Замонавий кийимлар хариди даромаддан ва маълумот даражасидан келиб чиқади

		Даромад даражаси паст бўлганда замонавий кийимлар хариди		
		Юқори	Паст	
Маълумот даражаси X	Юқори	122 (61%)	78 (39%)	200 (100%)
	Паст	171 (57%)	129 (43%)	300 (100%)
		Даромад даражаси юқори бўлганда замонавий кийимлар хариди		
		Юқори	Паст	
Маълумот даражаси X	Юқори	241 (80%)	59 (20%)	300 (100%)
	Паст	151 (76%)	49 (24%)	200 (100%)

Бу жадвалга асослануб шуни айтиш мумкинки, маълумот даражаси юқори бўлганлар замонавий кийимлар харидини қўпроқ амалга ошириши кузатилмоқда. Бу жадвалдаги замонавий кийимлар хариди ҳажми юқори ва паст даражали маълумотли ва даромадлари турли даражадаги одамларнинг орасидаги боғлиқлик кўрсатилган. Даромад гуруҳи орасидаги муносабат кисқарган. Бу юқоридаги жадвал фикрни нотўғри бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Сабаб орқали оқибат юзага келади. Худди шундай натижанинг ҳам шаклланишига бевосита омиллар таъсир қиласи. Ижобий сабаблар (омиллар) яхши оқибатга, шунингдек, ижобий омиллар юқори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг

пасайишига олиб келади. Шу туфайли таҳлил жараёнида натижа кўрсаткичларига омиллар таъсирини батафсил ўрганишга тўғри келади.

2. Вақт мобайнидаги ҳодисанинг юз бериси тартиби.

Вақт мобайнида ҳодисанинг юз бериси тартиби сабаб-оқибат муносабатларининг хусусиятларини янада чукурроқ ўрганиш имконини беради. Бу шуни англатадики, сабаб-ҳодиса ва сабаб оқибатдан аввал ёки бир вақтда юз берishi керак. У оқибатдан кейин юз берishi керак эмас. Оқибат кейин юз берса, оқибатни аниқлаш сабабли деб айтиб бўлмайди. Шу билан бирга сабаб-оқибат боғлиқлигидаги хар бир ҳодиса бошқа ҳодисанинг оқибати ёки сабаби бўлиши мумкин.

Бошқача килиб айтганда, ўзгаришлар сабаб-оқибат муносабатларининг сабаби ва оқибати бўлиши мумкин. Мисол сифатида шуни айтиш мумкинки, бу универмагдан доимо харид килувчи харидордар бу универмагни кредит карточкасига (масалан, “корзинка” тизимидағи карта) эга булиши мумкин. Ёки бу универмагни кредит карточкаларига эга харидорлари ўша ерда харид килишга мойил бўладилар.

Универмагни савдо ҳажми ва хизмат кўрсатиш сифати мисолига кайтамиз. Агар савдо ҳажми ўсиши харидорларга хизмат кўрсатиш сифатига боғлиқ бўлса, унда савдо ҳажмини ўсишидан олдин ёки бир вақтни ўзида ўсишини яхшилаш чора тадбирлари ўтказиш жойиз бўлиши керак. Бу чоралар сотувчиларни кўпайтириш ёки қўшимча қайта тайёрлаш билан характерланиши мумкин. Кейинги ой универмагни савдо даромади ўсиши мумкин. Ёки аксинча, савдо ҳажми сотувчиларни қайта тайёрлаш ёки уларни кўпайтириш билан бир вақтда ўсиши мумкин. Агарда



савдо ҳажмини сезиларли ўсганидан кейин универмаг даромадини қайсиdir бир қисмини сотовчиларни кайта ўқитишга йуналтиrsa, бу харидорларга хизмат қўрсатиш сифатини ошишига олиб келади. Бу ҳолатда хизмат қўрсатишнинг ошиши савдо ҳажмини ошишга сабаб бўла олмайди.

3. *Бошқа мумкин бўлган сабаб омилларнинг йуқлиги*. Бошқа мумкин бўлган сабаб омилларни йўқлиги кўрилаётган сабабнинг бир доналигини билдиради. Агар қачонки савдо ҳажмига таъсир этувчи бошқа барча омиллар, жумладан нархлаш, реклама, сотов каналлари, товар сифати, рақобат ўзгаришсиз ёки назорат қилинадиган бўлсагина хизмат қўрсатиш сифатини ошириши савдо ҳажмининг ўсишини сабаби қилиб қўрсата олишимиз мумкин.

Вазиятни ўрганиб чиққандан сўнг, кўриб чиқилаётганлардан ташқари барча сабаб омилларини чиқариб ташлаш ҳақида ишонч билан айтиш мумкин. Бунга қарши тажриба давомида баъзи бошқа сабаб омилларнинг таъсирини назорат қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юкорида айтиб ўтилган учта шартларнинг ўйғиндиси хам тасодифий (сабаб-оқибат) боғлиқликнинг мавжудлигини шакшубхасиз далили эканини билдирамайди. Бир қанча тадқиқотлар ўтказилгани натижасидаги исботлар тасодифий боғлиқлик мавжудлигини ишончини ошириши мумкин. Далилларни шарҳлаш муаммоли вазиятни чукур англаш асосида амалга оширилаётган бўлса, бу ишонч янада кучаяди.

7.2. Тажрибанинг (эксперимент) ишончлилиги ва унга таъсир этувчи

омиллар

Эксперимент(тажриба) деб битта ёки бир нечта мустақил ўзгарувчиларнинг ўзгариши бошқа боғлиқ бўлган ўзгарувчиларга қандай таъсир қўрсатиши аниқланадиган тадқиқотга айтилади. Ушбу усулининг ўзига хос белгилари:

- изоляция қилинувчи ўзгаришлар (айrim катталиклар тадқиқотчи



томонидан вариацияланади, бошқалари иложи борича доимий бўлиши лозим);

- тадқиқотчи маълумотларнинг пайдо бўлиш жараёнига фаол аралашади;
- сабаб-оқибат алоқалари текширилади (масалан, маҳсулот ўрови рангининг сотов ҳажмига таъсири).

Тажриба одатда ходиса билан сабаб-оқибат мунонасабатларини аниқлаштириш учун қўлланилади. Бошқача айтганда, эксперимент деб, мустақил ўзгарувчиларнинг ўрганилмаётган бошқа кўрсаткичларга таъсир устидан назоратни саклаган ҳолда боғлиқ бўлган кўрсаткичларга кўрсатувчи таъсир даражасини аниқлаш мақсадида улар билан ишлаш тушунилади. Мустақил ўзгарувчилар (нарх, реклама харажатлари ва хоказо) эксперимент ўтказувчининг истаги бўйича ўзгарилиши мумкин бўлган бир пайтда боғлиқ бўлган ўзгарувчилар (сотов ҳажми, бозор улуши кўрсаткичи) унинг беовсита бошқарув соҳасида бўлмайди. Уларни мустақил ўзгарувчилар каби тўғридан-тўғри алмаштириб бўлмайди.

Экспериментларнинг икки хил тури мавжуд: лаборатория ва дала тажрибалари. Улардан биринчисини ўтказишида қўшимча омилларнинг таъсирини ўйқу чиқариш мақсадида сунъий шароитлар яратилади. Масалан, рекламанинг хар хил турларига шундай харидорларни таклиф этиш керакки, улар жинси, ёши, ижтимоий ҳолати бўйича репрезентатив бўлсин. Лаборатория экспериментлари қўшимча омиллар таъсирини назорат қилишдан ташқари нисбатан арzon хисобланади ва уларни ўтказиш учун камрок вақт талаб қилинади.



Охирги йилларда лаборатория экспериментларини ўтказишида компьютер техникасидан тоборо кенг фойдаланилмоқда. Компьютерлаштирилган дастур-саволлар мавжуд бўлиб, истемолчиларни супермаркетга виртуал ташриф буюриш ва харид учун товар танлашга имкон беради. Компьютер улар қилган

харидларни қайд этади ва уларнинг маркетинг мажмую маълум бир элементларини (нарх, товар ўрови ранги ва шакли, дўкон ичида товарни харакатлантириш усуллари) кўллашга реакциясини баҳолайди.

Дала экспериментлари реал шароитларда: дўконларда, истеъмолчиларнинг уйларида ва бошқа жойларда ўтказилади. Гарчи бундай экспериментлар натижалари лаборатория эксперименти натижаларига нисбатан кўпроқ ишончга лойик бўлсада, уларни ўтказишда қўшимча омиллар таъсирини аниқ ҳисобга олиш кийин, улар амалга ошириш учун кўпроқ вақт ва харожатлар талаб киласди.

Маркетингда дала эксперименти характерига эга эксперимент ўтказишнинг кўплаб усуллари «синов тариқасидаги маркетинг» нома остида маълум. Компаниялар бундай экспериментларни битта ёки бир нечта шаҳарда ўтказиши мумкин. Эксперимент ўтказишда одатда иккита мақсад кўзланади: янги маҳсулотнинг потенциал сотув ҳажмини аниқлаш ва янги маҳсулотни сотишида маркетинг мажмуининг айрим элементларини кўллаш самарадорлигини топиши.



Бундай синов маркетингини ўтказишда турли бозорлар тадқиқот обьекти саналади, шунинг учун эксперимент фаолияти кўпинча бозорни синовдан ўтказиш деб ҳам аталади.

Бозорни синовдан ўтказиш стандарт, назорат қилинувчи, электрон ва имитацион турларга таснифланади.

Стандарт турини кўллашда фирма маҳсулот ва маркетинг мажмуининг бошқа элементларини мазкур фирма томонидан фойдаланилувчи одатий сотув каналлари орқали синаб кўради. Бу усул жуда қиммат бўлиб, уни ўтказиш учун кўп вақт талаб қилинади. бундан ташқари, у конфиденциал саналади.

7.3. Ташқи омиллар назорати

Ташқи омиллар назоратини ўрганадиган бўлсак, энг аввало бозор тадқиқотларидан бошлаймиз. Чунки ҳар қандай фирма ёки корхона тадқиқотлари бозорда рўй берадиган тенденцияларга бориб тақалади ва бозорда синаб кўриш усулларини ўрганишини тақозо этади.

Бозорни синаб кўришнинг назорат қилинувчи усули товарларни сотишини экспериментдаги иштироки учун раббатлантирувчи дистрибуторлар орқали амалга оширувчи ихтисослашган тадқиқот фирмалари томонидан ўтказилади. Ушбу усулнинг афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Мазкур усулнинг



камчилиги шундаки, дистрибуторларнинг сотув каналлари фирма томонидан амалда қўлланувчи каналларга мос келмаслиги мумкин. Ушбу усулнинг тадқиқот натижалари маълумотларини электрон тизимда намоён бўлиши мумкин.

Амалиётда электрон синов усулидан кабель телевидениеси орқали фойдаланиш кузатилмоқда. уларни биргаликда кўллаш компаниянинг панель аъзоларига маълум бир рекламани намойиш этиш имконини яратади, бунда битта панель таркиби жаги турли гурухларга ҳар хил реклама кўрсатилади. Бу гурухлар аъзолари битта туманда истиқомат қиласди ва харидни ҳам битта

дўёндан амалга оширади. Харидлар ҳажмининг реклама харажатлари билан алоқаси ўрганилади.

Бундай экспериментларни ўтказиш қаттиқ назорат остида бўлади. Дўёнларда товарларнинг очиқлиги кафолатланади, эксперимент ўтказиш хақидаги ахборот маҳфий сақланади, реклама фаолияти аниқ тартибга солинади. Дастребки ва такорий харидлар, уларни амалга ошириш пайти аниқ қайд этиб борилади.



Имитацион усул реал шароитларга яқинлаштирилган шароитларда иштъомлчиларнинг янги маҳсулотга реакциясини ўрганишини назарда тутади. Танлаб олинган иштъомлчиларга айрим товарларни сотиб олиш мақсадида пул берилади, бу товарлар орасида синовдан ўтказилаётган товар ҳам бўлади. Бунда турли товарларга, жумладан синовдан ўтказилаётган товарларга йўналтирилган реклама ва товарни илгари суришнинг бошқа усуллари намуналари синовдан ўтказилиши мумкин. Олинган натижалар таҳлили янги товарни баҳолаш ва уни илгари суришнинг самарали усулларини танлашга имкон беради.

Бозорни синовдан ўтказиш иштъомл товарлари учун ҳам, ишлаб чиқариш-техника йўналишидаги товарлар учун ҳам амалга оширилади.

Бозорни синовдан ўтказиш усулларининг асосий камчиликлардан биро уларнинг бир нечта шаҳарда ёки жуда чекланган дастур доирасида ўтказилишида анча қиммат бўлишидир. Бундан ташқари, синовдан ўтказилаётган маҳсулот рақобатчиларга маълум бўлиб қолади. Улар эса тезлик билан худди шундай маҳсулот яратиши ва бозорга биринчи бўлиб чиқиши мумкин. Эксперимент ўтказиш ва маркетинг қарорлари қабул қилиш орасидаги



вақт муҳим аҳамият касб этади, чунки айнан вақт омили кўпинча ҳал қилувчи омил бўлиб чиқади. Экспериментаторлар икки аланга ўртасида қолади. Бир томондан, ишончли натижалар олиш узбок муддатли эксперимент ўтказишни талаб қиласи. Бошқа томондан эса, бу ҳолатда харажатлар ортади, эксперимент ўтказишни бошлаш ва маркетинг қарорлари қабул қилиш орасидаги вақт узаяди, экспериментни ўтказиш шароитлари ўзгариши мумкин. Бозор экспериментлари ҳеч қачон лаборатория экспериментлари каби яхши назорат килинмайди. Масалан, товар ишлаб чиқарувчи реклама харажатларини пасайтирган экспериментал минтакадаги дистрибуторлар ва чакана савдогарларнинг ўзлари интенсив реклама кампанияси ўтказишни бошлаши мумкин. Рақобатчилар онгли равишда эксперимент натижаларини бузуб кўрсатиши, ўз реклама ва нарх сиёсатини ўзгартириши, эксперимент натижаларини бузуб кўрсатиш мақсадида катта ҳажмда экспериментал товарни харид қилиши мумкин.

7.4. Тажриба моделларини таснифлаш

Экспериментни лойиҳалаштириш шундан иборатки, боғлиқ бўлган ўзгарувчига факат ўрганилаётган мустақил ўзгарувчи томонидан таъсир кўрсатишини кафолатловчи шароитлар яратиш ва бунда қўшимча омиллар таъсирини йўқка чиқариш лозим.

Масалан, бизнинг мақсадимиз дўкон расталарида бананларнинг жойлашуви сотув ҳажмига қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш хисобланади.

Сиз барча мева-чева дўконларини икки гурухга – экспериментал ва назорат гурухига ажратасиз. Иккала гурух имконияти бўйича барча жиҳатлардан бир хил кучга эга, яъни шаҳар маркази ва четида жойлашган катта ва кичик дўконлар сони бир хил ва ҳоказо. Иккала гурухдаги дўконларда маълум бир муддат давомида сотилган бананлар ҳажми аниқланади. Шундан сўнг факат экспериментал гурух дўконларида бананларнинг дўкон расталарида

жойлашуви маълум тарзда ўзгаририб чиқлади ва белгиланган вақт ўтгач иккала гуруҳдаги дўконларда сотув ҳажми яна бир бор ўлчанади. Мазкур эксперимент натижалари бўйича бананларнинг дўкон расталарида жойлашуви сотув ҳажмига қанчалик таъсир кўрсатиши аниқланади. Бироқ экспериментал дўконларда аниқланган сотув ҳажмининг ўзгариши факат бананларнинг жойлашуви ўзгаришигагина эмас, балки ишлаб чиқарувчilar рекламаси, об-ҳаво каби бошқа бир қатор қўшимча омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Лекин бу омиллар таъсири назорат гурухидаги сотув ҳажмининг ўзгаришини ҳам тавсифлайди. Шу тарика, назорат ва экспериментал гурухда сотув ҳажмининг ўзгариши бананларни сотиш ҳажмига (боғлиқ бўлган ўзгарувчи) уларнинг дўкон растасида жойлашуви (мустакил ўзгарувчи) кўрсатувчи таъсирни тавсифлайди.

Энди эса олинган натижаларнинг ишончлилик даражасини баҳолаш зарур. Бунда ички ва ташқи ишончлилик фойдаланилади.

Ички ишончлилик боғлиқ бўлган ўзгарувчининг қандай доирада ўзгариши ҳақиқатда ҳам мустакил ўзгарувчининг ўзгариши билан изохланишини аниқлаб беради. Масалан, юкорида келтирилган мисолда назорат ва экспериментал гурухларнинг тўлиқ эквивалентлик шарти таъминланмаган — айтайлик, бу гуруҳдаги дўконларга ёши ва моддий ахволи турлича бўлган харидорлар ташриф буюради. Бу фарқлар назорат қилинмайдиган омиллар таркибига мансуб бўлади ва мазкур эксперимент ички ишончлилик талабларига жавоб бермай қолади. Бундай эксперимент натижалари унчалик катта қийматга эга бўлмайди.

Ташқи ишончлилик эксперимент давомида олинган ва аниқланган боғлиқликлардан фойдаланиш мумкин бўлган доирани тавсифлайди. Масалан, бананларнинг дўкон растасида жойлашуви ва сотув ҳажми ўртасидаги боғлиқликни (агарда у мавжуд бўлса) бошқа турдаги дўконларга ҳам тарқатиш мумкинми?

Рекламани синовдан ўтказиша харидорларнинг ҳар хил реклама турларига реакцияси баҳоланади, бунда синовдан ўтказиш маҳсус намойиш

хонасида амалга оширилади. Бироқ харидорларнинг товарни илгари сурошдаги турли усулар, жумладан, рекламага ҳақиқий реакцияси намойиш хонаси ва ҳақиқий савдо залида бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Амалиётда муайян маркетинг тадқиқоти ўтказиша қоидага кўра битта эмас, балки барча тадқиқот турларидан, бунинг устига исталган кетма-кетлиқда фойдаланилади. Масалан, тавсифлаш характеристига эга тадқиқот асосида разведка тадқиқоти ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунинг натижалари казуал тадқиқот ёрдамида аниқлаштирилиб, ўз навбатида, бу тадқиқотга асос килиб эксперимент ўтказиш олинади.

Эксперимент усули ўрганилаётган объекtlар хулқ-автори ҳақида ахборот тўплаш усули бўлиб, ушбу объекtlар фаолиятига таъсир кўрсатувчи барча омиллар устидан назорат ўрнатишни назарда тутади.

Бу усулдан мақсад маркетинг омиллари ва ўрганилаётган объекtlар хулқ-автори ўртасида сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашади. Эксперимент натижаларининг ишончлилигини таъминлаш учун ўрганилаётган омилдан ташқари бошқа барча омиллар қиймати ўзгармас бўлиши лозим.

Эксперимент маркетинг тадқиқотлари усули сифатида таҳлил давомида ўрганилаётган омилдан бошқа барча омиллар таъсири йўқ қилинишини назарда тутади. Шу сабабли эксперимент камидан иккита ўрганилаётган гурух бўлишини талааб килади, улардан бири экспериментал, иккинчиси эса назорат гурухи саналади.

Сунъий вазиятда ўтказилувчи экспериментлар лаборатория эксперименти, ҳақиқий шароитларда ўтказилувчи экспериментлар эса дала эксперименти деб аталади.

Дала тадқиқотлари энг мураккаб ва қимматли бўлсада, шу билан бир пайтда у бозорни ўрганишнинг энг самарали усули ҳамдир. Уни факат йирик компанияларигина қўлладайди. У бозор талаблари, сотув усуллари, нарх ва бошқа кўплаб шартлар билан тезда ва



ҳар томонлама танишиб чиқиш, потенциал харидорлар билан шахсий мулоқот ўрнатиш, мазкур бозорда талаб энг катта бўлган товар намуналарини харид қилишга имкон беради.

7.5. Дастлабки ва ҳақиқий тажриба моделлари

Экспериментни ўтказишга тайёргарлик жараённида уни ўтказиш жойи, муддати, доимимй ёки ўзгарувчи омиллар таркибини аниқлаб олиш зарур.

Эксперимент усулининг афзалларлари:

- объектив характер,
- омиллар ўртасида сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатиш имконияти.

Эксперимент усули камчиликлари:

- барча омиллар устидан табиий шароитларда назорат ўрнатишнинг қийинлиги,
- лаборатория шароитларида объектнинг нормал хулқ-авторини такрор ишлаб чиқаришнинг қийинлиги,
- юкори харажатлар.

Ўхшатиш (имитацион модельлаштириш) корхонанинг тактика ва стратегиясини белгилаб берувчи назорат остидаги ва назорат қилинмайдиган омилларнинг математик, график ёки бошқа моделини ифодалайди.

Имитацион модельлаштириш маркетинг стратегиясини белгилаб берувчи кўплаб омилларни ҳар томонлама ўрганишга имкон беради. Имитацияни ўтказишга тайёргарлик тадбирлари объектнинг фаолият кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш ва унинг мос келишини текширишдан иборат.

Жамиятимиз ҳаётида иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар узлуксиз давом этмоқда. Аммо уларни ахборотларда ифодалаш, жамлаш ва тегишли йўналишлар бўйича хулоса қилиш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи шу ахборотларни нима учун жамланиш мақсадига боғлиқ. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш учун ҳам шунга дхлдор ахборотлар зарур бўлади. Чунки, ахборотларни тўплаш ва улардан фойдаланиш бир қанча масалаларни ҳал қилиш имконини беради. Жумладан:

- корхонанинг ҳолатини билиш имконини беради;
- корхонанинг бозордаги мавқеига ташхис қўйишга асос бўлади;
- рақобатчилар ўртасидаги аҳволини билиш имконини беради;
- қай даражада самарали фаолият кўрсатаётганлигинига баҳо бериш мумкин бўлади;

- корхонанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлади;
- корхонанинг ташқи ҳамкорларига тегишли қарор қабул қилиши учун шароит юратади;

- корхонанинг ўз фаолиятига ташхис қўйиш имконини юратади.

Кўриниб турибдики, ахборотлар корхона фаолиятида, хусусан маркетинг тадқиқотларида ҳам жуда катта аҳамиятга эга экан.

Моделлаштириш харидорлар хулқ-авторини ўрганишда энг кўп кўлланади. Харидорлар хулқ-авторини ўрганишнинг энг машхур усуслари эҳтимолий (стохастик), ҷизиқли-экспериментал ва ахборотни қайта ишилаш моделлари хисобланади.

Эҳтимолий моделлар бундан олдинги ва айниқса, охирги харид истеъмолчининг бозордаги кейинги хулқ-авторини белгилаб беришига асосланади. Бу моделлар янги товарларга талабни башорат қилиш ва товар маркаларига мойилликни аниқлашда фойдаланилади.

Ҷизиқли-экспериментал моделлар одатда таърифлаш характерига эга бўлиб, товарларга потенциал талабни модельлаштириш, муайян товарларга нисбатан харидорлар хулқ-автори тенденцияларини аниқлаш учун кўлланади.

Имитация усулининг афзаллиги маркетинг ҳаракатларининг кўплаб варианtlарини тезкорлик билан таҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг ичидан энг яхисини танлаб олишдан иборат.

Мазкур усулининг камчилиги эса маркетинг омиллари, унинг ташки муҳити ва харидорлар хулқ-авторини белгилаб берувчи омиллар ўртасида сабаб-оқибат алоқаларини ифодалаш ва чуқур ўрганишни талаб қилувчи модельни юратишнинг қийинлиги ва кўп меҳнат талаб қилишидир.

Қисқа хуосалар

Бу бобда биз *Сабаб ва оқибатлы маркетинг тадқиқотлари билан яқиндан танишиб қичдик*. *Сабаб ва оқибатлы* категорияси ҳам фалсафий категориялардан бири бўлиб, бевосита маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилнинг методологик асоси сифатида ҳам намоён бўлади. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда натижা ва омиллар тушунчаси мавжуд. Аммо шу оқибат ўз-ўзидан содир бўлмайди. Унинг замирида бир қанча сабаблар мавжуд. Бу сабабларни маркетинг тадқиқотлари статистик таҳлилида омиллар деб қаралади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (оқибат) унинг ҳажми бир қанча омилларга, яъни ҳодимлар сони, уларнинг малакаси, меҳнат унумдорлиги, кўлланилаётган технологик жараёни, хом ашёнинг ўз вақтида сифатли таъминоти каби омилларга (сабабларга) боғлиқ.

Шунингдек, *сабаб-оқибат тадқиқотлари* (*causal research*) – сабаб-оқибат алоқалари мавжудлигини исботлаш учун фойдаланилади. Маркетологлар доимий равишда карор қабул қилишаётганида сабаб-оқибат алоқаларига таянадилар. Шу сабабдан бундай тахминларни исботлаш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши зарур бўлади. Унинг ўтказилиши даврида куйидаги иккита вазифани ҳал этилишига қаратилади:

Қайси ўзгарувчилар сабаб (мустакил ўзгарувчилар), қайси бирлари оқибатни (бўйсунувчи ўзарувчилар) ташкил этишини тушуниш учун.

Сабаб ва оқибат ўзгарувчилар ўртасидаги алоқанинг моҳиятини аниқлаш учун керакdir.

Сабаб-оқибат тадқиқотлари (*causal research*) – маркетингнинг якуний тадқиқотлар тури хисобаниб, унинг вазифаси бўлиб, сабаб-оқибат алоқаларининг мавжудлигини исботлаш учун зарур бўлади.

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда натижা ўзгаришига омиллар таъсири аниқ маълумотлар асосида аниқланади. Демак, сабабнинг оқибатга таъсири ўрганилади. Булар ўртасидаги боғликлликни асосан формуулаларда ифодалаб, уларга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ҳал қилиш мумкин.

Сабаб орқали оқибат юзага келади. Худди шундай натижанинг ҳам шаклланишига бевосита омиллар таъсири қиласди. Ижобий сабаблар (омиллар) яхши оқибатга, шунингдек, ижобий омиллар юкори натижага олиб келганидек, салбий сабаб ёмон оқибатга, омилларнинг салбий таъсири натижанинг пасайишига олиб келади. Шу туфайли таҳлил жараёнида натижага кўрсаткичларига омиллар таъсирини батафсил ўрганишга тўғри келади.

Экспериментларнинг икки хил тури мавжуд: лаборатория ва дала тажрибалари. Улардан биринчисини ўтказишида кўшимча омилларнинг таъсирини йўқка чиқариш максадида сунъий шароитлар яратилади. Масалан, рекламанинг ҳар хил турларига харидорларнинг реакциясини баҳолашда шундай харидорларни таклиф этиш керакки, улар жинси, ёши, ижтимоий ҳолати бўйича репрезентатив бўлсин. Лаборатория экспериментлари кўшимча омиллар таъсирини назорат қилишдан ташқари нисбатан арzon ҳисобланади ва уларни ўтказиш учун камроқ вақт талаб қилинади.

Таянч иборалар: сабаб, оқибат, тажриба, “Х” ва “У” ходисалари, имитация, вариация, ички ишончлилик, ташки ишончлилик, модел, вақт, дастлабки, ҳақиқий эксперимент, *Чизиқли-экспериментал модели*, эҳтимолий моделлар, стандарт, реклама ва бошк.

Назорат учун саволлар

1. Сабаб – оқибат категорияси нималар киради ва унинг маркетинг тадқиқотларида роли?
2. Сабаб-оқибат боғликлигининг мавжудлигини исботлаб беринг
3. Сабаб – оқибат алоқаларининг моҳияти нималардан иборат?
4. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлилда натижага ўзгаришига омиллар таъсири қандай мезонлар бўйича аниқланади?
5. Вақт мобайнидаги ҳодисанинг юз бериш тартибини тушунтириб беринг.
6. Тажрибанинг (эксперимент) ишончлилиги ва унга таъсири этувчи омиллар нималардан иборат?

7. Тажриба усулида ташқи ва ички омилларни таърифлаб беринг.
8. Тажриба моделларини таснифлашда ички ва ташқи ишончлилик ўзгарувчанликни аниқланг.
9. Дастребки ва Ҳакикий тажриба моделларнинг фарқи нимада?
10. Имитация нима ва унинг усулларини гапириб беринг.

8-БОБ. ЎЛЧАШ ВА ШКАЛАЛАШТИРИШ

8.1. Ўлчаш ва шкалалаштириш тушунчаси ва моҳияти

Ҳар қандай тадқикот жараёнида, шу жумладан маркетинг тадқиқотларида ҳам асосий фойдаланадиган восита ахборотлар бўлиб ҳисобланади.

Уларни шакллантириш масаласи ҳам ўта мураккабдир. Чунки ушбу тадқиқотда иккиласми мәълумотлар билан бирга жуда кўп бирламчи мәълумотларни ҳам тўплашга тўғри



келади. Шу туфайли ушбу ахборотларни шакллантириш билан бирга улардан фойдаланиш масаласи ҳам ўзига хос бўлади. Аввалом бор, корхонанинг истиқболини кўзлашда ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, бозорда ўз улушига эга бўлиш учун ва рақобат компаниялар томонидан тўсқинликка учрашмаслик учун тўғри танланган маркетинг тадқиқоти режасини ишлаб чиқиш керак. Чунки ҳар бир танланган тўғри маркетинг тадқиқоти режаси аниқлик ва тежамкорлик омилларини таъминлайди.

Маркетинг тадқиқот режасини ишлаб чиқишида ва аниқлашда, қандай ахборот турини тўплаш керак?, деган саволда кўпинча тадқиқотчилар тўғридан-тўғри ўлчаш ва шкалалаштириш муаммоси билан тўқнашадилар.

Демак, шкалалаштириш нима, нима учун шкалалаштириш усулидан фойдаланадилар?, уларнинг қандай турлари мавжуд деган саволларга жавоб берамиш.

Шкалаларнинг асосий тўрт хилини кўриб чиқамиз: номинал, тартибли, интервалли ва нисбатан. Ундан ташқари қиёслаш ва таққослаш турлари ҳам мавжуд.

Масалан, спорт соҳасига мисол келтирадиган бўлсак, уларнинг ўлчаш, тартибга солиш ва уларни рейтингини аниқлашда ушбу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФИФА халкaro футбол федерациясининг рейтингига қараганда, Бразилия 2012 йили 73,45 баллни, Германия эса 65,41баллни тўплаб жаҳон 10 талик таркида лидерликни қўлга киритди.

Давлатларнинг тартиб рақами номинал шкала тартибини билдиради, ранжировка бўйича жойлар тартибли ҳисобланади, (100-баллдан) ифодаланган балларнинг сони интервалли ҳисобланади. Шундай қилиб 6-рақамли сонда Колумбия 10-үринни эгаллаб 59,44 баллни йиғланлиги аниқланди. Эслатиб ўтамиз, Давлатлар рақами футбол борасида имкониятларни белгиламайди, унинг идентификация учун ишлатилади. 7-рақам билан Мексика давлати ифодаланган бўлсада, лекин бу дегани Мексика Колумбиядан яхши ёки ёмон ўйнашида эмас. Бу шкалаштиришда ранжировка ўринларига қаралади. Мексиканинг балли 60,80 бўлса Колумбияники 59,44 баллни ташкил этади. Баллардаги фарқ эса интервални англатади.

8.1- жадвал

Шкалаштириш тартиби

Рақам	Давлат	Ўрин	Балл
1	Англия	4	61,26
2.	Бразилия	1	73,45
3.	Германия	2	65,41
4.	Дания	8	59,95
5.	Италия	9	59,59
6	Колумбия	10	59,44
7.	Мексика	5	60,80
8.	Руминия	7	60,35
9.	Франция	6	60,36
10.	Чехия	3	64,92

Бундан келиб чиқадики, ўлчаш деб, олдиндан аниқланган қоидаларга асосан, объектлар характеристикарарини сон ёки бошқа символлар орқали белгиланашини кузатамиз. Шуни ёдда тутиш керакки, ўлчаш факат

характеристикалари ва баъзи параметрлари билан аниқланади. Шундай қилиб, биз истеъмолчиларни ўлчамаймиз, уларни алоҳида товарга бўлган муносабатларини, таъсуротларини, қабул қилишларини, алоқалирни ва бошқа релевант белгилари бўйича ўлчанади. Биринчидан маркетинг тадқиқотларида олинган маълумотлар статистик кўрсаткичлар учун тўпланади. Иккинчидан, эса, улар ўлчаш қоидалари ва олинган натижаларнинг алоқаларини аниқлашга ёрдам беради.



Шкалаштиришда бир неча олимлар ўлчов бирликлари билан танишиб чиқамиз. Бунинг учун, анкета сўров услубидан фойдаланамиз.

Сўровнинг навбатдаги босқичида қайси хизмат бўйича “йўқ” устунига кўпроқ белги қўйилган бўлса, ўшанга аҳамият берилади ва айнан қайси жиҳатларидан қониқмаётганликларини аниқлайдиган анкета тузилади. Ушбу анкетада белгиланган камчиликлар айнан қайси жиҳатларга аҳамият берилиш лозимлиги бўйича хуроса қилишга асос бўлади. Кўрсатилган камчиликларни бартараф қилишга дикқатни қаратиш ва уларни зудлик билан амалга ошириш лозим бўлади.

Kўп вариантили анкета сўровчилар ва сўралувчилар учун ҳам муҳимдир. Бунинг ҳам бир қанча шакллари мавжуд (8.2-жадвал).

8.2-жадвал

Кўп вариантили анкета - сўровчилар шакллари

Кўп вариантили анкета шакллари	Кўп вариантили анкета шаклларининг мазмуни
Номи эътироф этилган шкала	Номлари ёзилган хизматларга сўралувчилар ўзларининг белгиларини кўйдилар. Масалан: меҳмонхонада 10 та кўшимча хизмат тури кўрсатилади. Уларнинг рўйхати ташриф буюрган меҳмонларга тарқатилади, улар мос равища зарурларига белги кўйиб қайтариб берадилар.
Тартибли шкала	Бу ерда сўралувчиларга кўрсатиладиган хизматлар асос қилиб олиниди ва шу жараёнга улар томонидан баҳо берилади. Масалан: меҳмонхонанинг умумий хизматига баҳо беринг: аъло, яхши, коникарли, ёмон, жуда ёмон. Ҳар бирининг тўғрисидаги катақни қоралаб белгилайди.
Рэнсис Лайкерт шкаласи	Мазкур шкала муаллифи. Ушбу ҳолатда сўралувчи ўзининг розилик даражасини билдиради. Масалан, меҳмонхона юкори даражада хизмат қиласи: бу 1 дан 5 гача баҳоланади. 1-тўлик рози эмасман, 2-рози эмасман, 3-айтолмайман, 4-розиман, 5-тўлик розиман.
Семантик (моҳияттан) табақаланиш	Бунда сўралувчи баҳосини қарама-қарши антонимлар орқали баҳолайди. Масалан “ёмон-яхши”, “фойдали-бефойда”, “арzon-киммат”, “ширин-аччик”, “тоза-ифлос”, “ёруғ-қорнғи” каби. Баҳолашда 7 дан 1 гача баҳо кўйилади. Энг яхши, 7 бўлса, 1 энг ёмони. Ўртада 4 ўртача деб баҳоланади.
Ян Стэпл шкаласи	Мазкур шкала муаллифи. Бунда яхши билан бирга салбий жихат ҳам табақаланган ҳолда баҳоланади. Масалан, меҳмонхона хизматининг сифати: яхши бўлса +5 дан 1 гача. Ёмон бўлса, -5 дан -1гача баҳоланади.
Оралиқли шкала	Сўралувчиларнинг фикри маълум оралиқда белгиланади. Масалан, Нархиг: қанча сўмдан қанчагача: Ёши: неча ёшдан қанча ёшгача; Ўлчами: қанчадан қанчагача ва ҳ.к.
Юз қиёфаси шкаласи	Фикрин юз қиёфаси билан ифодалаш

Худди шу тарзда очиқ ва ярим ёпиқ анкета шакли бўйича ҳам тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин. Анкетанинг қайси шаклидан фойдаланиш бир қанча омилларга боғлик:

- сўровчининг мақсадига боғлик, чунки мазкур анкета нима учун кераклиги ва қайси муаммони ҳал қилишга қаратилганлиги аниқ бўлишини тақозо қиласи;

- сўралувчиларнинг қайси касбга, ёшга ва табақага мансублигига боғлик, чунки улар шу йўналишлар бўйича меҳмонхона хўжалигида кўрсатиладиган хизматларга ҳам муносабати турлича бўлади;

- сўровчиларнинг қайси воситадан фойдаланиши қулайлигига боғлик, чунки айрим анкеталар сўралувчиларнинг вақти камлиги туфайли тўлдириш имконияти чекланган бўлиши ёки анкетадаги қўйилган саволлар ҳаммага ҳам тушунарли бўлавермаслиги мумкин.

Энг муҳими, шу тўпланган маълумотларни статистик таҳлил қилиб, тегишли хулоса чиқариш ва маркетинг тадқикотлари асосида қабул қилинадиган самарали бошқарув карорларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тўпланган маълумотларни албатта сўралувчиларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олган ҳолда хулоса чиқариш лозим бўлади.

Сўралувчилардан олинган анкеталарни куйидаги йўналишлар бўйича гурухлаш мақсадга мувофиқ:

- жинси бўйича, чунки аёллар билан эркакларнинг хизматларга бўлган талаби бир-биридан фарқ қиласи. Буни тадқикотнинг навбатдаги босқичларида албатта инобатга олиш лозим;

- ёши бўйича, чунки кекса киши билан ёш йигит ёки қизнинг талаби ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Шу жиҳатдан ёшлар бироз эркин бўлиши учун кексалардан алоҳида бўлишни хоҳлади;

- яшаш жойи бўйича, одамларнинг қишлоқда ёки шаҳарда яшашига қараб ҳам хизматларни табақалаштириш мумкин. Чунки шаҳарликларнинг талаби билан қишлоқ аҳолисининг талааб ҳамиша ҳам бир хил тўғри келмайди;

- маълумоти бўйича, чунки олий маълумотли интеллекенция билан оддий маълумотга эга бўлмаган ишчининг яшаш тарзи ҳам хизматларга талаби ҳам турлича бўлади;

- ижтимоий аҳволи бўйича, чунки нафақахўр, талаба, тадбиркор, ўқитувчи улар бир-биридан фарқ қиласди. Буни ҳам жойига қўйиш керак.;

- даромад килиш даражаси бўйича, чунки сердаромад тадбиркорлик билан шуғулланадиган турист албатта нафақахўрга нисбатан хизматларга бўлган талаби ва эҳтиёжи ҳам анча фарқ қиласди;

- қасби бўйича, чунки зиёли инсонлар билан оддий ишчи ёки фермерларнинг хизматларга бўлган талаби ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Ушбу фарқларни қаерда қандай инобатга олишларини ҳам маркетинг тадқиқотларини ўтказаётган мутахассис яхши билиши лозим ва ҳ.к.

Шкалаштириш ўлчанаётган объектларнинг кетма-кетлик киритилишини аниқлайди. Шкалаштириш ўлчашнинг давоми десак ҳам бўлади.

8.2. Шкалаштириш асосий турлари

Кундалик ҳаётда кўпчилигимиз ўзимиз билмаган ҳолда турли ҳил ўлчов бирликларида дуч келамиз. Уйкудан уйғониб соатга караймиз, кофега керақли миқдорда шакар соламиз, кечик маслигимиз учун транспорт воситаларини танлаймиз. Такси ёки автобусда қанча дақиқада етиб боришимииз мўлжаллаймиз. Кечаги футбол қандай хисобда тутаганига қизиқамиз ва ҳ.к....

Биз ўлчайдиган кўп нарсалар аниқ хисобланиб, улар пуллар, бақдаги бензин, телефондаги тўлов миқдори ва бошқаларни билган ҳолда хисоблаб уларни камчиликларини ва етишмовчилигини бартараф эта оламиз.

Аммо қандай қилиб, инсонларнинг оддий сақичга бўлган муносабатларини ўлчаш мумкин?

Ўсмирларнинг хуснбузарга карши воситаларга қизиқишиничи?

Оилаларнинг ижтимоий ҳолатиничи?

Ушбу омилларни ўлчаш ва уларни тартибга солиш учун бир қанча ахборотлардан фойдаланишимиз ва тўплашимиз зарур. Ҳар бир инсоннинг бирор бир товарга ёки хизматга бўлган шаҳсий муносабатини билиш осон эмас. Чунки ҳар бир истеъмолчининг яшаш тарзи, диди, истаги ва хошишлари

жиҳатдан уларни эҳтиёжларини бир-бирига яқинлик ва ўхшашлик хусусиятларидан сегментациян ёндашув орқали ифодаланади.



8.1.-расм. Истеъмолчининг сегментациян ўлчов бирлиги

Лекин бозор сегментациясини аниқлаган ва уларни гурухларга бўлиб ўрганса ҳам, уларнинг эҳтиёжларини ўлчаш бир мунча мушкул масала хисобланади.

Шунинг учун биз, шкалаштиришнинг турлари билан танишиб чиқамиз. Юқорида қайд этганимиздек, шкалаштириш бир неча турларга бўлинади. Куйидаги 8.2-расмда акс эттирилган.



8.2. Маркетинг тадқиқотларида шкалаштириш турлари

1. Номинал шкала – идентификация мақсадида объект ёки объект синфини белгилайди. Масалан: “Қуидә келтирилған ичимліктарни үзингиз хохлаган тарзда жойлаштириңг!”

1. “coke”
2. “dr. pepper”
3. “mountain dew”
4. “pepsi”
5. “seven up”
6. “sprite”

Уларни жойлаштириш орқали қайси ичимликка бўлган мойиллигиниз аникланади. Яъни, “Sprite”

ичимлигини бошқа ичимлікларга нисбатан юкори даражада ёқтирангиз, ушбу ичимлик номини биринчи ўринга ва бу ичимликтан сўнг оз-моз тақдирда шунга ўхшаш ичимлик турини эса, масалан, “seven up” ичимлигини иккинчи ўринга ва шунга ўхшаш харакатлар қилишингиз мумкин.

2. Интервалли (оралатиб) шкала объектнинг даражавий жиҳатларини белгилайди. Яъни, ҳар бир маҳсулотга бўлган муносабатингиз аникланади.

Масалан: “Қуидә келтирилған ичимліктарни эътиборий даражага мувофиқ таққосланг!



Интервалли шкалалаштиришнинг даражавий жиҳатлари

Жуда ёқмайди	Ёқмайди	Ёқади	Жуда ёқади
“mountain dew”	“dr. pepper”	“seven up”	“sprite”

Жадвалдан кўриниб турибдики, бир маҳсулот ўрнини вақти –вақти билан иккинчи маҳсулот ёки бир ичмлик тури бўлмаса иккинчи ичмлик тури чанқогини босиш борасида ҳарид қилиш ва танлаш имконини беради.

Шунингдек, интервалли шкалалаштириш усулига мисол келтирадиган бўлсак, Сиз уйингиздан университетгача қанча вақт оралигини босиб ўтасиз?

- 15 дақиқадан кам
- 15-20 дақика
- 17-20 дақиқа
- 30 дақиқадан кўпроқ



Ҳар бир дақиқа оралиғида маълум бир интервални аниклаймиз ва ушбу интервалга кейинги кунларда мослашамиз.

3. Нисбий шкала – объектнинг қиёсий жиҳатлари миқдорини белгилайди. Ушбу шкала тури интервал ва тартибли шкалалардан бир мунча афзаллікларга эга. Чунки, ушбу тур тадқиқотчига объектнинг иденцификациялайди ва

таснифлаб беради. Шунингдек, интервалларни таққослайди ва фарқини аниқлаб беради.



Масалан: “Кўйида келтирилган ичимликларни устунликларига кўра 50 баллик тарзда баҳоланг!”

8.4-жадвал

Нисбий шкалаштиришнинг қиёсий жиҳатлари

10	20	30	40	50
“dr. pepper”	“coke”	“sprite”	“seven up”	“PEPSI”

Жадвалдан кўриниб турибдики, истеъмолчи ўзига ёқкан ичимликинини қиёсий жиҳатда баҳолайди. Яъни ичимликларга неччи баллик баҳолаш усулини тақдим қиласаем, у ўзига ёқкан ичимликини нисбий шкалаштириш тизимида юқори баллни танлайди.

4. Тартибли шкалаштириш тури – обьектнинг рейтинги орқали тартиб роқамини белгилайди. Ушбу ҳолда бирон бир обьектнинг бошқа обьектга нисбатан берилган тавсифномасига (характеристикасига) караб белгиланади. Масалан: “Шахримиздаги қайси ресторон Сизнингча биринчи бешталика киради?”

Шундай қилиб, шақалалаштиришнинг турлари тадқиқотчи ва изланувчилар учун керакли ва етарли аниқ маълумотлар учун жуда катта фойда келтиради десак адашмаймиз. Чунки, ушбу маълумотлар орқали битта обьект учун мунтазам равишда керакли маълумотларни янгилаб туриш ва кузатиш орқали изланувчига обьектнинг камчиликлари ёки тўсиқларни бартараф этишига ёрдам беради.

8.3. Шкалаштириш усулларини қиёслаш

Юқоридаги бўлимда биз шкалаштиришнинг тўртта усулларини кўриб чиқдик. Яъни, номинал, тартибли, интервалли ва нисбий усуллардир. Ушбу усуллурга тегишли ўлчов бирликлари ва қиймат даражаси орқали қиёсланади ва таққослаш даражалари белгиланади.

8.5-жадвал

Шкалаштириш усулларини ўлчовлари			
ШКАЛА	ТАҚҚОСЛОВЧИ БИРЛИГИ	МИСОЛЛАР	ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ
НОМИНАЛ	ИДЕНТИФИКАЦИЯ	ФОЙДАЛАНИШ/ФОЙДАЛАНМАСЛИК	МОДА
ТАРТИБЛИ	ТАРТИБ	ИЖТИМОИЙ ГУРУХЛАР	МЕДИАНА
ИНТЕРВАЛЛИ	ИНТЕРВАЛНИ ТАҚҚОСЛАШ	САВДО БЕЛГИСИГА МУНОСАБАТ	ЎРТАЧА ҚИЙМАТ
НИСБИЙ	УСТУНЛИКНИ ТАҚҚОСЛАШ	СОТИЛГАН ТОВАРЛАР МИҚДОРИ	МИҚДОРИЙ МУНОСАБАТ

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир усул учун берилган қиёсий даражалар белгиланган. Масалан, нисбий усулни оладиган бўлсак, унда ўрганилаётган обьектлар ёки маҳсулотлар номлари устунлари, сотилган товарлар ҳажми ва сон жиҳатдан респондентларнинг миқдорий муносабати аниқланади.

Масалан, юқоридаги мисоллардан бирини қарасак, респондентлардан сўралади: Coke ёки Pepsi истайсизми?!. Бу таққослама шкала тартибли ва рангли хусусиятларга эга бўлиб, нисбийлик даражани англатади. Шунинг учун, таққослама шкалаштиришни баъзан ўлчовсизлик деб ҳам аташади.

Демак, Таққосланадиган шкалалар обьектларнинг тўғридан-тўғри қиёслаш усулларининг биридир.

Таққослама шкалаштиришнинг асосий афзаликлари шундан иборатки, кўринар-кўринмас фарқларни ажратиб беради. Икки объектни таққослашда респондентлар иккаласидан бирини танлайдилар. Ундан ташқари респондентлар берилган баллар асосида мойиллик вазифасини бажарадилар. Шунинг учун таққослама шкалаштиришни қўллаш ва қабул қилишни изланувчилар эътироф этадилар.

Яна бошқа афзалиги ушбу шкалаштиришнинг шундаки, назарий қўлланмаларнинг ишлатиш эҳтимоли кам ва танлаш хуқуки респондентлар учун осон кечади.

Таққослама шкалаштиришнинг биргина камчилиги, уларнинг тартибли табиатидадир. Яъни, ўрганилаётган маълум обьектлар сонининг таҳлил хоссалари чегараланган. Масалан, RC Cola и Coke ва Pepsілар билан таққослашда янги тадқиқот ишларини олиб бориш лозим. Ушбу камчиликларни маълум бир даражада таққосланмайдиган шкалаштириш усуllibарни орқали бартараф этишади.

Таққосланмайдиган шкалаштириши услуги – (**noncomparative scales**) юқоридаги икки усулдан бири бўлиб унинг асосий ҳусусияти ҳар бир обьектнинг мустақил баҳолаш орқали аниқланади.



8.3-расм. Шкалаштириш усуllibарининг классификацияси²⁴

Шкалаштириш усуllibарини кўриб чиқадиган бўлсак, маркетинг тадқиқотларида ушбу усуllibарнинг таққосланадиган ва таққосланмайдиган усуllibарга бўлиб ўрганиш мумкин. Таққосланадиган шкалалар (comparative scales) ўрганилаётган обьектнинг тўғридан-тўғри қиёслаш ҳисобланади.

Таққосланмайдиган шкалаштириш усулини қўллашда уларни ўлчовлаштириш деб ҳам аташади. Унда ҳар бир ўрганилаётган обьект бошқа обьектга тегишли эмас бўлиб, мустақил баҳолашда қўлланади.

8.3-расмдан кўриниб турибдики, таққосланадиган шкалаштиришда жуфтли таққослаш, тартибли таққослаш ва доимий суммали таққослаш ва бошқа операциялар мавжуд.

Шунингдек, таққосланмайдиган шкалаштириш жараёнида олинган маълумотлар узлуксиз рейтинг ёки интервалли шкалаштириш асосида бажарилади. Масалан, респондентлардан Coke ичимлигини 1 дан 6 гача балли шкала бўйича баҳолаш сўралади. (1-жудаям ёқмайди, 6-жуда ёқади). Худди шу тарзда Pepsi ва RC Cola ичимликлари ҳам баҳоланади. Бунда 8.3-расмга асосан таққосланмайдиган шкалаштириш усули бўйича шкалалар узлуксиз ёки деталлаштирилган бўлиши мумкин.

Деталлаштирилган рейтинг шкаласи бўйича ўз ўринда юқорида таъкидланганмиздек, қуйидаги шкалаларга бўлинади: Лайкerta (Likert), Семантик (моҳиятан) табақаланиш ва Стэпеля (Stapel) усуllibарига бўлинади. Маркетинг тадқиқотларида кўпинча таққосланмайдиган шкалаштириш ўлчовларини қўллашади.

8.4. Маркетинг тадқиқотларида иқтисодий таҳлил усуllibарини таққослаш

Иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуllibари энг қадимги усуllibар бўлиб, улар таҳлил вужудга келган кундан бошлаб қўлланилиб келинаётган усуllibарdir. Буларга кўйидагилар киради: солишириш усули; мувозанат усули (баланс усули); фарқли усул; қайта ҳисоблаш усули; занжирилалмаштириш усули; индекс усули; интеграл усул; нисбий кўрсаткичли усул, тенг тақсимлаш усули.

²⁴ Маркетинговые исследования Нэрш К. Малхотра Практическое руководство третье издания. Москва. Санкт – Петербург. Киев. 2012. Перевод с англ. Переизд.

усули кабилардир. Бундан ташқари, олдинги мавзуларда таъкидланганидек, бир қанча статистик усуллардан ҳам фойдаланилади.

Ушбу усулларнинг мазмуни қўйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (8.6-жадвал).

8.6-жадвал

Маркетинг тадқиқотларида қўлланиладиган иқтисодий таҳлил усулларининг мазмуни

Анъанавий усулларнинг номлари	Анъанавий усулларнинг мазмуни
Солишириш усули	<p>Маркетинг тадқиқотини таҳлил килишда қўлланиладиган усулларнинг энг кўп учрайдигани солишириш усулидир. Бу усулни кўлаш билан таҳлил бошланади. Шу усул орқали таҳлил килинаётган кўрсаткичининг фарқи аниқланади. Қолган барча усуллар солишириш натижасида аниқланган фарқни исботлашга, аниқлашга қаратилган бўлади</p> <p>ДЖ = Ж₂ – Ж₁; Фарқ = Ҳакикатда – Режа ; Ўзгариш = Хисобот йили – асос йили ;</p>
Мувозанат усули	<p>Мувозанат усулининг қўлланилиши иқтисодиётнинг хамма соҳаларида тузиладиган товар ва бошқа моддий бойликлар мувозанати мисолида кўриш мумкин. Бунда асосан товар мувозанати формуласидан фойдаланилади :</p> <p>Зиб + КТ = Т + Хч + Зоҳ. Бунда Зиб - товар заҳирасининг ҳисобот йили бошидаги қолдиги; КТ - келиб тушган товарларнинг ҳисобот йилидаги ҳажми; Т - товар обороти (ҳисобот даврида сотилган оварларнинг ҳажми); Хч- товарларнинг турли сабаблар билан чиқуб кетиши (табиий камайиши, чириши, синиши ва бошқалар); Зоҳ - товар заҳираларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиги.</p>
Қайта хисоблаш усули	<p>Бу усул натижага битта ёки иккита омил таъсири килган пайтларда қўлланилиши қулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳакиқий миқдори билан қайта хисоблаш олинишидан иборатdir. Масалан, товар обороти (Т) асосий капиталнинг ўртача киймати (Ак) ва шу капиталнинг самарадорлиги билан функционал бохлиқ. Бу қўйидаги формулада ифодаланади:</p> <p>T = Ak . Kc Бунда Kc- Асосий капиталининг самарадорлиги. Ушбу формуладан кўриниб турибдики, натижага иккита омил таъсири килади. Ҳар бир омилнинг таъсирини хисоблаш учун натижани қайта хисоблаш оламиз. Бу биринчи омилнинг ҳакиқий миқдорини (Ak₁) иккичи омилнинг режадаги миқдори билан кўпайтириш йўли билан аниқланади(Kc₀), яни: T_к = Ak₁ . Kc₀ Омилларнинг товар оборотига таъсирини топиш учун қўйидаги хисоб-китобларни амалга ошириш лозим. 1. Товар оборотининг асосий капиталининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (Δ Так) топиш учун товар оборотининг қайта хисобланган миқдоридан (Т_к) унинг режадаги ҳажмини аириш</p>

	<p>кифоя (T_0) : $\Delta \text{ Так} = T_{\text{к}} - T_0 = (Ak_1 . Kc_0) - (Ak_0 . Kc_0)$</p> <p>2. Товар обороти ўзгаришига асосий капитал самарадорлигининг таъсирини (Δ Т_к) аниқлаш учун товар оборотининг ҳакиқий сўммасидан (T_1) унинг қайта хисобланган миқдорини (Т_к) аириш кифоя :</p> <p>$\Delta \text{ Тк} = T_1 . T_{\text{к}} = (Ak_1 . Kc_1) - (Ak_1 . Kc_0)$</p> <p>Иккى омилнинг таъсири товар обороти фарқининг умумий сўммасига тенг бўлиши керак :</p> <p>$\Delta T = \Delta \text{ Так} \pm \Delta \text{ Тк}$</p>
Занжирили алмаштириши усули	<p>Натижка ўзгаришига учта ва ундан кўп омиллар таъсири қиласа, улар ўртасидаги боғликлар функционал бўлса ушбу усульдан фойдаланилади. Масалан, товар обороти (T) ўзгариши ходимларнинг рўйхатдаги сони (Х), уларнинг ўртача иш кунлари (К) ва бир кунлик меҳнат унумдорлиги (М) кўрсаткичлари билан функционал бохлиқдир. Бу қўйидагича ифодаланади:</p> <p>T= X . K . M</p> <p>Ушбу формула асосида натижага учта омил таъсири, килганлигини кўрамиз. Омилли таҳлилнинг асосий вазифаси натижанинг шу ҳар бир омил эвазига ўзгаришини топишдан иборатдир. Занжирили алмаштириши усулидан фойдаланадиган бўлслак режадаги натижани ҳар бир омил эвазига қайта хисоблаб олиш лозим. Бу учун қўйидаги хисоб-китоблар амалга оширилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Товар обороти ҳажмининг ходимларнинг рўйхатдаги сони ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун қўйидаги формуладан фойдаланилади: <p>Δ Tx = Tx - To = (X₁ . Ko . Mo) - (X₀ . Ko . Mo)</p> <p>Бунда ΔT_x - товар оборотининг ходимларнинг рўйхатдаги сонининг ўзгариши таъсирида ўзгарган қисми.</p> <ol style="list-style-type: none"> 2. Товар оборотининг иккичи омил, яъни ходимларнинг рўйхатдаги ўртача иш кунининг ўзгарганлиги эвазига ўзгаришини (Δ Т_к) топиш учун қўйидаги формуладан фойдаланилади: <p>Δ Tk = Tk - T_к = (X₁ . K₁ . Mo) - (X₁ . K₀ . Mo)</p> <ol style="list-style-type: none"> 3. Натижанинг учинчи омил - меҳнат унумдорлигининг таъсири эвазига ўзгаришини топиш учун қўйидаги формуладан: <p>Δ T_m = T₁ - T_к = (X₁ . K₁ . M₁) - (X₁ . K₁ . M₀)</p> <p>Бу учта омилнинг таъсири товар оборотининг умумий фарқига (ΔT) тенг бўлиши керак:</p> <p>Δ T = ΔTx ± ΔTk ± ΔTm</p>
Нисбий миқдорлардан фойдаланиш усули	<p>Бу усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади, чунки амалда мутлоқ ракамлар билан биргаликда нисбий миқдорларнинг қўлланилиши ҳам тез учраб турадилар.</p> <p>Нисбий миқдордан фойдаланиш усулининг моҳияти натижага омиллар таъсирини аниқлашда уларнинг нисбий ўзгаришини аниқлашади. Масалан, ишлаб чиқариш корхонаси ялпи маҳсулоти ҳажми (М), ишчилар сони (И) ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига (МУ) боғлиқ. Бу қўйидаги формулада ифодаланади :</p> <p>M = I . MU</p> <p>Нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш учун ушбу формуладаги натижага омилларнинг ўсиш суръатлари олинади. Хисоб-китобларда ана шу</p>

	<p>нисбий кўрсаткичлар иштирок этади.</p> <p>Масалан, ялпи маҳсулотнинг ишчилар сонининг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини топиш учун ишчилар сонининг ўсиш суръатини (ΔI) юзга кўпайтириб ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатига бўлинади (ΔM):</p> $\Delta I \cdot 100$ $\Delta M = \dots$ ΔM <p>Натижага иккинчи омилнинг - меҳнат унумдорлигининг таъсирини (ΔM_{M_0}) аниқлаш учун юздан шу чиқсан натижка миқдори, яъни биринчи омилнинг натижага таъсири айрилади:</p> $\Delta I \cdot 100$ $\Delta M_{M_0} = 100 \cdot \dots$ ΔM	<p>омилларнинг натижага ҳам мутлоқ, ҳам нисбий таъсирини аниқлаш мумкин.</p>
Индекс усули	<p>Индекс усулидан фойдаланганда омиллар таъсирини индивидуал индекслар орқали ҳам хисоблаш мумкин.</p> <p>Масалан, пойафзал буюмлари бўйича товар обороти ҳажмига хизмат кўрсатилаётган аҳолининг сони (A), ўртacha жон бошига тўғри келадиган истеммол дарражаси (I) ва ўртacha баҳо (P) таъсири қиласди. Бу боғлиқлик кўйидагича ифодаланади:</p> $Q = A \cdot I \cdot P$ <p>Бунда Q - пойафзал буюмлари бўйича товар оборотининг умумий ҳажми.</p> <p>Ушбу омилларнинг товар оборотига таъсирини аниқлаш учун уларнинг индивидуал индекслари аниқланади.</p> <p>Пойафзал сотилишининг умумий ҳажмига омиллар таъсирини индивидуал индексини кўллаб ечадиган бўлсак у кўйидаги боғланишга эга бўлади :</p> $JQ = ia \cdot ii \cdot ip$ <p>Натижага омиллар таъсири кўйидагича аниқланади :</p> <ol style="list-style-type: none"> Аҳоли сонининг асос йилига нисбатан 0,5 минг кишига (10,9 - 10,4) ошиши пойафзал маҳсулотларига бўлган талабни оширган ва шунинг эвазига пойафзал сотилишининг умумий ҳажми 47,0 минг сўмга кўпайган : $(Q_a = (Q_0 \cdot ia) - Q_0 = (978,8 \cdot 1,048) - (978,8) = 1025,8 - 978,8 = +47,0 \text{ минг сўм.}$ Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пойафзал буюмларига бўлган истеммол дарражасининг 0,3 жуфтга (2,9 - 2,6) ошиши пойафзал сотилиши ҳажмини кўпайтиришини асосий омили бўлган. Бу омили таъсирида ўрганилаётган кўрсаткич 118,0 минг сўмга ошган: $(Qi = (Q_0 \cdot ia \cdot ii) - (Q_0 \cdot ia) = (1025,8 \cdot 1,115) - 1025,8 = 1148,8 - 1025,8 = +118,0 \text{ минг сўм.}$ Пойафзалининг ўртacha баҳоси 1,2 сўмга ошган (37,4 - 36,2) <p>Бу омили эвазига товар обороти 38,4 минг сўмга кўпайган :</p> $\Delta Q_p = (Q_0 \cdot ia \cdot ii \cdot ip) - (Q_0 \cdot ia \cdot ii) = 1143,8 \cdot 1,034 - 1148,8 = 1182,2 - 1148,8 = +38,4 \text{ минг сўм.}$ <p>Ҳамма омиллар таъсирининг йифиндиси пойафзал сотилиши умумий ҳажмининг хисобот йилида, асос йилига нисбатан умумий фаркини беради:</p> $\Delta Q = \Delta Q_a \pm \Delta Q_{ii} \pm \Delta Q_p = 47,0 + 118,0 + 38,4 = +203,4 \text{ минг сўм.}$ <p>Омили таҳлилда кўлланиладиган усуллардан анча кўлайи индекс усулидир, чунки бу усулни кўллаш жараёнида бир вақтнинг ўзида</p>	<p>Фарқлаш усули</p> <p>Фарқлаш усулининг моҳияти шундаки, натижা кўрсаткичига омиллар таъсирини аниқлаш учун хисобланадиган омилнинг фарқи олиниб колган омилларнинг жойлашиш тартибига қараб асос ёки хисобот давридаги миқдори олиниади. Масалан, натижা кўрсаткич (товар обороти) билан унга таъсири қилувчи омиллар: ходимларнинг рўйхатдаги сони (X) ва меҳнат унумдорлиги (M_U) ўртасидаги боғланиш кўйидаги кўришишга эга бўлади:</p> $T = X \cdot M_U$ <p>Ушбу формуладаги омилларнинг таъсирини фарқлаш усули билан аниқлайдиган бўлсак, биринчи омили, яъни ходимларнинг рўйхатдаги сонининг товар оборотига таъсирини (ΔT_x) хисоблаш учун шу омилнинг фарқини ($X_1 - X_0$) иккинчи омили, яъни меҳнат унумдорлигининг асос (режа) кўрсаткичига (M_{U_0}) кўпайтирилади:</p> $\Delta T_x = (X_1 - X_0) \cdot M_{U_0}$ <p>Иккинчи омили, яъни меҳнат унумдорлигининг товар обороти ҳажми ўзгаришига таъсирини (ΔT_{M_U}) топиш учун шу омилнинг фарқи олиниади ($M_{U_1} - M_{U_0}$) биринчи омили - ходимларнинг ўртacha йиллик рўйхатдаги сонининг хисобот давридаги миқдорига (X_1) кўпайтирилади:</p> $\Delta T_{M_U} = X_1 \cdot (M_{U_1} - M_{U_0})$ <p>Шу иккя омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:</p> $\Delta T = \Delta T_x \pm \Delta T_{M_U}$
	<p>Интеграл усул</p> <p>Бу усул бир томондан анъанавий усулларга , иккинчидан эса математик усулага мансуб такомиллашган усулларидир. Натижা кўрсаткичига алоҳида омиллар таъсирини интеграл усули билан аниқлаш фарқлаш, занжирли алмаштириш каби усулларнинг такомиллашган шаклидир. Интеграл усулиниң изобий томонидан бири шундан иборатки, агарда занжирли алмаштириш ёки фарқлаш усулларида омиллар, кетма-кетлиги ўзгарса, уларнинг натижা ўзгаришига таъсири ҳар хил бўлади. Бу усулда эса у ёки бу омилнинг таъсирини хисоблашда кетма-кетлика риоя килишини талаб килмайди. Омилларнинг кетма-кетлиги ўзгаришидан катъй назар омиллар таъсири ҳамиша бир хил, энг муҳими тўғри топилади.</p> <p>Интеграл усули билан боғлиқ хисоблар бир тарафдан математик таҳлил асосларини билишини талаб киласа, бошқа томондан занжирли алмаштириш усулига нисбатан хисобларни бажаришина тақозо киласди. Шу сабабли бу усулининг кўлланилиши ЭХМ шароитида яхши самара беради. Натижা кўрсаткичига омиллар таъсирини хисоблашнинг тури шакллари мавжуд. Натижага иккита омили таъсири қиласидан бўлса, кўйидаги боғлиқлик бўлади:</p> $y = X_1 \cdot X_2$ <p>Бу ҳолда омиллар таъсири кўйидагича аниқланади :</p> <p>Натижা ўзгаришига биринчи омилнинг таъсири:</p> $\frac{1}{2} \Delta Y_{X_1} = X_2^0 \cdot \Delta X_1 + \left(\dots * (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2) \right)$ $\frac{2}{2} \Delta Y_{X_2} = X_1^0 \cdot \Delta X_2 + \left(\dots * (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2) \right)$ <p>Натижা ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири:</p>	

	<p>1 $\Delta Y_{X_2} = X_1^o \cdot \Delta X_2 + (---- (\Delta X_1 \cdot \Delta X_2))$ 2</p>
Кичик сонлардан фойдаланиш усули	<p>Бозор иктисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий - маркетинг тадқиқотини тўғри ва ҳаққоний баҳолаш лозимлигини хаёт тақозо килмокда. Олдинги режали иктисодиёт шароитида иктисодий фаолият натижасини баҳолашнинг асосий мезони умумлашган кўрсаткичлар бўйича режжанинг бажарилиши эди. Эндиликда факат бундай кўрсаткичлар билан натижага тўғри баҳо бериб бўлмайди. Бу камчиликни бартарраф килиш учун таҳлилда кўлланиладиган кичик сонлар усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқидir.</p> <p>Бу усулининг моҳияти шундаки, агар фирма бирданига бирқанча фаолият билан шугулланаётган бўлса, ёки бирқанча маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса ҳаммасидан фойда олиши, манфаатдор бўлиши лозим. Акс ҳолда, ҳозирги шароитда бир кисм фаолият самарасиз бўлади, у факат фирмага зарар келтиради.</p> <p>Иктисодий таҳлил жараённида жуда кўп математик моделлар кўлланилади. Уларнинг кўп учрайдиганлри қўйидагилардир: аддитив модель, мультиплектив модель, касирли модель</p>

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иктисодий таҳлилда кўлланиладиган деярли барча усусларни маркетинг тадқиқотларида ҳам фойдаланиш мумкин экан.

Қисқа хуносалар

Ҳар қандай ҳодиса ва жараённинг вақти, белгиси, ўлчами бўлади. Ушбу бобда ҳар қандай тадқиқот турлари жараённини шакллантириш ва ахборот тўплашда ўлчаш ва шкалалаштиришнинг мазмун ва моҳиятини батафсил тушунтириб берилди.

Ҳар қандай тадқиқот жараённида, шу жумладан маркетинг тадқиқотларида ҳам асосий фойдаланадиган восита ахборотлар бўлиб ҳисобланади. Уларни шакллантириш масаласи ҳам ўта мураккабдир. Чунки ушбу тадқиқотда иккиласми маълумотлар билан бирга жуда кўп бирламчи маълумотларни ҳам тўплашга тўғри келади. Шу туфайли ушбу ахборотларни шакллантириш билан бирга улардан фойдаланиш масаласи ҳам ўзига хос бўлади.

Кундалик хаётда кўпчилигимиз ўзимиз билмаган ҳолда турли ҳил ўлчов бирликларига дуч келамиз. Уйқудан уйғониб соатга караймиз, кофега керакли

микдорда шакар соламиз, кечик маслигимиз учун транспорт воситаларини танлаймиз. такси ёки автобусда қанча дақиқада етиб боришимизни мўлжаллаймиз. Кечаги футбол қандай ҳисобда тугаганига қизиқамиз ва ҳк....

Таққослама шкалалаштиришнинг асосий афликлари шундан иборатки, кўринар-кўринмас фарқларни ажратиб беради. Иккى обьектни таққослашда респондентлар иккаласидан бирини танлайдилар. Ундан ташқари респондентлар берилган баллар асосида мойиллик вазифасини бажарадилар. Шунинг учун таққослама шкалалаштиришни кўллаш ва қабул килишини изланувчилар эътироф этадилар.

Яна бошқа афзиллики ушбу шкалалаштиришнинг шундаки, назарий кўлланмаларнинг ишлатиш эҳтимоли кам ва танлаш хуқуки респондентлар учун осон кечади.

Иктисодий таҳлилнинг анъанавий усуслари энг қадимги усувлар бўлиб, улар таҳлил вужудга келган кундан бошлаб кўлланилиб келинаётган усувлардир. Буларга қўйидагилар киради: солиштириш усули; мувозанат усули (баланс усули); фарқли усул; қайта ҳисоблаш усули; занжирли алмаштириш усули; индекс усули; интеграл усул; нисбий кўрсаткичли усуул, тенг тақсимлаш усули кабилардир. Бундан ташқари, олдинги мавзууларда таъкидланганидек, бир қанча статистик усувлардан ҳам фойдаланилади.

Шкалалаштириш усувларини кўриб чиқадиган бўлсак, маркетинг тадқиқотларида ушбу услубларнинг таққосланадиган ва таққосланмайдиган услубларга бўлиб ўрганиш мумкин. Таққосланадиган шкалалар (comparative scales) ўрганилаётган обьектнинг тўғридан - тўғри қиёслаш ҳисобланади.

Шкалалаштириш усувларини кўриб чиқадиган бўлсак, маркетинг тадқиқотларида ушбу услубларнинг таққосланадиган ва таққосланмайдиган услубларга бўлиб ўрганиш мумкин. Таққосланадиган шкалалар (comparative scales) ўрганилаётган обьектнинг тўғридан - тўғри қиёслаш ҳисобланади.

Таянч иборалар: ўлчаш, шкалалаштириш, номинал, тартибли, интервалли, нисбатан, қиёслаш, таққослаш, ранжировка, кўп вариантли анкета,

Лайкret шкаласи, тартиблишкала, семантикшкала, Стэпл шкаласи, оралиқлишкала,шкала классификацияси, таққосламатажил ва бошқ.

Назорат учун саволлар

1. Ўлчаш ва шкалалаштиришнингмоҳияти ва мазмунини тушунтириб беринг.
2. Шкалалаштириштартиби характеристикасинигапириб беринг.
3. Кўп вариантли анкетанинг шаклини тавсифлаб беринг ва уни нима учун кўлланилишини тушунтириб беринг.
4. Лайкret шкаласининг мезонлари ва ишлатиштартиби қандай?
5. Шкалаларнинг асосий турлари нималардан иборат?
6. Номинал шкалада таққослайдиган ва таққосланмайдиган услубларининг фарқи нимада?
7. Интервалли шкаланинг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
8. Нисбий объектнинг қиёсий жиҳатлари миқдорини белгилашда асосий мезон нимадан иборат?
9. Деталлаштирилган оейтинг шкаласи нима?
10. Солиштириш ва мувозанат усулининг фарқи нимада?

9-боб. СТАТИСТИК ТАНЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

9.1. Танловни шакллантириш жараёни

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва унда маълумотларни миқдорий ва сифат жиҳатидан саралашда албатта, статистика назариясидан фойдаланимиз. Чунки статистик миқдорий ҳисоб – китобларгина орқали маълумотимиз тўлиқ ва аник жавобини изланувчи учун тақдим этади.



Бугунги кунда тадқиқотларнинг олдига шундай муаммолар қўядики, бу муаммолар ечимини топиш учун ва мақсадга эришишимиз учун бир неча вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўяди. Улар қўйидагилардир:

- танлама тўпламнинг зарурий миқдорини аниқлашнинг айрим усууларини мухокама қилиш;
- танлама статистика ва бош тўплами тавсифномалари концепциясини тақдим этиш;
- ишонч оралиғи ва оралиқли баҳолаш нима эканлигини билиб олиш;
- оддий тасодифий танлама тўплам миқдори қандай аниқланишини кўрсатиш;
- стратификация қилинган ва кўп погонали танлама групҳи миқдори қандай ҳисобланишини кўрсатишдан иборат.

Маркетинг тадқиқотлари давомида кўпинча танлама тўплам миқдорини аниқлаш масала юзага келади. Уни билмаган ҳолда сўровни режалаштириш ва ўтказишнинг ҳам имкони бўлмайди. Танлама тўплам миқдорини аниқлашнинг ечими тадқиқот киймати билан боғлиқ, шу сабабли у асосланган бўлиши лозим.

Мазкур бобда танлама тўплам миқдорини аниқлашга бир нечта амалий ёндашув тақдим этилади. Улар групҳи миқдорини аниқлаш бўйича асосли қарор кабул қилишга имкон беради ва кўпинча маркетинг тадқиқотлари ўтказишда

фойдаланилади. Бирок гурух микдорини аниқлашга расмий – статистика назариясидан фойдаланган ҳолдаги ёндашув ҳам мавжуд.

Мазкур ёндашувни тушуниш бир нечта сабабга кўра фойдали хисобланади. Биринчидан, айрим ҳолатларда у гурух микдори бўйича аниқроқ карор қабул қилишга имкон беради. Иккинчидан, бевосита назариядан фойдаланиш қийин бўлсада, у кўпинча бундай қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, мазкур бобда танлама гурух билан боғлик бўлган, жараённи энг яхши тушунишга хизмат қиладиган айрим муҳим концепция ва атамалар киритилади.

Умуман олганда, маркетинг тадқиқотларида танлаш нима учун зарур? Ушбу саволнинг жавоби оддий, аммо амалга ошириш механизми бироз эътиборни талаб қиласидан жараёндир. Ҳар бир тадқиқотчи олдида, масалан, битта масаланинг ечимини топиш лозим бўлади. Бунга маълум товардан қанча, қаерда ва қай вақтда сотиш кераклигини аниқлаши лозим бўлади. Бунда жуда кўп дўконлар, тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. Агар тўғри ва аниқ хулоса чиқариш учун ушбу тўпламга кирадиган барча субъектлар ўрганилса яхши бўлган бўларди. Аммо уларнинг кўпчилиги учун буни амалга оширишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда умумий хулоса қилиш учун уларнинг бир қисмини танлаб олинади. Бу танланган тўпламни танлаб кузатиш дейилади.

Танлаб кузатиш натижасида умумий тўплам ҳакида умумий хулоса қилинади. Буларнинг кетма-кетлиги куйидаги расмда келтирилган (9.1-расм).



9.1-расм. Танлаб кузатиш орқали умумий хулоса қилиш кетма-кетлиги

Танлаб кузатилган тўплам барча тўпламдаги моҳиятни ўз ичига олиши ва унга мос бўлиши лозим. Масалан, тўпламдаги истеъмолчиларнинг таркибини оладиган бўлсак, ярми аёллар ва ярми эркаклар бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, кузатишга танлаб олинганларнинг ҳам ярми эркаклар ва ярми аёллар бўлишилигини такозо қиласи. Факат эркаклар истеъмолини танлаб кузатиш натижаси бутун тўплам бўйича аниқ қарор қабул қилиш имконини бермайди. Чунки аёлларнинг истеъмоли эркакларнинг нисбатан фарқ қилиши табиий. Товар турлари бўйича ҳам худди шундай мисолларни келтириш мумкин. Тўпламда ўнта товар бўлса, факат унинг биттасини танлаб олиб, ҳаммасига тадбиқ қилиб бўлмайди, чунки ҳар бир гурух товарнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқсан ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг аҳволидан ва аниқ вазиятдан келиб чиқиб ёндошмоқлари лозим. Бунда мутахассислар олдида куйидаги саволлар бўлиши мумкин:

- маҳсулотни қанча ишлаб чиқариш лозим?
- қандай маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин?
- ушбу маҳсулотлар қайси бозорда сотилади?
- буларнинг нархи қанчадан бўлади?
- бозоргача қандай етказилади?
- бозорда маҳсулотлар қанча ва қандай сакланади?
- сотиш шакли (улгуржи ёки чакана) қандай бўлади ва х.к.

Мутахассис ушбу саволларга аниқ жавоб топгач бевосита жараённи амалга ошириши мумкин.

Танланган жараённи самарали бошқариш учун энди бевосита статистик кузатишга ўтиш мумкин.

Статистик кузатиш деганда, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ҳакидаги далилларни режали, илмий,



уюштирилган ҳолда тўплаш асосида маълумотлар базасини шакллантириш жараёни тушунилади.

9.1-жадвал

Статистик кузатиш бир қанча жараёнларни ўз ичига олади:

- статистик кузатиш орқали дастрлабки маълумотларни тўплаш;
- маълумотларни тизимлаштириш ва гурухлаш;
- маълумотларни ҳар томонлама тавсифлаш;
- маълумотларни умумлаштириш, ҳисоблиш ва тахлил қилиш.

Шуни инобатга олиш лозимки, иқтисодий тахлилда маълумотлар асосан расмий ҳисоботлардан олинади ва ҳисоб ҳамда ҳисобот маълумотларига таянади. Статистик тахлилда кўп ҳолларда маълумотлар ҳисобот маълумотлари билан бирга тайёр ҳолда учрамайдиган маълумотларни ҳам турли усуllар билан шакллантиради. Бундай усуllарга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- анкета сўрови (ёзма, оғзаки);
- далилларни (фактларни) ёзиб бориш;
- ҳисоб ва ҳисоботлар маълумотларидан бевосита фойдаланиш;
- оммавий тарзда рўйхатга олиш (аҳоли ва бошқа ашё ва бойликларнинг рўйхати);
- бевосита жараённи кузатиб, хронометраж қилиш;
- аҳоли бюджетини танлаб ўрганиш кабилар.

Танлама кузатиш дейилганда статистикада ўрганилиши лозим бўлган тўпламдан зарурый миқдордаги бирликларни маҳсус усуllар билан танлаб олиниши ва уларнинг бош тўпламга тарқатилиши тушунилади.

Ўрганилиш лозим бўлган тўплам бош тўплам, текшириш учун ундан танлаб олингани эса танлама тўплам деб аталади. Бош ва танлама тўпламларнинг умумлаштирувчи кўrsatкичлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Бош ва танлама тўпламларни тавсифловчи кўrsatкичлар

Умумлаштирувчи кўrsatкичлар	Бош тўпламда	Танлама тўпламда
Тўпламдаги бирликлар сони	N	n
Тўпламда маълум хусусиятларга эга бўлган бирликлар		
а) сони	M	M
б) салмоғи	$P = \frac{M}{N}$	$\sigma = \frac{m}{n}$
Ўртacha даража	$\bar{x} = \frac{\Sigma x}{N}$	$\bar{x} = \frac{\Sigma x}{n}$
Дисперсия	$\sigma^2 = \frac{\Sigma (x - \bar{x})^2}{N}$	$\sigma^2 = \frac{\Sigma (x - \bar{x})^2}{n}$

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, тўпламда маълум хусусиятларга эга бўлган бирликлар сони ҳам қайси тур танлаб олинган бўлса, ўшанга мос бўлиши керак ва мос равишда, уларнинг салмоғи ҳам тўғри келиши керак. Масалан, ўрганилаётган маҳсулот умумий маҳсулотлар ичida 9,5 %ни ташкил қиласи, деб фараз қиласидаган бўлсақ, танлаб кузатилган миқдор ҳам айнан шу тур бўйича 9,5 %га тенг бўлиши керак. Шундагина танлаб кузатилган тўпламнинг ваколатлилиги таъминланади.

Танлама кузатиш қўйидаги мақсадларда қўлланилади:

- вакт ва моддий маблағларни тежаш;
- кузатиш жараёнида сифати бузиладиган ёки қийматини бутунлай йўқотадиган бирликлар миқдорини кисқартириш;
- умумий тўплам ҳаддан ташқари катта бўлиб, уни ёппасига кузатиш имконияти бўлмаганда;
- кузатиш объектини тўларок ўрганиш;
- ёппасига кузатиш натижаларини текшириш, назорат қилиш.

Танлама кузатиш маълумотлари билан бош тўпламни тавсифлаш

уларнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари орқали амалга оширилади. Бунинг учун танлама бош тўпламнинг барча муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. Агар танламада бош тўпламнинг муҳим хусусиятлари намоён бўлса, у ҳолда у репрезентатив (ваколатли) дейилади.

Танлама қанчалик репрезентатив бўлишидан қатъий назар, бош ва танлама кўрсаткичлар ўртасида доимо тафовутлар бўлади. Чунки бош тўпламда танламага киритилмаган бошқа бирликлар ҳам бор. Ана шу тафовутлар танламанинг репрезентативлик хатолари дейилади. Бу хатолар факат танлама кузатишга хос бўлиб, улар икки турга бўлинади: тасодифий ва мунтазамтанлаш гурухларига киради.

Хулоса қилиб айтганда, умумий тўплам ва танлаб олинган тўпламлаар бир-бирига мос бўлишларини таъминлашни тақозо қилас экан.

9.2. Тасодифий танловни шакллантириш

Бош тўпламдан бирликларни танлаб олиш қоидаларига караб, танлаш куйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин: тасодифий, механик, типик, серияли (уяли) комбинацияли ва районлаштириб танлаш.

Тасодифий танлаш. Бош тўпламдан бирликлар куръя ёки чек ташлаш йўли билан олинса, бундай танлаш тўла тасодифий танлаш дейилади. Танлашнинг бу усули кенг тарқалган бўлиб, бунда тўпламнинг ҳар бирлиги учун тартиб рақамли жетон ёки билет тайёрланади. Кейин улардан тасодифий тартибда тўплам бирлигининг керакли бўлган миқдори (бирлиги) саралаб олинади. Бундай шароитда тўплам бирликларининг ҳар бири танловга тушишининг бир хил эҳтимолига эга бўлади. Тасодифий танлашга мисол қилиб ютуқли ўйин тиражларини олишимиз мумкин, бунда чиқарилган билетларнинг умумий



миқдоридан тасодифий равища таваккалига номерларнинг маълум қисми танланади ва улар ютуқ чиққан номерларни ташкил қиласди. Бунда ҳамма номерлар учун танланма тўпламга тушиш учун тенг имконият таъминланади.

Механик танлаш. Бош тўпламдан бирликлар маълум оралиқ бўйича танлаб олинса, бундай танлаш механик танлаш деб юритилади. Механик танлашни амалга ошириш учун бош тўпламнинг бирликлари бирор белгиси бўйича (масалан, алифбо, ўсиши, камайиши ва х.к.) тартиб билан жойлаштирилади ва рақамланади, сўнгра оралиқ катталиги аниқланади. Оралиқ катталиги (i) килиб бош тўплам миқдорининг (N) танлама миқдорига (n) нисбати олинади, яъни

$$i = \frac{N}{n}$$

Типик танлаш. Ўрганилаётган тўплам бирликлари муҳим, типик белги бўйича сифат жиҳатдан бир хил, бир турдаги гурухларга бўлинади. Кейин ҳар қайси гурухдан тасодифий усул билан бирликлар танланади, бу танлов гурухининг бош тўпламдаги салмогига пропорционал равища бўлиши керак.

Танламанинг репрезентатив хатолари ва ўртача хатони аниқлаш тартиби

Танламанинг репрезентативлик хатолари (Δ) танлама ($x, \tilde{\sigma}^2, \omega$) ва бош ($X, \bar{\sigma}^2, \rho$) кўрсаткичларнинг айрмаларига тенг, яъни:

$$\Delta = \tilde{x} - \bar{x}; \quad \Delta_{\sigma^2} = \tilde{\sigma}^2 - \sigma^2; \quad \Delta_{\omega} = \omega - \rho$$

Танлама кўрсаткичларда икки турдаги хатони аниқлаш мумкин:

- танлама кўрсаткичлардаги ўртача хатолар;
- танлама кўрсаткичларда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар.

Танлама кўрсаткичларнинг ўртача хатолари куйидагича ҳисбланади (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

Танлама тўпламда ўртача хато (μ) ни ҳисоблаш тартиби

Танлаш тархлари	Ўртача хато	
	ўртача учун	салмоқ учун
Такрорланувчи	$\mu_x = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}}$	$\mu_{\omega} = \sqrt{\frac{\omega(1-\omega)}{n}}$
Такрорланмайдиган	$\mu_x = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}}(1 - \frac{n}{N})$	$\mu_{\omega} = \sqrt{\frac{\omega(1-\omega)}{n}}(1 - \frac{n}{N})$

Танлама кўп марта қайтарилаверса, танлама тўпламнинг умумлаштирувчи натижалари билан бош тўплам натижалари ўртасида тафовут, математикада исбот этилганидек, ўртача квадратик тафовут орқали тавсифланади:

$$\mu = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}} \text{ ва } \mu = \sqrt{\frac{\omega(1-\omega)}{n}}$$

Агар ҳар бир аниқ шароитда танлама кузатиш бир маротаба ўтказилиб, олинган натижаларни баҳолаш масаласи туғилган бўлса, у ҳолда $P(t)$ эҳтимол (ишонч даражаси) билан хатоларнинг юқори чегараларини аниқлаш усули орқали йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ҳисоблашади:

$$\Delta_a = t \cdot \mu.$$

Демак, ихтиёрий танлама кўрсаткич (a) хатосининг юқори чегараси (Δ_a) унинг ўртача хатоси (μ) билан **ишонч коэффицентининг** (t) кўпайтмасига тенг.

$P(t)$ эҳтимол билан ишонч коэффиценти (t) ўртасидаги боғланиш ушбу интеграл билан ифодаланади:

9.3 –жадвал

Танлама тўплам ўртачаси билан бош тўплам ўртачаси

t	1,00	1,96	2,00	2,58	3,00
P(t)	0,683	0,950	0,954	0,990	0,997

Бу ерда t танлама тўплам ўртачаси билан бош тўплам ўртачаси ўртасидаги фарқнинг ($\tilde{x} - \bar{x}$) ўртача квадратик тафовутга (σ) бўлинганига тенг:

$$t = \frac{\tilde{x} - \bar{x}}{\sigma}$$

Танлама кузатишни лойиҳалаштиришда олдиндан берилган танламадаги йўл қўйилиши мумкин бўлган танлама тўпламнинг сонини тўғри аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Чунки бу кузатиш натижаларини маълум эҳтимолликда аниқ бўлишини тъъзминлайди. Танламанинг зарурий миқдорини аниқлаш формулаларини танламанинг хатосини топиш формулалари асосида топса бўлади.

Тасодифий такрорланадиган танлашда ўртача учун: $n = \frac{t^2 \sigma^2}{\Delta^2}$

(такрорланадиган); салмоқ учун $n = \frac{\omega(1-\omega)t^2}{\Delta^2}$;

Тасодифий такрорланмайдиган ва механик танлаш учун: $n = \frac{t^2 \sigma^2 N}{N \Delta^2 + t^2 \sigma^2}$

(такрорланмайдиган);

Типик танлаш учун: $n = \frac{t^2 \overline{\sigma^2} N}{N \Delta^2 + t^2 \overline{\sigma^2}}$ (такрорланмайдиган);

Серияли танлаш учун: $r = \frac{t^2 \delta^2 R}{R \Delta^2 + t^2 \delta^2}$ (такрорланмайдиган)

Серияли (уяли) танлаш: Бунда текширишга тўпламнинг алоҳида бирликлари эмас, балки тасодифий ёки механик усулда танланган бир бутун гурухлари (сериялар, уялар) олинади.

Ҳар бир гурух (серия)да ёппасига кузатиш ўтказилади ва бунинг натижалари бош тўпламга ёйлади.

Такрорланувчи танлаш. Ҳар бир танлаб олинган бирлик ёки серия бош тўпламга қайтарилади ва яна танловга тушиши мумкин. Бу усул қайтиб келувчи шар схемаси деб ҳам юритилади.

Такрорланмайдиган танлаш. Ҳар бир текширилган бирлик ажратиб олинади ва тўпламга қайтарilmайди, шунинг учун ҳам у бирлик қайта

текширишга тушмайди. Бу усул қайтмайдиган шар схемаси номини олган.

Такрорланмайдиган танлаш такрорланувчи усулга нисбатан аникроқ натижаларни беради, чунки битта танлов миқдорида кузатиш ўрганилаётган тўпламнинг кўпроқ бирлигини қамраб олади.

Комбинациялашган танлаш. Юқорида кўриб чиқилган танлаш турлари биргаликда, яъни комбинациялашган ҳолда қўлланилиши мумкин. Комбинациялашган танлаш бир ёки бир неча погонада ўтказилади.

Агар тўпламнинг танланган бирликлари бир марта ўрганилса - бу бир погонали танлов дейилади. Пул-буюм лотореяси тиражи, спортлото тасодифий танлаш йўли билан ўтказилади ва улар бир погонали танловни ифода этади. Бу усулга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг шароитини текшириш учун алоҳида партияларни серияли танлаш йўли билан ажратиб олиш хам мисол бўлиши мумкин.

Агар тўпламнинг танлови погоналар бўйича, кетма-кетли келувчи босқичлар бўйича амалга оширилса – бу кўп погонали танлов дейилади. Бунда танловнинг ҳар бир погонаси, ҳар бир босқичи ўзининг танлов бирлигига эга бўлади. Масалан, талабаларнинг ўзлаштиришини текшириш учун уларнинг танловини икки погонали танлов усулида ўтказиш мумкин: дастлаб академ гурухларнинг зарур миқдорини, кейин эса ҳар бир танланган гурухдан талабалар сонини ажратиб олиш керак. Ҳар бир погона ўзининг танлов бирлигига эга: гурух ва талаба.

Бош ва танланма тўплам ўлчовларининг асосий кўрсаткичлари қўйидаги ишора (ҳарф)лар билан белгиланади:

N - бош тўпламнинг ҳажми (унга кирувчи бирликлар сони);

n - танлов ҳажми (текширилган бирликлар сони);

\bar{x} - бош ўртacha (бош тўпламдаги белгининг ўртacha миқдори);

\bar{x}_r - танлов ўртачаси;

p - бош салмоқ (бош тўпламдаги маълум белги бирликларининг салмоғи, хиссаси);

ω - танлов салмоғи (хиссаси);

σ^2 - бош дисперсия (бош тўпламдаги белгининг дисперсия);

σ_r^2 - ўша белгининг танлов дисперсияси;

σ - бош тўпламдаги ўртacha квадратик четланиш;

σ_r - танловдаги ўртacha квадратик четланиш;

9.3. Танлаш кўламини аниқлаш усуllари

Танлама тўпламнинг зарурий миқдорини аниқлаши: тахминий усуllар.

Тахминий усуllар мутахассис ўз тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда қайси танлама тўпламнинг зарурий миқдорини аниқлаш лозимлигини билган ёки танлама тўплам миқдорини белгилаб берадиган турли тафовутлар (масалан, бюджет билан боғлиқ) мавжуд бўлган ҳолларда фойдаланилади. Ушбу параграфда танлама тўплам миқдорини аниқлашнинг бир неча машҳур усуllари кўриб чиқилади.

Эмпирик қоидалар. Фойдаланиш мумкин бўлган ёндашувлардан бири – айрим эмпирик қоидалардан фойдаланишдир. С.Сюдман танлама тўплам миқдорини шундай танлашни тавсия қиласиди, уни гурухларга ажратишда ҳар бир гурухда камида 100 та элемент бўлиши лозим.

Фараз қилайлик, шаҳар аҳолиси муниципал парклар ҳақида нималар ўйлаши ҳақида ахборот олиш лозим. Хусусан, шаҳар аҳолисининг неча фоизи паркларда теннис kortлари бўлиши лозим деб ҳисоблашими билиш керак. Кейин эса паркка тез-тез ташриф буюрадиганлар (1); паркка вақти-вақти билан ташриф буюрадиганлар (2); паркка ҳеч қачон ташриф буюрайдиганлар (3) фикрини таққослаш мақсадга мувоғик деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, танлама тўплам миқдори бу гурухларнинг ҳар бирига 100 та элемент тўғри келадиган тарзда белгиланиши лозим. Агар паркка тез-тез ташриф буюрадиганлар – аҳолининг энг кам сонли гурухи – бош тўпламсининг тахминан 10%ини ташкил қиласи деб ҳисобланадиган бўлса, оддий тасодифий

танлама тўпламдан фойдаланиш ҳолатида унинг миқдори 1000 ни ташкил қилиши, субъектлар сони эса 100 га тенг бўлиши лозим.

Деярли ҳар бир ҳолатда гурухларни таққослаш фойдали ахборот олишга имкон беради ва қўпинча тадқиқот айнан шундай таққослаш учун амалга оширилади. Шундай қилиб, минимал гурухни аниқлаш ҳамда унинг миқдори етарли эканлиги ва зарур ишончлиликни таъминлашига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Асосий гурухларни таққослашдан ташқари таҳлил қўпинча қўйигурухлардан фойдаланишни талаб қилиши мумкин. Масалан, паркка тез-тез ташриф буюрадиганларни ёши бўйича гурухларга ажратиш ҳамда ўсмирилар, ёшлар, ўрта ёшдагилар ва катта ёшдагилар фикрини таққослаш зарур. С.Сюдман бундай қўйигурухлар ҳажми 20-50 кишини ташкил қилиши лозим деб ҳисоблайди. Бу шунга асосланадики, қуи гурухлар учун аниқлик камроқ талаб қилинади. Фараз қиласлиқ, паркка тез-тез ташриф буюрадиганлар гурухидағи ёши катталар минимал қуи гурухи бош тўпламнинг 1%ини ташкил қиласди. Шунингдек, ҳар бир гурух таркиби 20 кишидан иборат бўлиши лозим деб фараз қиласиз. Оддий тасодифий танлама тўпламдан фойдаланишда ушбу ҳолатда унинг ҳажми 2 минг кишига яқинни ташкил қилиши лозим.

Агар гурухлардан ёки қуи гурухлардан бири бош тўплам таркибида нисбатан кичик фоизни ташкил қиласидиган бўлса, бунда нопропорционал танлама тўплам фойдаланиш маъкул бўлади. Фараз қиласлиқ, бош тўплам таркибида факат 10% таълимга оид теледастурларни томоша қиласди ва бу гурух вакилларининг фикрини бош тўплам таркибидаги бошқа аъзоларнинг фикри билан таққослаш лозим бўлади. Агар телефон орқали сўровлардан фойдаланиладиган бўлса, аҳоли билан мулоқот то бу теледастурларни томоша килмайдиган 100 киши тўплангунга кадар тасодифий ўрнатилиши мумкин. Кейин эса сўров давом этади, бироқ энди теледастурларни томоша қиласидиганлар сўров ўтказилади. Натижада уларнинг ярми таълимга оид теледастурларни томоша қиласидиган 200 кишидан иборат танлама тўпламга эга бўлинади.

Бюджет чекловлари. Тадқиқотчи қўпинча қаттиқ бюджет чекловларига дуч келади. Айтайлик, музей директори тадқиқотга 500 доллардан ортиқ сарфлай олмайди. Агар маълумотларни таҳлил қилиш 100 доллар талаб қиласидиган, респондент билан ҳар бир интервью эса 5 доллар талаб қиласидиган бўлса, директор факат 80 кишигача бўлган танлама тўплам танлиши мумкин. Шундан кейин бу танлама тўпламдан фойдаланиш мақсадга мувофиқи меган савол туғилади.

Қиёсий тадқиқотлар. Яна бир ёндашув – айнан шунга ўхшаш тадқиқолар топиш ва уларнинг танлама тўпламидан йўл-йўрик сифатида фойдаланишдир. Тадқиқотлар танлама тўплами таққослаш мақсадлари учун ажратиш лозим бўлган гурухлари сони борасида таққослана оладиган бўлиши лозим. Бундан ташқари, айнан шунга ўхшаш тадқиқотларнинг ишончлилик даражаси мақбул қиласидиган бўлиши лозим.

9.4-жадвал маълумотлари бир неча юз тадқиқотчини таҳлил қиласига асосланган бўлиб, танланма тўплам одатий миқдори ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қиласига имкон беради. Таъкидлаш жоизки, миллий тадқиқотлар учун танлама тўпламлар миқдори одатда минтақавий тадқиқотлар учун танлама тўпламлар миқдоридан катта бўлади. Бунинг сабаби шундаки, мамлакат миқёсида олиб бориладиган тадқиқотлар одатда молиявий нуқтаи назардан муҳимроқ бўлган масалаларга тааллукли бўлади ва шу сабабли кўпроқ аниқлик талаб қиласди. Эҳтимол, бунинг сабаби шундаки, ташкилотларни тадқиқ этиш одамларни тадқиқ этишдан қимматроқ саналади.

9.4-жадвал

Ташкилотлар ва шахслар уларнинг аъзолари саналган танлама тўпламлар намунавий миқдорлари

	Шахслар ёки уй хўжаликлари	Ташкилотлар		
Кўйигурухлар сони	миллий тадқиқот	минтақавий ёки маҳсус тадқиқот	миллий тадқиқот	минтақавий ёки маҳсус тадқиқот
йўқ ёки кам	1000-1500	200-500	200-500	50-200

сонли				
ўртacha	1500-2500	500-1000	500-1000	200-500
кўп сонли	2500+	1000+	1000+	500+

Бош тўплам тавсифномалари/кўрсаткичлари

Фараз килайлик, бизни симфоник мусика концерти мавсумий абонементи аъзоларининг иш кунларида концертларни соат 20 дан 19 га кўчириш масаласига муносабати қизиктиради. Бош тўплам 10 минг кишидан иборат. «Қатъий ҳа» деб жавоб берганлар сони 3 минг кишини (+2 сифатида белгиланади) ташкил қиласди, яна 2 минг киши «эҳтимол, ҳа» деб (+1) жавоб берган. Талаб қилинган ахборот бош тўпламнинг ўртacha реакцияси бўлиб, у μ сифатида белгиланади.

$$\mu = \text{бош тўпламнинг ўртacha қиймати} = 0,3$$

Бу ўртacha кўрсаткич бизни қизиктираётган тавсифномалардан бири ҳисобланади. Одатда у номаълум бўлади ва бизнинг вазифамиз кенг бош тўпламдан танланма тўплам шакллантириб, уни имкон қадар аниқроқ топишдан иборат бўлади.

Бизни қизиктирадиган бошқа бир хусусият бош тўплам дисперсияси (σ^2) ва унинг квадрат илдизи, бош тўпламдан стандарт оғиши (σ) ҳисобланади. Бош тўплам дисперсияси турли абонементлар эгаларининг фикрлари тарқоқлиги ўлчами ҳисобланади. Дисперсия алоҳида жавобнинг бош тўплам бўйича ўртacha жавобдан қанчалик фарқ қилишига боғлиқ бўлади. Бу фарқ квадратга кўтарилади ва барча жавоблар бўйича ўртачалаштирилади. Бизнинг мисолда бош тўплам дисперсияси кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sigma^2 = \text{бош тўплам дисперсияси} = 2,22$$

$$\sigma = \text{бош тўпламдан стандарт оғиши} = 1,49$$

Танлама тўплам миқдорини белгилаб берадиган омиллар

Танлама тўплам миқдори тўрт омилга боғлиқ. Биринчи омил – уларни таҳлил қилиш зарур бўлган гурухлар ва қуйигурухлар сони. Иккинчи омил – тадқиқот тақдим этиши лозим бўлган ахборот қимати ва талаб қилинган

натижалар аниқлиги. Учинчи омил танлама тўплам қийматини аниқлаш ҳисобланади: харажатлар ва фойдани таҳлил қилиш лозим. Агар танлама тўплам қиймати паст бўлса, ҳажми каттароқ бўлган танлама тўпламдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ва ниҳоят, тўртинчи омил, танлама тўплам гурух қийматлари тарқоқлиги.

9.4. Танлама тўплам ишончлилиги

Албатта, турлича танлама тўпламлар \bar{X} (ёки s) турлича қийматини беради. Агар ўнта элементдан иборат бўлган бошқа танлама тўплам оладиган бўлсак, $\bar{X} 0,3$ ёки $1,2$ ёки $0,4$ ёки бошқа қийматга эга бўлиши мумкин. Яъни \bar{X} бир танлама тўпламдан бошқасига қараб турли варианtlарда бўлади. Тушунарлики, \bar{X} тарқоқлиги катта бош тўплам дисперсияси s^2 ўсиши билан бирга ўсиб боради. Энг четки ҳолатда, агар бош тўплам элементлари ўртасида фарқ бўлмас, \bar{X} тарқоқлиги умуман бўлмайди. Шунингдек, танлама тўплам миқдорининг ўсиши билан \bar{X} тарқоқлиги пасаяди деб ҳисоблаш ўринли бўлади. Агар танлама тўплам кичик бўлса, танлама ўртacha кўрсаткичга жиддий таъсир этиши учун экстремал қийматга эга бўлган битта ёки иккита элемент етарли бўлади, натижада \bar{X} нисбатан катта ёки нисбатан кичик бўлади. \bar{X} тарқоқлиги унинг стандарт хатолиги орқали ўлчаниб, у куйидагicha аниқланади

Таъкидлаш жоизки, \bar{X} стандарт хатолиги танлама тўплам миқдори n га боғлиқ бўлади. n ўзгарганда стандарт хатолик мос равища ўзгаради.

X ўзгарувчи эҳтимолликлар маълум бир тақсимотига эга. Танлама ўртacha кўрсаткич \bar{X} ҳам эҳтимолликлар маълум бир тақсимотига эга. Анъанавий равища тахмин килинадики, бир танлама тўпламдан бошқасига ўтиб бориша \bar{X} ўзгаришлар норма тақсимотга риоя қиласди. Бошқача қилиб айтганда, одатда X бош тўплам бўйича ўртacha кўрсаткичга яқинроқ ва \bar{X} нинг t дан катта бўлиш эҳтимоли унинг кичикроқ бўлиш эҳтимолига teng бўлади.

Ишонч коэффициентини аниқлаш. $P(t)$ эҳтимол билан ишонч коэффициенти (t) ўртасидаги боғланиш ушбу интеграл билан ифодаланади:

$$P(t) = \frac{1}{2\pi} \int_{-t}^t e^{-\frac{z^2}{2}} dz. \quad (7.2)$$

Ишонч коэффициентининг берилган қийматлари учун эҳтимолларни хисоблаш жараёнини кулагайлаштириш мақсадида улар ўртасидаги боғланишини характерлайдиган жадвал тузилган. Бу жадвал берилган ишонч коэффициентига кўра эҳтимолни ва аксинча исталган эҳтимолга мос келадиган ишонч коэффициентини аниқлаш имконини беради. Амалий ёки ўкув масалалари ечилиганда ишонч коэффициентининг асосан қуидаги қийматлари кенг кўлланилади:

t	1.00	1.96	2.00	2.58	3.00
P(t)	0.683	0.950	0.954	0.990	0.997

Танланма кўрсаткичнинг ўртача хатоси - бу бош тўпламдан у ёки бу усулда кўп танламалар ташкил этиб, улар-нинг хатоларидан хисобланган ўртача хатодир.

Танланма кўрсаткичларнинг ўртача хатолари (μ) танлаш усуллари ва шаклларига қараб турлича аниқланади.

Танланма ўртача миқдорнинг (\bar{x}) ўртача квадратик хатоси (μ_x) танлаш усуллари ва шаклларига қараб қуидагича хисобланади.:

Тарт иб рақа ми	Танлаш усуллари ва уларнинг кўринишлари	Танлаши схемалари		$\mu_x = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}}$	$\mu_x = \sqrt{\frac{\sigma^2(N-n)}{N-1}}$ *	7.3
		Такроланувчи	Такрорланмайдига н			
1	Якка тартибда тасодифий танлаш	$\mu_x = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}}$	$\mu_x = \sqrt{\frac{\sigma^2(N-n)}{N-1}}$ *			

2	Якка тартибда механик танлаш		$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}} \left(\frac{N-n}{N-1} \right) *$	7.4
3	Гурухлаб (типларга ажратиб) якка тартибда тасодифий танлаш	$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}}$	$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}} \left(\frac{N-n}{N-1} \right) *$	7.5
4	Гурухлаб ипларга ажратиб якка тартибда механик танлаш		$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}} \left(\frac{N-n}{N-1} \right) *$	7.6
5	Сериялаб тасодифий танлаш	$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma^2}{s}}$	$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma_{\bar{x}}^2}{s}} \left(1 - \frac{s-1}{S-1} \right)$	7.7
6	Сериялаб механик танлаш		$\mu_{\bar{x}} = \sqrt{\frac{\sigma_{\bar{x}}^2}{s}} \left(1 - \frac{s-1}{S-1} \right)$	7.8

Формулаларда фойдаланилган белгилар:

N, n - бош ва танланма тўплам бирликларининг сони;

S, s - бош ва танланма тўпламдаги сериялар сони;

σ^2 - танланма дисперсия;

σ^2 - ўртача ички гурухий дисперсия;

$\sigma_{\bar{x}_i}^2$ - гурухлараро (сериялараро) дисперсия.

Танланма – бу тўпламдан сайлаб олинган маълум бирликлар сони бўлиб, унинг ҳар бири мазкур тўпламнинг унсуридир. Мустасно ҳол сифатида танланма бутун тўпламни ўз ичига олиши мумкин. Тажриба ва хис-туйгуларга асосланган умумий имон комилигига биноан, танланма доимо бошлангич тўплам ҳакида бирор нарса англатади.

Ўрганиладиган тўпламдан етарли миқдорда бирликлар махсус йўллар билан танланиб, улар устида ўтказилган кузатиш маълумотлари асосида

бошлангич тўплам ҳақида қониқарли ахборот олиш имконини берадиган усул танланма текшириш деб аталади.

Танланма текшириш назариясининг бошқа вазифаси бош тўплам кўрсаткичларини баҳолаш натижаларини ишончлилик даражасини иложи борича объектив ҳолда аниқлашдан иборат.

Танланмалар кичик ҳажмда бўлганда, уларни текшириш натижаларига асосланиб бошлангич тўпламда белгининг чин қиймати ётадиган тор чегараларни аниқлаш жуда қийин. Бу ҳолда текшириш вазифаси бошлангич тўпламдаги корреляция меъёрини белгилаш эмас, балки меёри қандай бўлишидан қатъий назар, тўпламда корреляция мавжудлиги аниқми, бошқача айтганда, танламада кузатилган корреляция муҳимми деган масалани ойдинлаштиришдан иборат.

Шунинг учун кичик танланмаларга багишланган кўпчилик текширишлар ўзига хос хусусиятга эга. Уларда статистик кўрсаткичларнинг аниқлигини баҳолаш, уларнинг муҳимлигини аниқлаш асосий мақсад деб қаралади. Бундай баҳолашлар учун ишлаб чиқилган усуllар катта танламаларда ҳам қўлланиши мумкин ва ҳақиқатда тез-тез қўлланади.

Танланма ўртacha миқдор хатосининг чегарасига (Δ_x) асосланиб, тасодифий танлаш усули учун танланманинг зарурий миқдори қуйидагича аниқланади:

Танлаш тақрорланувчи схемада ўтказилса,

$$t \sqrt{\frac{\sigma^2}{n}} \leq \Delta_{\bar{x}},$$

бундан

$$n \geq \frac{t^2 \sigma^2}{\Delta_{\bar{x}}^2}$$

Бу тенгизликтан кўринадики, танланманинг миқдори камидан

$$n = \frac{t^2 \sigma^2}{\Delta_x^2}$$

бўлиши керак экан.

Танлаш тақрорланмайдиган схемада ўтказилса,

$$n = \frac{t^2 \sigma^2 N}{\Delta_{\bar{x}}^2 N + t^2 \sigma^2}$$

Салмоқнинг хатосига (Δ_p) асосланиб, якка тартибда тасодифий танлаш усули учун танланманинг зарурий миқдори қуйидагича аниқланади:

$$n = \frac{t^2 \omega(1-\omega)}{\Delta_p^2} \quad (\text{тақрорланувчи})$$

ва

$$n = \frac{t^2 \omega(1-\omega)N}{\Delta_p^2 N + t^2 \omega(1-\omega)} \quad (\text{тақрорланмайдиган})$$

Маркетинг тадқиқотларида танлама тўплам

Маркетинг тадқиқотлари муваффакияти кўп жиҳатдан танлама тўпламни самарали ташкил қилишга боғлиқ бўлади: бир томондан, унинг ишончлилиги, репрезентативлиги, бошқа томондан – тадқиқотнинг оптималь қиймати муҳим аҳамият касб этади.

Маркетинг тадқиқотларида ахборот репрезентативлигини таъминлаш технологияси

Маркетинг тадқиқотлари давомида тўпланадиган ахборот репрезентативлиги, унинг барқарор ва асосланган эканлиги билан бир қаторда, маркетингда фойдаланиладиган бирламчи ахборот ишончлилигининг асосий мезонларидан бири саналади. Ушбу муммонинг моҳияти шунга бориб тақаладики, масалан, 300-500 киши ўртасида ўтказилган сўров давомида олинган ахборот бутун массивга, яъни бутун шахар ахолисига экстраполяция қилиниши мумкин.

Репрезентативлик муаммосини муҳокама қилишдан олдин ахборот тўплашнинг турли усууларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган маркетинг тадқиқотлари учта катта гурухга тақсимланишини айтиб ўтиш лозим:

- *умумий (яхлит) тадқиқотлар*, бу тадқиқотлар давомида тадқиқ этиладиганлар сони ўрганилаётган бош тўпламнинг барча объектлари сонига тенг бўлади ва репрезентативлик муаммоси юзага келмайди;

- *локал (монографик) тадқиқотлар*, бу тадқиқотлар давомида тадқиқ этилаётган умумий бош тўпламга кирадиган соҳалар ёки алоҳида элементлар ўрганилади;

- *танлама тадқиқотлар*, бу тадқиқотлар давомида тадқиқ этиладиган бош тўплам бу – доимо асосий бош тўпламнинг маълум бир (катта ёки кичик) қисми ҳисобланади.

Бундай танлама тадқиқотлар – социология тадқиқотлари ва маркетинг тадқиқотларида энг кўп учрайдиган турдир; айнан танлама тадқиқотлар эмпирик тадқиқотларнинг моҳиятини ташкил қиласи деб айтиш мумкин, чунки улар минтақадаги, бутун жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни ўрганишга тамомила бошқача ёндашиб имконини беради.

9.5. Маркетинг тадқиқотларида танлама тўпламлар турлари

Статистика, социология ва маркетингда танлама тўплам тушунчаси икки хил маънода кўриб чиқиласи. Биринчидан, бу ўрганилиши лозим бўлган бош тўплам элементлари. Иккинчидан, танлама тўплам бу – репрезентативликни таъминлаш зарурий шартидан танлама йиғиндини шакллантириш жараёни (мос равишда: усуулар, таомиллар).

Маркетинг тадқиқотларига алоқадор маҳсус адабиётларда танлашнинг турли хиллари ажратиб кўрсатилади: оддий тасодифий танлов; тизими танлов; кластерли танлов; стратификацияланган танлов; кулайлик тамойили асосида танлов; квоталар асосида танлов; пропорционал танлов ва бошқалар. Бирок,

агар танлама тўплам бирликларини бош тўпламдан танлаб олиш ёндашувининг асосий тамойилларидан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг сони учтани ташкил қиласи (юқорида айтиб ўтилган қолган турлар – учта асосий ёндашувининг хилма-хил вариантыларидир).

- *табиий танлов*, яъни бош тўплам бирликларини танлама тўплам бирликларига «кўнгиллилик» тамойили бўйича танлаб олиш. У жуда кўп, одатда почта ва матбуот орқали сўровларда фойдаланилади. Асосий камчилиги – бош тўпламни сифатли репрезентация қилиш имкони йўқлигидир. Лекин шунга қарамай, табиий танлов унинг тежамкорлиги, «таъмирлаш» имконияти (яъни талаб қилинган ҳажм ва элементларга мувофиқ қўшимча киритиш ёки чиқариб ташлаш имконияти) ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади.

- *эҳтимолий (тасодифий) танлов* – социологик тадқиқотлар ва маркетинг тадқиқотларида фойдаланиладиган асосий ёндашувлардан бири. Бундай танловнинг асосий тамойили – бош тўпламнинг ҳар битта бирлигига танлама тўпламга тушиш имкониятини таъминлашдир. Бу мақсадда тасодифий рақамлар жадваллари, лотереяли танлов, механик танловдан фойдаланилади.

- *квотали (стратификацияланган) танлов*, унинг асосида бош тўпламнинг сифатли моделини тузиш, ундан кейин эса – мавжуд моделдан келиб чиқкан ҳолда кузатув бирликларини танлама йиғиндига танлаб олиш ётади.

Танлама тўпламлар турлари бўйича бир погонали (бош тўпламдан танлама тўпламга мос келувчи тамойилдан фойдаланган ҳолда оддий танлов); серияли (танлов бирликлари сифатида сериялар – оила, синф, бригадалар иштирок этади); кўп погонали (танлов бир неча босқичда бўлиб ўтади: дастлаб, масалан, шаҳардаги корхоналар, улардаги цехлар, цехлардаги респондентлар танлаб олинади) турлар ажратиб кўрсатилади.

Танлама тўплам ҳажми ва хатоликлари

Маркетолог олдида турадиган асосий муаммо бу – тадқиқот давомида олинган ахборотга ишониш ёки ишонмаслик бўлиб, у куйидаги кўринишга эга бўлади: олинган ахборот ҳақиқатда репрезентативлив бўлиши учун ушбу

тадқиқот доирасида неча киши сўровда иштирок этиши лозим. Афсуски, ҳар қандай вазиятда танлама йигинди оптималь ҳажмини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлган умумий бир формула мавжуд эмас. Гап шундаки, танлама йигинди ҳажмини аниқлаш статистик муаммодан кўра кўпроқ мазмунга оид (социологик ёки маркетинг) муаммо ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, танлама йигинди ҳажмини аниқлаш тадқиқот ўтказиш билан боғлиқ бўлган кўплаб омилларга: унинг мақсадлари, мазмуни, усууллари ва биринчи навбатда, куйидагиларга боғлиқ:

- тадқиқотда фойдаланиладиган услубиятлар бирламчи ахборот тўплаш услубиятлари;
- бош тўпламнинг бир хилда тузилганлик даражаси;
- тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари;
- олинадиган ахборотнинг талаб қилинган аниқлик даражаси.

Айтиб ўтилган омилларнинг биринчисига келадиган бўлсак, унинг танлама тўплам ҳажмига таъсири якъол кўриниб туради: усул қанчалик аниқ ва ишончли бўлса, танлама йигинди ҳажми шунчалик кичик бўлади.

Танлама тўплам ҳажмига шунингдек, тадқиқотнинг муайян вазифалари ҳам таъсири кўрсатади. Масалан, биз шаҳар аҳолисининг истеъмол хулк-авторини тадқиқ этишни истаймиз. Тошкент шаҳри аҳолисини учта квотали белги – туман, ёш ва жинс бўйича таксимлашни ифодалайдиган бош тўплам структурасини олайлик.

Кўриниб турибдики, агар тадқиқотда бутун шаҳар аҳолисининг фикрини ўрганиш масаласи кўйиладиган бўлса – бу бир вазият; агар ёш гурухлари бўйича ўрганиш бўлса – бошқа вазият (бу ерда биз 3 та гурухга эга бўламиз); агар ёш ва жинс гурухлари бўйича ўрганиш керак бўлса – бу учинчи вазият (бу ерда биз олтига гурухга эга бўламиз); ва ниҳоят, агар тадқиқотда бизни жинс, ёш гурухлари ва шаҳар туманлари бўйича ахборот таксимланиши кизиктирадиган бўлса (масалан, биз Чилонзор туманида яшайдиган ёш аёлларнинг у ёки бу товарлар харидига муносабатини аниқлашни истаймиз), бу ерда тўртинчи вазият кузатилади (72 та гурух). Аниқки, о хирги ҳолатда

репрезентатив ахборот олиш учун бу етмиш иккита гурух камида 25-30 кишидан иборат бўлиши лозим. Мос равиша, бу ерда танлама йигинди минимал ҳажми 1800-2160 киши доирасида бўлади.

Ва ниҳоят, танлама йигинди ҳажмига таъсири этадиган яна бир омил бу – олинадиган ахборотнинг талаб қилинган аниқлик даражасидир. Бозорнинг фаолият кўрсатиш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мухим. Албатта, аниқроқ ахборотга эга бўлиш лозим, лекин бунда шуни эътиборга олиш керакки, аниқликнинг хар 1 фоизга ортиши тадқиқот кескин ўсишига олиб келади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида машҳур тадқиқотчи Дж.Гэллап ва унинг институти (Америка жамоатчилик фикри институти) аниқлашича, умуммамлакат миқёсида 100 кишидан иборат танлама тўпламда хатолик $\pm 11\%$; 200 кишида $\pm 8\%$; 400 кишида $\pm 6\%$; 600 кишида $\pm 5\%$; 750 кишида $\pm 4\%$; 1000 кишида $\pm 4\%$; 1500 кишида $\pm 3\%$; 5000 кишида $\pm 2,5\%$ атрофида бўлади. Айнан шу сабабли Гэллап институти умуммиллий сўровларни, қоидага кўра, АҚШда тадқиқот вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда 1500-5000 кишидан иборат танлама тўплам орасида ўтказади. Кўриб турганимиздек, у тадқиқот кийматининг бир неча марта ортишидан хатоликнинг 1% ортишини афзал кўради.

Маркетинг тадқиқоти ўтказиш ва унинг танлама тўпламини лойиҳалаштиришда юзага келадиган энг мухим ва мураккаб масалалардан бири куйидагича: танлама тўплам хатолигини аниқлаш, яъни олинган маълумотларга ишониш мумкин бўлган доира чегараларини аниқлаш мумкинми. Тушунарлики, бу ерда танлама тўплам тури, бош тўплам элементларини танлаб олишга ёндашув билан боғлиқ тафовутлар мавжуд. Агар гап квотали танлов ҳакида борадиган бўлса, бу ерда хатолик ҳакида гапиришга ҳожат қолмайди: ахир квоталарни шакллантиришда бу квоталар чегаралари бош тўпламнинг асосий гурухлар бўйича белгиланади. Шу билан бир пайтда, бундай тадқиқотлар ўтказища статистик хатолик эҳтимоли мавжуд бўлиб, 5000 кишидан ортиқ танлама тўпламида у куйидаги формула бўйича аниқланади:

бу ерда n – танланма йигинди ҳажми;

D – танлама түплам энг сўнгги хатолиги.

Агар шаҳарда 840 кишидан иборат бўлган танлама түплам оладиган бўлсақ, статистик хатолик $\pm 3,5\%$ атрофида бўлади.

Агар гап эҳтимолий (тасодифий) танлама түплам ҳақида борадиган бўлса, бу ерда танлама түплам хатолигини аниқлаш учун бош түпламнинг энг муҳим тавсифномалари борасида маълумотларга эга бўлиш лозим (уларни танлама түпламдаги худди шундай маълумотлар билан таққослаш учун). Афсуски, бунинг имкони доим ҳам бўлавермайди, чунки танлама тадқиқотнинг ўзи ҳам кўпинча олинган натижаларни кейинчалик бош түпламга экстраполяция қилиш учун амалга оширилади.

Агар тадқиқотчи тасарруфда бош түпламнинг энг муҳим кўрсаткичлари мавжуд бўлса (мисол учун, аҳолини жинси, ёши, маълумоти, минтақалар бўйича тақсимланиши), айрим олимларнинг ҳисоблашича, нафакат танлама түплам хатолигини аниқлаш, балки агар қатор белгилар бўйича хатоликлар йўл кўйиш мумкин бўлган хатоликдан катта бўлмаса, унинг ҳажмини олдиндан ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлади. Бу вазиятда кўлланадиган формула куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$n = t^2 d^2 N / (N D^2 + t^2 d^2),$$

бу ерда n – танлама йигинди ҳажми;

N – бош түплам ҳажми;

t – меъёраштирилган четланиш коэффициенти;

D – йўл кўйиш мумкин бўлган хатолик (одатда социологик ва маркетинг тадқиқотларида $\pm 5\%$);

D – бош түпламда репрезентативлик у бўйича ҳисоблаб чиқиладиган дисперсия киймати.

Танлама түплам миқдорини ҳисоб-китоб қилиш ва танлама түплам хатолигини ҳисоблаб чиқиш муаммолари маҳсус социологик адабиётларда батафсил кўриб чиқилади.

Танлама түплам ҳажмини аниқлаш масаласи амалиётда тадқиқот натижаларининг аниқлиги ҳақида тахмин ва уларни амалга ошириш имкониятлари ўртасида муросали ҳисобланади.

Танланма кузатиш маълумотлари бош түпламга қуйидаги икки усул орқали тарқатилади.

1. кайта ҳисоблаш усули. Фараз қиласилик, танланма кузатиш ўтказилиб бирор белгининг ўргатча миқдори (\bar{x}) ва салмоғи (P) учун ишонч ораликлари аниқланган:

$$\bar{x} - \Delta_x \leq \tilde{x} \leq \bar{x} + \Delta_x$$

ва

$$\omega - \Delta_p \leq P \leq \omega + \Delta_p.$$

Тенгизликлар бош түплам миқдорига (N) кўпайтирилса, белги кийматларининг (x) йигиндиси ($\bar{x}N$) ва ўрганилаётган белгига эга бўлган бирликларнинг миқдори (PN) учун ишонч ораликлари

$$\bar{x}N - \Delta_x N \leq \tilde{x}N \leq \bar{x}N + \Delta_x N$$

ва

$$\omega N - \Delta_p N \leq PN \leq \omega N + \Delta_p N$$

хосил бўлади.

Бу миқдорларнинг хатолари $P(t)$ эҳтимол билан мос равища $\Delta_x N$ ва $\Delta_p N$ дан ошмайди.

2. Коэффициентлар усули. Баъзи ҳолларда ёппасига кузатиш маълумотлари танланма кузатиш методи билан текшириб кўрилади ва унга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Амалиётда танлама түплам ҳажмини аниқлаш борасида бир нечта ёндашувдан фойдаланилади. Куйида уларнинг энг оддийларига эътибор

қаратамиз. Уларнинг биринчиси ихтиёрий ёндашув деб аталади ва у «бош бармоқ қоидаси»ни қўллага асосланади.

Масалан, аниқ натижалар олиш учун танлама тўплам бош тўпламнинг 5%ини ташкил этиши лозимлиги далил-исботсиз қабул қилинади. Мазкур ёндашув оддий ва ижро этиши учун очик бўлсада, лекин аниқ натижалар олишга имкон бермайди. Унинг афзалиги арzonлик, харажатларнинг нисбатан пастлиги хисобланади. Кейинги ёндашувга мувофиқ танлама тўплам ҳажми олдиндан келишиб олинган шартлар бўйича белгиланиши мумкин. масалан, маркетинг тадқиқотига буортма берувчи жамоатчилик фикрини ўрганишда танлама тўплам одатда 1000-1200 кишидан иборат бўлишини билади, шу сабабли у тадқиқотчига ушбу рақамга амал қилишни тавсия этади.

Учинчи ёндашув шуни англатадики, айрим ҳолатларда танлама тўплам ҳажмини аниқлашда асосий далил сўров ўтказиш қиймати бўлиши мумкин. Гарчи бунда олинадиган ахборот қиммати хисобга олинмасада.

Тўртинчи ёндашувда танлама тўплам ҳажми статистик таҳлил асосида аниқланади. Ушбу ёндашув олинадиган натижалар ишончлилигига қўйиладиган талабларни хисобга олган ҳолда танлама тўплам минимал ҳажмини аниқлашни кўзда тутади.

Бешинчи ёндашув назарий жиҳатдан энг асосланган ва танлама тўплам ҳажмини аниқлашда тўғри ёндашув хисобланади. У ишонч оралигини хисобкитоб қилишга асосланади.

Ишонч оралиғи бу – унинг четки нуқталари бирон-бир саволга маълум бир жавоблар фоизини тавсифлайдиган диапазондир. Ушбу тушунча «бош тўпламда олинадиган белгининг ўртacha квадратик четланиши» тушунчasi билан чамбарчас боғлиқ. У қанчалик катта бўлса, масалан, жавобларнинг 9,5%ини ўз ичига олиш учун ишонч оралиғи шунчалик кенг бўлиши лозим.

Нормал тақсимот эгри чизиги хоссаларидан келиб чиқадики, 9,5%га teng бўлган ишонч оралигининг якуний нуқталари 1,96 (меъёрлаштирилган четланиш) ва ўртacha квадратик четланиш кўпайтмаси сифатида аниқланади.

1,96 ва 2,58 рақамлар (99% ишонч оралиғи учун) з сифатида белгиланади.

«Эҳтимоллилик интеграли қиймати» жадваллари мавжуд бўлиб, улар турли ишонч оралиқлари учун з ҳажмини аниқлашга имкон беради. 95% ёки 99% га teng бўлган ишонч оралиғи маркетинг тадқиқотлари ўтказишжа стандарт хисобланади.

Масалан, автомобиль сохибларининг бир йил давомида сервис устахонларига ташрифлар сони борасида тадқиқот ўтказилган. Ташрифлар ўртacha сони учун ишонч оралиғи 99% ишонч оралиғида 5-7 та ташрифга teng деб хисобланган. Бу эса агар танлама тадқиқотларни 100 марта мустақил амалга ошириш имконияти пайдо бўлса, 99 та танлама тадқиқот учун ташрифлар сони ўртacha қиймати 5 дан 7 гача бўлишини англатади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, автомобиль сохибларининг 99%и ишонч оралиғига тушади.

Фараз қилайлик, 50 та мустақил танлама тўплам тадқиқ этилди. Бу танлама тўпламлар учун ўртacha баҳолар танлама тақсимот деб аталадиган тақсимот нормал эгри чизигини ташкил қиласди.

Бош тўплам бўйича ўртacha баҳо тақсимот эгри чизигининг ўртacha баҳосига teng бўлади. «Танлама тақсимот» тушунчasi шунингдек, V танлама тўпламни аниқлаш асосида ётадиган назарий концепция базавий тушунчалари сифатида кўриб чиқлади.

Табиийки, биронта компания 10, 20, 50 та мустақил танлама тўплам шакллантира олмайди. Одатда факат битта танлама тўплам фойдаланилади.

Қисқа хуласалар

Мазкур бобда танлама тўплам миқдорини аниқлашга бир нечта амалий ёндашув тақдим этилади. Улар гурух миқдорини аниқлаш бўйича асосли қарор қабул қилишга имкон беради ва кўпинча маркетинг тадқиқотлари ўтказишда фойдаланилади. Бироқ гурух миқдорини аниқлашга расмий – статистика назариясидан фойдаланган ҳолдаги ёндашув ҳам мавжуд.

Мазкур ёндашувни тушуниш бир нечта сабабга кўра фойдали хисобланади. Биринчидан, айрим ҳолатларда у гурух миқдори бўйича аниқроқ қарор қабул қилишга имкон беради. Иккинчидан, бевосита назариядан фойдаланиш қийин бўлсада, у кўпинча бундай қарорлар қабул қилишга ёрдам 243

беради. Бундан ташқари, мазкур бобда танлама гурух билан боғлиқ бўлган, жараённи энг яхши тушунишга хизмат қиласиган айрим муҳим концепция ва атамалар киритилади.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва унда маълумотларни миқдорий ва сифат жиҳатидан саралашда албатта, статистика назариясидан фойдаланимиз. Чунки статистик миқдорий ҳисоб – китобларгина орқали маълумотимиз тўлиқ ва аниқ жавобини изланувчи учун тақдим этади.

Бугунги кунда тадқиқотларнинг олдига шундай муаммолар қўядики, бу муаммолар ечимини топиш учун ва максадга эришишимиз учун бир неча вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўяди. Улар куйидагилардир:

- танлама тўпламнинг зарурий миқдорини аниқлашнинг айрим усуllibарини муҳокама қилиш;
- танлама статистика ва бош тўплами тавсифномалари концепциясини тақдим этиш;
- ишонч оралиги ва оралиқли баҳолаш нима эканлигини билиб олиш;
- оддий тасодифий танлама тўплам миқдори қандай аниқланишини кўрсатиш;
- стратифиқация қилинган ва кўп погонали танлама гурух миқдори қандай хисобланишини кўрсатишдан иборат.

Маркетинг тадқиқотлари давомида кўпинча танлама тўплам миқдорини аниқлаш масала юзага келади. Уни билмаган ҳолда сўровни режалаштириш ва ўтказишнинг ҳам имкони бўлмайди. Танлама тўплам миқдорини аниқлашнинг ечими тадқиқот қиймати билан боғлиқ, шу сабабли у асосланган бўлиши лозим.

Умуман олганда, маркетинг тадқиқотларида танлаш нима учун зарур? Ушбу саволнинг жавоби оддий, аммо амалга ошириш механизми бирор эътиборни талаб қиласиган жараёндир. Бунга маълум товардан қанча, каерда ва кай вақтда сотиш кераклигини аниқлаши лозим бўлади. Бунда жуда кўп дўйонлар, тадбиркорлар иштирок этиши мумкин. Агар тўғри ва аниқ хулоса чиқариш учун ушбу тўпламга кирадиган барча субъектлар ўрганилса яхши бўлган бўларди. Аммо уларнинг кўпчилиги учун буни амалга оширишнинг

имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда умумий хулоса қилиш учун уларнинг бир қисмини танлаб олинади. Бу танланган тўпламни танлаб кузатиш дейилади.

Статистик кузатии деганда, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар хақидаги далилларни режали, илмий, уюштирилган ҳолда тўплаш асосида маълумотлар базасини шакллантириш жараёни тушунилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, иқтисодий тахлилда маълумотлар асосан расмий хисоботлардан олинади ва ҳисоб ҳамда хисобот маълумотларига таянади. Статистик тахлилда кўп ҳолларда маълумотлар хисобот маълумотлари билан бирга тайёр ҳолда учрамайдиган маълумотларни ҳам турли усуллар билан шакллантиради.

Таянч иборалар: танланма тўплам, танланма статистика, стратифиқация, статистик кузатиш, тасодифий танлаш, механик танлаш, типик танлаш, ишонч коэффицентининг, тақрорланувчи танлаш, тақрорланмайдиган танлаш, Комбинациялашган танлаш, зарурий миқдорини, эмпирик қоидалар, бюджет чекловлари, эҳтимолий (тасодифий) танлов, квотали (стратифиқацияланган танлов)

Назорат учун саволлар

1. Нима учун танланма статистикадан фойдаланамиз?
2. Статистик кузатиш деганда нимани тушунасиз?
3. Тўпламдан зарурий миқдордаги бирликларни маҳсус усуллар билан ечиш нима учун керак ва уларни нима учун бош тўпламга тарқатилади?
4. Танланма кузатиш қандай мақсадларда қўлланилади?
5. Локал тадқиқотлар гуруҳига нималар киради?
6. Тасодифий танловни шакллантириш хусусияти нимада?
7. Танлаш қўлламини аниқлаш усулларини айтиб беринг.
8. Ялпи тавсифлар ва танловли статистика концепциясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Ишончли оралиқ ва оралиқни баҳолаш ўртасидаги фарқ нимада?
10. Стратифиқацияланган ва кўп босқичли танлов миқдори қандай хисобланади?

10-боб. ВАРИАЦИЯ ҚАТОРИ, БЕЛГИЛАРНИНГ БОГЛАНГАНЛИК ЖАДВАЛЛАРИ ВА ГИПОТЕЗАЛАРНИ ТЕКШИРИШ

10.1-жадвал

10.1. Вариация қаторининг моҳияти

Ўртача миқдор бир-биридан тафовутда бўлган алоҳида миқдорларни умумлаштириб тавсифласа-да, лекин ўзига нисбатан алоҳида миқдорларнинг қанчалик тафовутда эканлигини, у тафовутнинг қанчалик катта-кичиликлигини ифодалай олмайди. Ваҳоланки, ўртачанинг реал қийматга эга бўлиши бевосита алоҳида миқдорлар ўртасидаги тафовутга боғлиқ.

Агар алоҳида миқдорлар ўртасидаги тафовут (ўзгарувчанлик) қанча кичик бўлса, улар асосида ҳисобланган ўртача шунча реал бўлади ва аксинча, улар ўртасидаги тафовут қанча катта бўлса, улар асосида ҳисобланган ўртача шунча ишончсизроқ, ҳақиқатдан узокроқ бўлади.

Масалан, ўртача миқдор 30 сони 1 сонга 59 сонини қўшиб, натижани иккига бўлиш натижасида олиниши мумкин. Равшанки, бу ўртача типик ва реал ўртача бўла олмайди, чунки 1 билан 29 ўртасидаги тафовут жуда ҳам катта. Шу ўртача, яъни 30 сони 29 сонига 31 сонини қўшиб, уни иккига бўлиш натижасида ҳам олиниши мумкин. Албатта, бу ўртача олдингига нисбатан ҳақиқатга яқинроқ, чунки у алоҳида миқдорга якин.

Демак, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишда фақатгина умумлаштирувчи кўрсаткич - ўртача миқдорни ҳисоблаш билан чекланмасдан, балки шу ўртачадан алоҳида миқдорларнинг қанчалик тафовутда эканини ҳам таҳлил қилиш лозим. Ушбу тафовутларни ўрганишда статистик усулидан бири вариациядан фойдаланамиз.

Статистикада вариация дейилганда тўплам бирликлари ўртасидаги тафовут (фарқланиш), ўзгарувчанлик тушунилади.

Статистикада вариация қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида таърифланади (10.1-жадвал).

Вариация кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Символ	Ҳисоблаш тартиби	
		оддий қаторларда	вазни қаторларда
1.Вариацион кенглик	R		$R = X_{max} - X_{min}$
2.Ўртача мутлак тафовут	\bar{d}		
3.Ўртача квадрат тафовут (дисперсия)	σ^2		
4.Ўртача квадратик тафовут	σ		
5.Вариация коэффициенти	v		

Вариацион кенглик (R) дейилганда белгининг энг катта ва энг кичик даражалари ўртасидаги фарқ тушунилади. 10.1-жадвалда келтирилган формулада:

X_{max} – белгининг энг катта даражаси;

X_{min} – белгининг энг кичик даражасидир.

Бу кўрсаткич ранжирланган қаторнинг иккита четки ҳадларига асосланганлиги сабабли айрим холларда ўзгарувчанликни нотўғри таърифлаши мумкин. Бундай холат, одатда, четки ҳадлар тасодифий бўлган тақдирда содир бўлади. Бу кўрсаткичдан қаторнинг ҳадлари бир-биридан унчалик катта миқдорда фарқ қилмайдиган шароитларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўртача мутлак тафовут (d) алоҳида миқдорлар билан уларнинг ўртача миқдори ўртасидаги фаркларнинг тўпламдаги бирликлар сони йигиндисига бўлган нисбат натижасидир. 10.1-жадвалда келтирилган формулада:

x – вариацион қаторнинг алоҳида миқдорлари,

\bar{x} – уларнинг ўртача миқдори;

f – ҳадлар сони (вазни);

Σf – ҳадлар йигиндисидир.

Юқорида күриб чиқилганидек, ўртача арифметик миқдорнинг математик хусусиятларидан бири шунда эдики, алохиди миқдорлар билан уларнинг ўртасидаги фарқ йигиндиси нолга teng. Шунинг учун ҳам ўртача мутлак тафовутни ҳисоблашда фарқлар ишорасига эътибор берилмайди, улар қавс ичига олинмасдан тўғри чизик ичига олинади. Натижада умумий олинган йигинди иқтисодий, реал маънога эга бўлмайди, шу сабабли статистика амалиётида бу кўрсаткич деярли қўлланилмайди. Унинг ўрнига дисперсия, яъни ўртача квадрат тафовут ишлатилади.

Дисперсия (σ^2) алохиди миқдорлар билан уларнинг ўртача миқдори ўртасидаги фарқлар квадратининг тўпламдаги бирликлар сони йигиндисига бўлган нисбат натижасидир. 10.1-жадвалда келтирилган формулада ва алохиди миқдорлар билан уларнинг ўртача миқдори ўртасидаги тафовутнинг вазнига бўлган кўпайтмасидир.

Бу кўрсаткични ҳисоблашда ҳам айрим шартли моментларга йўл қўйилади. Жумладан, $(x - \bar{x})$ ўртасидаги тафовут квадратга кўтарилади. Бу билан биз, бир томондан, мусбат ишорали тафовутга эга бўлиб, ўртача мутлак тафовутни ҳисоблашдаги камчиликни бартараф килсан, иккинчи томондан, вариация (ўзгарувчанлик) даражасини икки баравар катталаштирамиз, чунки тафовутлар (фарқлар) квадратга кўтарилади, сўнгра ўртача ҳисобланади.

Агар дисперсияни квадрат илдиздан чиқарсан, у ҳолда ўзгарувчанликнинг ҳақиқий даражаси келиб чиқади. Бу кўрсаткич ўртача квадратик тафовут деб аталади (σ).

Шуни қайд қилиш лозимки, ўрганилаётган ҳодиса қандай бирликларда (мутлак миқдордами, пулдами, натура ёки шартли натурадами) ифодаланган бўлса, ўртача квадратик тафовут ҳам шундай бирликларда ифодаланади. Бу эса турли хилдаги ҳодисалар ўзгарувчанлигини қиёсий таҳлил қилишга имкон бермайди. Масалан, жами чакана товар обороти учун ўртача квадратик тафовут сўм ва реализация қилинган нон учун эса бу тафовут 10 кг бўлса, бундай ҳолда вариацияни қиёсий таҳлил қилиш мумкин эмас. Чунки тафовутлар турли ўлчов

бирликларида келтирилган. Мана шу сабабли ўзгарувчанликни қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадида вариация коэффициенти ҳисобланади.

Вариация коэффициенти (v) ўртача квадратик тафовутнинг (σ) ўртача миқдорга (\bar{x}) бўлган нисбат натижасига teng. Бу коэффициент қиймати, агар у фоизда ифодаланган бўлса, 0 билан 100 орасида ётади. У 0 га қанча яқин турса, ўзгарувчанлик шунча кучсиз ва қанча 100 га якинлашса, шунчалик ўзгарувчанликнинг кучлилигидан далолат беради.

Вариация коэффициентини фоизда ифодалаш ёрдамида турлича ифодаланган ўртача квадратик тафовутлар бир хил асосга келтирилади ва шу туфайли турлича ҳодисалар ўзгарувчанлиги қиёсий таҳлил қилинади.

Қуйидаги оддий қаторлар мисолида вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз (10.2-жадвал).

10.2 – жадвал

Вариация кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби

Ишчилар сони	Кундалик иш ҳаки, сўм (\bar{x})		Алохиди кундалик иш ҳакининг ўртача иш ҳакидан фарқи ($x - \bar{x}$)		$x - \bar{x}$ нинг мутлак миқдори ($ x - \bar{x} $)		$(x - \bar{x})^2$ нинг квадрати ($(x - \bar{x})^2$)	
	1-бр	2-бр	1-бр	2-бр	1-бр	2-бр	1-бр	2-бр
1	1750	1650	-90	-190	90	190	8100	36100
2	1900	2220	+60	+380	60	380	3600	144400
3	1780	1840	-60	0	60	0	3600	0
4	1820	1700	-20	-140	20	140	400	19600
5	1930	2050	+90	+210	90	210	8100	14400
6	1860	1850	+20	-260	20	260	400	57600
ўртача	$\bar{X}_1 = 1840$	$\bar{X}_2 = 1840$	0	0	+340	+1180	24200	311800

Дастлаб вариацион кенглик аниқланади:

$$R_{sp1} = X_{max} - X_{min} = 1930 - 1750 = 180 \text{ сўм};$$

$$R_{sp2} = X_{max} - X_{min} = 2220 - 1580 = 640 \text{ сўм}.$$

Берилган қатор асосида ўртача арифметик миқдор ҳисобланади:

10.2. Частоталарни тақсимлаш билан боғлиқ статистика

Кўплаб маркетинг тадқиқотлари маълумотлар базавий таҳлили доирасидан четга чиқмайди. Тадқиқот якунлари бўйича олинган натижалар кўпинча жадвал ва графиклар ёрдамида акс эттирилади.

Маълумотлар базавий таҳлили ўз-ўзидан қимматли бўлиб, бундан ташкири, кейинги кўп ўлчамли таҳлил йўналишини кўрсатади. Ўқувчи статистика усуllibарига хос бўлган ҳусусиятларни яхши тушуниши учун кросс-табуляция, X^2 -квадрат мезони ва гипотезаларни текширишнинг қўлланишига мисоллар келтириб ўтамиз.

Универсал магазинга тааллуқли мисол маълумотлар базавий таҳлилиниң ундан кўп ўлчамли таҳлилнинг бошка усуllibарни билан уйгунликда фойдаланишдаги ролини кўрсатади, колган икки мисол эса бу таҳлил ўз-ўзидан ҳам фойдали эканлигини кўрсатади. Телевизион реклама билан боғлиқ мисолда кросс-табуляция ва X^2 -квадрат мезонидан фойдаланиш ва товарларни каталог бўйича сотиш билан боғлиқ мисолдаги жуфт 1-мезондан фойдаланиш маркетологларга муаян хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ушбу бобда фойдаланиладиган статистик тушунчалар респондентларнинг интернетдан шахсий (касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган) мақсадларда фойдаланишини кўрсатадиган мисол ёрдамида акс эттирилган. 10.3-жадвал 30 та респондент ҳақида маълумотдан иборат бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади: жинси (1-эркаклар, 2-аёллар), интернет билан танишлик даражаси (1-деярли нотаниш, 7-яхши таниш), интернетдан фойдаланиш (ҳафтасига соатда), Internet ва Internet-технологияларга муносабат (етти балли шкалада ўлчанади: 1-маъқул топмайдиган, 7-хайрихох), интернетдан товарлар харид қилиш ёки банк операциялари учун фойдаланиш (1-ха, 2-йўқ). Таҳлилнинг дастлабки босқичида мисол келувчи ўзгарувчилар вариация қатори ёки қийматлар частотасининг тақсимланиши ўрганилиши лозим.

$$\bar{x}_1 = \frac{\sum x}{f} = \frac{1750+1900+1780+1820+1930+1860}{6} = \frac{11040}{6} = 1840 \text{ сўм;}$$

$$\bar{x}_2 = \frac{\sum x}{f} = \frac{1650+2220+1840+1700+2050+1580}{6} = \frac{11040}{6} = 1840 \text{ сўм.}$$

Алоҳида кундалик иш ҳақлари билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги тафовут аниқланади ва олинган натижалар йигиндиси ишчилар сонига бўлинади:

$$d_1 = \frac{\sum |x - \bar{x}|}{f} = \frac{(1750-1840)+(1900-1840)+(1780-1840)+(1820-1840)}{6} =$$

$$= \frac{(1930-1840)+(1860-1840)}{6} = \frac{340}{6} = 56,7 \text{ сўм;}$$

$$d_2 = \frac{\sum |x - \bar{x}|}{f} = \frac{(1650(\text{марга})-1840)+(2220-1840)+(1840-1840)+$$

$$+(1700-1840)+(2050-1840)+(1580-1840)}{6} = 196,7 \text{ сўм.}$$

$|x - \bar{x}|$ ўртасидаги тафовут квадратга кўтарилади, сўнгра уларнинг йигиндиси ишчилар сонига бўлинади, яъни ўртача квадрат тафовут аниқланади:

$$\sigma_1^2 = \frac{\sum |x - \bar{x}|^2}{f} =$$

$$= \frac{(1750-1840)^2 + (1900-1840)^2 + (1780-1840)^2 + (1820-1840)^2}{6} +$$

$$+ \frac{(1930-1840)^2 + (1860-1840)^2}{6} = \frac{2420}{6} = 403,3$$

$$\sigma_2^2 = \frac{\sum |x - \bar{x}|^2}{f} = \frac{(1650-1840)^2 + (2220-1840)^2 + (1840-1840)^2 +$$

$$+(1700-1840)^2 + (2050-1840)^2 + (1580-1840)^2}{6} = \frac{31180}{6} = 5196,7 \text{ сўм}$$

σ^2 квадрат илдиздан чиқарилиб, ўртача квадратик тафовут аниқланади:

$$\sigma_1 = \sqrt{\sigma_1^2} = \sqrt{403,3} = 20,1 \text{ сўм;}$$

$$\sigma_2 = \sqrt{\sigma_2^2} = \sqrt{5196,7} = 72,1 \text{ сўм.}$$

Нихоят, ўртача квадратик тафовут билан ўртача миқдорнинг нисбати, яъни вариация коэффициенти аниқланади:

$$V_1 = \frac{\sigma_1 \cdot 100}{\bar{x}_1} = \frac{20,1 \cdot 100}{1840} = \frac{2010}{1840} = 1,09\%;$$

$$V_2 = \frac{\sigma_2 \cdot 100}{\bar{x}_2} = \frac{72,1 \cdot 100}{1840} = \frac{7200}{1840} = 3,91\%.$$

10.3-жадвал

Интернетдан фойдаланувчилар ҳақида маълумотлар

Респондент ра қами	Жинси	Internet билиш таниш лик даражаси	Internetдан фойдаланиш даражаси	Internetга муносабати	Internet – технология ларига муносабати	Харид у-н фойда ланиш	Банк операция лари у-н фойда ланиш
1	1.00	7.00	14.00	7.00	6.00	1.00	1.00
2	2.00	2.00	2.00	3.00	3.00	2.00	2.00
3	2.00	3.00	3.00	4.00	3.00	1.00	2.00
4	2.00	3.00	3.00	7.00	5.00	1.00	2.00
5	1.00	7.00	13.00	7.00	7.00	1.00	1.00
6	2.00	4.00	6.00	5.00	4.00	1.00	2.00
7	2.00	2.00	2.00	4.00	5.00	2.00	2.00
8	2.00	3.00	6.00	5.00	4.00	2.00	2.00
9	2.00	3.00	6.00	6.00	4.00	1.00	2.00
10	1.00	9.00	15.00	7.00	6.00	1.00	2.00
11	2.00	4.00	3.00	4.00	3.00	2.00	2.00
12	2.00	5.00	4.00	6.00	4.00	2.00	2.00
13	1.00	6.00	9.00	6.00	5.00	2.00	1.00
14	1.00	6.00	8.00	3.00	2.00	2.00	3.00
15	1.00	6.00	5.00	5.00	4.00	1.00	2.00
16	2.00	4.00	3.00	4.00	3.00	2.00	2.00
17	1.00	6.00	9.00	5.00	3.00	1.00	1.00
18	1.00	4.00	4.00	5.00	4.00	1.00	2.00
19	1.00	7.00	14.00	6.00	6.00	1.00	1.00
20	2.00	6.00	6.00	6.00	4.00	2.00	2.00
21	1.00	6.00	9.00	4.00	2.00	2.00	2.00
22	1.00	5.00	5.00	5.00	4.00	2.00	1.00
23	2.00	3.00	2.00	4.00	2.00	2.00	2.00
24	1.00	7.00	15.00	6.00	6.00	1.00	1.00
25	2.00	6.00	6.00	5.00	3.00	1.00	2.00
26	1.00	6.00	13.00	6.00	6.00	1.00	1.00
27	2.00	5.00	4.00	5.00	5.00	1.00	1.00
28	2.00	4.00	2.00	3.00	2.00	2.00	2.00
29	1.00	4.00	4.00	5.00	3.00	1.00	2.00
30	1.00	3.00	3.00	7.00	5.00	1.00	2.00

10.3-жадвалдан кўриниб турибдики, Частоталарни тақсимлашда, статистик йигиндига эга бўламиз. Яъни, ҳар бир респондентнинг Интернетга муносабати частотаси эгилувчанлик даражасини ва мойиллик даражасини белгилайди. Масалан, 1-респондент жинси – ёркак, Интернет билан танишлик даражаси 7.00 га teng бўлсада, лекин Интернетдан фойдаланиш даражаси эса -

14.00 га teng, яъни иккى баробар ошиқ. Интернетта бўлган муносабати 7.00 бўлсада, лекин харид қилиш ва харид учун фойдаланиш эса -1.00 ни ташкил этади. Бу эса нимадан далолат беради? Интернетдан фойдаланиш частотаси бир хил эмас.

Юкоридаги жадвалда 30 та респондентнинг ҳар бир частотаси даражасини статистик усууллар йигидиси орқали ҳисоблаб чиқамиз ва ушбу бир-бирига яқин респондентлар муносабатини аниқлаганимиздан сўнг уларни ажратиб оламиз.

Маркетинг тадқиқотлари ўтказишда кўпинча битта ўзгарувчи ҳақида ахборот олиш зарур бўлади. Масалан:

Нечта истеъмолчими маълум бир товар марқасига содик истеъмолчилар деб ҳисоблаш мумкин?

Товар истеъмолчиларининг турли групхлари ўртасида нисбат қандай: кўп фойдаланувчилар, ўргача фойдаланувчилар, кам фойдаланувчилар ва фойдаланмайдиганлар ўртасида?

Таклиф қилинаётган янги товар ҳақида қанча истеъмолчи яхши хабардор қилинган? Қанча истеъмолчи юзакни таниш, қанчаси – нимадир эшитган, қанчаси эса ушбу савдо марқаси ҳақида умуман билмайди? Товар ҳақида хабардорлик ўргача даражаси қандай? Истеъмолчиларнинг янги товар ҳақида хабардорлик даражаси кучли фарқ қиласиди? Ушбу савдо марқаси тарафдорлари учун даромад тақсимоти эгри чизиги нимани ифодалайди? Ушбу тақсимот даромади паст истеъмолчилар гурухи томон силжиганми?

Бундай саволларга жавобни вариация қаторини (frequency distribution) ўрганиш ёрдамида олиш мумкин. Бундай таҳлилда факат битта ўзгарувчи кўриб чиқилади.

Вариация қатори тузишдан мақсад респондентлар ўзгарувчининг турли қийматларини келтирган жавобларини ҳисоб-китоб қилиш ётади. Ўзгарувчилар турли қийматлари нисбий частотаси фоизларда ифодаланади. Ўзгарувчи қийматлари частотаси тақсимотини ҳисоб-китоб қилиш ўзгарувчининг ҳар бир қиймати учун мос келувчи кўрсаткичларни келтирган ҳолда жадвал тузишга имкон берди.

10.4-жадвалда Интернет ҳақида хабардорлик частоталарини тақсимлаш келтирилган. Биринчи устун ўзгарувчининг турли тоифаларига берилган қайдлардан, иккинчи устун – ўзгарувчининг ҳар бир қийматига берилган кодлардан иборат.

10.4-жадвал

Интернет ҳақида хабардорлик частоталарини тақсимлаш

Моҳиятини белгилаш	Моҳияти	(N) частоталари	Частота талар	Ишончли частоталар	Йигилган частоталар
Тўлиқ хабардор бўлмаган	1	0	0.0	0.0	0.0
	2	а	6.7	6.9	6.9
	3	б	20.0	20.7	27.6
	4	6	20.0	20.7	48.3
	5	3	10.0	10.3	58.6
	6	8	26.7	27.6	86.2
Тўлиқ хабардор бўлгандар	7	4	13.3	13.8	100
	9	1	3.3	Ўтказиб юбориши	
Жами		30	100.0	100.0	

Эътибор қаратингки, код 9 тушириб қолдирилган қийматларга берилган. Учинчи устунда жавоб берган респондентлар сони келтирилган. Масалан, учта респондент анкетада 5 қийматини кўрсатиб, интернет ҳақида нималардир эшитганигини билдирган. Тўртинчи устунда анкетада ушбу қийматни белгилаб қўйган респондентлар фоизи кўрсатилиган. Кейинги устунда тушириб қолдирилган қийматларни хисобга олган холда фоизлар кўрсатилиган. Агар тушириб қолдирилган қийматлар бўлмаса, демак 4 ва 5 устунлар айнан бир хил бўлади. Сўнгти устунда тушириб қолдирилган ҳолатлар (респондентлар жавоблари) борасида тузатиш киритилгандан кейинги тўплланган частосталар ифодаланган. Кўриниб турибдики, сўровда иштирок этган 30 та респондентдан 10%и 5 қийматни белгилаган. Агар қиймати тушириб қолдирилган битта респондентни чиқариб ташладиган бўлсак, тез-тезлик 10,3%гача ортади. 5

қийматга мансуб бўлган тўплланган тез-тезлик 58,6га teng. Бошқача қилиб айтганда, тўғри жавоб берган респондентларнинг 58,6%и хабардорлик борасида 5 ёки ундан кичик қиймат кўрсатган.




Рис. 15.1. Гистограмма распределения частоты

Вариация қатори жавоб бермаган респондентлар улушкини аниқлашга (жадвалда 30 респондентдан биттси саволга жавоб бермаган) ёрдам беради, шунингдек, нотўғри жавоблар улушкини кўрсатади. 0 ёки 8 га teng қийматлар хато жавобларга мос келади. Бундай қийматли ҳолатлар сонини аниқлаш ва мос равиша натижаларга тузатиш киритиш лозим. Бундан ташқари, экстремал қийматли ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш мумкин. Частоталарни тақсимлаш, шунингдек, ўзгарувчи қийматларини эмпирик тақсимлашни белгилаб беради. Частотали маълумотлардан гистограмма ёки вертикаль устунли диаграммалар тузиш учун фойдаланиш мумкин бўлиб, уларда X ўки бўйлаб ўзгарувчи қийматлари, Y ўки бўйлаб эса – мутлак (частота) ёки нисбий (тез-тезлик) қийматлар ётади. Гистограмма бўйича кузатилаётган тақсимот маркетологлар тахмин қилган тақсимотга мос келишини текшириб кўриш мумкин.

Фикр-мулоҳазаларни расм ёрдамида кўрсатиш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

10.5 – жадвал

Реклама агентликлари раҳбарларининг этик муаммолари

жавоблари		
Муаммо	Сони	фоизи
1. Ўз мижозларига ҳаққоний муносабатлари	80	28
2. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, адаштирумайдиган ҳаққоний реклама	66	24
3. Соғлиққа зарар бўлган махсулотлар ишлаб чиқарадиган, компанияларнинг хизматлари	34	12
4. Таъминотчиларга, ҳамкорларга ва воситачиларга ҳаққоний муносабатлари	25	9
5. Ходимлар ва менеджерларга ҳаққоний муносабатлар	15	5
6. Бошқа реклама агентликларига объектив муносабатлар	7	3
7. Бошқалар	11	4
8. Жавоблар “йўк”	43	15
Жами	281	100

Ушбу мисолда маълумотлар турли ахлоқий муаммолар тарқалганлигини кўрсатади. Бунда ракамли қийматлар фойдаланилиши сабабли тавсифий статистикаларни ҳисоблаб чиқиш учун частоталар тақсимотидан фойдаланиш керак.

10.3. Статистик таҳлил усулини танлашга таъсир этувчи омиллар

Ушбу усул ҳам омилли таҳлилда кенг қўлланилади. Мазкур усул натижа кўрсаткичининг ўзгаришига битта ёки иккита омил таъсир қўлган пайтларда қўлланилиши кулай. Унинг моҳияти режадаги натижани биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олишдан иборатdir.

Бунда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бир қанча ишоралар билан ифода этганда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, товар айланмасии (T)

асосий воситаларнинг ўртача қиймати (A_k) ва шу воситаларнинг самарадорлиги билан функционал боғлиқ. Бу қуйидаги формулада ифодаланади:

$$T = A_k * K_c$$

Бунда K_c - Асосий воситаларнинг самарадорлиги.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, натижага иккита омил таъсир қиласи. Улар ўртасидаги боғлиқлик кўпайтириш билан ифодаланган. Ўнг томонда жойлашган ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун натижанинг режадаги миқдорини қайта ҳисоблаб оламиз. Бу биринчи омилнинг ҳақиқий миқдорини (A_{k1}) иккинчи омилнинг режадаги миқдори билан кўпайтириш йўли билан аниқланади (K_{c0}), яъни:

$$T_{kh} = A_{k1} \times K_{c0}$$

Омилларнинг товар айланмасига таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисобкитобларни амалга ошириш лозим.

1. Товар айланмасининг асосий воситаларнинг ўзгариши эвазига ўзгарганлигини (ΔT_{ak}) топиш учун товар айланмасининг қайта ҳисобланган миқдоридан (T_{kh}) унинг режадаги ҳажмини айриш кифоя (T_0):

$$\Delta T_{ak} = T_{kh} - T_0 = (A_{k1} \times K_{c0}) - (A_{k0} \times K_{c0})$$

2. Товар айланмаси ўзгаришига асосий воситалар самарадорлигининг таъсирини (ΔT_{kc}) аниқлаш учун товар айланмасининг ҳақиқий суммасидан (T_1) унинг қайта ҳисобланган миқдорини (T_{kh}) айриш кифоя:

$$\Delta T_{kc} = T_1 - T_{kh} = (A_{k1} \times K_{c1}) - (A_{k1} \times K_{c0})$$

Юқорида ҳисоблаб топилган иккি омилнинг таъсири товар айланмаси фарқининг умумий сўммасига teng бўлиши керак:

$$\Delta T = \Delta T_{ak} \pm \Delta T_{kc}$$

Ушбу назарий тавсияни аниқ маълумотларни қўллаб ечиш йўлини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (10.6-жадвал).

10.6-жадвал

Товар айланмаси ҳажмига асосий воситалар ва улар
самарадорлигининг таъсирини қайта ҳисоблаш усулини қўллаб аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Хисоб-йи-	Ҳисоб-ланга-н	Фарки (+,-)	
				Жами	Ак эва-зига
Асосий воситалар-нинг ўртacha йиллик қиймати, минг сўм	26664,5	26531,6	26531,6	- 132,9	x
Асосий воситалар-нинг самарадорлиги, сўм	160,7	167,8	160,7	+ 7,1	x
Товар айланмаси, минг сўм	42850,0	44520,0	42636,3	+1670, - 213,7	+1883,7

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар айланмаси ҳисбот йилида ўтган йилга нисбатан 1670,0 минг сўмга ошган. Бу куйидаги омиллар эвазига вужудга келган:

1. Асосий воситалар ўртacha йиллик қийматининг 132,9 минг сўмга камайиши товар айланмаси ҳажмини 213,7 минг сўмга камайтириди:

$$4236,3 - 42850,0 = - 213,7 \text{ минг сўм}$$

2. Асосий воситалар самарадорлигининг ҳисбот йилида ўтган йилга нисбатан 7,1 сўмга ошганлиги товар айланмаси ҳажмини 1883,7 минг сўмга ошириди:

$$44520,0 - 42636,3 = + 1883,7 \text{ минг сўм}$$

Ушбу усувлар мавжуд бўлган ички резервларни аниқлаш имконини беради. Бизнинг мисолимизда товар айланмасини ошириш учун асосий воситаларни кўпайтириш лозимлиги аниқланди.

Агарда асосий воситалар ҳисбот даврида ҳеч бўлмаганда ўтган йил ҳажмида қолганда эди товар айланмаси яна 1883,7 минг сўмга кўпайган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий товар айланмаси ҳажми 44520,0 минг сўм эмас, балки

46403,7 минг сўмни (44520,0 + 1883,7) ташкил қилган бўлар эди. Товар айланмаси режасининг бажарилиши 103,9 % эмас, (44520,0 x 100: 42850,0), балки 108,3%ни (46403,7 x 100 : 42850,0) ташкил қилган бўлар эди.

Қайта ҳисоблаш усулини натижা билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик айриш бўлганда ҳам фойдаланиш мумкин.

Сотишдан олинган соф тушумни корхонанинг ялпи фойдаси деб ҳам аташ мумкин. Бу одатда сотилган маҳсулотнинг умумий қийматидан унинг таннархини айриш йўли билан аниқланади. Бунга мисол қилиб фойда суммасининг ўзгаришига сотилган маҳсулот () ва таннарх ўзгаришининг () таъсирини ҳисоблаш мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги куйидаги формулада ифодаланган:

$$\Phi_{\text{см}} = (\text{См} - \text{Тн});$$

Мазкур формулага асосан сотилган маҳсулот ҳажмининг кўпайишига иккита омилнинг, яъни сотилган маҳсулот ҳажми ва баҳо ўзгаришининг таъсирини аниқлаш мумкин.

1. Фойдага сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини қайта ҳисоблаш йўли билан куйидагича ҳисоблаш мумкин. Энг аввало фойда суммаси сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий миқдори ва таннархнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади:

$$\Phi_{\text{см.кх}} = (\text{См}_1 - \text{Тн}_0);$$

Энди қайта ҳисобланган суммадан ($\Phi_{\text{см.кх}} = \text{См}_1 - \text{Тн}_0$) фойданинг режадаги миқдори ($\Phi_{\text{см.о}} = \text{См}_0 - \text{Тн}_0$) айрилади, яъни:

$$\Delta \Phi_{\text{см.см}} = \Phi_{\text{см.кх}} - \Phi_{\text{см.о}} = (\text{См}_1 - \text{Тн}_0) - (\text{См}_0 - \text{Тн}_0)$$

2. Фойда суммасининг ўзгаришига таннарх суммаси ўзгарганлигининг таъсирини ($\Delta \text{Фтк}$) аниқлаш учун фойда суммасининг ҳақиқий миқдоридан ($\Phi_{\text{см.1}}$) унинг қайта ҳисобланган миқдори ($\Phi_{\text{см.кх}}$) айрилади. Бу куйидаги формула орқали ечилади:

$$\Delta \Phi_{\text{см.тн}} = \Phi_{\text{см.1}} - \Phi_{\text{см.кх}} = (\text{См}_1 - \text{Тн}_1) - (\text{См}_1 - \text{Тн}_0);$$

Шу икки омилнинг таъсири натижанинг умумий фарқига teng бўлиши лозим:

$$\Delta F_{cm} = \Delta F_{cm, cm} \pm \Delta F_{cm, th};$$

Ушбу омиллар таъсирини аниқлаш учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хисобот йилида фойда суммаси 979,5 минг сўмга кўпайган. Мазкур ўзгаришга иккита омил таъсир қилган.

1. Сотилган маҳсулот (товар айланмаси) ҳажмининг 1670,0 минг сўмга ошганлиги фойда суммасини 1670,0 минг сўмга оширган:

$$7368,8 - 5698,8 = +1670, \text{ минг сўм.}$$

2. Таннарх суммасининг хисобот йилидаги ошиши, фойда суммасини 690,5 минг сўмга камайтирган:

$$6678,3 - 7368,8 = -690,5 \text{ минг сўм.}$$

10.4. Гипотезаларни текшириш

Қарор қабул қилиш жараёнида у ёки бу таклиф фойдасига яққол ва ишонарли далиллар бўлмаган вазиятларга ҳам дуч келинади. Бундан ташқари, менежер кўпинча ўз қарорларининг асосланган эканлитигини исботлашига тўғри келади.

Бу ҳолатларда қарор қабул қилиш жараёни таркибий қисмларидан бири бўлиб гипотезаларни статистик текшириш иштирок этади, у мавжуд ахборот асосида якуний танлов қилишга имкон беради.

Гипотеза атроф-мухит ҳакида маълум бир тахминни (фирни) ифодалайди, яъни асосий бош тўпламга мансуб ҳисобланади. Бундай тахмин ёки ҳақиқат, ёки ёлғон бўлиши мумкин. Текшириш эса бу саволга жавоб бериш учун имкон юратади.

Статистикада текширилиши лозим бўлган иккита гипотеза кўриб қичилади: нолинчи гипотеза (H_0) ва тадқиқотчилик (муқобил) гипотезаси (H_1).

Нолинчи ва тадқиқотчилик гипотезаси бир-бирини инкор қиласи. Нолинчи гипотезани исботлаш керак эмас. У «исботланганлик презумцияси»га эга.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатади, $F_{\text{стат}} < F_{\text{сўнгти холат}}$ ($4,691 < 5,14$), демак, турли вақтда етказиб бериладиган маҳсулот сифатида фарқ йўқ. Бундан ташқари, *P-қиймат* (ўртача кўрсаткичлар tengлиги ҳақида нолинчи гипотеза ҳақиқатга яқин эканлиги эҳтимоли) 0,05 дан катта, яъни у радирилиниши мумкин эмас.

Етказиб бериладиган маҳсулот сифати етказиб бериш вақтига боғлиқ эмас ва турли вақтда бир хил деган хуносани исботлаб берилган деб хисоблаш мумкин.

11.4. Кўп омилли дисперсия таҳлили

Маркетинг тадқиқотларида кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта омилларнинг якуний натижага (боғланган ўзгарувчига) таъсири билан ишлашга тўғри келади.

- Реклама даражаси ва нархлар даражаси қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ушбу савдо маркаси сотувига таъсир кўрсатади?
- Истеъмолчилар ёши ва маълумот даражаси уларнинг муайян товар харидига таъсир этадими?
- Харидорда товар ҳақида хабардорлик ва унинг имиджи хоҳиш истакларни шакллантиришга таъсир этадими?

Кўп омилли таҳлил жараёни бир омилли дисперсия таҳлили жараёнига ўхшаб кетади. Кўп омилли таҳлилнинг афзаллиги шундаки, омилларнинг ўзаро алоқаларини ўрганиш имконияти пайдо бўлади.

Агар мустакил ўзгарувчилар сифатида иккита омил (реклама даражаси ва купонлар бўйича савдо) иштирок этадиган бўлса, тўлиқ вариацияни ёйиш қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$SS = SS_{\text{between}_1} + SS_{\text{between}_2} + SS_{1:2} + SS_{\text{within}}$$

1-омилнинг кўпроқ таъсири SS_{between_1} юқорирок қийматида акс этади, 2-омилнинг кўпроқ таъсири, мос равиша, SS_{between_2} юқорирок қийматида акс этади.

1 ва 2 омиллар ўртасидаги алоқалар қанчалик кучли бўлса, $SS_{1:2}$ қиймати шунчалик катта бўлади. Бошқа томондан, агар 1-омил ва 2-омил бир-бирағи боғлиқ бўлмаса, бунда $SS_{1:2}$ қиймати нолга яқинлашади.

Икки омилнинг таъсир даражаси тўлиқ самара ёки кўплик корреляция деб аталади:

$$\eta^2 = \frac{SS_{\text{between}_1} + SS_{\text{between}_2} + SS_{1:2}}{SS}$$

Тўлиқ самара қиймати F-статистика ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$F = \frac{MS_{x1:x2:x1,2}}{MS_{\text{within}}} = \frac{(SS_{\text{between}_1} + SS_{\text{between}_2} + SS_{1:2}) / (k_1 * k_2 - 1)}{SS_{\text{within}} / (n - k_1 * k_2)}$$

Агар тўлиқ самара статистик мухим аҳамиятга эга бўлса, кейинги босқичда ўзаро алоқалар самараси қиймати (муҳимлиги) ҳисоблаб чиқилади.

$$F = \frac{MS_{x1,2}}{MS_{\text{within}}} = \frac{SS_{1:2} / (k_1 - 1) + (k_2 - 1)}{SS_{\text{within}} / (n - k_1 * k_2)}$$

Агар ўзаро алоқа самараси статистик мұхим аҳамиятга эга бўлиб чиқадиган бўлса, бошқа омил мавжудлигидан бир омилнинг мустақил ўзгарувчига таъсири ўринга эга бўлади.

$$F = \frac{MS_{between_1}}{MS_{within}} = \frac{\frac{SS_{between_1}}{k_1 - 1}}{\frac{SS_{within}}{(n - k_1 * k_2)}}$$

Агар ўзаро алоқа самараси статистик мұхим аҳамиятга эга бўлиб чиқмаса, ҳар бир омилнинг мұхимлигини алоҳида текшириш керак:

$$F = \frac{MS_{between_2}}{MS_{within}} = \frac{\frac{SS_{between_2}}{k_2 - 1}}{\frac{SS_{within}}{(n - k_1 * k_2)}}$$

(Шундай бўлиб чиқиши ҳам мүмкінки, ҳар бир омилнинг алоҳида таъсири мұхим аҳамиятга эга бўлади, уларнинг якуний натижага биргаликдаги ўзаро алоқалари эса тасдиқланмайди).

1-мисол. Реклама ва кун савдосининг савдо нұқталари бўйича сотув ҳажмига таъсири ўрганилади. 30 та магазин бўйича маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилган:

11.6 – жадвал

Рекламанинг савдо нұқталари бўйича сотув ҳажмига таъсири

№	Реклама даражаси (1-омил)					
	юқори (1)	ўртacha (2)	паст (3)			
Купон савдоси мавжудлиги (2-омил)						
	xa (1)	йўқ (2)	xa (1)	йўқ (2)	xa (1)	йўқ (2)
Сотув ҳажми, минг сум (натижা)						
1	10	8	8	4	5	2
2	9	9	8	5	7	3
3	10	7	7	5	6	2
4	8	7	9	6	4	1
5	9	6	6	4	5	2

Самарани ўлчаш. «Самара» ва «самарадорлик» тушунчаларини аниқлаштириб оламиз. Самара бу – коммуникация воситалари ва маълум бир бонуслардан фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш бўйича чоратадбирлар ёки компания ўтказишдан олинган натижадир. Самарадорлик – натижага олиб келган харажатлар нисбати.

Рағбатлантиришдан иқтисодий самара якуний кўрсаткичи худди шу даврда рағбатлантиришсиз башорат қилинган фойда билан таққослаганда чоратадбирлар ўтказишида кўшимча фойда ҳисобланади:

бу – ерда W_I – рағбатлантиришда амалдаги сотув ҳажми, сўм; Q_I – рағбатлантиришда амалдаги сотув ҳажми, дона; P_I – рағбатлантиришда товар бирлиги нархи, сўм; W_0 – рағбатлантиришсиз сотув ҳажми башорати, сўм; Q^0 – рағбатлантиришсиз сотув ҳажми башорати, дона; P_0 – рағбатлантиришсиз товар бирлиги нархи, сўм; W – рағбатлантиришдан сотув ҳажмининг ўсиши, сўм; F_I – рағбатлантиришда амалдаги фойда, сўм; F_0 – рағбатлантиришсиз фойда башорати, сўм; Z – рағбатлантиришдан сотув ҳажмининг ўсишига киритиладиган умумий харажатлар, сўм; Z_I – рағбатлантиришда амалдаги умумий харажатлар (таннарх), сўм; Z_0 – рағбатлантиришсиз умумий харажатлар (таннарх) башорати, сўм; F – рағбатлантиришдан кўшимча фойда ҳажми, сўм; PC – рағбатлантириш ишлаб чиқариш-тижорат харажатлари, сўм; COM – рағбатлантириш коммуникация харажатлари, сўм.

Иқтисодий адабиётларда самарадорлик икки хил асосий кўрсаткичи фойдаланилади: харажатлар рентабеллиги ва фойда рентабеллиги. Харажатлар рентабеллиги бу – фойданинг харажатларга (таннархга) нисбати бўлиб, одатда «харажатлар сўмига фойда сўми»да ўлчанади, фоизларда ифодаланиши мүмкін. Сотув рентабеллиги ёки фойда меъёри бу – фойданинг сўмдаги сотув ҳажмига (тушумга) нисбати. Фоизларда ифодаланади ва фойданинг тушумдаги улушкини кўрсатади. Иккала кўрсаткичини махсус белгилар ёрдамида ифодалаймиз, бунда харажатлар рентабеллигини фоизда эмас, 0 дан 1 гача коэффициентда ифодалаймиз:

$$\beta = \Pi / 3;$$

$$\alpha = \Pi / B;$$

$$P = B - 3,$$

бу ерда β – харажатлар рентабеллиги, сўмга сўм; Π – фойда, сўм; 3 – харажатлар, сўм; α – сотув рентабеллиги, тушумдан фойда коэффициенти 0 дан 1 долл.гача; B – тушум, сўм.

Мураккаб бўлмаган ҳисоб-китоблар йўли билан бир кўрсаткични бошқа кўрсаткич билан ифодалаш мумкин:

$$\alpha = \frac{\beta}{1 + \beta}; \beta = \frac{\alpha}{1 - \alpha}.$$

Агар α ва β кўрсаткичларни фоизларда ифодалайдиган бўлсак, формула куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\alpha = \frac{\beta}{100 + \beta}; \beta = \frac{\alpha}{100 - \alpha}.$$

Иқтисодий самарадорлик доимо баҳоланадиган харажатлар тури билан боғлиқ бўлади. Рағбатлантириш бўйича кампаниянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари умуман олганда бу – умумий коммуникация харажатлари, шунингдек, умумий ишлаб чиқариш-тижорат ва коммуникация харажатлари йигиндисидир:

$$E_C = \frac{F}{COM}, E = \frac{F}{Z}, E_1 = \frac{F_1}{Z_1},$$

бу ера E_C – рағбатлантириш коммуникация харажатлари самарадорлиги, сўмга сўм; E – рағбатлантиришдан фойда бўйича умумий харажатлар самарадорлиги, сўмга сўм; E_1 – бутун тадбирни ўтказишида фойда бўйича умумий харажатлар самарадорлиги, сўмга сўм.

Коммуникация харажатлари рентабеллиги рағбатлантириш билан боғлиқ коммуникация харажатларининг бир сўмига қанча кўшимча фойда тўғри келишини кўрсатади. E ва E_1 тўлиқ харажатлари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллиги кўрсаткичлари ҳисобланади.

Рағбатлантириш самараси ва самарадорлигини аниқлашда асосий муаммоларни санаб берамиз.

1. Агар рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ўтказилмаган бўлса, фойда ва сотув ҳажмини қандай аниқлаш (башорат қилиш) мумкин?

2. Режалаштириш босқичида чора-тадбирлар ўтказишида фойда ва сотув ҳажмини қандай башорат қилиш мумкин?

3. Қайси харажатлар рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган кўшимча харажатлар қаторига киритилиши мумкин?

4. Рағбатлантириш билан боғлиқ кўшимча харажатлардан фойдаланиш самарадорлиги нормативлари қандай?

Сотув ҳажми статистикаси бўйича рағбатлантириш самарасини ўлчаш тўрт босқичдан иборат.

1. Рағбатлантириш воситасида таъсир кўрсатиладиган сотув эгри чизигини таҳлил қилиш.

2. Рағбатлантиришсиз эришиш мумкин бўлган сотув ҳажми W_0 кўрсаткич қийматини аниқлаш.

3. Рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ўтказиши ҳисобга олган холда W_1 сотув ҳажмини ўлчаш.

4. W_1 ва W_0 ўртасидаги фарқ сифатида рағбатлантиришдан W сотув ҳажмини аниқлаш

Таъкидлаш жоизки, W_0 кўрсаткичини башорат қилишнинг бирон-бир усулини қўлламасдан туриб рағбатлантириш чора-тадбирлар самарадорлигини режалаштириш ва рағбатлантириш эҳтимолий харажатларини ҳисоб-китоб қилишни амалга ошириш мумкин эмас. W_1 кўрсаткичи хам амалдаги, хам башорат қийматига эга.

Сотув ҳажми статистикасини таҳлил қилишнинг сўровлар билан таққослаганда камчиликлари куйидагилар ҳисобланади:

- бонус таъсири остида харидни амалга ошириш эҳтимолини ҳисобга олиш имкониятининг йўклиги;
- қўллаш учун талаб қилинадиган статистик маълумотлар қатори ўқлиги

(тўлиқизлиги).

Усулнинг афзаликлари қаторига йқиладиларни киритиш мумкин:

- статистика мавжудлигига ҳисоб-китобларни амалга ошириш тезлиги; айрим усулларни қўллашда ҳисоб-китобни тадбир бошланишидан олдин ўтказиш мумкин;
- сўров ўтказишга сарфланадиган маблағларни тежаб қолиш (тадқиқот ўтказувчи чет ташкилот хизматларига ҳақ тўлаш ва х.к.);
- кўп сонли сотув нуқталари мавжудлигига рағбатлантириш бўйича кенг қўламли умуммиллий кампаниялар самарадорлигини баҳолаш имконияти;
- сотув эгри чизиги турини кўриб чиқиши рағбатлантириши ҳисобга олган ва ҳисобга олмаган ҳолда натижаларни баҳорат қилишнинг энг тўғри келадиган усулларини танлашга имкон беради.

Кўйида рағбатлантириши ўтказмасдан туриб W_0 кўрсаткич қийматини баҳорат қилиш усуллари санаб берилган.

1. Уч нуқтали оралиқда чизиқли интерполяция.
2. Рақобатчилар савдосининг ўсиш суръатига мувофиқ баҳорат.
3. Бошқа савдо нуқталаридаги ёки бошқа географик бозорларда савдонинг ўсиш суръатига мувофиқ баҳорат.
4. Жорий даврда бутун тармоқда савдонинг ўсиш суръатига мувофиқ баҳорат.
5. Тармоқда ўтган йилги савдонинг ўсиш суръатига мувофиқ баҳорат.
6. Дистрибуция кўрсаткичлари ўзгаришини, савдо майдонининг ҳар бир квадрат метридан сотувни, «ташриф/харид» нисбатини, товар тоифаси умумий савдо ҳажмида бизнинг товар савдо улушкини ҳисобга олган ҳолда ўтган йил маълумотлари бўйича баҳорат.
7. Вақт қаторларини таҳлил қилиш асосида баҳорат.

Муайян усулни қўллаш ҳисоб-китоблар учун зарур маълумотлар мавжудлиги ва гипотетик савдо эгри чизигига мувофиқ қўллаш шартларига боғлиқ бўлади.

11.5. Кўп омиллик дисперсияли таҳлил

Бу усул статистика назарияси фанида батафсил ёритилган. Таҳлил фани бухгалтерия ҳисоби ва статистика фанлари асосида вужудга келганлигини олдинги бобларда таъкидланган эди. Шунингдек, таҳлил фани хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда статистика фанининг бир қанча усулларида фойдаланади. Шулардан бири индекс усули ҳисобланади. Бу усул жуда кўп қиррал мавзу бўлиб, ушбу бобда шу усулнинг омилли таҳлилида қўлланилишини кўриб чиқамиз.

Индекс усулининг бошқа усуллардан фарқи, яъни афзаликлари мавжуд. Хусусан, омиллар билан натижага ўртасидаги боғлиқлиқ бир қанча ишоралар (+, -, :, x) билан белгиланганда ва уларнинг турлари бир вақтда келганда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундан ташкири, мазкур усул натижага ўзгаришига омиллар таъсирини бир вақтнинг ўзида ҳам мутлақ, ҳам нисбий микдорда аниқлаш имконини беради.

Индекс усулидан фойдаланиш учун унда жуда кўп қўлланиладиган боғланиш: маҳсулот ҳажмининг (Q) ўзгариши унинг микдори (q) ва баҳосига (p) боғлиқ эканлигидир. Маҳсулотнинг режадаги ҳажмини ($q_0 p_0$) ва хақиқатдаги ҳажмини ($q_1 p_1$) тегишли формулада ифодалаб олинса, унинг режа бажарилиш индекси қўйидаги кўринишга эга бўлади :

$$J = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0}$$

Бу формула натижанинг нисбий ўзгаришини кўрсатади. Маҳсулотнинг ҳисобот давридаги ўзгаришининг мутлақ микдорини аниқламоқчи бўлсак, унинг суръатидан маҳражини айриш кифоя :

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_0 p_0$$

Формуладан кўриниб турибдик, натижага иккита омил таъсир қиласи. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун биринчидан, маҳсулот ҳажмининг ҳақиқий миқдорини режадаги (асос йилидаги) нархда ифодалаш лозим, яъни $q_1 p_o$.

Натижга ўзгаришига маҳсулот миқдорининг таъсирини (ΔQq) нисбий миқдорда топиш учун кўйидаги формуладан фойдаланилади.

$$J_{qp} = \frac{\sum q_1 p_o - \sum q_o p_o}{\sum q_o p_o}$$

Ушбу формула ёрдамида маҳсулот ҳажми факат унинг мутлак миқдори ўзгарганлиги эвазига неча фоиз ўзгарганлигини кўрсатади. Маҳсулот ҳажмининг баҳо эвазига ўзгарганлигини нисбий миқдорда топиш учун кўйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$J_{qp} = \frac{\sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_o}{\sum q_1 p_o}$$

Мазкур формула маҳсулотнинг баҳоси ўзгариши эвазига натижা қанча миқдорга ўзгарганлигини ифодалайди.

Натижга ўзгаришига маҳсулот миқдорининг таъсирини (ΔQq) мутлак миқдорда топиш учун кўйидаги формуладан фойдаланилади.

$$\Delta Qq = \sum q_1 p_o - \sum q_o p_o$$

Маҳсулот ҳажмининг баҳо эвазига ўзгарганлигини мутлак миқдорда топиш учун кўйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\Delta Q = \sum q_1 p_1 - \sum q_1 p_o$$

Ушбу ҳисоб - китобни аниқ маълумотларни қўллаб ҳам амалга ошириш мумкин (11.7-жадвал).

11.7 - жадвал

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига унинг миқдори ва баҳосининг таъсирини индекс усули билан аниқлаш

Маҳсулот турлари	Миқдори, дона		Баҳоси, сўм		Маҳсулот ҳажми	
	Режада	Ҳақиқатда	Режада	Ҳақиқатда	Режада	Ҳақиқатда
A	450	500	15	16	6750	8000
Б	230	235	8	6	1840	1410
В	670	710	7	9	4690	6390
Жами					13280	15800

Жадвал маълумотлари асосида маҳсулот ҳажми бўйича режанинг бажарилиш индекси 1,190 га teng:

$$J_{qp} = \frac{15800 - 13280}{13280} = 1,190 \text{ ёки } 119,0 \%$$

Натижанинг умумий мутлоқ фарқи 2520 сўмни ($15800 - 13280$) ташкил қиласи. Маҳсулот физик ҳажмининг агрегат индекси (маҳсулотнинг режадаги ва ҳақиқатдаги миқдори бир хил баҳода ҳисобланганда) кўйидаги миқдорни ташкил қиласи:

$$J_q = \frac{\sum q_1 p_o - \sum q_o p_o}{\sum q_o p_o} = \frac{(500 \times 15) + (235 \times 8) + (710 \times 7)}{13280} = \frac{14350}{13280} = 1,081 \text{ ёки } 108,1 \%$$

Шундай қилиб, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори кўпайиши маҳсулот ҳажмини режадагига нисбатан 8,1 % ёки 1070 сўмга ($14350 - 13280$) оширган.

Баҳо агрегат индекси (суратида маҳсулот миқдори ва баҳоси режада) 1,101 ни ташкил қилган:

$$\sum q_1 p_1 = 15800$$

$$J q = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0} = \frac{15800}{14350} = 1,101 \text{ ёки } 110,1\%.$$

Демак, маҳсулотнинг умумий хажми баҳо омили таъсирида 10,1% га ошган, мутлақ миқдори эса 1450 сўмга ($15800 - 14350$) кўпайган.

Натижада шу икки омилнинг таъсирини нисбий ва мутлақ миқдорда ҳам аниқлаш мумкин. Икки омил индексининг кўпайтмаси умумий индексга тенг бўлиши керак:

$$1,081 \cdot 1,101 = 1,190$$

Натижа ўзгаришининг мутлақ миқдорини топиш учун шу икки омил йигинди олинади:

$$1070 + 1450 = 2520 \text{ сўм}$$

Шундай килиб, дисперсион таҳлилнинг мақсади корхоналарнинг улуши ва ҳаражатлар, ҳамда тушумларнинг ўзгариш коэффициенти тавофтларни ўрганиб чиқдик.

Қисқа хуносалар

Ушбу бобда биз дисперсияли ва ковариацион таҳлиллар ҳакида гапириб ўтамиз. Маркетологлар назорат қилинмайдиган эрkin ўзгарувчиларнинг таъсирини хисобга олиш шарти билан назорат қилинадиган эрkin ўзгарувчилар таъсири билан ифодаланган боғлиқ ўзгарувчиларнинг ўртача қиймати фарқини ўрганиш учун дисперсион ва ковариацион таҳлил усусларидан фойдаланадилар.

Дисперсион ва ковариацион таҳлилни бажариш усусларини ёритиб берамиз, ҳамда уларнинг ўзгарувчилар ўртасидаги бошқа алоқа усусларини текшириш усувлари билан нисбатини муҳокама қиласиз.

Кейин эса ушбу усувларнинг энг оддийси, яъни бир омилли дисперсион таҳлилни, сўнг кўпомилли – дисперсион ва ковариацион таҳлилни ёритиб берамиз. Натижаларни талқин қилиш масалаларига, айнан – омилларнинг ўзаро таъсири, уларнинг нисбий муҳимлиги ва кўплек тенгламаларга алоҳида

эътибор қаратамиз. Дисперсион таҳлилда тақрорий ўзгарувчилар, ўлчовсиз дисперсион таҳлил ва кўпўлчамли дисперсион таҳлил каби баъзи маҳсус мавзуларни кенг ёритиб ўтамиз. Дисперсион таҳлилни қўллаш мисолларини кўриб чиқамиз.

Дисперсион таҳлил (analysis of variance – ANOVA). Икки ёки ундан кўпроқ йигинди учун танланган ўртача ўртасидаги фарқларни ўрганишнинг статистик усулидир.

Дисперсион таҳлил оддий шаклда, ўлчамли хисобланувчи боғлиқ ўзгарувчига (курук нонуштани афзал кўриш Total cereal) эга бўлиши лозим. Ундан ташқари бир ёки ундан кўпроқ эркин ўзгарувчилар (маҳсулотни: кучли, ўрта, суст истеъмол қилиш ёки умуман истеъмол қилмаслик) бўлиши шарт. Барча эркин ўзгарувчилар тоифали бўлиши (ўлчамсиз) бўлиши лозим, уларни Total cereal омилли деб ҳам атайдилар.

Дисперсион таҳлил асосан оммавий маълумотлар тўплаш мумкин бўлмаган, танлама тариқасида кузатиладиган кичик тўпламларда кузатиш натижаларининг қанчалик ишончли эканлигига обьектив баҳо бериш учун кенг қўлланилади.

Дисперсиялар турлари. Статистика маълумотлари қандай тақдим этилганига (умумий бош тўплам ёки бир нечта бош тўплам) қараб, куйидаги дисперсия турлари фарқланади: гурух дисперсияси; ички гурух дисперсияси; гурухлараро дисперсия; умумий дисперсия.

Гурух дисперсияси гурух (танлама тўплам) ичидаги белги вариациясини ўлчайди ва моҳиятан ушбу қийматлар гурухи учун танлама дисперсия хисобланади. Гурух дисперсияси гурух ичida рўй берадиган сабаблар ҳисобигагина вужудга келадиган ўзгарувчанликни акс эттиради.

Ички гурух дисперсияси гурух дисперсиялари орасида ўртача хисобланади ва гурухлашга асос қилиб олинган омилни истисно қилганда қолган барча омиллар таъсири остида рўй берадиган белги *тасодиғий* вариациясини акс эттиради.

Гурухлараро дисперсия (гурухлар ўртача кўрсаткичлари дисперсияси) гурухлашга асос қилиб олинган омилнинг таъсири билан асосланадиган белгининг *систематик* вариациясини тавсифлайди. У гурух ўртача кўрсаткичларининг умумий ўртача кўрсаткичдан ўртача квадратик оғишига тенг.

Умумий дисперсия ушбу вариацияни белгилаб берадиган барча омиллар таъсири остида бутун бош тўплам бўйича белги вариациясини ўлчайди. У алоҳида қийматларнинг умумий ўртача кўрсаткичдан ўртача оғишига тенг. Айтиш мумкинки, умумий дисперсия ички гурух дисперсияси ва гурухлараро дисперсия йигиндисига тенг.

Мустақил ўзгарувчи тоифавий, боғланган ўзгарувчи эса – метрик бўлиши дисперсия таҳлили ўтказишнинг зарурый шарти ҳисобланади.

ANOVA да маълумотлар тўплами k -мустақил бир ўлчамли танлама тўпламлардан иборат бўлиб, унинг элементлари бир хил бирликларда (долл., кг., балл) ўлчанади. Танлама тўпламлар ҳажми (ўлчами) турлича бўлиши мумкинлигига йўл қўйилади.

Таянч иборалар: ANOVA, дисперсион ва ковариацион таҳлил, гипотеза, Total cereal, бир омилли талил, кўп омилли таҳлил, ковариацион, принципиал шарҳ, Гурух дисперсияси, тасодифий вариация, Умумий дисперсия , one-way analysis of variance , ANCOVA, Эта-квадрат, F-статистика ва бошқ.

Назорат учун саволлар

1. Дисперсион таҳлил (analysis of variance – ANOVA)нинг маъноси нима ва у нима учун кўлланилади?
2. Дисперсион ва ковариацион таҳлилни бажариш усуллари нималардан иборат?
3. Бир омилли дисперсион таҳлил билан кўп омилли дисперсион таҳлил ўртасидаги фарқ нимада?
4. Ковариацион таҳлил нима?

5. Ўлчовсиз дисперсион таҳлил ва кўпўлчамли дисперсион таҳлил кўллаш жараёнини крсатиб беринг.
6. Дисперсион таҳлил ёрдамида қандай масалалар ечилади?
7. Дисперсион таҳлилнинг принципиал шарҳи нима?
8. Дисперсион таҳлилда қандай фойдаланиладиган мезонларни биласиз?
9. Гурухлараро ва умумий дисперсия таҳлили ўртасидаги тафовутни кўрсатиб беринг (мисол тариқасида).
10. Махсулот ҳажмининг ўзгаришига унинг микдори ва баҳосининг таъсирини индекс усули қандай аниқланади?

12-боб. КОРРЕЛЯЦИЯЛИ ВА РЕГРЕССИЯ ТАҲЛИЛЛАР

12.1. Корреляцион ва регрессив таҳлилнинг умумий тушунчаси

Корреляция ва регрессия бу – маркетинг тадқиқотлари ўтказишида фойдаланиладиган иқтисодий-математик усуллар гурухига кирадиган усуллардир. Улар маркетинг фаолиятини тавсифлайдиган ўзгарувчилар гурухлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаш учун фойдаланилади.

Корреляция дейилганда иккита тасодифий мікдорларнинг (X ва Y) бир-бирига боғлиқлиги (алоқадорлиги) тушунилади. Уларнинг тасодифийлиги шундаки, таҳлил қилинаётган мікдорлар бир-бирига умуман боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай боғланишни ёлғон корреляция деб юритилади. Иккита мікдорнинг ўртасидан фарқларининг йиғиндиси **корреляция функцияси ёки корреляция** деб айтилади. Бу куйидагича ифодаланади:

$$r_{xy} = \sum\{(x - \bar{x}_y)(y - \bar{y}_x)\};$$

Корреляция функциясини дисперсияга ($\sigma_x^2 \sigma_y^2$) бўлиб **корреляция коэффициентини** аниқлади. Бунинг формуласи куйидагича:

$$R_{xy} = \frac{r_{xy}}{\sigma_x^2 \sigma_y^2};$$

Агар таҳлилий кўрсаткичлар ночизиқли боғланишда бўлса бундай ҳолат **корреляция индекси**, деб юритилади.

Корреляцион таҳлил натижасида олинган маълумотларга қараб ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг боғлиқлигига баҳо бериш мумкин. Агар X билан Y бир-бирига боғлиқ бўлмаса $R_{xy} = 0$ бўлади. Улар бир-бирига боғлиқ бўлса $R_{xy} \neq 0$ бўлади. Агар улар ўртасидаги боғлиқлиқ тўлиқ бўлса $R_{xy} = 1$ бўлади. Агар улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, натижса камайши рўй берса $R_{xy} = -1$ га teng бўлади. Кўриниб турибдики, корреляция коэффициенти -1 дан $+1$ гача ўзариш мумкин экан.

Корреляцион таҳлил ёрдамида асосан қуйидаги икки масала: биринчидан,

боғланишлар йўналишини аниқлаш ва уни эҳтимоллар назарияси билан баҳолаш ва иккинчиси, боғланишлар зичлигини аниқлаш масалалари ҳал этилади.

Бирок корреляция ва регрессия таъсири (ҳаракати) куйидагилар туфайли қиёйин хисобланади:

- ўрганиш обьекти мураккаблиги, маркетинг жараёнлари чизиқли эмаслиги;
- маркетинг ўзгарувчиларини ўлчаш қийинлиги. Истеъмолчиларнинг маълум бир стимулларга, масалан, рекламага реакциясини ўлчаш қийинлиги;
- истеъмолчилар диди, одатлари, баҳодари ва х.к. ўзгариб туриши билан асосланадиган маркетинг ўзаро алоқалари бекарорлиги.

Ташки мухитнинг тез ва чукур ўзариши шароитларида математик модель аввалбошдан унда хисобга олинмаган ўзаришлар таъсирини олдиндай айтиб беришга кодир эмас. Математик модель импровизация қила олмайди ва ташки мухит ўзаришларига мослаша олмайди.

Корреляцияларни ҳисоб-китоб қилиш ва регрессияларни ҳисоб-китоб қилиш бу – маркетингда корреляцион-регрессион таҳлил деб аталадиган маълумотларни таҳлил қилиш жараённинг кетма-кетлиқдаги иккита босқичидир. Улар биринчи навбатда, вазифани тўғри қўйиш кетма-кетлиқдаги режимини ва мавжуд маълумотлар орасида мос келадиган танлама тўпламни таъминлаш учун мўлжалланган таҳлилий режимда бажарилади. Корреляцион-регрессион таҳлилини кўллайдиган тадқиқотчи энг мос келадиган ва ишончли худудларни, вакт даврларини, тадқиқот обьектларини, омиллар турлари ва х.к.ни танлаб олади. Таҳлилий режим маълум бир «кириш» - маълумотлар орасидан танлама тўплам ва вазифани бошланғич қўйиш ҳамда «чиқиши» - фильтрланган вазифа қўйиш ва танлама тўпламга эга бўлади. Колган жиҳатлардан у таҳлил услубиятини чегараламайди.

1. **Корреляция** сифат таҳлили учун: бир-бири билан боғлиқ бўлган омилларни танлаб олиш (скрининг) ва алоқа қалинлиги максимал бўлган танлама тўплам қисмини ажратиш учун фойдаланилади. Сўнгра танлаб олинган

омиллар ва кичик омиллар гурухи учун миқдорий таҳлил амалга оширилади: ўзаро алоқа регрессия функциялари тузилади. Уларни ахборот конвейерида фойдаланилиши мумкин. Ахборот конвейери дастурий блоклар кетма-кетлигини ҳосил қиласди: сифат - аналог – миқдор - риск - нарх - талаб. Ҳар бир блок ҳисоб-китобнинг олдинги босқичида ёки маълумотлар тўпламдан олинган ахборот асосида мос келувчи тавсифномалар гурухини ҳисоблаб чиқади. Натижа навбатдаги блокка берилади ёки дарҳол худди ўша маълумотлар тўпламига уланади.

Олинган регрессия функцияларининг қўлланиш соҳаси кластерли таҳлил ёрдамида ёки экстраполяция соҳасида генетик алгоритмлар қўллаган ҳолда белгиланди.

Кластерли таҳлил – танлама тўпламни гурухларга (кластерларга) ажратишdir. Кластерлар ихчам бўлиши, бошқача қилиб айтганда, турли кластерлар орасидаги масофа битта кластернинг ичидаги нукталар ўртасидаги ўртacha масофадан катта бўлиши лозим.

Генетик алгоритмлар бир неча хил кўрсаткичлар комбинациялари вариантлари оптимумини излашни амалга оширади. Бу жараён цикли равишида тақоррланадиган учта асосий босқични ўз ичига олади, чунончи:

-эволюция – вариантнинг ҳам кўрсаткичлар бўйича ҳосила мезон, ҳам стохастик «сакраш»дан фойдаланган ҳолда кутилаётган оптимум томон силжиши;

-«омадсиз» вариантлар «ғалвирдан ўтказиш»;

-«омадли» вариантларни ясатишириш: «аждодлар» кўрсаткичларининг омадли қийматларини бирлаштирадиган «авлодлар» вариантларини юзага келтириш.

"Генетик алгоритмлар" номи шу билан боғлиқки, улар табиий танланиш ҳақида замонавий тасаввурларни ифодалайди: генотипларни чатиштириш – ҳосил қилинган фенотиплар муваффақиятлилигини аниқлаш – келгусида чатиштириш учун ҳамкорлар тўпламдиан омадсизларни «ғалвирдан ўтказиш» ҳисобланади.

Корреляцион таҳлил белгиларнинг регрессия тенгламасида иштирок этиш шаклини аниқлашдан бошланади. Кейин эса натижавий белгига таъсир этувчи омилларнинг рўйхати белгиланиб уларнинг энг муҳимлари танлаб олинади. Танлаб олинган ва регрессия тенгламасига киритилган омиллар ўзаро чизики ёки жуда кучли корреляцион боғланишда бўлса, улар маълум даражада бир-бирини тақоррлаши натижасида регрессия кўрсаткичлари бузилади. Шу сабабли барча омилларнинг ўзаро боғланиш кучи жуфт корреляция коэффициентини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда бир-бирини тақоррлайдиган омиллар аниқланса тенгламадан чиқариб ташланади. Кейин эса регрессия тенгламасининг маълум параметрлари ($a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$) аниқланади.

Регрессия тенгламаси аниқлангандан кейин унинг маълум параметрлари ҳисобланади.

Корреляцион боғланиш тушунчasi умумий тушунча – стохастик (бильвосита) боғланишининг хусусий ҳолидир. Ўзгарувчан белги Y, X -дан стахастик боғланишда бўлади.

Корреляцион боғланишларни ўрганишининг асосий вазифаси ўрганилаётган ходисалар ва омиллар ўзаришининг сабабини аниқлашдан иборат. Омиллар одатда сабаб сифатида, натижа кўрсаткичи эса оқибат сифатида намоён бўлади.

Корреляцион таҳлил усули бир неча босқичларни ўз ичига олади:

- вазифанинг қўйилиши, омил ва натижа белгиларнинг танланиши;
- статистик маълумотларни тўплаш, уларни текшириш;
- график ва аналитик гурухлаш усуллари ёрдамида ўзаро боғланишларни дастлабки ўрганиш;
- жуфт боғланишларни ўрганиш;
- кўп омилли боғланишларни тадқиқот қилиш;
- тадқиқот натижаларини баҳолаш, тушунтириш ва таҳлил қилиш.

Шуни инобатта олиш керакки, омил ва натижанинг ўртачадан фарқининг кўпайтмасининг $\sum(x-x_{\bar{y}})(y-y_{\bar{y}})$ юқори қиймати уларнинг илдиз остидаги

квадратлар йигиндисига тенг, яъни:

$$\sum(x - x_{\bar{y}})(y - y_{\bar{y}}) = \sqrt{\sum(x - \bar{x})^2 + (y - \bar{y})^2}$$

Энди ушбу натижа ва омиллар ўртасидаги боғланишнинг зичлигини аниклашни тақозо қиласи. Буни аниклаш учун омиллар ва натижаларнинг ўртачадан фарқининг кўпайтмасининг энг кичик миқдорини унинг энг катта миқдорига бўлиш йўли билан хисобланади:

$$r_{xi} = \frac{\sum(x - \bar{x})(y - \bar{y})}{\sqrt{\sum(x - \bar{x})^2 + (y - \bar{y})^2}}$$

Бу ерда: r_{xy} – тўғри чизиқли корреляция коэффициенти.

Ушбу коэффициентнинг миқдори -1 дан 0 гача ва 0 дан +1 гача кийматларда бўлиши мумкин.

Агар $r_{ij} < 0$ бўлса бу ерда боғланиш тўғри чизиқли бўлади. Агар $r_{ij} > 0$ бўлса, ухода боғланиш улар ўртасида тескари бўлади. Бордию $r_{ij} = 0$ бўлса, ушбу кўрсаткичлар ўртасида боғланиш мутлақо йўқлигидан далолат беради.

r_{ij} нинг миқдорига қараб боғланишнинг даражасини аниклаш мумкин. Бунинг ҳозирги статистика фанида тан олинган миқдори кўйидагicha:

12.1 – жадвал

Миқдорий боғланиш даражаси

Қиймати	0,1 – 0,3	0,3 – 0,5	0,5 – 0,7	0,7 – 0,9	0,9 ва ундан юкори
Боғланиш кучи	бўш	ўртacha	сезиларли	юкори	жуда юкори

Буларнинг тенгламаси мос равишда қўйидагicha:

$$Y_i = a_1 + a_2 x - тўғри чизиқли боғланиши.$$

$$Y = x_0 + a_1 x + a_2 x^2 парабала тенгламаси.$$

$$Y = a_0 + \frac{a_1}{x}; - гипербола тенгламаси;$$

Коэффициент корреляции

$$r = b \frac{\sigma_x}{\sigma_y} = \frac{\bar{yx} - \bar{y} \cdot \bar{x}}{\sigma_x \cdot \sigma_y}$$

$$\sigma_x = \sqrt{\bar{x}^2 - (\bar{x})^2}$$

$$\sigma_y = \sqrt{\bar{y}^2 - (\bar{y})^2}$$

$$Y = a_0 x^{a_1} - кўрсаткичли тенглама.$$

Ушбу тенгламаларнинг ҳаммаси маркетинг тадқиқотларида кенг қўлланилиши мумкин.

Корреляцияланадиган омиллар сифатида битта ёки иккита блоклар координата оралигидан маълумотлар танлаб олинади. Ҳар бир жуфтлик омиллар учун оддий корреляция коэффициенти ҳисоблаб чиқилади. Бунда йигинди чиқариш ёйилган ҳолат ўзгарувчилари бўйича амалга оширилади. Ёйилган ҳолат ўзгарувчиси – унинг атрофида маълумотлар жойлаган ўқ ролини ўйнайдиган ўзгарувчи, масалан, графикдаги абсциссадир. Шу билан бир пайтда у статистика генератори ролини ўйнайди: унда статистик кўрсаткичлар: корреляция коэффициенти, регрессия коэффициент ва бошқаларни ҳисоблаб чиқишида маълумотлар йигиндисини чиқариш амалга оширилади. Одатда бу замон ва/ёки макон бўлади. Шундай килиб, корреляция айтайлик, маҳсулот сифати ва ракобатбардошликни ошири ёки унга талабнинг ортиши ўртасидаги замонга ва маконга оид синхронликни акс эттиради.

12.2. Жуфтли корреляция

Агар маркетологни иккита метрик кўрсаткич ўртасидаги алоқа кизикиридан бўлса, бунда жуфт корреляциядан фойдаланилади. Ушбу корреляция Пирсон корреляция коэффициенти билан тавсифланади. Корреляция хусусий коэффициенти – ўзгарувчилар самарасига тузатиш киритишдан сўнг иккита ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқлик ўлчовидир. Корреляция коэффициенти -1 дан +1 гача ўзгаради. Коэффициент мутлақ қиймати алоқа қалинлигини тавсифлайди, белги эса унинг йўналишини кўрсатади.

Жуфт корреляция кўйидаги каби саволларга жавоб беради:

- талаб реклама харажатлари билан қанчалик кучли боғланган?

- истеъмолчиларнинг товарлар сифатини қабул қилиши уларнинг нархни қабул қилиши билан боғлиқми?


Хусусий корреляция эса қуйидаги саволларга жавоб беради:

- агар талабнинг реклама харажатларига боғлиқлигини оладиган бўлсак, нарх омилиниң таъсири борми?
- сифат ва нарх таъсирини ўрганишда савдо маркаси самараси борми?

Хусусий корреляция қалбаки боғлиқликларни аниклаш учун фойдали бўлиши мумкин.

Агар маълумотлар ораликли ёки нисбий шкалалар ёрдамида ўлчанганд бўлса, бу корреляция турларининг биронтаси билан муаммо юзага келмайди.

Лекин нометрик ўзгарувчилар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ораликли ёки нисбий шкалалар ёрдамида ўлчаб бўлмайди ёки улар нормал тақсимот қонунига бўйсунмайди. Бундай ҳолатларда Спирмен коэффициентлари ёки Кендал ранг корреляцияси фойдаланилади, корреляциянинг ўзи эса нометрик корреляция деб аталади. Бу коэффициентларнинг фарқи шундаки, Кендал ранг корреляцияси кузатувларнинг катта қисми нисбатан кам сонли тоифаларга тўғри келганда, Спирмен ранг корреляцияси эса, аксинча – тоифалар сони кўп бўлганда фойдаланилади.




Корреляцион таҳлилдан амалиётда фойдаланишга мисол :

Истеъмолчиларнинг савдо маркаларига муносабатини ўрганиш билан шуғулланадиган маркетологларнинг аниқлашича, сотовчиларнинг минимал иштироки билан сотиладиган товарлар учун харидорнинг reklamaga муносабати брендни таниб олиш ва унга муносабат ўртасида оралиқ бўғин бўлиб хизмат қиласди. Улар агар товарлар компьютер тармоги орқали харид килинадиган бўлса, бу оралиқ ўзгарувчи билан нима бўлишини билишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Венгрияда компаниялардан бири харидларга бевосита рекламанинг таъсирини тадқиқ қилди. Маркетологлар ўтказган сўров давомида тури кўрсаткичлар ўлчанди. Шундан сўнг брендга муносабат билан унга ишонч ўртасида хусусий корреляция коэффициентини ҳисоблаб чиқиш ва шу

билан бир пайтда reklamaga муносабатни истисно қилиш зарур бўлди. Мазкур корреляцион таҳлил reklamaga муносабат ҳақиқатда муҳим аҳамият касб этишини ва истеъмолчилар хулқ-авторига таъсир этишини кўрсатди, чунки хусусий корреляция коэффициенти брендга ишонч ва унга муносабат жуфт коэффициентидан анча кичик эди.

Табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар ва жараёнлар бир-бири билан узвий равишда боғланган бўлиб, бу ҳодиса ва жараёнлардан бирининг ўзгариши, албатда иккинчисининг ўзгаришига олиб келади ва аксинча. Бунда биринчиси албатта функция ёки натижа бўлса, иккинчилари аргумент ёки омиллар бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳодисалар маркетинг жараёнида ҳам содир бўлади.



Шу туфайли маркетинг тадқиқотларида ҳам ушбу боғланишларни албатта ўрганишни тақозо қиласди.

Натижа кўрсаткичи билан омиллар ўртасидаги боғланишлар характеристига қараб икки гурухга бўлинади:

- функционал боғланишлар;
- корреляцион боғланишлар.

Боғланишлар йўналишига қараб ҳам иккига бўлинади:

- тўғри боғланишлар;
- тескари боғланишлар.

Аналитик ифодаларнинг кўринишларига қараб ҳам боғланишлар икки гурухга бўлинади:

- тўғри чизиқли боғланишлар;

- эгри чизиқли боғланишлар.

Бир кўрсаткичнинг ўзгариши билан иккинчи кўрсаткич албатта ўзгарса ва улар бир-бирига бевосита боғлиқ бўлса бундай боғланишлар **функционал боғланишлар** деб айтилади. Функционал боғланишнинг энг мухим хусусиятлари шулардан иборат:

- натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик бевосита арифметик белгилардан иборат бўлади;

- уларнинг жойлашувига қараб қайси омил ижобий ёки салбий таъсир қилиши аниқ бўлади;

- омилнинг қанчага ўзгариши натижани қандай ўзгарганлигини ҳам аниқлаш имконияти мавжуд бўлади;

- ушбу кўрсаткичларнинг боғлиқлиги (натижа билан омилларнинг) албатта математик формулаларда тенглама шаклида ифодаланади.

Кўрсаткичларнинг функционал боғланишларини схематик тарзда куйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$Y_i = f(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n) = f(\mathbf{x}_i);$$

бу ерда: Y_i - натижавий белгি;

$x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ - алоҳида омилларнинг белгилари;

X_i - омиллар белгиси;

$f(x_i)$ - бу белгиларнинг маълум функционал боғланишидир.

Аммо амалиётда шундай боғланишлар ҳам борки, бир кўрсаткичнинг (омилнинг) ўзгариши иккинчи кўрсаткичнинг (натижанинг) ўзгаришига олиб келиши табиий. Бироқ, уларнинг бир-бирига таъсирини функционал ҳолатдагидек аниқлаш қийин. Масалан, иқлимнинг ўзгариши ҳосилдорликка таъсир қилиш тайин, лекин қанчага ўзгартиранлигини хисоблашнинг имкони йўқ. Бундай ноаниц боғланиш статистикада **корреляцион боғланиш** деб айтилади. Ушбу сўзнинг маъноси

лотинчадан олинган бўлиб, correlatio – нарсаларнинг ўзаро нисбатини англатади, дейилган.

Корреляцион боғланишнинг характерли хусусияти шундаки, натижага таъсири килувчи барча омилларнинг тўлиқ руйхатини аниқлаш қийин, фақатгина формула ёрдамида корреляцион боғланишларнинг тахминий ифодаларини ёзиш мумкин, холос. Корреляцион боғланиши қуидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$Y_i = a_1 + a_2 x;$$

Бунда: Y_i – натижса кўрсаткичи;

a_1 – иккинчи даражада ва тасодифий омиллар таъсирида юз берадиган натижса белгисинининг ўзгармайдиган бир қисми;

$a_2 x$ – ҳисобга олинган натижса белгисининг маълум омил белгилар таъсири остида шакланган ўзгариувчининг бир қисмидир.

Муайян давр ичida кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиши асосан оддий параллел қаторлар тузиш йўли билан ўрганилади. Шу мақсадда энг аввало, таққосланатган белгилар ўртасида боғланиш бор-йўқлиги назарий жиҳатдан асослаб чиқилади. Кейин эса ҳар иккала қатор ёнма-ён жойлаштирилиб, бир-бiri билан таққосланади. Бундай корреляцион боғланишлар юкорида айтилганидек бир қанча йўналишларда амалга оширилади:

- тўғри чизиқли боғланиш;
- қисман тўғри чизиқли боғланиш;
- тескари чизиқли боғланиш;
- қисман тескари чизиқли боғланиш;
- ноль коэффициентли боғланиш.

Маркетинг тадқиқотларида барча боғланишлар учраши табиий. Буларнинг ҳар бирини қисқагина қараб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Тўғри чизиқли боғланиши дейилганда, омилларнинг ижобий томонга ўзгариши натижанинг ҳам ижобий томонга ўзгаришига олиб келиши тушунилади. Бунга қуидаги мисолни келтириш мумкин:

12.2-жадвал

Тўғри чизиқли боғланиш

Омиллар	X	4	6	8	10	X ўртача 7
Натижа	У	19	22	25	28	У ўртача 23,5
Омилнинг ўртачадан фарқи	(x-x _{ўр})	-3	-1	+2	+3	X
Натижанинг ўртачадан фарқи	(y-y _{ўр})	-4,5	-1,5	+1,5	+4,5	X
Омил ва натижанинг ўртачадан фарқининг кўпайтмаси	$\sum(x-x_{\text{ўр}})$ (y-y _{ўр})	+13,5	+1,5	+3,0	+13,5	+31,5

Қисман тўғри чизиқли боғланиши дейилганда, омилнинг ўзгариши билан натижа бир ўзгариб сўнгра камаяди ва яна ўсадиган ҳолат тушунилади. Бунга қўйидаги мисолни келтириш мумкин бўлади:

12.3 – жадвал

Қисман тўғри чизиқли боғланиш

Омиллар	X	4	6	8	10	X ўртача 7
Натижа	У	19	25	22	28	У ўртача 23,5
Омилнинг ўртачадан фарқи	(x-x _{ўр})	-3	-1	+2	+3	X
Натижанинг ўртачадан фарқи	(y-y _{ўр})	-4,5	+1,5	-1,5	+4,5	X
Омил ва натижанинг ўртачадан фарқининг кўпайтмаси	$\sum(x-x_{\text{ўр}})$ (y-y _{ўр})	-13,5	-1,5	+3,0	+13,5	-4,5

Тескари чизиқли боғланиши дейилганда, омилларнинг кўпайиши билан натижа кўрсаткичининг микдори муттасил равишда пасайиб бориши тушунилади. Ушбу боғланишга қўйидаги мисолни келтириш мумкин бўлади:

12.4-жадвал

Тескари чизиқли боғланиш

Омиллар	X	4	6	8	10	X ўртача 7
Натижа	У	28	25	22	19	У ўртача 23,5
Омилнинг ўртачадан фарқи	(x-x _{ўр})	-3	-1	+2	+3	X
Натижанинг ўртачадан фарқи	(y-y _{ўр})	+4,5	+1,5	-1,5	-4,5	X
Омил ва натижанинг ўртачадан фарқининг кўпайтмаси	$\sum(x-x_{\text{ўр}})$ (y-y _{ўр})	-13,5	-1,5	+3,0	-13,5	-31,5

Қисман тескари чизиқли боғланиши дейилганда, омилларнинг бир хил ўсиши билан натижанинг бир камайиб, яна бир ўсиб ва камайиши, яъни қисман бир-бирига тўғри келиши тушунилади. Ушбу боғланишга қўйидаги жадвалда келтирилган мисолни кўрсатиш мумкин:

12.5-жадвал

Қисман тескари чизиқли боғланиш

Омиллар	X	4	6	8	10	X ўртача 7
Натижа	У	22	28	25	19	У ўртача 23,5
Омилнинг ўртачадан фарқи	(x-x _{ўр})	-1,5	+4,5	+1,5	+3	X
Натижанинг ўртачадан фарқи	(y-y _{ўр})	+4,5	-1,5	+1,5	+4,5	X
Омил ва натижанинг ўртачадан фарқининг кўпайтмаси	$\sum(x-x_{\text{ўр}})$ (y-y _{ўр})	-6,75	-6,75	+2,25	+13,5	+2,25

Ноль коэффициентли боғланиши дейилганда, омилнинг кўпайиши билан натижа кўрсаткичининг ўзгаришида деярли боғлиқлик бўлмаслиги тушунилади. Натижанинг ўзгариши бошқа тасоддифий омиллар эвазига

ўзгариши мумкин. Ушбу боғланишга ҳам қуйидаги жадвалда келтирилган мисолни кўрсатиш мумкин:

12.6-жадвал

Ноль коэффициентли боғланиш

Омиллар	X	4	6	8	10	X ўртача 7
Натижка	Y	28	22	25	19	У ўртача 23,5
Омилнинг ўртачадан фарқи	(x-x _р)	-3,0	-1,0	+1,5	+3	X
Натижанинг ўртачадан фарқи	(y-y _р)	+4,5	-1,5	+1,5	+4,5	X
Омил натижанинг ўртачадан фарқининг кўпайтмаси	$\sum(x-x_{\bar{}})(y-y_{\bar{}})$	-13,5	-1,5	+2,25	+13,5	+0,75

Ушбу боғланишларни ўрганишда статистиканинг корреляция, регрессия каби усууларидан фойдаланилади.

12.3. Регрессион таҳлил тушунчаси

Регрессия сўзи лотинча regressio сўзидан олинган бўлиб, оркага ҳаракатланиш деган лугавий маънога эга. Бу атамани статистикага кириб келиши ҳам корреляцион таҳлил асосчилари Ф. Гальтон ва К. Пирсон номлари билан боғлиқдир.

Регрессион таҳлил амалий масалаларни ечишда муҳим аҳамият касб этади. У натижавий белгига таъсир этувчи белгиларнинг самарадорлигини амалий жиҳатдан етарли даражада аниқлик билан баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга регрессион таҳлил ёрдамида иктисодий ҳодисаларнинг келажак даврлар учун истиқбол микдорларини баҳолаш ва уларнинг эҳтимол чегараларини аниқлаш мумкин.

Регрессион таҳлил бу – метрик боғланган ўзгарувчи ва битта ёки бир нечта мустақил ўзгарувчи ўртасидаги алоқаларни ўрганиш ва шаклини белгилаш усули ҳисобланади.

Бошқача айтганда, регрессия дейилганда қандайдир ўртacha

микдорларнинг тасодифий битта ёки бир қанча кўрсаткичларга боғлиқлиги тушунилади.

Регрессион таҳлил қуйидаги ҳолларда қўлланади:

- ўзарувчилар орасида ҳақиқатда ўзаро алоқа мавжудлигини аниқлаш зарур бўлса;

- мустақил ва боғланган ўзагрувчилар ўртасидаги алоқалар қалинлигини аниқлаш зарур бўлса;

- алоқа шаклини аниқлаш зарур бўлса;

- боғланган ўзгарувчининг аҳамиятини олдиндан айтиш лозим бўлса;

- муайян ўзгарувчилар хиссасини аниқлашда мустақил ўзгарувчилар устидан назоратни амалга ошириш зарур бўлса.

Регрессион таҳлил ўтказиш учун қуйидагилар зарур:

- унинг маълумотлари боғланган регрессия ўзгарувчисини берадиган координаталар оралиги ундан олинадиган битта блокни танлаш.

- худди шу тарзда омиллар мустақил регрессия ўзгарувчилари олинадиган битта ёки бир нечта блокни танлаш. Бунда боғланган ўзгарувчини берадиган блок ва мустақил ўзгарувчини берадиган барча блоклар регрессия эгри чизиги ёки юзаси улар бўйича ўтказиладиган нукталарни берадиган умумий координаталарга эга бўлиши зарур.

- регрессияга киритилган мустақил ўзгарувчилар тури ва функциялар «даражаси»ни танлаш.

- уларнинг ичида регрессия функцияси сезиларли ўзгармаслиги лозим бўлган таққослаш ўзгарувчиларининг координата оралиqlарини бериш.

- олдиндан айтиб бериш аниқлиги белгиланади. Бунинг учун регрессияни баҳолаш стандарт хатолиги аниқланади.

Регрессия мустақил ўзгарувчилар сони ва регрессия функцияси даражаси ўсиши билан кетма-кетликда амалга оширилади. Бунда умумтизимли оптимизатор ёрдамида регрессия эгри чизиги маълумотлари ўртача квадратик оғиш минимуми топилади.

Регрессия тенгламаси статистик боғланишни ифодалайди, яъни бу

тenglама Y белгининг ўртача даражасининг ўзгаришига X белгининг ўзгариши таъсири остида ўзгаришини ифодалайди.

Тўғри чизиқли боғланиш мавжуд бўлганда натижавий белги омил белги таъсирида бир текис ўзгаради. Бу ерда ўзгарувчи аргумент x бўлиб ҳисобланади. Агар унинг қиймати мусбат бўлса, натижа кўпайиб боради ва аксинча манфий бўлса, натижа камайиб боради. У холда регрессия тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Yx = a_0 + a_1x$$

Бу ерда Yx - натижавий белгининг текисланган қиймати (ўзгарувчан ўртача).

Мазкур формула таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичининг аниқланиши лозим бўлган омилга боғлиқлигининг турли қийматларини аниқлаш имконини беради. Шу туфайли уни *регрессия коэффициенти*, деб юритилади.

Агарда натижа ўзгаришига битта эмас, бир қанча омиллар таъсир қиласа, улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик шаклда бўлса кўпомилли регрессия формуласи қўлланилади:

$$Yx = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n$$

Маркетинг тадқиқотларида тўғри чизиқли боғланиш тенгламаси кенг кўламда қўлланилади, унинг параметрларини аниқлаш ва уларни ишлатиш осон. Лекин ҳақиқатда чизиқли боғланиш кам учрайди. Шу сабабли тўғри чизиқли боғланишни танлаш оддий эмперик усул сифатида қаралади.

Агарда эмперик маълумотлар омил белгининг кўпайиши натижавий белгининг тезроқ ўтишига олиб келса, регрессия тенгламаси сифатида иккинчи тартибли *парабола тенгламаси* олинади.

Тенглама куйидаги кўринишга эга

$$Yx = a_0 + a_1x + a_2x^2$$

Гипербола тенгламаси эса:

$$Yx = a_0 + a_1 \frac{1}{x};$$

ярим логарифмик эгри чизиқли тенглама:

$$Yx = a_0 + a_1 \text{Log}x;$$

Кўп омилли (чизиқли) регрессия тенгламаси ҳам кўпомилли регрессия сингари куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Yx = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n;$$


Корреляция регрессия ўртасидаги таҳлилида боғланишлар шаклини танлаш муҳим бўлиб ҳисобланади, чунки кейинги ҳисоб китоблар қанчалик яхши амалга оширилмаса, агарда боғланиш шакли тўғри танланмаган бўлса, натижа нотўғри хулосаларга олиб келади.

Боғланишлар шакли даставвал сифат таҳлили натижасида аниқланган. Бу ўринда регрессия эмперик чизигининг графигидан фойдаланилади.

Боғланишлар назарий шаклини танлаш маълум микдорда шартли бўлиб, у функционал боғланиш билан боғлиқдир. Лекин шу билан бирга ҳаётда боғланиш маълум даражада функционал боғланишга яқинлашади холос. Фақатгина боғланиш юкори даражада бўлсагина боғланишнинг назарий чизиги ва унинг параметрлари амалий аҳамият касб этади ва корреляция назариясининг режа ва иктисадий ҳисоб китобларидан яхши ёрдамчисига айланади.

Демак, қачонки боғланиш юкори даражада бўлсагина боғланишнинг назарий чизигини ахтариш ва уни аниқлаш маълум бир мазмун ва маъно касб этади. Боғланишнинг бу назарий чизиги бошқача килиб, *регрессия чизиги* деб аталади. Уларни аниқлаш, тузиш ва таҳлил қилиш ва амалий қўлланилиши эса **регрессион таҳлил** деб айтилади.

Ушбу формулаларга шартли маълумотлар асосида тузилган мисолни келтирамиз (12.7-жадвал).



12.7-жадвал

Нормал чизиқли тенгламалар тизимининг коэффициентларини хисоблаш

Оила жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад, минг сўм (X)	Қанд истеъмоли кг.(Y)	X ²	Xy	Yx=22,55+0,017x (к2)
450	30	202500	13500	30,2
750	35	562500	26250	35,3
1050	41	1102500	43050	40,4
1350	46	1822500	62100	45,5
1650	50	2722500	82500	50,6
$\sum X = 5250$	$\sum Y = 202$	$\sum X^2 = 6412500$	$\sum XY = 227400$	202

$$\bar{Y}_x = a_0 + a_1 x$$

\bar{Y}_x – қанд истеъмолининг фақат даромаддан боғлиқлиги.

X – жон бошига тўғри келадиган даромад.

а₀ а₁ лар – тенгламанинг ноъмалум параметрлари.

а₀ – параметр натижавий белгига (қанд истеъмолига) хисобга олинмаган омилларнинг ўртача таъсири, яъни X=0 даги Yx қиймати.

а₁ – параметр, регрессия коэффициенти бўлиб, омил белгининг бир бирликка кўпайшии натижса белгининг ўртача қанчага ўзгаришишининг кўрсатади.

Тўғри чизиқли боғланишлар тенгламасининг номаъум параметрлари а₀ ва а₁ лар кичик квадратлар усули асосида олинган тенгламалар тизимини хисоблаш йўли билан аниқланилади:

$$\begin{aligned} na_0 + a_1 \sum X &= \sum Y \\ a_0 \sum X + a_1 \sum X^2 &= \sum xy \\ 5a_0 + 5250a_1 &= 202 \\ 5250a_0 + 6412500a_1 &= 227400 \end{aligned}$$

Бу нормал тенгламалар тизимини ечиш учун зарур маълумотларни юқоридаги жадвалдан оламиз:

$$\begin{aligned} a_0 + 1050a_1 &= 40,4 \\ a_0 + 1221,4a_1 &= 43,314 \quad \text{бу ерда } a_1 = \frac{2,914}{171,4} = 0,017 \\ 171,4a_1 &= 2,914 \end{aligned}$$

а₁ нинг қийматини тенгламага қўйиш йўли билан а₀ ни аниқлаймиз

$$a_0 + 1050 a_1 = 40,4$$

бу ердан

$$a_0 + 1050 * 0,017 = 40,4$$

$$a_0 + 17,85 = 40,4$$

$$a_0 = 22,55$$

$$Yx = 22,55 + 0,017 x$$

а₁ параметр жон бошига тўғри келадиган даромаднинг 1 сўмга кўпайиши, қанд истеъмолини 17 грамга кўпайишини кўрсатади.

Даромад 100 сўмга кўпайса, жон бошига тўғри келадиган қанд истеъмоли 1,7 кг га ва хоказо кўпаяди.

$$Y_{450} = 22,55 + 0,017 * 450 = 30,2 \text{ ва хоказо жадвалга қаранг.}$$

Яна бир мисол ҳам бевосита маркетинг тадқиқотларига мос келади.

Тумандаги 8 та оила аъзоларининг ўртача бир ойлик даромади (x) билан бир суткада ҳар бир оила аъзоси томонидан истеъмол қилинадиган ёғ миқдори (y) ўртасидаги корреляцион боғланиш учун регрессиянинг чизиқли тенгламасини аниқлаш керак.

12.8-жадвал

Нормал чизиқли тенгламалар тизимининг коэффициентларини хисоблаш

T/p	Оила аъзоларининг ўртача бир ойлик даромад, минг сўм (X)	Бир суткада ҳар бир оила аъзоси томонидан истеъмол қиласидаги ёғ, гр (Y)	X ²	Xy	Yx=22,55+0,017x (ep)
1.	29,0	15,2	841,0	440,8	16,02
2.	38,0	17,0	1444,0	646,0	19,77
3.	46,0	25,0	2116,0	1150,0	23,11
4.	54,0	26,3	2916,0	1420,2	26,44
5.	62,0	32,0	3844,0	1984,0	29,78
6.	70,0	34,1	4900,0	2387,0	33,11
7.	79,0	38,0	6241,0	3002,0	36,87
8.	97,0	42,0	9467,29	4086,6	44,50
\sum	$475,3$	$229,6$	$31769,29$	$15116,5$	$229,6$

Куйидаги маълумотларга асосланиб нормал чизиқли тенгламалар тизимининг коэффициентларини жадвал ёрдамида хисоблаб чиқамиз (12.8-жадвал).

Нормал тенгламалар тизимида жадвалдаги маълумотларни қўйиб чиқамиз:

$$8a_0 + 475,3a_1 = 229,6; \\ 475,3a_0 + 31769,29 a_1 = 15116,6.$$

Ҳар бир тенгламанинг ҳадларини a_0 коэффициентининг олдидағи 8 сонига бўлиб чиқамиз:

$$a_0 + 59,412a_1 = 28,7; \\ a_0 + 66,84a_1 = 31,8.$$

Иккинчи тенгламадан биринчисини айриб чиқсак, у ҳолда:

$$2,428\epsilon_1 = 3,1. \text{ Бу ерда } \epsilon_1 = \frac{3,1}{7,428} = 0,417$$

a_1 қийматини биринчи тенгламага қўйиб, a_0 нинг қийматини аниқлаймиз:

$$a_0 + 59,412x_0 0,417 = 28,7;$$

бу ерда

$$a_0 = 28,7 - 24,755 = 3,925.$$

Тенгламадаги a_0 ва a_1 параметрларни куйидагича ҳам хисоблаш мумкин:

$$a_0 = \frac{229,6 + 31769,29 - 15116,6 * 475,3}{8 * 31769,29 - 475,3 * 475,3} = 3,925;$$

$$a_0 = \frac{8 * 15116,6 - 229,6 * 475,3}{8 * 31769,29 - 475,3 * 475,3} = 0,417.$$

Шундай қилиб, корреляцион боғланиш регрессиясининг тўғри чизиқли тенгламаси куйидаги кўринишни олади:

$$Y_x = 3,925 + 0,417X$$

Ушбу тенглама ёрдамида Y нинг қатордаги исталган қийматини аниқлаш мумкин. Масалан,

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 29,0 = 16,02$$

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 38,0 = 19,77$$

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 46,0 = 23,11$$

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 54,0 = 26,44$$

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 62,0 = 29,78$$

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 70,0 = 33,11$$


$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 79,0 = 36,87$$

$$Y_x = 3,925 + 0,417 * 97,3 = 44,50$$

Бу ерда a_1 регрессия коэффициенти натижавий белги (Y) билан омил

белги (x) ўртасидаги боғланишни белгилаб беради. Бу эса омил белги бир бирликка ортганда натижавий белги неча бирликка ошади, деган саволга жавоб беради.

Бизнинг мисолимизда $a_1 \approx 0,42$ га тенг. Демак даромаднинг бир сонга ошиши ҳар бир оила аъзоси томонида истеъмол қилинадиган ёғнинг бир суткада 0,42 граммга ошишига олиб келади. Бошлангич маълумотлар (X_i , Y_i) декарт кордината тизимида қўйиб чиқилса, корреляция майдони ҳосил бўлади. Бу куйидаги чизмада акс эттирилган (12.1-расм).



12.1-расм. Нормал чизиқли тенгламалар тизимининг коэффициентларининг графиги

Шу сингари бошқа тенгламаларнинг ҳам миқдори ва графикларини тузиш мумкин. Бунда маркетинг тадқиқотларида қандай жараён ва кўрсаткичларнинг ўрганилаётганлигига боғлик.

12.4. Жуфт регрессия таҳлили

Регрессия эгри чизиги учун ноаниқлик тавсифномалари – регрессия қалинлиги кўрсаткичлари: ишончли оралиқ эгри чизиклари вадетерминация коэффициенти хисоблаб чиқилади. Буларнинг сўнгтиси «боғланган ўзгарувчи – мустакил ўзгарувчи» барча комбинациялари учун бирданига хисоблаб чиқилиши мумкин.

Худди корреляция каби, регрессия ҳам ҳар бир таққослаш ўзгарувчисининг қайд қилинган координата оралиқлари учун ҳисоблаб чиқилади. Регрессиянинг худди шу иерархия даражайдаги координата оралигини алмаштиришга баркарорлиги текширилади.

Худди корреляцион таҳлил каби, регрессион таҳлил ҳам ўз хусусиятлари ва йўналишларига эга.

Иккита математик ўзгарувчи – боғланган ва мустақил ўзгарувчи ўртасида математик боғлиқликни аниқлаш учун жуфт регрессия фойдаланилади. Кўплик регрессия икки ёки ундан ортиқ мустақил ўзгарувчилар ва оралиқли ёки нисбий шкалалар ёрдамида ифодаланган кўп сонли боғланган ўзгарувчилар ўртасидаги математик боғлиқликни аниқлаш учун фойдаланилади. Ушбу ҳолатда алоқа қалинлиги кучи кўплик детерминация ёрдамида ўлчанади (худди корреляциядаги каби). Қадамма-қадам регрессияда мустақил ўзгарувчилар регрессияга кетма-кет киритилади ва чиқарилади.

Жуфт регрессия қўйидаги саволларга жавоб беради:

- мустақил ва боғланган ўзгарувчилар ўртасида боғлиқлик қандай?
- бозор ҳажмлари вариацияси савдо персонали сонига боғлиқми?

Кўплик регрессия қўйидаги каби саволларга жавоб беради:

- маҳсулотга талаб нарх, ракобатчилар сони ва бозордаги воситачилар нуқтаи назаридан тушунтириладими?
- бозор улуши PR-акциялар харажатларига ва промоакция бюджетига боғлиқми?
- талаб бенчмаркинг ўтказишга, рақобатчиларнинг нарх сиёсати ва ҳ.к.га боғлиқми.

Регрессион таҳлилга мисол:

Сотув ҳажми бўйича *IBM* дан ҳам ўзиб кетган *Sun Microsystems* компанияси мисоли бундай таҳлил учун ажойиб мисол бўла олади. Рақобатли устунликлар регрессион таҳлилини асос қилиб олиб, компания технологиялар бозорида етакчи бўлиб олди. Регрессион таҳлил қўйидаги тартибда амалга оширилади: учта мустақил ўзгарувчилар тўплами:

рақобатчи компанияда мутахассислар сони, реклама харажатлари ва ишлаб чиқиши харажатлари олинди. Уларнинг барчasi илгари ўтказилган бенчмаркинг туфайли фойдаланилган. Боғланган ўзгарувчи эса сотув ҳажми ҳисобланади. Ушбу таҳлилни ўтказиш шуни кўрсатадики, айнан персонал сони туфайли *Sun Microsystems* компанияси азият чекди ва *IBM* етакчи бўлиб олди. Персонал сонининг катта эканлиги сабабли *Sun Microsystems* компаниясида профессионал даражада тарқоқлик юзага келди ва кўпинча у ёки бу маҳсулотни жорий қилиш бўйича яқдил фикр бўлмади, лойихаларга пул ажратилмади, лекин лойихаларнинг аксарияти лойихалигича колиб кетди ва татбиқ этилмади. Аксинча, персонал сони кичикроқ бўлган *IBM* компаниясида лойиха муаллифлари бозорга кетиб қолди ва дарҳол сотиб олинди. Таҳлил якунларига кўра, *Sun Microsystems* ахборотнинг четга чиқиб кетишидан хавфсираган ҳолда персонални қискартиришга карор қилмади, филиалларга бўлинди ва шу тариқа 3 йил давомида етакчилик чўққисида бўлиб турди.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар узвий равиша ўзаро боғланишга эга ҳисобланади.

Ушбу боғланиш ижтимоий ҳаётдаги барча ҳодисалар ва уларнинг белгилари ўзаро узлуксиз таъсири этишида ифодаланади. Шу сабабли ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда белгилар ўртасидаги боғланишни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Баъзи белгилар бошқа белгиларга таъсири этиб, уларнинг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни айрим белгилар эркин ўзгарувчан бўлса, бошқалари эса уларга қарамдир. Шу нуқтаи назардан белгилар иккига бўлинади. Бошқа белгиларга таъсири этиб, уларнинг ўзгаришига сабаб бўладиган белги омил белгиси ва бошқа белгиларнинг таъсирида ўзгарувчи белги натижаси деб аталади.

Масалан, талабаларнинг ўзлаштириши натижавий белги бўлиб, уларнинг дарсга қатнашиши эса омил белгиси ҳисобланади.

Белгилар ўртасидаги боғланишлар характеристига кўра, икки турга бўлинади:

1. Функционал боғланиш.

2. Корреляцион боғланиш.

Омил белгиларининг ҳар бир қийматига натижавий белгининг битта ёки бир нечта аниқ қиймати мос келса, улар орасидаги боғланиш функционал боғланиш дейилади. Масалан, доира юзаси $S = \pi r^2$ фақат унинг радиусига (r) боғлиқ бўлиб, юқоридаги формула билан тўла ифодаланади.

Омилларнинг ҳар бири қийматига замон ва маконнинг тури шароитларида натижавий белгининг аниқ қийматлари эмас, балки ҳар хил қийматлари мос келувчи боғланиш корреляцион боғланиш дейилади.

Амалий масалаларни ҳал этиш жараёнида ўрганилаётган корреляцион боғланишини ҳатто таркибий ифодаловчи тенгламаларни аниқлаш зарурати пайдо бўлади. Статистикада корреляцион боғланишнинг таркибий ифодасини унинг регрессия тенгламаси ёки иқтисодий-статистик модели дейилади.

Регрессия тенгламасини аниқлаш билан бир қаторда унинг корреляцион боғланишини ифодалаш даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айрим регрессия тенгламалари боғланиш характерини етарлича ифода этмаслиги ёки бутунлай бошқача қилиб кўрсатиш мумкин.

Регрессион ва корреляцион таҳлил усулида боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан баҳоланади, сўнгра иқтисодий-статистик таҳлил килинади.

Статистикада бир омилли моделларни аниқлаш усули жуфт корреляция, кўп омилли моделларни аниқлаш усули эса кўп омилли корреляция дейилади.

Корреляцион боғланишларни ўрганишда икки тоифадаги масалалар кўрилади. Улардан бири ўрганилаётган ҳодисалар (белгилар) орасида қанчалик зич (яъни кучли ёки кучсиз) боғланиш мавжудлигини баҳолашдан иборат. Бу корреляцион таҳлил деб аталувчи усульнинг вазифаси ҳисобланади.


Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини аниқлаш ва уларнинг муҳимлигини, ишончлилигини баҳолашга асосланади.

Юкорида таъкидлаганимиздек, корреляция коэффициентлари иккӣёқлама характерга эга. Уларни ҳисоблаш натижасида олинган қийматларни X билан Y белгилар ёки, аксинча, Y билан X белгилар орасидаги боғланиш меъёри деб қараш мумкин.

Корреляцион боғланишни текширишда кўзланадиган иккинчи вазифа бир ҳодисанинг ўзгаришига қараб, иккинчи ҳодиса қанча миқдорда ўзгаришини аниқлашдан иборат. Ағасуски, корреляцион таҳлил усули – корреляция коэффициентлари бу хақда фикр юритиш имконини бермайди. Регрессион таҳлил деб номланувчи бошқа усул мазкур максад учун хизмат қиласди.

Регрессион ва корреляцион таҳлилда боғланишнинг регрессия тенгламаси аниқланади ва у маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан баҳоланади, сўнгра иқтисодий-статистик таҳлил килинади.

Шу сабабли ҳам регрессион ва корреляцион таҳлил куидаги 4 босқичдан иборат бўлади:



1. масала қўйилиши ва дастлабки таҳлил

4. регрессия тенгламасини баҳолаш ва таҳлил килиш

2. маълумотларни тўпланиш ва уларни ўрганиб чиқиш

3. боғланиш шакли ва регрессия тенгламасини аниқлаш

12.2 –расм. Регрессион ва корреляцион таҳлилларнинг босқичлари

1. *Масала қўйилиши ва дастлабки таҳлил.* Аввало ўтказилаётган текширишнинг вазифаси ва мақсадига асосан натижавий белги ва унинг регрессия тенгламасида иштирок этиш шакли, яъни белгини миқдорий характерлайдиган кўрсаткич аниқланади. Сўнгра, натижавий белгига таъсири этувчи омилларнинг рўйхати белгиланади, улардан назарий ва мантикий таҳлил ёрдамида энг муҳим ва моҳиятли бўлғанлари танлаб олинади. Аммо назарий ва мантикий таҳлил йўли билан муҳим омилларни ва уларнинг регрессия тенгламаларида иштирок этиш шаклларини белгилаш ҳақидаги масалани тўла ҳал қилиб бўлмайди. Бу жараён кейинги босқичларда хам давом эттирилади.

2. *Маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиши.* Маълумотлар тўплашни бошлашдан аввал текширилаётган тўпламни макон ва замонда чегаралаш, шунингдек, унинг бирлигини аниқлаш керак. Масалан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқот ва инновация жараёнларини молиялаштириш билан унинг омиллари ўртасидаги боғланиш ўрганилаётган бўлса, тиббиёт муассасалари ва илмий марказлари бўйича олинган бир неча йиллик маълумотлар тўплам бўлиши мумкин. Маълумотлар қандай объектлар тўпламига тегишлилигига қараб ҳар бир тиббиёт муассасаси, илмий марказ ва бошқа бирлик тўплам бирлиги бўлади.

Хар қандай статистик тўпламни регрессион ва корреляцион усуслар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин эмас. Бунинг учун тўплам қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- маълумки, регрессия тенгламаси натижавий белгининг ўртача миқдори билан омиллар ўртасидаги боғланишини характерлайди. Демак, натижавий белгининг ўртача миқдори соҳта бўлмаслиги учун тўплам сифат жихатидан бир жинсли бўлиши керак;

- регрессия ва корреляция кўрсаткичлари ўзаро боғланишнинг объектив конуниятларини ишонарли даражада акс эттириши, яъни катта сонлар қонунига асосан тасодифий хатоларнинг таъсири деярли йўқолиб кетиши учун тўпламнинг миқдори етарлича кўп бўлиши зарур;

- тўпламнинг бирликлари ўзаро боғланмаган, эркин бўлиши талаб қилинади, яъни ҳар бир объект бирлигининг қузатиш маълумотлари бошқа бирликлар натижаларига боғлиқ бўлмаслиги керак;

- натижавий белги тақсимоти омилларнинг барча қийматларида нормал тақсимот қонунига бўйсуниши ёки унга яқин бўлиши зарур.

Тўпламнинг сифат жиҳатидан бир жинсли эканлигини, унинг бирликлари ўзаро боғланмаганлигини ва натижавий белгининг нормал тақсимот қонунига бўйсунишини текшириш маълумотларни таҳлил қилиш демакдир. Маълумотларни таҳлил қилинда x^2 , Фишер (F), Стыюдент (t) ва бошқа мезонлардан фойдаланилади. Агар тўплам юқоридаги талабларга жавоб бермаса, боғланишнинг регрессия тенгламаси объектив бўла олмайди.

3. *Боғланиши шакли ва регрессия тенгламасини аниқлаши.* Танлаб олинган омиллар регрессия тенгламасида турли кўринишларда иштирок этиши мумкин. Маълумотларни дастлабки таҳлил қилиш натижаларига асосан регрессия тенгламаси бирор кўринишда деб фараз қилинади. Масалан, чизикли

$$\hat{y}_X = a_o + \sum_{i=1}^k a_i x_i$$


ёки чизиксиз:

$$\hat{y}_x = a_o + \sum_{i=1}^k a_i x_i + \sum_{j=1}^k \sum_{i=1}^k b_{ij} x_i x_j + \sum_{j=1}^k c_j \cdot \ln x_i$$

ва x.к.

Регрессия тенгламасини аниқлашда омилларнинг барча кўринишлардаги ифодалари (x_i , x^2_i , $x_i x_j$, $\ln x_i$ ва бошқалар) алоҳида-алоҳида омил деб қаралади.

Регрессия тенгламасига киритиладиган омиллар ўзаро чизикли функционал ёки жуда кучли корреляцион боғланишда бўлмаслиги керак. Агар ўзаро кучли боғланган омиллар модельга киритилса, улар маълум даражада



бир-бирини тақрорлайди ва натижада регрессия кўрсаткичлари бузилади. Бу ҳолдан қутилиш учун барча омилларнинг ўзаро боғланиш кучи ўлчанади (масалан, жуфт корреляция коэффициенти билан) ва бир-бирини тақрорлайдиган омиллар аниқланиб, уларнинг натижавий белги билан кучсизроқ боғланишда бўлганлари тенгламадан чиқарилади. Сўнгра регрессия тенгламасининг параметрлари ($G_0, a_1, a_2, \dots, a_k$) топилади.

Регрессия тенгламасини баҳолаш ва таҳлил қилиш. Регрессия тенгламаси аниқлангандан кейин, унда иштирок этаётган омилларнинг натижавий белгига таъсирининг муҳимлиги ва бу тенглама корреляцион боғланишни характерлаш даражаси маълум эҳтимол (ишонч даражаси) билан маҳсус кўрсаткичлар ва мезонлар ёрдамида баҳоланади. Агар модель ва унга киритилган барча омиллар талаб этилган эҳтимол билан моҳиятли бўлса, у адекват модель дейилади.

Модель адекват бўлмаган ҳолда, унинг кўриниши ўзгартирилади. Янги модель олдингисидан моҳиятсиз омилларни чиқариш йўли билан ёки бутунлай бошқа кўринишида аниқланиши мумкин. Демак, адекват моделларни аниқлаш жараёни кўп босқичлидир. Адекват моделларга асосланиб, корреляцион боғланиш иқтисодий – статистик таҳлил қилинади.

Статистикада бир омилли адекват моделларни аниқлаш усули жуфт корреляция, кўп омилли адекват моделларни аниқлаш усули эса кўп ўлчовли (омилли) корреляция дейилади.

Ўрганилаётган бедгилар ўртасидаги корреляцион боғланишни чизиқли тенглама $y = A + BX$ билан ифодалаш учун унинг параметрларини (A, B) аниқлаш кифоя. Аввал уқтириб ўтилганидек, тўпламнинг барча бирликларида белгиларнинг боғланиш характеристи турлича бўлади.

Демак, тўплам бирликларида регрессия тенгламасининг параметрлари ўзига хос турли қийматларни (A_i, B_i) қабул қиласди, яъни унинг ҳар бир бирлиги учун регрессиянинг индивидуал чизиқли тенгламасини ёзиш мумкин:

$$y^{(i)} = A_i + B_i x_i$$

Регрессиянинг индивидуал тенгламаларини аниқлаш учун ўрганилаётган объектнинг бирликлари устида қўшимча кузатишлар ўтказиб, етарлича

микдорда маълумотлар тўплаш керак. Аммо аксарият ҳолларда зарурий маълумотларни тўплаш имконияти бўлмайди.

Шунинг учун натижавий белгининг ўртача даражаси (\hat{y}_x) билан омил белги (X) ўртасидаги корреляцион боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг чизиқли тенгламаси

$$\hat{y}_x = a_0 + a_1 x$$

(бу ерда a_0 – озод ҳад, a_1 – регрессия коэффициенти) аниқлаб, амалий масалаларни ечишда қўлланилади. Регрессия тенгламасида натижавий белги умумийлашган (ўртача) микдор бўлганлиги учун унинг параметрлари (a_0, a_1) ҳам индивидуал параметрларини (A_i, B_i) ўртача микдоридир, яъни

$$a_0 = \bar{A}_i a_1 = \bar{B}_i$$

Регрессия тенгламасининг параметрлари (a_0, a_1) ўртача арифметик микдорнинг кўйидаги хоссасига асосланиб «энг кичик квадратлар» усули билан топилади: белги варианталари (x) билан ўртача арифметик микдор (\bar{x}) ўртасидаги тафовутлар квадратларининг йигиндиси $\sum(x - \bar{x})^2$ улар билан бошқа ҳар қандай микдор ($x_0 \neq \bar{x}$) ўртасидаги тафовутлар квадратларининг йигиндисидан кичикдир, яъни $\sum(x - \bar{x})^2 < \sum(x - x_0)^2$.

Ўртача микдорнинг келтирилган хоссасига кўра ушбу функционалнинг $\varphi(a_0, a_1) = \sum(y - \hat{y}_x)^2 = \sum(y - a_0 - a_1 x)^2$ қиймати натижавий белгининг бошқа ихтиёрий қиймати (y_0) учун аниқланган тафовутлар квадратларининг йигиндисидан кичик бўлади. Демак, номаълум параметрлар (a_0, a_1) шундай аниқланиши керакки, уларнинг аниқланган қийматларида функционал $\varphi(a_0, a_1)$ ўзининг энг кичик қийматига эришсин. Маълумки, функция минимум қийматларга эришадиган нуқталарда унинг хусусий ҳосилалари нолга тенг бўлади: $\frac{\partial \varphi}{\partial a_0} \equiv \frac{\partial \varphi}{\partial a_1} \equiv 0$. Бундан регрессия тенгламасининг параметрларини аниқлаш учун кўйидаги нормал чизиқли тенгламалар системаси келиб чиқади:

$$na_0 + a_1 \Sigma x = \Sigma y$$

$$a_0 \Sigma x + a_1 \Sigma x^2 = \Sigma xy$$

Бу ерда:

n - тўпламнингхажми (бирликлар сони);

x_1, x_2, \dots, x_n - омил белгининг ҳақиқий қийматлари;

y_1, y_2, \dots, y_n - натижавий белгининг ҳақиқий қийматлари.

Системанинг параметрларга нисбатан умумий ечими ушбу кўринишида ёзилади:

$$a_0 = \frac{\Sigma y \cdot \Sigma x^2 - \Sigma xy \cdot \Sigma x}{n \Sigma x^2 - (\Sigma x)^2}$$

$$a_1 = \frac{n \Sigma y - \Sigma x \Sigma y}{n \Sigma x^2 - (\Sigma x)^2}$$

Регрессия тенгламасида X -омил белги олдиаги a_1 коэффициент иқтисодий таҳлил учун катта аҳамиятга эга. У регрессия коэффициенти деб номланади ва X -омилнинг самарадорлигини кўрсатади: омил бир бирликка ошганда натижা ўртача қанча миқдорга ошиши (ёки пасайиши)ни ифодалайди.

12.5. Кўп миқдорли регрессия билан боғлиқ статистика

Ходисалар ўртасидаги боғланишлар зичлигини ўрганиш учун бир қанча кўрсаткичлар қўлланилади. Булар ичida оддийлари ҳам мураккаблари ҳам мавжуддир. Лекин бу кўрсаткичларнинг барчаси бир - бирига яқин натижани беради.

Бундай кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради.

- Фехнер коэффициенти;
- ранглар корреляция кўрсаткичи;
- корреляция коэффициенти;
- корреляцион нисбат (эмперик ва назарий корреляцион нисбат);
- корреляция индекси;

Махсус адабиётларда боғланишлар зичлигини аниқлашда қўлланиладиган

энг оддий кўрсаткичлар батафсил ёритиб борилганлиги сабабли, нисбатдан кўпроқ қўлланиладиган, аникроқ натижা берадиган зичлик кўрсаткичларига корреляция коэффициенти, корреляцион нисбат ва корреляция индекси сингари кўрсаткичлар киради.

Корреляция назариясида энг мукаммал ҳасобланган зичлик кўрсаткичларидан бири бўлиб, корреляция коэффициенти бўлиб ҳисобланади. Бу курсаткични тўғри чизиқли боғланишлар мавжуд бўлган ҳолларда боғланишлар зичлигини аниқлаш учун қўлланилади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун энг қулай шакли булиб, унинг қуйидаги формуласидир:

$$R = \frac{\sum xy - \frac{\sum x \sum y}{n}}{\sqrt{\left[\sum x^2 - \frac{(\sum x)^2}{n} \right] \left[\sum y^2 - \frac{(\sum y)^2}{n} \right]}}$$

$R = 1$ билан ва $+1$ оралигидаги қийматларни қабул қиласи ва корреляцион боғланишларнинг йўналишини кўрсатиб беради.

Эгри чизиқли боғланишлар мавжуд бўлганда корреляция коэффициенти ўз мөхиятини йўқотади. Эгри чизиқли боғланишлар мавжуд бўлган ҳолларда корреляцион нисбат қўлланилади. Бу кўрсаткич назарий ва эмперик корреляцион нисбат кўрсаткичларига бўлинади.

Назарий корреляцион нисбат қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$h_i = \sqrt{\frac{\delta_{yx}^2}{\delta y^2}}$$

δ_{yx}^2 – натижা белгининг дисперсияси омил белгининг таъсири натижасида натижавий белгининг тебранишини ифодалайди.

У қуйидаги формула ёрдамида аниқланилади:

$$\delta y_x = \sqrt{\frac{\sum (yx - y)^2}{n}}$$

$\delta^2 y$ – умумий дисперсия бўлиб, барча омиллар таъсирида натижавий белгининг тебранишини ифодалайди ва у қуйидаги формула билан

ҳасобланилади.

$$\bar{y}^2 = \frac{\sum (y - \bar{y})^2}{n}$$

Назарий корреляцион нисбат 0 билан 1 оралигидаги қийматларни қабул қиласы. Қанчалик 1 га яқин бўлса, белгилар ўртасидаги боғланиш шунчалик зич эканлигидан далолат беради.

Корреляцион нисбатнинг илдиздан олинган қиймати детерминация коэффициентидеб айтилади ва у қаймадаги формула билан ифодаланади:

$$D = \frac{\bar{y}_{yx}^2}{\bar{y}^2}$$

Омил белги таъсирида натижавий белги тебранишининг ҳиссасини ифодалаб беради.

Кўп ҳолларда ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириш мақсадида корреляцион боғланишлар зичлигини аниқлаш мақсадида корреляция индексидан фойдаланилади:

$$R = \sqrt{1 - \frac{\bar{y}_{yx}^2 - \bar{y}_x^2}{\bar{y}^2}}$$

\bar{y}^2 - ух — ҳисобга олинмаган бошқа омиллар таъсири остида натижавий белги тебранишини тасвирлайди.

\bar{y}^2 - натижавий белгининг барча омиллар таъсирида тебранишини ифодалайди.

Корреляция индекси 0 билан 1 оралигидаги қийматларни қабул қиласы.

\bar{y}^2 - Ух - дисперсия куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\bar{y}_{yx}^2 - \bar{y}_x^2 = \frac{\sum (y - \bar{y}_x)^2}{n}$$

бу ерда,

$$R = \sqrt{1 - \frac{\sum (y - \bar{y}_x)^2}{\sum (y - \bar{y})^2}}$$

Эмперик корреляцион нисбат назарий корреляцион нисбатн сингари

аниқланади.

Эмперик корреляцион нисбат куйидаги формула орқали аниқланади:

$$n = \sqrt{\frac{\bar{y}_{yx}^2}{\bar{y}^2}}$$

Бу ерда \bar{y}^2 – эмперик маълумотлар дисперсияси,

\bar{y}_{yx}^2 – регрессия эмперик чизигини ташкил қилувчи Ух ўртачанинг дисперсияси.

Корреляция коэффициентига нисбатан, корреляцион нисбат кўрсаткичи боғланишлар зичлигининг такомиллашган кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Қисса холосалар

Ушбу бобнинг асосини иқтисодий - математик ва статистик усуллардан бирои корреляция ва регрессия нималигини ўргатдик.

Корреляция ва регрессия бу – маркетинг тадқиқотлари ўтказишида фойдаланиладиган иқтисодий-математик усуллар гурӯҳига кирадиган усуллардир. Улар маркетинг фаолиятини тавсифлайдиган ўзгарувчилар гурӯҳлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгилаш учун фойдаланилади.

Корреляция дейилганда иккита тасодифий миқдорларнинг (Х ва У) бир-бирига боғлиқлиги (алоқадорлиги) тушунилади. Уларнинг тасодифийлиги шундаки, таҳлил қилинаётган миқдорлар бир-бирига умуман боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай боғланишни ёлғон *корреляция* деб юритилади. Иккита миқдорнинг ўтасасидан фарқларининг йиғиндиси **корреляция функцияси ёки корреляция** деб айтилади. Б

Корреляцион таҳлил ёрдамида асосан қуйидаги икки масала: биринчидан, боғланишлар йўналишини аниқлаш ва уни эҳтимоллар назарияси билан баҳолаш ва иккинчиси, боғланишлар зичлигини аниқлаш масалалари ҳал этилади.

Корреляция сифат таҳлили учун: бир-бири билан боғлиқ бўлган омилларни танлаб олиш (скрининг) ва алоқа калинлиги максимал бўлган танлама тўплам кисмини ажратиш учун фойдаланилади. Сўнгра танлаб олинган

омиллар ва кичик омиллар гурухи учун миқдорий таҳлил амалга оширилади: ўзаро алоқа регрессия функциялари тузилади. Уларни ахборот конвейерида фойдаланилиши мумкин.

Корреляцион таҳлил белгиларнинг регрессия тенгламасида иштирок этиш шаклини аниқлашдан бошланади. Кейин эса натижавий белгига таъсир этувчи омилларнинг рўйхати белгиланиб уларнинг энг муҳимлари танлаб олинади. Шу сабабли барча омилларнинг ўзаро боғланиш кучи жуфт корреляция коэффициентини ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Шундай килиб, корреляция айтайлик, маҳсулот сифати ва ракобатбардошлини ошири ёки унга талабнинг ортиши ўртасидаги замонга ва маконга оид синхронликни акс эттиради.

Регрессия сўзи лотинча regressio сўзидан олинган бўлиб, орқага ҳаракатланиш деган lugavий маънога эга. Бу атамани статистикага кириб келиши ҳам корреляцион таҳлил асосчилари Ф. Гальтон ва К. Пирсон номлари билан боғлиқдир.

Таянч иборалар: корреляция, регрессия, дисперсия, коэффициенти, индекс, ахборот таҳлили, дастурий блоклар, миқдор, экстраполяция, генетик, алгоритм, кластер, оптимум, стохастик, фенотиплар, координата, Кэндал корреляцияси, Спирмен коэффициенти, аргумент.

Назорат учун саволлар

1. Корреляция ва регрессия усуллари қандай усуллап қаторига киради?
2. Корреляцион индекси қандай боғланишда ётади?
3. Корреляцион таҳлил натижалари қандай жараёнларнинг боғлиқлигини англатади?
4. Кластерли таҳлил нима?
5. Кластерли таҳлил ёрдамида қандай натижаларга эриши мумкин?
6. "Генетик алгоритмлар" номи нима билан боғланган ва унинг маркетинг тадқиқотлари жараёнидаги аҳамияти нимада?
7. Корреляцион таҳлилнинг босқичларини санаб ўтинг.

8. Жуфт корреляция нима ва у қандай кўрсаткич ўртасидаги алоқани ўрнатади?

9. Истеъмолчиларнинг товарлар сифатини қабул қилиши уларнинг нархни қабул қилиши билан боғлиқми?

10. агар талабнинг реклама харажатларига боғлиқлигини оладиган бўлсак, нарх омилининг таъсири борми?

13-боб. ДИСКРИМИНАНТ ВА КАНОНИК ТАХЛИЛ

13.1. Дискриминант таҳлил асослари

Дискриминант таҳлили қайси ўзгарувчилар юзага келадиган икки ёки ундан ортиқ бош тўпламлар (гурухларни фарқлаши хақида қарор қабул қилиш учун фойдаланилади.

Маркетинг тадқиқотларида ҳам дискириминат таҳлилидан зарур ҳолларда фойдаланилади. Чунки, ушбу жараёнда ҳам ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ўртасида кўпомилли боғланишларнинг бўлиши тайин.

Дискриминант сўзи бизга лотин тилидан кириб келган бўлиб, discriminans сўзи “фарқловчи, бўлувчи” маъноларини англатади²⁵.

Мисол учун, таълим соҳасида бирон-бир тадқиқотчи ўрта мактаб битиравчисини баъзи кўрсаткичларга кўра куйидаги уч тоифадан бирига киритиб тадқиқ қилиши мумкин: коллежга ўқишига кирувчилар (1), профессионал мактабга кирувчилар (2), ёки таълимни давом эттиришни рад килувчилар (3). Шу мақсадда тадқиқотчи мактаб ўқувчилари билан боғлик бўлган турли хил параметрларга оид маълумотлар тўплаши мумкин. Битиргандан сўнг, талабаларнинг кўпчилиги табиий равишда ушбу тоифаларга киради. Кейин қайси ўзгарувчилар ўқувчиларнинг йўлни танлашининг энг яхши башоратлари беришини аниқлаш учун дискриминант таҳлилдан фойдаланиш мумкин.



Тиббиёт ходимлари қайси ўзгарувчилар bemorning тўлиқ соғайиб кетгани (1-гурух), қисман тузалгани (2-гурух) ёки умуман соғаймагани (3-гурух) аниқлаш учун bemor ҳолати билан боғлик турли ўзгарувчиларни қайд этиши мумкин. Биолог кейин энг яхши гурухлар ёки турларини ажратиб, дискриминант функцияси таҳлилини ўтказиши учун гулларнинг ўхшаш турлари (гурухлари) турли хусусиятларини ёзиб бориши мумкин.

Дискриминант таҳлили кўпўлчамли статистик таҳлил сифатида математик статистиканинг бир қисми бўлиб хисобланади. Ушбу таҳлил кўп ўлчамли статистик маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва қайта ишлаш жараёнида қўлланилади. Мазкур таҳлилдан кўп ўлчамли статистик маълумотлар асосида натижа ва омиллар ўртасидаги таркибий (структуравий) боғлиқликларга баҳо беришда ва улар асосида илмий ва амалий хulosалар чиқаришда фойдаланилади.

Кўп ҳолларда математик статистикада қўлланиладиган усуллар фаразларга асосланган бўлади. Шу туфайли эҳтимоллар назариясидан ҳам фойдаланилади. Аммо дискириминат таҳлилида эҳтимоллар назарияси қўлланилмасдан аниқ маълумотлар ва фактларга таянилади.

Булардан шундай натижа қилиш мумкин, дискириминат таҳлили математик статистиканинг таркибий қисми сифатида бир қанча ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- дискириминат таҳлилининг хусусиятларидан бири, бу ҳам кўпомилли жараёнларни ўрганишда албатта кўпўлчамли маълумотларга асосланади;
- ушбу усул орқали натижа ва омиллар ўртасидаги таркибий (структуравий) боғлиқликларга баҳо беришда фойдаланилади;
- мазкур усуллар орқали илмий ва амалий хulosалар чиқарилади;
- ушбу усул нафақат амалиётда, балки ИТИда ҳам кенг қўлланилади;
- мазкур таҳлилда эҳтимоллар назарияси қўлланилмасдан, балки аниқ маълумотлар ва фактларга таянилади.

Дискириминат таҳлилинида кластер таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Мазкур таҳлил тадқиқ қилинаётган бирликни бир қанча таркибий бўлакларга 343

²⁵Словарь иностранных слов. 16-е изд. М.: Русский яз., 2011. – 172-бет.

бўлиб ўрганиш имконини беради. Бунда инобатга олинадиган нарсалар шундан иборат бўладики, бош бирлик билан унинг таркибий қисмлари бир-биридан фарқ қилиши баробарида, бир-бирини такрорлайдиган жуда ўхшаш ҳам бўлмаслиги керак.

Ушбу таҳлини амалга оширишда ҳисоб-китоблар жуда мураккаб бўлганилиги туфайли, мазкур амаллар маҳсус дастурлар асосида ЭҲМдан фойдаланган ҳолда бажарилади.

Бунда жуда кўп моделлардан фойдаланилади. Масалан, мамлакат иқтисодиёти бир қанча тармоқларга бўлинади. Уларнинг модели *кўптармоқчи модель* бўлиб ҳисобланади. Ушбу иқтисодиёт ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларга бўлинади. Бу ҳолда *кўпсоҳали модельни қўллашади*. Маркетинг тадқиқотларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг бир қанча варианtlари ишлаб чиқилган бўлса, у ҳолда қўлланиладиган модель *кўпвариантли модель* бўлиб ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда тизимли ёндашувдан ҳам фойдаланилади. У ҳолда *кўптизимли модельдан* фойдаланилади. Хуллас, маркетинг тадқиқотларида ҳам дискириниат таҳлилидан фойдаланишда бир қанча кўнўлчамли статистик усуллар қўлланилишини инобатга олиш лозим.

Чизиқли дискриминант таҳлили, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган чизиқли Фишер дискриминанти – чизиқли комбинациялар топиш учун кўлланадиган, икки ёки ундан ортиқ обьектлар ёки ҳодисалар синфини энг яхши тарзда ажратадиган усуллардир. Олинган комбинация чизиқли таснифлагич сифатида ёки кейинги таснифлаш олдидан белгилар макони ўлчовларини қисқартириш учун фойдаланилиши мумкин.

Чизиқли дискриминант таҳлили бошқа белгилар ёки ўлчовлар чизиқли комбинацияси ёрдамида ўзгарувчининг бирон-бир боғлиқлигини акс эттиришга ҳаракат қиласидиган дисперсия таҳлили ва регрессион таҳлил билан боғлиқ. Бу икки усулда боғланган ўзгаручи – рақамли кўрсаткич, чизиқли дискриминант таҳлилида эса у номинал кўрсаткич ҳисобланади. Бундан ташқари, чизиқли дискриминант таҳлили маълумотларни энг яхши тарзда тавсифлайдиган

кўрсаткичлар чизиқли комбинацияларини излайдиган омиллар таҳлили ва бош таркибий қисмлар усули билан ўхшаш жиҳатларга эгадир.

Чизиқли дискриминант таҳлилидан фойдаланиш учун белгилар узлуксиз кўрсаткичлар бўлиши лозим, акс ҳолда мувофиқликлар таҳлилидан (ингл. Discriminant Correspondence Analysis) фойдаланиш лозим бўлади.

Маълум бўлган синфли обьект ёки ҳодисанинг ҳар бир намунаси учун кузатувлар тўплами (белги, ўзгарувчи ёки ўлчовлар деб ҳам аталади) кўриб чиқлади. Бундай намуналар тўплами ўқитиш танлама тўплам деб аталади. Таснифлашнинг вазифаси шундан иборатки, факат кузатувга эга бўлган ҳолда худди шундай тақсимланган ҳар бир обьект учун синф яхши башоратини ишлаб чиқиш лозим.

Чизиқли дискриминант таҳлилида кўзда тутиладики, ва эҳтимолликларни тақсимлаш биргаликдаги зичлик функциялари – нормал ҳисобланади. Бундай тахминларда оптималь байес ечими – агар ҳақиқатга ўхшашлик нисбати T четки қийматидан паст бўлса, нуқталар иккинчи синфа киритилиши лозим.

Агар бошқа ҳеч қандай кейинги тахминлар қилинмаса, олинган таснифлаш вазифаси квадратик дискриминант таҳлили (ингл. quadratic discriminant analysis, QDA) деб аталади. Чизиқли дискриминант таҳлилида гомоскедастиклик ҳакида қўшимча таҳлил қилинади (яъни ковариацион матрицалар teng деб тахмин қилинади) ва ковариацион матрицалар тўлинг рангга эга деб ҳисобланади. Бундай тахминларда вазифа соддалаштирилади ва четки қиймат билан скаляр кўпайтмани таққослашга бориб тақалади:

$$\vec{\omega} \cdot \vec{x} < c$$

маълум бир константа учун, бу ерда

$$\vec{\omega} = \Sigma^{-1}(\vec{\mu}_1 - \vec{\mu}_0).$$

Бу эса шуни англатадики, янги кузатувнинг синфга мансублиги эҳтимоли фақат маълум бўлган кузатувлар чизиқли комбинациясига боғлиқ бўлади.

Ҳисоб-китоб ёндашуви. Ҳисоб-китоб нуктаи назаридан дискриминант таҳлили дисперсион таҳлилга жуда ўхшаб кетади. Куйидаги оддий мисолни кўриб чиқайлик. Фараз қилайлик, тасодифий танлама тўпламда 50 эркак ва 50 аёлнинг ўсишини ўлчаш лозим. Аёллар ўртacha олганда эркаклар каби юқори эмас ва бу фарқ ҳар бир ўртacha гуруҳ учун акс этиши лозим (*ўсиши ўзгарувчиси* учун). Шунинг учун, *ўсиши ўзгарувчиси* эркаклар ва аёллар ўртасида тафовутларни яхшироқ ўтказишга имкон беради, масалан, куйидаги сўзлар билан ифодаланадиган эҳтимол: «Агар бир кишининг бўйи узун бўлса, унинг эркак эканлиги эҳтимоли юқори, агар бўйи паст бўлса – у аёл».

Ушбу аргументларни камрок "аҳамиятсизлик" пастроқ гуруҳларга ва ўзгарувчиларга умумлаштириш мумкин. Мисол учун, сизда ўрта мактабни битирган иккита коллеж битиruвчи - коллежни танлаганлар ва буларнинг ичida танламайдиганлар ҳам бор. Сиз талабаларни битиruвдан бир йил олдин коллежда ўқиши давом эттириш нияти ҳақида маълумот тўплашингиз мумкин. Агар иккита бош тўплам учун (энди ўз таълимни давом эттиришни истаганлар ва буни рад қилганлар) ўртacha кўрсаткич турлича бўлса, мактабни битиришдан бир йил олдин аниқланган коллежга кириш истагида бўлганлар ва буни истамайдиганларга ажратишга имкон беради деб айтиш мумкин бўлади (бу ахборот мактаб кенгashi аъзолари томонидан мос келувчи ўкувчиларга раҳбарлик қилиш учун фойдаланиши мумкин).

Шундай қилиб, дискриминант таҳлилиниг асосий ғояси бош тўпламларниг бирон-бир ўзгарувчининг (ёки ўзгарувчилар чизиқли комбинацияси) ўртacha кўрсаткич бўйича фарқ қилишини аниқлаш ва сўнгра бу ўзгарувчидан янги аъзолари учун улар бир ёки бошқа гуруҳга тегишли эканлигини башорат қилиш учун фойдаланиш мумкин эканлигини аниқлашдан иборат.

13.2. Дисперсион ва Регрессион таҳлилларнинг ўзаро алоқаси

Дисперсия таҳлили. Шу тариқа кўйилган дискриминант функцияси масаласи битта киришли дисперсия таҳлили масаласи (ANOVA) сифатида қайта ифодаланиши мумкин. Хусуса, икки ёки ундан ортиқ бош тўплам бирбиридан муайян бир ўзгарувчи бўйича жиддий фарқ қиласидими деб сўраш мумкин.

Қадамма – қадам дискриминант таҳлили. Эҳтимол, дискриминант таҳлилиниг энг кўп кўлланиши бош тўпламларни ўзаро энг яхши тарзда ажратадиган ўзгарувчиларни аниқлаш мақсадида тадқиқотга кўплаб ўзгарувчилар киритиш хисобланади. Мисол учун, юқоридаги сегментни оладиган бўлсак, ўрта мактаб битиruвчилари келгуси таълим борасида қиласидан танлов билан қизиқадиган таълим соҳасидаги тадқиқотчи аниқроқ башоратлар олиш мақсадида ўкувчиларнинг кўпроқ кўрсаткичларини, масалан, мотивация, академик ўзлаштириш ва ҳ.к.ни қайд килишни амалга оширади.

Киритиши билан қадамма-қадам таҳлил. Дискриминант функциялар қадамма-қадам таҳлилида дискриминация модели қадамма-қадам тузилади. Тўғриси, ҳар бир қадамда барча ўзгарувчилар кўриб чиқилади ва гуруҳлар орасидаги фарқга катта ҳисса қўшади. Ушбу ўзгарувчининг ушбу босқичда моделга киритилиши керак бўлади ва кейинги қадам олинади.

Чиқарии билан қадамма-қадам таҳлил. Тескари йўналишда ҳам ҳаракат қилиш мумкин бўлиб, бунда барча ўзгарувчилар дастлаб моделга киритилади, сўнгра ҳар бир қадамда башоратга энг кам ҳисса қўшадиган ўзгарувчилар чиқариб ташланади. Шунда мувваффакиятли таҳлил натижаси сифатида моделда факат «муҳим» ўзгарувчиларни, яъни дискриминацияга бошқалардан кўпроқ ҳисса қўшган ўзгарувчиларни саклаб қолиш мумкин бўлади.

Икки гуруҳ учун дискриминация функцияси талқини. Икки гуруҳ учун дискриминант таҳлили кўплик регрессия жараёни сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Агар сиз иккита гурухни 1 ва 2 сифатида кодлайдиган, сўнгра бу ўзгарувчилардан кўплик регрессияда мустақил ўзгарувчилар сифатида

фойдаланадиган бўлсангиз, бунда дискриминант таҳлил ёрдамида олинадиган натижалар билан бир хил натижалар оласиз. Умуман, иккита бош тўплам ҳолатида қўйидаги қўринишдаги чизиқли тенгламага келинади:

$$\text{Гурух} = a + b_1 \cdot x_1 + b_2 \cdot x_2 + \dots + b_m \cdot x_m$$

бу ерда: a константа, $b_1 \dots b_m$ регрессия коэффициентлари ҳисобланади.

Иккита бош тўпламли масала натижаларини талқин қилиш кўплик регрессия қўллаш мантиқига жиддий риоя қиласди: регрессия коэффициентлари энг катта бўлган ўзгарувчилар дискриминацияга энг катта ҳисса қўшади.

Бир нечта гурухлар учун дискриминант функциялари. Агар гурухлар сони иккidan ортиқ бўлса, юқорида бажарилганидек, биттадан ортиқ дискриминант функциясини баҳолаш мумкин. Мисол учун, учта бош тўплам мавжуд бўлса, сиз қўйидагиларни баҳолашингиз мумкин: 1-бош тўплам ҳамда биргаликда олинган 2 ва 3-бош тўпламлар ўртасида дискриминация функцияси (1), 2 ва 3-бош тўпламлар ўртасида дискриминация учун бошқа функция (2) ишлатилади.

Кўплик дискриминант таҳлили (multiple discriminant analysis). Дискриминант таҳлили усули боғланган ўзгарувчидаги иккита ёки ундан ортиқ тоифа бўлганда қўлланади.

Улар ўртасида асосий фарқ шундаки, иккита гурух мавжуд бўлганда факат битта дискриминант функция чиқариш мумкин. Кўплик дискриминант таҳлилдан фойдаланган ҳолда бир нечта функция ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Маркетинг тадқиқотларида дискриминант таҳлилга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, ушбу усул ёрдамида қўйидаги саволларга жавоб топиш мумкин:

- демографик тавсифномалар нуқтаи назаридан ушбу магазин тарафорлари бундай тарафорлик бўлмаган шахслардан нимаси билан фарқ қиласди?
- спиртли ичимликларни кам, ўртача ва кўп истеъмол қиласидаги харидорлар музлатилган маҳсулотлар истеъмолида фарқ қиласидими?

- қайси психографик тавсифномалар атторлик моллари харидоларининг нархга сезувчанлиги ва сезувчан эмаслиги ўртасида тафовут ёрдам беради?

- турли бозор сегментлари оммавий ахборот воситаларини афзал кўришлари бўйича ўзаро фарқланадими?

- маҳаллий универсал магазинларнинг доимий харидорлари ва умуммамлакат универсал магазинлар тармоқларининг доимий харидорлари ўртасида турмуш услуби нуқтаи назаридан қандай тафовутлар мавжуд?

- тўғридан-тўғри почта рекламасига жавоб берадиган истеъмолчилар қандай ўзига хос тавсифномаларга эга?

Дискриминант таҳлили модели (discriminant analysis model) қўйидаги қўринишга эга бўлади:

$$D = b_0 + b_1 X_1 + b_2 \times 2 + b_3 X_3 + \dots + b_k X_k,$$

бу ерда D – дискриминант қўрсаткичи (дискриминант),

b – дискриминант коэффициенти, ёки вазни

X – предиктор, ёки мустақил ўзгарувчи.

13.3. Кўп миқдорли ва босқичли дискриминант таҳлили

Маркетинг тадқиқотларида ҳам дискриминат таҳлилидан зарур ҳолларда фойдаланилади. Чунки, ушбу жараёнда ҳам ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ўртасида кўпомилли боғланишларнинг бўлиши тайин.

Дискриминант таҳлили кўпўлчамли статистик таҳлил сифатида математик статистиканинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбу таҳлил кўпўлчамли статистик маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва қайта ишлаш жараёнида қўлланилиади. Мазкур таҳлилдан кўпўлчамли статистик маълумотлар асосида натижа ва омиллар ўртасидаги таркибий (структуравий) боғлиқликларга баҳо беришда ва улар асосида илмий ва амалий хуносалар чиқаришда фойдаланилади.

Кўп ҳолларда математик статистикада қўлланиладиган усуллар фаразларга асосланган бўлади. Шу туфайли эҳтимоллар назариясидан ҳам фойдаланилади. Аммо дискиринат таҳлилида эҳтимоллар назарияси қўлланилмасдан аниқ маълумотлар ва фактларга таянилади.

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, дискиринат таҳлили математик статистиканинг таркибий қисми сифатида бир қанча ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- дискиринат таҳлилининг хусусиятларидан бири, бу ҳам қўпомилли жараёнларни ўрганишда албатта кўпўлчамли маълумотларга асосланади;
- ушбу усул орқали натижага ва омиллар ўртасидаги таркибий (структуравий) боғлиқликларга баҳо беришда фойдаланилади;
- мазкур усуллар орқали илмий ва амалий хулосалар чиқарилади;
- ушбу усул нафақат амалиётда, балки ИТИда ҳам кенг қўлланилади;
- мазкур таҳлилда эҳтимоллар назарияси қўлланилмасдан, балки аниқ маълумотлар ва фактларга таянилади.

Дискиринат таҳлилида кластер таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Мазкур таҳлил тадқиқ қилинаётган бирликни бир қанча таркибий бўлакларга бўлиб ўрганиш имконини беради. Бунда инобатга олинадиган нарсалар шундан иборат бўладики, бош бирлик билан унинг таркибий қисмлари бир-биридан фарқ қилиши баробарида, бир-бирини тақоррлайдиган жуда ўхшаш ҳам бўлмаслиги керак.

Ушбу таҳлилини амалга оширишда ҳисоб-китоблар жуда мураккаб бўлганилиги туфайли, мазкур амаллар маҳсус дастурлар асосида ЭҲМдан фойдаланган ҳолда бажарилади.

Бунда жуда кўп моделлардан фойдаланилади. Масалан, иқтисодиёт ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш каби соҳаларга бўлинади. Бу ҳолда **қўнсоҳали моделдан** фойдаланилади. Маркетинг тадқиқотларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг бир қанча вариантлари ишлаб чиқилган бўлса, у ҳолда қўлланиладиган модель *кўнвариантли модель* бўлиб ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда тизимили

350

ёндашувдан ҳам фойдаланилади. У ҳолда *кўптизимли моделдан* фойдаланилади.

Хуллас, маркетинг тадқиқотларида ҳам дискиринат таҳлилидан фойдаланишда бир қанча кўпўлчамли статистик усуллар қўлланилишини инобатга олиш лозим.

13.3. Каноник корреляция таҳлили

Каноник корреляция (canonical correlation). У дискиринант кўрсаткичлар ва гурухлар ўртасидаги боғлиқлик даражасини ўлчайди. Бу ягона дискиринант функцияси ва ушбу гурухга мансубликни белгилаб берадиган соҳта ўзгарувчилар тўплами ўртасидаги боғлиқлик ўлчовидир.

Каноник корреляция таҳлили. Агар бир неча гурухни дискиринант таҳлил қилиш амалга оширилса, гурухларни турли хил дискиринация функцияларини шакллантириш учун қандай қилиб бирлаштирилиши кераклигини кўрсатмаслик керак. Бунинг ўрнига, сиз автоматик равишида ўзгарувчиларнинг айрим оптимал комбинацияларини белгилашингиз мумкин, бунда биринчи функция барча гурухлар ўртасида энг яхши дискиринация ўтказади, иккинчи функция энг яхши бўлади ва х.к. Бундан ташкари, вазифалар мустакил ёки ортогонал бўлиб қолади, яъни уларнинг бош тўпламларни ажратишига қўшган ҳиссаси қопланмайди. Ҳисоб-китоб тизими нуқтаи назаридан сиз кетма-кетликдаги каноник илдизлар ва функцияларни аниқлаб берадиган *каноник корреляциялар* таҳлилини ўтказасиз. Функциялар максимал сони бош тўпламлар сонидан бирини айриб ташлашга ёки бу рақамлардан қайси бири кичик эканлигига қараб, таҳлилдаги ўзгарувчилар сонига teng бўлади.

Иқтисодий адабиётларда ушбу атамаларнинг таърифлари ҳамон етарли даражада ёритилмаганлигини инобатга олиб, синергетика атамасига иқтисодиёт нуқтаи назаридан, унинг табиати ва моҳиятини ўрганиб, куйидагича таъриф бериш мумкин, деган хулосага келдик.

Синергетика дейилганды бирорта соҳани ривожлантириши ёки самарадорлигини ошириши мақсадида алоҳида-алоҳида субъектлар кучларини бир жойга жамлаган ҳолда ҳаракат қилиши ёки бир күч билан узлуксиз ҳолда белгиланган мақсадга эришиши таъсири қилиши тушунлади.

Эътироф этиш керакки, ушбу ҳолатга эришиши иқтисодиёттинг турли мулк шаклида таркиб топган бозор муносабатлари шароитида бироз мураккабдир. Чунки, турли соҳаларда турли мулк эгалиги хукм сурмоқда, ҳатто бир соҳада ҳам турли мулк эгаларига асосланган бир-бири билан рақобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бироқ, бугунги кунда кучларни бирлаштириш ва бир-бири билан ҳамкорлик қилиш объектив заруратта айланмоқда. Чунки, кучлар бирлашсагина катта самарадорликка эришиши мумкин.

Мазкур таърифни иқтисодий жиҳатдан асослайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, унда: биринчидан, бирорта аниқ соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини оширишга қаратилган мақсад бўлиши керак. Иккинчидан, уни амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар кучларини бир жойга жамлаш лозим бўлади. Учинчидан, биргалиқда ҳаракатга келтирилган куч орқали алоҳида ҳаракат қилиб эришилган натижага нисбатан кўпроқ натижага эришилганлигига гувоҳ бўламиз. Тўртингидан, битта күч билан таъсири қилиб самарадорликка эришиш мақсади қўйилса, унда ушбу битта күч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсири қилиш лозим бўлади. Бунга табиатдан битта мисол келтирамиз. Сув юмшоқ, аммо уни узлуксиз равишда бир хил томчилатиб қўйилса қаттиқ тошни ҳам тешиб юбориши мумкин. Иқтисодий соҳадан мисол қилиб, омбордан юкни транспортга ортишни келтириш мумкин. Одам бир идиша 50 килограмм юкни кўтариб ортиши мумкин. Агар уни тизимли равишда давом эттираса, у жуда кўп тонналаб юкни ортиб қўяди. Аммо уни бирданига ортиши қийин. Бунинг учун бир қанча кучларни бирлаштиришга тўғри келади.

Учинчидан, биргалиқда ҳаракатга келтирилган ҳолатдаги самара, яъни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар томонидан эришилган фойданинг жамланганига нисбатан, кучни бирлаштириш орқали эришилган фойда кўп бўлади. Бу эса, турли тармок ва соҳаларни бирлаштиришда уларнинг манфаатдорлигининг мувофиқлигини таъминлаш имконини вужудга келтиради. Ҳар бир корхонанинг ҳамиша алоҳида ҳаракат қилиб эришилган натижага нисбатан бирлашиб қилинган ҳаракат кўпроқ натижага бериши мумкин бўлган эришилганлигига гувоҳ бўламиз.

Тўртингидан, таъкидланганидек, битта күч билан таъсири қилиб самарадорликка эришиш мақсади қўйилса, унда ушбу битта күч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсири қилиш лозим бўлади. Бунга табиатдан битта мисол келтирамиз. Сув юмшоқ, аммо уни узлуксиз равишда бир хил томчилатиб қўйилса қаттиқ тошни ҳам тешиб юбориши мумкин. Иқтисодий соҳадан мисол қилиб, омбордан юкни транспортга ортишни келтириш мумкин. Одам бир идиша 50 килограмм юкни кўтариб ортиши мумкин. Агар уни тизимли равишда давом эттираса, у жуда кўп тонналаб юкни ортиб қўяди. Аммо уни бирданига ортиши қийин. Бунинг учун бир қанча кучларни бирлаштиришга тўғри келади.

Бевосита маҳсулотларни сақлаш жараёнинга келадиган бўлсак, уни сақлайдиган омбор (совутгич идораси) электр тармоқлари, газ билан таъминлайдиган идоралар каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашлари лозим. Совутгичга узлуксиз электр таъминоти лозим. Агар унда узилиш бўлса, маҳсулотда бузилиш кўп бўлади. Электр энергиясининг узилиши туфайли у истеъмолчига бир вақт бирлигига кам сотилган бўлади ва бошқа томондан, маҳсулотнинг бир қисми нобуд бўлиши натижасида унинг эгаси зарар кўради ва ҳ.к. Кўриниб турибдики, битта электр қувватининг узилиши бир қанча субъектлар манфаатига зид бўлиб келмоқда. Шу туфайли совутгич корхонаси билан электр таъминоти ва шунга ўхшаш корхоналар ҳамкорлигини таъминлаш лозим бўлади. Улар бир-бирларини кўллаб-кувватлаб ишлашлари лозим бўлади.

Ушбу назарий масалаларни асослаш учун айрим далил ва мисолларни келтирамиз. Биринчидан, бирорта аниқ соҳани, яъни маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган мақсад қўйилади.

Иккинчидан, ушбу мақсадга эришиш учун эса, алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар (омбор, уларга хизмат қилувчи коммунал хўжалик субъектлари, транспорт ташкилотлари кабилар) кучлари бир жойга жамланади. Уларнинг ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиши таъминланади.

Энди ушбу заруратлардан келиб чиқиб, синергетик самараға ҳам таъриф бериш мүмкін, деб ўйлаймиз. Чунки иқтисодий адабиётларда ва тадқиқот жараёнда улардан фойдаланылса да, ушбу тушунчанинг таърифи адабиётларда²⁶ келтирилмаган, факт үннинг изохи билан чекланиб келинмоқда. Шундай килиб, биз ушбу тушунчага таъриф беришни мақсадга мувоффик, деб топдик.

Синергетик самара дейилганды бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани қўлга киритши ҳамкорликда, барча дахлдор кучларни бирлаштирган ҳолда эришиши ёки битта кучни бир мақсад сари тизимли равшида йўналтириши эвазига эришиши тушунилади.

Ушбу таърифнинг ҳам математик ифодасини келтириш мүмкін. Бунда асосан натижага кўрсаткичи (синергетик самара) кучларнинг жамланишида ўз ифодасини топади. Бизнинг фикримизча, ушбу жараённинг математик модели ифодалаш учун куйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиз:

$$Cc = \sum_{i=0}^n Ki$$

Бунда: *Cc*-синергетик самара;

i - кучларнинг тартиб рақами;

n - алоҳида кучларнинг сони;

Ki – *i*-кучнинг (субъектнинг) номи.

Ушбу таъриф ва математик модельни шу билан асослаш мүмкінки, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани, масалан фойдани қўлга киритиши учун битта соҳадаги субъектлар ёки бир соҳага дахлдор бўлган турли

²⁶Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008. – С. 38., Турболова Х.Р. Фермерликини устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иктисол фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. Т.: УзР Банк-молия Академияси, 2012. – 27 б. Словарь иностранных слов. 16-е изд., испр. – М.: Рус. яз., 2011. - С. 467..Большой экономический словарь // под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-у изд. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 2005. – С. 906. ва х.к.

субъектлар (корхоналар)нинг ҳамкорликда ҳаракат қилишларини, яъни уларнинг диалектик бирлигини таъминлаган ҳолда тарқоқ кучларни бирлаштиришни йўлга қўйиш лозим бўлади. Уларнинг тарқоқ ҳолда эришган натижасига нисбатан биргаликда қилган ҳаракати кўпроқ натижага эриши имконини беради. Уларнинг мана шу биргаликда эришган мувоффакияти айнан синергетик самарани ташкил қиласиз.

13.4. Дискриминант ўзгарувчилар омиллари

Дискриминант функцияларни талқин қилиши. Юкорида айтиб ўтилгандек, сиз ҳар бир ўзгарувчи ва ҳар бир дискриминант (хозирда "каноник" деб аталадиган) функция учун *b* коеффициентга (стандартлаштирилган бета-коэффициентларга) эга бўламиз. Улар одатий усулда ҳам талқин қилиниши мүмкін: коеффициент қанчалик кўп стандартлаштирилган бўлса, мос келадиган ўзгарувчининг бош тўпламлар дискриминациясига хиссаси шунчалик катта бўлади. Бирок, бу коеффициентлар мос келувчи функциялар қайси бош тўпламларнинг ўртача функцияларига қараб ҳар бир дискриминант (каноник) функция учун дискриминация характеристини белгилашингиз мүмкін. Шунингдек, сиз иккала дискриминант функция оладиган кийматларга карши кўйган ҳолда гурухлар ўртасида иккита функция қандай фарқлашини кўришингиз мүмкін.

Ошибка! Закладка не определена. Омиллар структура матрицаси. Ўзгарувчилар маълум бир дискриминант функцияни белгилаши ёки «маркалashi» аниқлашнинг яна бир йўли омиллар структурасидан фойдаланишдир. Омиллар структураси коеффициентлари моделдаги ўзгарувчилар ва дискриминация функцияси ўртасидаги корреляция хисобланади. Агар сиз омиллар таҳлили билан таниш бўлсангиз, бу корреляцияларни ҳар бир дискриминация функциясига ўзгарувчиларнинг омиллар юки сифатида кўриб чиқишингиз мүмкін.



куйидагилардан иборат:

- (1) – эҳтимол, коэффициентлар структураси янада барқарор;
- (2) – улар омилларни (дискриминация функцияларини) худди омиллар таҳлили билан бир хил тарзда талқин қилиш имконини беради.

Бироқ, Монте-Карло усули ёрдамидаги кейинги тадқиқотлар (Барсиковский ва Стивенс, Хьюберти) шуну күрсатади, дискриминация функцияси коэффициентлари ва структурали коэффициентлар дёярли бир хилда бекарор эканлигини күрсатди (масалан, кузатувлар сони ўзгарувчилар сонидан 20 баравар кўп бўлса). Шуни ёддан чиқармаслик керакки, дискриминация функцияси коэффициентлари ҳар бир ўзгарувчининг алоҳида дискриминация функциясига хусусий хиссанини, структурали коэффициентлар эса ўзгарувчилар ва функциялар ўртасидаги оддий корреляцияни акс эттиради. Агар дискриминация функциясига алоҳида "мазмунли" қийматлар (фактларни таҳлил қилишда омиллар билан боғлиқ изоҳлар) берилиши керак бўлса, унда структурали омиллар қўлланилиши (талқин қилиниши) керак бўлади. Агар ҳар бир ўзгарувчи дискриминация функциясига қандай ҳисса қўшишини аниқлаш керак бўлса, унда дискриминация функцияси коэффициентлари қўлланади.

Дискриминант функцияниг аҳамияти. Бош тўпламлар орасидаги фарқга сезиларли даражада кўшилган илдизларнинг сонини текширишингиз мумкин. Талқин қилиш учун фақатгина статистика жиҳатидан аҳамиятли хисобланган

Айрим муаллифлар, структурали коэффициентлар дискриминация функциясининг ҳақиқий "маъносини" изоҳлаш учун фойдаланиш мумкин деган фикрга кўшиладилар. Бу муаллифлар томонидан берилган тушунтиришлар

илдизлардан фойдаланиш мумкин. Қолган функциялар (илдизлар) эътиборга олинмаслиги керак.

Шундай қилиб, бир неча бош тўпламлар ва бир нечта ўзгарувчилар учун дискриминант функциясини талқин қилганда, аввал улар турли функцияларнинг аҳамиятини текшириш ва кейин факат мазмунли функциялардан фойдаланиш керак бўлади. Кейин, ҳар бир муҳим функция учун сиз ҳар бир ўзгарувчиси учун стандартлаштирилган бета-коэффициентлар кўриб чиқишингиз керак. Стандартлаштирилган бета-коэффициент қанчалик катта бўлса, мос келадиган дискриминант функцияси томонидан бажариладиган ўзгарувчининг нисбатан ўзгарувчан ҳиссаси каттароқ бўлади. Айрим фарқловчи функцияларнинг алоҳида "мазмунли" қийматларини олиш учун, шунингдек, омил структурасининг матритцасини ўзгарувчилар ва ажратувчи функция ўртасидаги корреляциялар билан текшириш мумкин. Натижада сиз қайси функцияларни ва уларнинг ўртасида фарқни белгилашин аниқлаш учун мазмунли фарқлаш функциялари учун ўртача қийматларни кўриб чиқишингиз керак.

Нормал тақсимот. Таҳлил қилинаётган ўзгарувчилар кўп ўлчовли аниънавий тақсимот намунасини ифодалайди. Шунинг учун, ўзгарувчилар одатда тақсимланишини текширишингиз мумкин. Шунга қарамасдан, одатий вазиятнинг эътиборсизлиги одатда "ўлик" эмас, натижада натижага эришиш мезонлари "ишончли". Бундан ташқари, нормаллик маҳсус мезонларини ва графикаларни ҳам қўллашингиз мумкин.

Дисперсия/ковариацияларнинг бир хиллиги. Ўзгарувчиларнинг дисперсия/ковариация матрикалари бир хил деб ҳисобланади. Аввалгидек, кичик оғишлар ҳалокатли эмас, бироқ муҳим тадқиқотларда якуний хуласалар беришдан олдин дисперсия ва корреляциялар ички гурух матрицасига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, бу мақсад учун жуда фойдали бўлган тарқоқ матрица диаграммасидан фойдаланиш мумкин. Бирон-бир шубҳа туғилса, бир-иккита кизиқарли бўлмаган бош тўпламни чиқариб ташлаган ҳолда қайта-қайта таҳлил қилишга ҳаракат қилинг. Агар умумий натижа (талқин) сақланиб қолса, сиз,

эҳтимол, оқилона ечим топган бўласиз. Шунингдек, ушбу тахмин сизнинг маълумотларинида бузилганлигини ёки йўқлигини текшириш учун кўплаб мезон ва усуллардан фойдаланиши мумкин.

Ўртача кўрсаткичлар ва дисперсиялар ўртасидаги корреляциялар. Муҳимлилк мезонларини кўллаш тўғрилигига "реал" таҳдидларнинг аксарияти дисперсиялар (ёки стандарт оғишлар) ва бош тўпламлар ўртасидаги ёки ўзаро ўртача кўрсаткичлар бўйича эҳтимолий боғлиқликлар туфайли вужудга келади. Агар ўртача кўрсаткич юкори бўлган бир неча ўзгарувчиларда жуда катта ўзгарувчанлик мавжуд бўлса, унда бу юкори ўртача кўрсаткичлар ишончсиздир. Бироқ муҳимлилк мезонлари бирлашган дисперсияларга, яъни барча бош тўпламлар бўйича ўртача дисперсияга асосланади. Шу сабабли нисбатан катта ўртача кўрсаткичлар учун муҳимлилк мезонлари нисбатан кичик бирлашган дисперсияларга асосланади ва хато равишда статистик муҳимлилк кўрсатади. Бундай ҳолатни аниклаш учун тавсифловчи статистика, яъни ўртача ва стандарт оғиш ёки бундай корреляциялар учун фарклар ўрганилиши керак.

Яхши асосланмаган матрица билан боғлиқ масала. Дискриминант таҳлилда яна бир тахмин шундаки, бош тўпламлар ўртасидаги дискриминация учун ишлатиладиган ўзгарувчилар мутлақо ортиқча бўлмайди. Дискриминант таҳлил натижаларини хисоблашда моделдаги ўзгарувчилар учун дисперсия/ковариация матрикалари ўзгариши рўй беради. Агар ўзгарувчилардан бири бошқа ўзгарувчига нисбатан мутлақо ортиқча бўлмаса, унда бундай матрица яхши асосланмаган хисобланади ва уни ўзгаририб бўлмайди. Мисол учун, агар ўзгарувчи учта ўзгарувчининг йигиндиси бўлса, бу моделда ҳам акс эттирилади ва ушбу матрица яхши асосланмаган бўлади.

Тасниф. Дискриминант таҳлилни кўллашнинг яна бир асосий мақсади таснифлашни амалга оширилди. Модель белгиланиши ва дискриминация функцияси олиниши билан, улар қанчалик яхши башорат қилинади ва муайян намуна қайси бош тўпламга тегишли деган савол туғилади.

Априори ва апостериори таснифи. Баҳолашнинг турли тамойиллари деталларини ўрганишга киришишдан олдин бу фаркни аниқ тушуниш

муҳимдир. Одатда агар сиз маълум бир маълумотлар гурухи асосида бош тўпламни энг яхши тарзда тақсимлайдиган дискриминация функциясини баҳолайдиган, сўнгра худди шу маълумотлардан жараён қанчалик аниқлишини баҳолаш учун фойдаланадиган бўлсангиз, бунда сиз факат тасодифдан умид қилишингиз мумкин. Умуман олганда, дискриминант функциясини баҳолаш учун фойдаланилмайдиган намуналарни таснифлаш учун, албатта, энг ёмон тасниф олинади. Бошқа сўзлар билан айтганда, тасниф дискриминант функциясини баҳолаш амалга оширилган танлама тўплам учун (апостериор тасниф) янги танлама тўплам учун (априори тасниф) баҳолашдан кўра яхшиrok амал қиласи. Шунинг учун, таснифи жараёни сифатини баҳолаш ҳеч қаочон дискриминант функцияси баҳолангандан танлама тўплам бўйича амалга оширилмайди. Агар жараёндан келажакда намуналари таснифлаш учун фойдаланиладиган бўлса, у янги объектларда синаб кўрилиши лозим.

Таснифлаш функциялари. Таснифлаш функцияларини дискриминант функциялари билан адаштираслик керак. Таснифлаш функциялари ҳар бир обьектни қайси гурухга топшириш мумкинлигини аниклаш учун мўлжалланган. Гурухлар сони нечта бўлса, таснифлаш функциялари ҳам шунча. Ҳар бир функция ҳар бир намуна учун ва ҳар бир бош тўплам учун қуидаги формуладан фойдаланиб хисоблаш имконини беради:

$$C_i = c_{ii} + w_{i1}*x_1 + w_{i2}*x_2 + \dots + w_{im}*x_m$$

Ушбу формулада индекс i мос келувчи бош тўпламни англатади, индекслар $1, 2, \dots, m$ эса m ўзгарувчиларни англатади; c_{ii} эса i -бош тўплам учун константа хисобланади, w_{ijk} – бу i -бош тўплам учун таснифлаш кўрсаткичини хисоблаб чиқишида ж-ўзгарувчи салмоги; x_{jk} – бу ж-ўзгарувчи мос келувчи намунаси учун кузатиладиган қиймат. C_i таснифлаш кўрсаткичи натижаси хисобланади.

Шу сабабли сиз айрим янги қийматлар учун таснифлаш кўрсаткичини тўғридан-тўғри хисоблаб чиқиш учун таснифлаш функциясидан фойдаланишингиз мумкин.

Кузатувларни таснифлаш. Кузатувлар учун таснифлаш кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилиши билан кузатувларни қандай таснифлаш масаласини осонлик билан ҳал қилиш мумкин. Умумий ҳолатда кузатув энг юқори таснифлаш кўрсаткичи олинган бош тўплам учун тааллуқли деб ҳисобланади. Шу сабабли сиз битирувдан бир йил олдин олинган бир нечта ўзгарувчи асосида олинган ўрта мактабни битирганда кейин ўқувчилар ўқиш ёки карьерани танлашини (коллежга, касб мактадига ўқишга кириш ёки ишга кириш) ўрганадиган бўлсангиз, ҳар бир ўқувчи мактабни битиргандан сўнг нима қилиши эҳтимоли энг юқори бўлишини башорат қилиш учун таснифлаш функциясидан фойдаланишингиз мумкин. Бироқ сиз ўқувчи олдиндан айтилган танловни амалга ошириш эҳтимолини аниқлашни истаган эдингиз. Ушбу эҳтимолликлар *апостериори* деб аталади ва улар ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

13.5. Синергетик самара усули

Маркетинг тадқиқотлари таркибида маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматлар ҳам мавжуд. Уларни такомиллаштиришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Улардан бири синергетик самара усулидир.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, ушбу усульдан фойдаланиш унчалик катта маблағ талаф қилмаган ҳолда катта самара берар экан. Аммо ушбу муаммонинг назарий ва методологик ечими, улардан амалиётда фойдаланиш имкониятлари айниқса иқтисодиётга оид адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Шу туфайли, иқтисодий адабиётларда “синергетика”, “синергетик самара” ва “синергетик самарадорлик” тушунчаларига аниқ жавоб топиш қийин бўлди.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, ушбу саволга жавоб топиш мақсадида илмий ва фундаментал адабиётларга, турли лугат ва энциклопедияларга мурожаат қилдик. Улардан бири 2012 йилда муаллифлар жамоаси томонидан нашр қилинган “Большая экономическая энциклопедия”²⁷ бўлиб, унда синергетика сўзининг айнан ўзига изоҳ берилмаган. Аммо “Синергетический

эффект” сўзига изоҳ бериб қуидагиларни таъкидлайди: ушбу сўздан кейин “синергия” сўзини келтиради ва унга қуидагича тушунча беради “алоҳида қисмларни умумий тизимга интеграциялаштирган ҳолда (тизимли самара) таъсирида иш самарадорлигини оширишдир. Бунда биргаликда ҳарактнинг самарадорлиги алоҳида харакат қилинганига нисбатан юқори”²⁸ (таржима бизники-О.П.), деб таъкидланади.

Энди “синергия” сўзининг маъносига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, айнан синергетика сўзи бошқа лугатларда ҳам учрамайди ва уларда ҳам синергия атамаси ишлатилган. Ушбу сўзга изоҳни 1988 йилда нашр қилинган “Словарь иностранных слов” китобида берилган. Унда эътироф этилишича “Синергизм, синергия” сўzlари юон тилидан олинган бўлиб, унинг ўзаги “synergeia”ни ташкил қиласи ва унинг маъноси “бирлашиб, ҳамкорлик”²⁹, деган маъноларни беради. Ушбу лугатда “синергист” сўзига ҳам изоҳ берилган. Ушбу сўз ҳам юон тилидан олинган бўлиб, “synergos”ни англатади. Ушбу сўзниң ҳам маъноси “биргаликда ҳаракат қилувчи”³⁰, деган маъноларни беради. Аммо кейинги изоҳларида бу атаманинг одам организмида содир бўладиган ўзгаришлар, биологияга оид фанларда қўлланилиши эътироф этилган.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни 1999 йилда А.Н.Азрилиян таҳрири оситда нашр қилинган “Большой экономический словарь”да ҳам учратиш мумкин. Ушбу лугатда ҳам синергетика сўзига изоҳ берилмаган, факат “синергия” атамасидан фойдаланиб, унга изоҳ берилган. Ушбу ишда “синергия” атамасига иқтисодиёт нуқтаи назаридан ёндашилган. Ушбу асарда ҳам эътироф этилишича, мазкур атама юон тилидан олинган бўлиб, унинг ўзаги “synergeia”ни ташкил қиласи ва қуидагича таъкидланган: “компанияларнинг

²⁷Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2012. – 581 б.

²⁸Ўша жойда. - Б.181.

²⁹Словарь иностранных слов. 16-е изд., испр. – М.: Рус. яз, 1988. - С. 467.

³⁰Ўша жойда. – С. 467.

алоҳида фаолиятига нисбатан бирлашиб фаолият кўрсатиши натижасида катта самарадорликка эришишдир”³¹ (таржима бизники-О.П.), деб кўрсатилган.

Бу борада мамлакатимиз олимлари ҳам айрим фикрларни баён қилганлар. Ҳозирги пайтда синергетик самара атамасидан фойдаланмоқда. Чунки иқтисодий жараёнларда, хусусан маркетинг тадқиқотларида ҳам мухим жиҳат – унинг самарадолигини оширишга қаратилмоғи лозимлиги таъкидланмоқда. Шу туфайли унинг асосини “Синергетик самара” ташкил қилиниши эътироф этилмоқда. Бу борада иқтисодиётга оид айрим тадқиқотларда ҳам айнан шу атама кўлланилмоқда³². Ушбу атамадан М.Б.Хамидулиннинг ишида³³ иқтисодиётнинг молиявий секторида, хусусан қимматли қоғозлар бозорида фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Х.Р.Туробованинг ишида³⁴ эса, қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини такомиллаштиришда кўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Аммо юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида ушбу тушунчаларнинг таърифи келтирилмаган. Шундай бўлсада, ушбу тушунчалардан фойдаланишга эришган.

Булардан кўриниб турибдики, бирорта фандаги ҳар қандай янгиликни бошқа бир қанча фанларга ҳам кўллаш мумкин экан. Чунки ушбу атама ва усувлар биринчи марта аниқ табиий фанларда, тибиётда ва физикага оид фанларда кўлланилган бўлса, гуманетар фанлардан фалсафа фанига кириб келди. XXI-асрга келиб иқтисодиётга оид фанларда ҳам кўлланилмоқда. Биз

эса, иқтисодиётнинг бир тармоги бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнларида қўллаш мумкинлиги хусусида айрим фикрларни айтмоқчимиз.

Ушбу тушунчани бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг таркибий қисми бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнига боғлиқ маркетинг тадқиқотларида қўллайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун уларни икки босқичда амалга ошириш мумкин. Биринчидан, бир соҳадаги бир қанча бир-бирига ўхшаш хўжалик юритувчи субъектлар кучларини бирлаштириш лозим бўлса, иккинчидан ушбу соҳага дахлдор турли соҳада хўжалик юрутувчи субъектлар кучларини бирлаштириш, уларнинг бир-бири билан ҳамкорлида фаолият кўрсатишни таъминлаш лозим бўлади. Кўриниб турибдики, у ҳолда ҳам бу ҳолда ҳам, синергетика билан боғлиқ жараёнларда тарқоқ кучларни бирлаштириш тўғрисида гап кетмоқда.

Барча соҳаларда, хусусан маркетинг тадқиқотларида ҳам биргаликда ҳаракат ҳамиша муваффақиятлар калити бўлиб келган. Аммо шуни эътироф этиш керакки, ушбу жараёнларни ўзида ифода этувчи синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг таърифлари иқтисодий адабиётларда ҳамон етарли даражада ёритилмаган. Булардан келиб чишиб, уларнинг назарий масалаларига алоҳида аҳамият бериш тақозо қилинади.

Маълумки, ҳар қандай тушунча ёки категориянинг назарий масаласи, унинг таърифини тадқик қилиш ва ишлаб чиқишдан иборат. Агар мазкур таъриф олдиндан ишлаб чиқилган бўлса, уни такомиллашган вариантини вариантини тавсия қилиш билан боғлиқ.

³¹Большой экономический словарь // под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-у изд. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 1999. – С. 906.

³²Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления управления. Автореферат докторской на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008. – С. 38., Туробова Х.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. Т.: УзР Банк-молия Академияси., 2012. – 27 б.

³³Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления управления. Автореферат докторской на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008. – С. 27.

³⁴Туробова Х.Р. Фермерликни устувор ривожлантиришда кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. Т.: УзР Банк-молия Академияси., 2012. – 19 б.

13.6. Маркетинг тадқиқотларида ковариацион таҳлилнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари

Маркетинг тадқиқотларида ковариацион таҳлилни амалга ошириш учун унинг моҳиятини, амалиёт учун аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашни тақозо қиласди.

Ковариация сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “со(n)” билан, ва “variare” ўзгартириши, турини ўзгартириши³⁵ маъноларини англатади. Ушбу усул бир вақтнинг ўзида кўп ўлчамли миқдорий ва сифатий кўрсаткичларнинг боғланишини ўргатишда қўлланилади.

Ковариацион таҳлил кўпўлчамли статистик таҳлилнинг бир қисми бўлиб, бу ҳам нажа билан омиллар ўртасидаги мураккаб боғланишларни ўзида ифода этади. Шу билан бирга унинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Буларга қуйидагилар киради:

- ушбу модел асосан кўпўлчамли таҳлилда қўлланилади;
- математик моделларнинг барча турларида қўлланилади;
- бир вақтнинг ўзида таъсир этувчи омилларни ўзгартириш билан бирга натижани ҳам ўзгартириб боради;
- натижа билан омиллар ўртасида мураккаб боғланишлар бўлганда қўлланилади;
- бир вақтнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларнинг боғланишини ўргатишда қўлланилади.



Бош бирликдан танлаб олиш натижасида натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги матрици билан ифодалаш мумкин:

$$A = \{a_{ij}\};$$

Бунда: A – натижа;

a – омиллар;

j – натижага таъсир этувчи матрицига киритилган омилларнинг тартиб рақами ($j=1, k$);

i – матрицига киритилган кўрсаткичларнинг тартиб рақами ($i=1, n$).

k – натижага таъсир этувчи матрицига киритилган омилларнинг умумий сони;

n – матрицига киритилган кўрсаткичларнинг умумий сони;

Бунда натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик аддитив бўлса куйидаги моделни ёзиш мумкин:

$$A = a_{j1}R_1 + a_{j2}R_2 + a_{j3}R_3 + \dots + a_{jn}R_n$$

Агарда улар ўртасидаги боғлиқлик мултиплекатив бўлса қуйидаги модель кўринишида бўлади:

$$A = a_{j1}R_1 * a_{j2}R_2 * a_{j3}R_3 * \dots * a_{jn}R_n$$

Буларнинг умумий кўринишини қуйидаги чизмада ифодалаш мумкин (13.1-расм):



13.1-расм. Дисперсиянинг x, s, z элементлари бўйича ковариация моделининг кўриниши

³⁵ Словарь иностранных слов. 16-е изд.. М.: Русский яз., 1988. – 239-бет.

Ушбу чизмани қуидагы изохлаш мүмкін. Натижаны U деб оладиган бүлсак, унда биринчи майдон U_x га тенг бўлади. Иккинчи майдон U_y ва мос равишда учинчи майдон U_z га тенг бўлади. Мос равишда уларнинг кесишиган жойлари қуидаги кўринишни олади:

$$U_{xs}, U_{sz}, U_{xz}.$$

Мазкур U_{xs} , U_{sz} , U_{xz} ларнинг ўзгариши юқоридаги майдонни ҳам, улар кесишиган жойдаги сатҳни ҳам ўзgartиради. Битта ҳаракат бир қанча ўлчамдаги предметларнинг ўзгаришига таъсир қилғанлиги учун бундай ҳисоб-китоблар кўп ўлчамли деб юритилади.

Фараз қиласиз, маркетинг тадқиқотларида танлаб олинган товарнинг сотилиши X_j дан иборат. Буни қуидаги векторда ифодалаш мүмкін:

$$X_j = X_{j1}, X_{j2}, X_{j3}, \dots, X_{jn};$$

Танлаб олинган жамламанинг ўртача миқдори қуидагы аниқланади:

$$\bar{X} = 1/n (X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_n);$$

Ушбу формуладан танлаб олинган жамламанинг (товарнинг) сотилиши бўйича **кавариацион** матрицани аниқлаш мүмкін:

$$S = \frac{1}{n-1} \sum_{j=1}^n (X_j - \bar{X})(X_j - \bar{X})^T;$$

Бунда: $(X_j - \bar{X})$ – танлаб олинган жамламанинг параметрлари;

$(X_j - \bar{X})^T$ – шу танлаб олинган жамламанинг параметрларига тўғри келадиган транспонированга оид вектор.

Кўриниб турибдики кавариацион матрица танлаб олинган жамламадан келиб чиқадиган кўп ўлчовли статистик таҳлилда кўлланиладиган математик усууллардан бири экан.

Қисқа хулосалар

Мазкур бобда биз дискриминант ва кононик таҳлиллар ҳақида гаплашдик. Дискриминант таҳлили қайси ўзгарувчилар юзага келадиган икки ёки ундан ортиқ бош тўпламлар (гурухлар)ни фарқлаши ҳақида карор қилиш учун фойдаланилади.

Маркетинг тадқиқотларида ҳам дискиriminat таҳлилидан зарур ҳолларда фойдаланилади. Чунки, ушбу жараёнда ҳам ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ўртасида кўпомилли боғланишларнинг бўлиши тайин. Дискриминант сўзи бизга лотин тилидан кириб келган бўлиб, discriminans сўзи “фарқловчи, бўлувчи” маъноларини англатади.

Дискиriminat таҳлилида кластер таҳлилидан ҳам фойдаланилади. Мазкур таҳлил тадқиқ қилинаётган бирликни бир қанча таркибий бўлакларга бўлиб ўрганиш имконини беради. Бунда инобатга олинадиган нарсалар шундан иборат бўладики, бош бирлик билан унинг таркибий кисмлари бир-биридан фарқ қилиши баробарида, бир-бирини тақрорлайдиган жуда ўхшаш ҳам бўлмаслиги керак.

Ушбу таҳлилни амалга оширишда ҳисоб-китоблар жуда мураккаб бўлганлиги туфайли, мазкур амаллар маҳсус дастурлар асосида ЭХМдан фойдалангандан ҳолда бажарилади.

Бунда жуда кўп модельлардан фойдаланилади. Масалан, мамлакат иктисодиёти бир қанча тармоқларга бўлинади. Уларнинг модели *қўптармоқли модель* бўлиб ҳисобланади. Ушбу иктисодиёт ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларга бўлинади. Бу ҳолда *қўпсоҳали модельни қўллашади*. Маркетинг тадқиқотларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишининг бир қанча варианлари ишлаб чиқилган бўлса, у ҳолда қўлланиладиган модель *кўпвариантли модель* бўлиб ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотларида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда тизимли ёндашувдан ҳам фойдаланилади. У ҳолда *кўптизимили модельдан* фойдаланилади. Хуллас, маркетинг тадқиқотларида ҳам дискиriminat таҳлилидан фойдаланишда бир қанча кўпўлчамли статистик усууллар қўлланилишини инобатга олиш лозим.

Каноник корреляция (canonical correlation). У дискриминант кўрсаткичлар ва гурухлар ўртасидаги боғлиқлик даражасини ўлчайди. Бу ягона дискриминант функцияси ва ушбу гурухга мансубликни белгилаб берадиган соҳта ўзгарувчилар тўплами ўртасидаги боғлиқлик ўлчовидир.

Каноник корреляция таҳлили. Агар бир неча гурухни дискриминант таҳлил қилиш амалга оширилса, гурухларни турли хил дискриминация функцияларини шакллантириш учун қандай қилиб бирлаштирилиши кераклигини кўрсатмаслик керак. Бунинг ўрнига, сиз автоматик равиша ўзгарувчиларнинг айрим оптималь комбинацияларини белгилашингиз мумкин, бунда биринчи функция барча гурухлар ўртасида энг яхши дискриминация ўтказади, иккинчи функция энг яхши бўлади ва х.к. Бундан ташқари, вазифалар мустакил ёки ортогонал бўлиб колади, яъни уларнинг бош тўпламларни ажратишга кўшган хиссаси копланмайди. Ҳисоб-китоб тизими нуктаи назаридан сиз кетма-кетлиқдаги каноник илдизлар ва функцияларни аниқлаб берадиган *каноник корреляциялар* таҳлилини ўтказасиз. Функциялар максимал сони бош тўпламлар сонидан бирини айириб ташлашга ёки бу рақамлардан қайси бири кичик эканлигига қараб, таҳлилдаги ўзгарувчилар сонига тенг бўлади.

Таянч иборлар: дискриминант, чизиқли дискриминант, Фишер дискриминанти, комбинация, *multiple discriminant, quadratic discriminant, Каноник корреляция, синергетика атамаси, бета-коэффициент ва бошқ.*

Назорат учун саволлар

1. Нима учун дискриминант таҳлил усларидан фойдаланадилар?
2. Дискриминант таҳлилдан фойдаланиш усулига мисоллар келтиринг.
3. Кўп ўлчамли статистик маълумотлар асосида натижа ва омиллар ўртасидаги боғлиқликни нимада?
4. Дискириминат таҳлили математик статистиканинг таркибий қисми сифатида қандай хусусиятларга эга?
5. Кўптармоқли модел деб нимага айтилади?
6. Фишер дискриминанти қачон кўлланилади?
7. Маҳаллий универсал магазинларнинг доимий харидорлари ва умуммамлакат универсал магазинлар тармоқларининг доимий харидорлари

ўртасида турмуш услуби нуқтаи назаридан қандай тафовутлар мавжуд? Қайси таҳлил усулига мансуб?

8. Ўзгарувчиларнинг дисперсия/ковариация матрицаларининг бир хиллиги асосини кўрсатиб беринг.

9. Априори ва апостериори таснифи қандай тўплаилар орасида фарқланади?

10. Ковариацион таҳлил кўпўлчамли статистик таҳлилнинг бир қисми сифатида унинг хусусиятларини гапириб ўтинг.

14-боб. ОМИЛЛИ ВА КЛАСТЕРЛИ ТАҲЛИЛ

14.1. ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ

Омилли таҳлил бу – катта бир гурух ичидан энг муҳим ўзгарувчилар – омилларни ажратиш ва ажратилган омиллар ўртасида ўзаро алоқаларни аниқлаш учун фойдаланиладиган харакатлар ва усуллар тўпламидири.

Омилли таҳлил (factor analysis) – қўп ўлчамли статистик усул бўлиб, миқдорий ўзгарувчилар кийматлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш

учун кўлланади. Омиллар таҳлилининг асосий ғояси шундан иборатки, қўп сонли бошлангич ўзгарувчилар ўртасидаги мавжуд боғлиқликлар омиллар деб аталадиган анча кам сонли яширин ўзгарувчилар билан аниқланади.



усуллар гурухи сифатида психометрикада пайдо бўлган ва хозирги кунда иқтисодиёт, статистика, социология ва маркетинг тадқиқотларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Омилли таҳлил натижасида мавжуд кузатувларга алоқадор бўлган қўп сонли ўзгарувчилар омиллар деб аталадиган кам сонли мустақил ўзгарувчан кўрсаткичларга келтирилади. Бунда бир-бири билан кучли алоқада бўлган ўзгарувчилар битта омилга бирлаштирилади. Турли омиллардан бўлган ўзгарувчилар бир-бири билан кучсиз алоқада бўлади.

Шундай қилиб, омилли таҳлилнинг мақсади – қўп сонли қўриб чиқилаётган белгиларни мавжуд бўлган лекин бевосита ўлчаб бўлмайдиган ўзгарувчилар ўртасида кузатиладиган алоқаларни энг тўлиқ изоҳлаб берадиган кенг сигимли комплексли омиллар орқали ифодалаб, бошлангич ахборотни марказлаштиришдир.

Омилли таҳлилнинг асосий усуллари – бу биринчи навбатда, умумий омилларни таҳлил қилиш ва бош таркибий қисмларни таҳлил қилишдир. Куйидаги омилли таҳлил усуллари камрок фойдаланилади:

- максимал ҳақиқатга ўхшашлик
- ўлчаммаган энг кичик квадратлар
- энг кичик квадратлар умумлаштирилган усули
- намуналарни таниб олиш
- Альфа - омилли

Омилли таҳлил қачон фойдаланилади?

Омилли таҳлилдан маркетинг тадқиқотларида фойдаланишининг аҳамиятига нотўғри баҳор бериш кийин. Маркетологлар омилли таҳлилдан ўзгарувчилар ўзаро алоқалари тушунарли бўлган тушунарли моделлар – тузилган моделдаги омиллар ташкил қилиш мақсадида кўплаб белгиларни гурухлаш учун фойдаланади.

Маркетинг тадқиқотларида омилли таҳлил кўпинча куйидагилар ўтказилганда фойдаланилади:

- истеъмолчиларни сегментлаш,
- маҳсулот яратиш,
- маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш
- жойлаштириш стратегияси
- коммуникация стратегияси
- медиа – стратегия
- нарх шакллантириш стратегияси

Қоидага кўра, омилли таҳлил бир неча босқичда бўлиб ўтади. Омилли таҳлил босқичлари қуидагилардан иборат:

- омилларни танлаб олиш.
- омилларни таснифлаш ва тизимлаштириш.
- натижали ва омилли кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни моделлаштириш.

Натижали кўрсаткич ҳажми ўзгаришида омилларнинг таъсири ва ролини ҳисоб-китоб қилиш.

Омилли моделдан амалий фойдаланиш (натижали кўрсаткичнинг ўсиш захираларини ҳисоб-китоб қилиш).

Ушбу таҳлил тури тадқиқотчига иккита асосий вазифани ҳал қилишга имкон беради: ўлчаш предметини қисқача ва шу билан бир пайтда хар томонлама тавсифлаш. Омилли таҳлил ёрдамида кузатилаётган ўзгарувчилар ўртасидаги корреляциялар чизикли статистик алоқалар учун жавоб берадиган омилларни аниқлаш мумкин.

Омилли таҳлилнинг асосий мақсадлари ўзгарувчилар сонини қисқартириш ва ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар структурасини аниқлаш ҳисобланади. Шу сабабли омилли таҳлил ёки маълумотларни қисқартириш усули сифатида, ёки таснифлаш усулу сифатида фойдаланилади.

Омилли таҳлил ўтказиш статистикага оид таянч билимлар – маълумотларни тавсифий таҳлил қилиш усуслари, статистик гипотезаларни текшириш усусларини билишни, корреляцион ва регрессион таҳлил билан танишликни талаб қиласди.

Омилли таҳлилнинг негизида шундай гипотеза ётадики, гарчи ўз-ўзидан респондентларнинг у ёки бу саволларга жавоби тасодифийликка боғлиқ бўлсада, бу жавоблар респондентларнинг ички кўрсатмаларини акс эттиради.

Омилли таҳлилни қўллаш борасида амалиётда муҳим бўлган қатор мисоллар келтириб ўтамиш.

1.Ижтимоий-сиёсий вазият индикаторларини тузиш. Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар доирасида аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар маълумотлари бўйича, масалан, ижтимоий фикр фондида мамлакатдаги вазиятни умумлаштирган тарзда тавсифлайдиган турли индикаторлар ҳосил қилинади:

- мамлакатда ишлаётган аҳолининг меҳнатга бўлган муносабати кўрсаткичлари;
- аҳолининг эмоционал ҳолати индикаторлари;
- норозилик кайфиятлари индекси;

➤ иқтисодий инқироз таъсири индекси;

➤ жиноятчилик билан боғлиқ вазият индекси ва ҳ.к.

2. Истеъмолчиларнинг психографик профилларини ўрганиш.Анкетага турмуш тарзи ҳакида фикр-мулоҳазалар тўплами киритилади. Респондентлар танланган жавобларнинг омилли таҳлили респондентларнинг асосий психографик тавсифномаларини аниқлашга имкон беради.

3. Магазин имиджини баҳолаш. Респондентлардан магазинни бир қатор мезонлар бўйича баҳолаш ва бу баҳони семантик дифференциал шкаласи бўйича ифодалаш сўралади. Эслатиб ўтамиш: бу иккита карама-карши тушунча ўртасида танлаш учун фарқларни акс эттирадиган еттига градацияли шкаладир. Олинган баҳолар умумлаштирган ҳолда магазин имиджини тавсифлайдиган кичик сонли яширип белгиларни топиш мақсадида таҳлил қилинади.

4. Истеъмолчиларнинг турли компанияларни баҳолаш мезони. Респондентларга беш баъли шкала бўйича барча компаниялар муҳимлигини баҳолаш таклиф этилади: "муҳим бўлмаган тавсифнома"дан "жуда муҳим тавсифнома"гача.

Ҳажми бўйича катта тўпламни яққол ифодаланган кўрсаткичли кичик тўпламга айлантириш бу умумлаштирилган ўзгарувчилардан кейинги кўп ўлчамли таҳлиллардан фойдаланишга имкон беради. Масалан, омилли таҳлил ёрдамида тузилган қайсиdir умумлаштирувчи белгилар киймати содик ва содик бўлмаган мижозларда учли фарқ қилишини аниқлашимиз мумкин. Бу умумлаштирувчи белги билан қайси бошланғич маълумотлар кучли корреляцияда бўлишини билиш эса бу тафовутларнинг сермазмун маъносидан иборат бўлиши мумкин.

Бу масалани ҳал қилишга бошқача ёндашиш: аниқланган психографик омиллардан мустақил ўзгарувчилар сифатида, содик ва содик бўлмаган мижозларни ажратиб турадиган белгидан эса – боғланган ўзагрувчи сифатида фойдаланиб, регрессион ёки дискриминант таҳлилни қўллаш мумкин. Натижада топилган коэффициентлар содикликни шакллантиришга қайси ўзгарувчилар ва қай даражада таъсир этишини кўрсатади.

Умуман олганда, бир нечта янги, ҳажми бўйича кичик, лекин ўзаро корреляция килмайдиган кўрсаткичлар – омилларга эга бўлган ҳолда улар асосида турли тўпламларга оид омиллар ўртасидаги ўзаро алоқаларни, масалан, регрессион ёки дискриминант таҳлили ёрдамида ўрганиш мумкин.

Шундай қилиб, омил бу – бошлангич маълумотлар тўплами – маълумотлар матрицаси устунида мавжуд бўлган ўзаро корреляцияларни изоҳлайдиган яширин ўзгарувчининг микдорий ифодасидир. Бу "ички", "муҳим, жиддий" тавсифома бўлиб, унинг қийматини тўғридан-тўғри ўлчаб бўлмайди, лекин ўлчанадиган "ташки", "бильосита" ўзгарувчилар қиймати қандай бўлиши айнан уларга боғлик.

Бу, масалан, шуни англатиши мумкинки, агар респондентда оид юқори қийматга эга бўладиган бўлса, демак у омил билан кучли ва мусбат корреляцияда бўладиган бошлангич ўзгарувчиларга юқори баҳо берган, у билан кучли, лекин манғий корреляция қиласидаган ўзарувчиларга эса – паст баҳо берган.

Омиллар таҳлили ўзгарувчилар сонини кисқартириш ва уларни умумлаштириш учун фойдаланиладиган усуллар синфиидир.

14.2. Омилли таҳлил модели

Маркетинг тадқиқотлари давомида уларнинг аксарияти ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб ўзгарувчиларга дуч келиш мумкин. Маълумотларни қайта ишлаш қуладай бўлиши учун уларнинг сонини мақбул келадиган даражагача пасайтириш лозим. Бу мақсадда корреляцияланган ўзгарувчилар орасидаги алоқалар таҳлил қилинади ва кам сонли омиллар кўринишида акс эттирилади. Омил бу ўзгарувчилар тўплами ўртасидаги корреляцияни тушунтириб берадиган яширин ўзгарувчи хисобланади. Маркетинг тадқиқотларида омилли таҳлил қўйидаги мақсадларда: истеъмолчиларни гурухлаш мақсадида яширин ўзгарувчиларни аниклаш учун бозорни сегментлашда амалга оширилади. Масалан, янги автомобил ҳарид

қилувчиларни уларнинг ҳаридда нимага (тежамкорлик, қулаги, ишчи тавсифномалар, чиройлилик, савлатлилик) асосий эътибор қаратишидан келиб чиқсан ҳолда гурухларга ажратиш мумкин. Товар стратегиясини ишлаб чиқишида омилли таҳлил истеъмолчи танловига таъсир этадиган савдо маркаси тавсифномаларини аниклаш учун фойдаланилади. Нарх шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқишида омилли таҳлил нархга сезувчанлик даражаси юқори бўлган истеъмолчилар тавсифномаларини аниклаб беради. Математика нуқтаи назаридан омилли таҳлил кўплик регрессион таҳлилига ўхшаб кетади: ҳар бир X_i ўзгарувчи (F_1, F_2, \dots, F_k) чизиқли омиллар комбинацияси кўринишида ифодаланади. Омиллар, ўз навбатида, кузатилाहтган ўзгарувчилар чизиқли комбинацияси билан ифодаланиши мумкин.



14.1-расм. Омилли таҳлил вазифаси

Омилли таҳлилни бажариш бир неча босқичдан иборат:

- 1) ўзгарувчилар ораликли ёки нисбий шкалада ўлчаниши мумкин бўлган;
- 2) танлама тўплам ўзгарувчилар сонидан 4-5 марта катта бўлиши лозим.

Корреляцион матрица тузиш. Маълумотлар асосида корреляцион матрица тузилади. Омилли таҳлилни бажариш мақсадга мувофиқлиги ўзгарувчилар ўртасида корреляциялар мавжудлиги билан белгиланади.

Үзаро боғлиқ бўлган ўзгарувчилар бир хил омил билан корреляция қилиши лозим. Агар ўзгарувчилар орасидаги корреляция кичик бўлса, омилли таҳлил фойда бермайди.

Статистикадан бир нечта маълумот:

Бартлеттнинг сфера мезони. Бош тўпламда ўзгарувчилар ўртасида корреляция йўқлиги ҳақида нолинчи гипотеза текширилади. Текширув корреляцион матрица аниқловчисини χ^2 (хи-квадрат) статистикага айлантиришга асосланади. Статистика қиймати катта бўлганда нолинчи гипотеза инкор килинади. Кайзер-Мейер-Олкин (КМО) танлови мослик мезони. КМО-статистика қиймати кичиклиги (0,5 дан паст) шуни кўрсатадики, жуфт ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцияларни бошқа ўзгарувчилар билан тушунтириб бўлмайди ва омилли таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

3) Омилли таҳлил усулини аниқлаши

Икки хил усул мавжуд: бош таркибий қисмлар таҳлили; умумий омиллар таҳлили.

Бош таркибий қисмлар таҳлилини тадқиқотнинг асосий вазифаси келгусида улардан кўп ўлчамли таҳлилда фойдаланиш учун маълумотлар дисперсиясига максимал хисса қўшадиган омиллар минимал сонини аниқлаш хисобланган ҳолларда бажариш тавсия этилади. Бу омиллар бош кадрлар кўнимсизлиги деб аталади. Умумий омиллар таҳлилида асосий вазифа умумий дисперсия ва яширин ўзгарувчиларни аниқлаш хисобланади. Умумийлик – алоҳида ўзгарувчининг умумий омиллар билан изоҳланадиган дисперсия улуши.

4) Омиллар сонини аниқлаши. Бошлангич маълумотларда мавжуд бўлган ахборотни умумлаштириш учун кам сонли омилларни ажратган маъкул. Бу борада бир нечта жараён мавжуд:

Дастлабки ахборотга асосланган аниқлаши. Баъзида тадқиқотчи дастлабки ахборотларга риоя қилган ҳолда қанча омил кутиш мумкин эканлигини билади.

Омилларнинг ўз қийматларига асосланган аниқлаши. Ушбу усулда фақат ўз қийматлари 1 дан катта бўлган омиллар ҳисобга олинади, қолган омиллар моделга киритилмайди.



«тошли тўқилма» мезонига асосланган аниқлаши. «Тошли тўқилма» мезонининг график кўринишидаги тасвири омиллар ўз қийматларининг уларнинг ажратиш тартибидағи рақамларига боғликлигини ифодалайди.

5. Омилларни айлантириш. Омилли юкламалар матриаси омиллар ва ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцияларни ифодалайдиган коэффициентлардан иборат. Омилларни айлантириш омилли коэффициентлар матрицасини оддийроқ ва осонроқ талқин қилинадиган матрицага айлантиради.

Варимакс усули – юклама қиймати юкори бўлган ўзгарувчилар сонини минималлаштирадиган омилларни айлантириш ортогонал усули.

6. Натижаларни талқин қилиш

Омилларни талқин қилиш учун бир хил омил бўйича юклама қиймати юкори бўлган ўзгарувчиларни аниқлаш зарур.

Омил қийматини хисоблаб чиқиши

Агар омилли таҳлилнинг мақсади ўзгарувчилар бошлангич сонини кўп ўлчамли таҳлилда фойдаланиладиган кам сонли ўзгарувчилар (омиллар) тўпламигача пасайтиришдан иборат бўлса, бунда ҳар бир респондент учун омиллар қиймати хисоблаб чиқилади.

14.3. Кластерли таҳлилнинг моҳияти

Кластерли таҳлил кенг доирадаги вазифаларни ҳал қилиш учун қўлланади, лекин кўпинча гап айнан сегментлаш вазифаси ҳақида боради. Сегментлаш муаммосига бағишлиланган барча тадқиқотлар, кайси усул

фойдаланилишидан қатын назар, уларнинг ҳар бири ўхшаш тавсифномали объектларни ўз ичига оладиган барқарор гурухлар (одамлар, бозорлар, ташкилотлар) идентификация қилиш мақсадини кўзлайди. Бу жараённи амалга оширап экан, тадқиқотчилар қоидага кўра, куйидаги каби хатоларга йўл қўйди: кластерлаш улар асосида амалга ошириладиган тавсифномалар «очикроқ, оддийроқ, арzonроқ» тамойили бўйича танланади. Бундай ёндашув келгуси таҳлил мақсадга мувофиқлигини шубха остига қўйди, чунки ҳатто битта-иккита муҳим бўлмаган тавсифномалар киритилиши ҳам кластерларга нотўғри тақсимлашга олиб келиши мумкин.

Истеъмолчилар хулқ-авторини таҳлил қилиш. Кластерли таҳлил аппаратидан фойдаланишнинг иккинчи, лекин аҳамиятли даражаси бундан паст бўлмаган йўналиши ҳар бир сегментдаги мижозлар ўзини қандай тутиши, нималар унинг хулқ-авторини белгилаб бериши хақида максимал даражада тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида бир хил турдаги истеъмолчилар гурухини тузиш ҳисобланади.

Жойлаштириш. Кластерли таҳлил шунингдек, бозорга чиқарилаётган маҳсулотни қайси «ниша»да жойлаштириш маъқул эканлигини аниқлаш учун ҳам кўлланади. Кластерли таҳлил ҳар бир товар мақсадли сегментдан ўрин олиш учун эга бўлиши лозим бўлган тавсифномалар ва турли сегментларда ракобат даражасини унинг асосида аниқлаш мумкин бўлган карта тузишга имкон беради. Бундай карта мисол учун, ўз қарорларини улар учун ишлаб чиқиш ва илгари суриш мумкин бўлган янги бозорларни аниқлашга ёрдам беради.

Синов (тест) бозорларини танлаш. Кўплаб тадқиқотчилар кластерли таҳлилдан қайси бозорлар (магазинлар, маҳсулотлар) релевант тавсифномалар бўйича битта гурухга бирлаштирилиши мумкин эканлигини аниқлаш учун кўллайдилар. Гап шундаки, маълум бир қонуният мавжудлиги хақида тахминни илгари суриб (элита товарлар харидорлари нарх ўсиши билан талабни ҳам оширади) янги, таҳлилда фойдаланилмаган, амалиётда кўллашдан олдин унда синаб кўриш мумкин бўлган бозорни таклиф қилиши лозим.

Кузатувлар сонини қисқартириш. Энг оддий мисол: ҳаммага маълум бўлган ABC таҳлил, мисол учун, позицияларни битта тавсифнома (масалан – даромад) бўйича билаштиради. Яъни кластерлаш фақат битта ўлчамда амалга оширилади. Натижа – учта гурух ва ... (коидага кўра) унчалик мос келмайдиган тақсимлаш, чунки «даромад» позициясидан ташқари «даромадлилик», «айланувчанлик», «мавсумийлик» каби кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Бу кўрсаткичларнинг барчасини таснифлаш жараённида ҳисобга олиш учун кўп ўлчамли таснифлаш усулларини қўллаш зарур бўлиб, кластерли таҳлил ҳам улар қаторига киради.

Баъзида 5000 та мижоздан 20-30 гурухга ўтиш ва уларнинг ҳар бири учун индивидуал хизмат кўрсатиш сиёсати ишлаб чиқиши тўғрирок бўлади. Бу ерда таҳлил объектларини кўп марта қисқартириш ҳисобига меҳнат сифимида жиддий ютуқка эришиш мумкин.

Тўпланган статистик маълумотлар турли тарзда таҳлили қилиниши мумкин. Масалан, кўп омилли регрессия таҳлили, омиллар таҳлили, кластер таҳлили ва алоқалар таҳлилидан фойдаланиш мумкин.

Омиллар таҳлили таъсир кўрсатувчи омиллар сонини энг асосий омиллар колгунча қисқартириш мақсадида ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тадқиқ қилишга мўлжалланган.

Кластер таҳлили объектлар йигиндисини нисбатан бир хил гурухларга тақсимлашга имкон беради.

Кўп омилли шкалалаш объектлар ўртасида мавжуд бўлган муносабатларни акс эттириш учун имкон олишга хизмат қиласди.


У ёки бу таҳлил усулидан фойдаланиш имконияти мустақил ва боғлиқ бўлган ўзгарувчиларни шкалалаш даражасига боғлиқ бўлади. Бирон-бир усулни танлаш ўзгарувчилар ўртасидаги алоқалар характери ва йўналиши ҳамда шкалалаш даражасигагина эмас, балки биринчи навбатда ҳал этилаётган муаммога боғлиқ бўлади. 14.1-жадвалда маркетинг тадқиқоти вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланиш мумкин бўлган усуллар акс эттирилган.

14.1 - жадвал

Турли таҳлил усулларида саволларнинг қўйилиши

Усул	Саволнинг қўйилиши
Регрессия таҳлили	Реклама харажатлари 10% қискартирилса, сотув ҳажми қандай ўзгаради? Келаси йил маҳсулот нархи қандай бўлади? Автомобиль саноатига инвестициялар ҳажми пўлатга бўлган талабга қандай таъсир кўрсатади?
Вариация таҳлили	Маҳсулот ўрови сотувга таъсир қиласдими? Реклама эълони хабари ранги рекламани эслаб қолган кишилар сонига таъсир кўрсатадими? Сотув йўлини танлаш сотув ҳажмига таъсир кўрсатадими?
Дискриминант таҳлили	Чекувчилар чекмайдиганлардан қайси хислатлар бўйича фарқ қиласди? Сотув бўлими ходимларнинг қайси хислатлари уларни муваффақиятли ва омадсизларга тақсимлашда катта аҳамиятга эга? Маълум бир шахсни унинг ёши, даромади, маълумотини хисобга олган ҳолда кредит бериш учун етарли даражада ишончи деб ҳисоблаш мумкинми?
Омиллар таҳлили	Автомобиль харидорлари мухим деб ҳисобловчи кўп сонли омилларни бирлаштириш мумкинми? Ушбу омиллар нуктаи назаридан турли марқадаги автомобилларни қандай таърифлаш мумкин?
Кластерлар таҳлили	Мижозларни уларнинг эҳтиёжлари бўйича гурухларга бўлиш мумкинми? Газета турли ўкувчилар типига эгами? Сайловчиларни уларнинг сиёсат билан қизиқишига қараб қандай тавсифлаш мумкин?
Кўп омилли шкалалаш	Маҳсулот истеъмолчилар «идеал»ига қанчалик мос келади? Тадбиркор қандай имижкга эга? Истеъмолчиларнинг маҳсулотга муносабати йиллар давомида қанчалик ўзгарди?

Кластер таҳлилида бир гурух истеъмолчилари бошқа гуруҳдан кескин фарқ қилувчи омиллар изланади ва шу тариқа битта кластер бошқалардан «ички боғланиш» натижасида ажратилади. Буни график ёрдамида куйидагича тасвирилаш мумкин (14.2-расм).



14.2-расм. Кластер таҳлил натижалари

Нукталар зичлиги катта бўлган кластерлар координаталар ўки иккита бўлган текисликда келтирилган. Шу тариқа айrim умумий тавсифномаларга эга гурухлар ва сегментлар идентификация қилинади.

Куйидаги жадвалда кластерли таҳлил аппаратидан фойдаланган айrim маркетинг тадқиқотлари кисқача тавсифномаси берилган.

14.2-жадвал

Маркетинг тадқиқотларида кластерли таҳлилни қўллаш амалиёти

Модда	Тадқиқот максади	Маълумотлар
Sexton 1974	Маҳсулот истеъмолчилари – оиласлар гурухларини идентификация қилиш. Брендни жойлаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш	Респондентлар брендлар ва маҳсулотларга берадиган рейтинглар
Montgomery and Silk 1971	Мижозларни қизиқишилар соҳаси бўйича сегментлаш	Мижозларнинг хоҳишистаклари бўйича тавсифлайдиган ўзгарувчилар
Anderson, Cox, Fulcher 1976	Банк танлашни белгилаб берадиган омилларни аниқлаш. Натижалардан мижозларни сегментлаш учун фойдаланиш	Харидорлар нуктаи назаридан банк тавсифномалари
Bass, Pessemier, and Tigert 1969	ОАВ сегментлаш	ОАВ тавсифлайдиган ўзгарувчилар

Calaytone and Sawyer 1978	Мижозлар сегментлари барқарорлигини таҳлил қилиш	Бир нечта банклар бўйича «майд» мижозлар тавсифномалари
Claxton, Fry, and Portis 1974	Уларнинг хулқ-атворини белгилаб берадиган омилларни аниқлаш максадида мебель ва мебель фурнитураси харидорларини таснифлаш.	Харидорнинг харидгача хулқ-атвори
Day and Heeler 1971	Захираларни таҳлил қилиш ва позицияларни бир хил турда гурухлаш	Сўровларни таҳлил қилиш учун релевант омиллар
Morrison and Sherman 1972	Респондентлар рекламадаги эркаклар ва аёллар ролига қай тарзда муносабатда бўлишини аниқлаш	Респондентлар турли роликларга берадиган рейтинглар
Kiel and Layton 1981	Янги автомобиль харидорлари хулқ-атворини таҳлил қилиш	Ўзгарувчилар тўпламини таҳлил қилинган омилли юкламалар

14.4. Кластерли таҳлилни кўллашдаги муаммолар

Кўп ўлчамли таҳлилнинг бошқа аксарият усуllibаридан фарқли равишда, кластерли таҳлил параллел равишда бир нечта фанда (психология, биология, иктисодиёт ...) ривожланган, шу сабабли аксарият усуllibарнинг икки ва ундан ортиқ номи мавжуд, бу эса тадқиқотчиларнинг бир-бирини тушунишини жиддий тарзда қийинлаштиради, айниқса, гап турли билимлар соҳалари ҳақида кетадиган бўлса.

Бошқа бир муаммо кластерлаш усули ва метрикани танлашда варианtlар кўплиги, шунингдек, улар ўртасида мувофиқлаштириш муаммоси билан боғлиқ. Гап шундаки, кўпинча, у ёки бу метрикадан фойдаланиш шарт-шароитларидаги фарқлар унчалик катта эмас, бундан ташкири, метрика танлови доим ҳам йўл кўйиш мумкин бўлган кластерлаш усулини узил-кесил белгилаб

бермайди. Бундай вазиятда «метрика-усул» муайян комбинациясини танлаш учун турли манбалардан доналаб тўплашга тўғри келадиган «тавсиялар»га таяниш лозим. Буни тушуниш ҳар бир муайян усул ва метриканинг нозик жиҳатларини тушуниб олишдан кейин рўй беради. Шунга ҳам эътибор қаратиш керакки, «кластер» тушунчасининг ўзига узил-кесил таъриф берилмаган. Узил-кесил таърифлашга зарурат ҳам йўқ – ҳар бир муайян тадқиқотда «кластерлар» ўзиники бўлади. Коидага кўра, куйидаги тавсияга амал қилинади: ички бир хиллик ва ташки ажратлигандик.

Кластерлаш усуllibари. Кластерли таҳлил усуllibарининг икки хил гурухи ажратиб кўрсатилади: иерархик ва ноиерархик усуllibар.

Иерархик кластерли таҳлилнинг асосий усуllibари яқин қўшни усули, тўлиқ алоқа усули, ўртача алоқа усули ва Вард усули ҳисобланади. Вард усули энг универсал ҳисобланади. Шунингдек, центроид усуllibар ва медианадан фойдаланадиган усуляр ҳам мавжуд, лекин Сниат ва Сокал 1973 йил шуни кўрсатди, уларни кўллаш айрим кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Гарчи улар бир хил тамойилларда ишласада, ноиерархик усуllibар кўпроқ. Моҳияттан, улар бошлангич тўпламни майдалашнинг итерактив усуllibарини ифодалайди. Бўлиш жараёнда янги кластерлар шаклланади ва тўхтатиш коидаси бажарилмагунга қадар давом этади. Усуllibар ўзаро бошлангич нуктани танлаш, янги кластерлар шакллантириш ва тўхташ коидаси билан фарқ қиласди. **К-ўртacha** алгоритм и энг кўп фойдаланилади. Унга кўра, таҳлилчи натижаловчи тақсимлашда кластерлар сонини олдиндан қайд қилиши кўзда тутилади.

Муайян кластерлаш усулини танлаш ҳақида гапирганда яна бир бор таъкидлаш жоизки, бу жараён таҳлилчидан усуllibар шароитлари ва табиати билан яхши таниш бўлишни талаб қиласди, акс ҳолда олинган натижалар «касалхона бўйича ўртача харорат»га ўхшаб кетади. Танлаб олинган усул ҳақиқатда ушбу соҳада самарали эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун, коидага кўра, куйидаги жараён кўлланади.

Априори ўзаро фарқ қиласынан бир нечта гурух күришінде жаңалады да уларнинг вакиллари ўзаро тасодифий тарзда аралаштириб қабуллады. Сўнгра гурухларга бошлангич тақсимлашни тиклаш мақсадида кластерлаш жараёни амалга оширилады. Аниқланган ва бошлангич гурухлардаги объектларнинг мос тушиши улуси усульнинг иш самарадорлиги кўрсаткичи бўлади.

Кластерлаш усуслари қиёсий таҳлили. Иерархик ва ноиерархик усуслардан бирини танлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Ноиерархик усуслар метрикани нотўғри танлаш, мухим бўлмаган мустакил ўзгарувчиларни кластерлаш базасига киритиш ва х.к.га нисбатан юқориок барқарорлик намойиш этади. Лекин бунинг учун тўлов «априори» сўзи ҳисобланади. Тадқиқотчи кластерлар натижаловчи сонини, тўхтатиш қоидасини ва агар бунга асослар бўлса, кластернинг бошлангич марказини олдиндан қайд қилиши лозим. Сўнгги жиҳат алгоритмнинг иш самарадорлигига жиддий акс этади. Агар бу шартни сунъий равишда белгиларга асос бўлмаса, умуман олганда, иерархик усуслардан фойдаланиш тавсия этилади. Алгоритмларнинг иккала гурухи учун мухим бўлган яна бир фурсатни айтиб ўтамиз: барча кузатувларни кластерлаш доим ҳам тўғри ечим бўлавермайди. Эҳтимол, дастлаб танлаш тўпламни тозалаб олиш, сўнгра таҳлини давом этириш тўғри бўлади. Шунингдек, тўхтатиш мезонини жуда юқори белгиламаслик лозим (мисол учун, кузатувларнинг 90%дан ортиғи кластерланган пайтда тўхтатиш қилиниши мумкин).

14.5. Кластерли таҳлини кўллаш бўйича тавсиялар

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, кластерли таҳлини кўллаш жараёнида таҳлилчидан бир қатор вазифаларни бажариш талаб этилади. Уларни қуйидаги тарзда гурухларга ажратиш мумкин:

1. Бошлангич маълумотларни ўзгартириши:

- метрика танлаш
- стандартлаштириш усулини танлаш
- боғланган танлаш тўпламлар билан қандай ишлаш

2. Қарорлар қабул қилиши:

- қанча кластер шакллантириш зарур
- қайси кластерлаш усулидан фойдаланиш керак
- барча кузатувладан фойдаланиш керакми ёки айрим кичик танлама тўпламларни чиқариш ташлаш зарурми?

3. Олинган натижаларни таҳлил қилиши:

- олинган бўлиниш тасодифидан қанчалик фарқ қилиши
- унинг кичик таналама тўпламларда ишончли ва барқарор ҳисобланниши
- кластерлаш натижалари ва кластерлаш жараёнида иштирок этмаган ўзгарувчилар ўртасида қандай алоқа борлиги

- олинган натижаларни талқин қилиш мумкинлиги

4. Кластерлаши қайси ўзгарувчилар тўплами бўйича амалга оширии энг самарали бўлади.

Шунга эътибор қаратиш керакки, умумий ҳолатда бу босқичларнинг барча ўзаро боғлиқ бўлади ва уларнинг ҳар бирида қабул килинган қарорлар бир-бирини асослаб беради. Энди дастлабки учта муаммога батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бошлангич маълумотларни ўзгартириш. Айрим муаллифлар шундай холосага келадики, стандартлаштириш жараёнлари ва метрика танлаш кластерли таҳлилда асосий жиҳат эмас. Бундай фикр ҳам ўринга эга, лекин айрим қўшимча шартлар билан. Биринчидан, у факат кўполроқ – ноиерархик – усусларга тааллуқли. Иккинчидан, ниса бўлганда ҳам метрикани шундай танлаш керакки, у кластерларни бирлаштиришнинг танланган усулига зид келмасин. Ўзгарувчилар боғланган бўлган ҳолларда айниқса матрикага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мос келадиган метрика ушбу муаммонинг ечими ҳам бўлиши мумкин.

Қарорлар қабул қилиш

Бундан олдинги масаладан фарқли равишида, бу ерда барча муаллифлар фкдил фикр билдиради – кластерлаш усулини танлаш муваффақиятли кластерлаш учун мухим аҳамият касб этади. кўп жиҳатдан, усулнит анлаш

бўлгуси кластерларнинг ўзига хосликлари (бўртиқ ёки шарсимон шакл қўзда тутилиши, ўхшаш ёки жиддий фарқ қиласидаги ҳажмда бўлиши ...) билан белгиланади, лекин шунга қарамай, бир қанча умумий тавсиялар бериш мумкин.

Биз шунга эътибор каратиб ўтгаандикки, ноиерархик усууллар кластерлар марказлари ва сони ҳақида априори ахборот мавжуд бўлган ҳолларда самарали бўлади. Уни, ўз навбатида, иерархик жараёнлар (масалан, Вард усули) қўллаган ҳолда олиш мумкин. Иерархик кластерли таҳлил ноиерархик усул унинг асосида ишлай бошлайдиган материал сифатини ошириш мақсадида «чиқарилиш»ларни идентификация килиш ва кўриб чиқишидан олб ташлашга имкон беради. Бу фоя икки қадамли кластерлаш деб аталадиган фоянинг асосида ётади.

Олинган натижаларни таҳлил қилиши. Ҳаттоқи сифатли амалга оширилган кластерли таҳлилдан кейин тўхтатиш қоидаси кейинги ҳисобитобларни тўхтатишни тавсия қилган бўлса ҳам, олинга ечимни мос келадиган деб ҳисобла учун асослар йўқ. Кластерли таҳлил жараёни натижалари расмий ва норасмий тестлар ёрдамида текширишни талаб қиласди.

Расмий статистика ҳақида гапирганда Арнольд томонидан 1979 йилда таклиф этилган «С» статистика қийматини ҳисоблаб чиқиши тавсия этилади. Бу асарда турли миқдордаги кузатувлар ва ўзгарувчилар учун «С» тақсимлаш жадвали мавжуд. Бироқ расман ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар аҳамиятига ортиқча баҳо бермаслик лозим: кўплаб муаллифлар шу нуқтаи назардан «яхши» бўлган натижалар амалда чукур маънога эга бўймаслигига мисоллар келтириб ўтган.

Кластерли таҳлил натижаларини норасмий текшириш кичик танлама тўпламларда олинган натижаларни таҳлил қилиш, «ташқи» маълумотларда кросс-текширув, кузатувлар тартибини ўзgartариш, кам сонли кузатувларни чиқариб ташлаш ва класатерли таҳлилни қисқа танлама тўпламларда тақрорлаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Қисқа хуносалар

Ушбу бобда биз, омилли таҳлил, кўпомилли ва кластер таҳлилларнинг мазмун ва моҳиятини ёритиб бердик.

Омилли таҳлил (factor analysis) – кўп ўлчамли статистик усул бўлиб, миқдорий ўзгарувчилар қийматлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш учун кўлланади. Омиллар таҳлилининг асосий ғояси шундан иборатки, кўп сонли бошлангич ўзгарувчилар ўртасидаги мавжуд боғлиқликлар омиллар деб аталадиган анча кам сонли яширин ўзгарувчилар билан аниқланади.

Омилли таҳлилнинг асосий мақсадлари ўзгарувчилар сонини қисқартириш ва ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро алоқалар структурасини аниқлаш ҳисобланади. Шу сабабли омилли таҳлил ёки маълумотларни қисқартишиш усули сифатида, ёки таснифлаш усул сифатида фойдаланилади.

Омилли таҳлил бу – катта бир гурӯҳ ичидан энг муҳим ўзгарувчилар – омилларни ажратиш ва ажратилган омиллар ўртасида ўзаро алоқаларни аниқлаш учун фойдаланиладиган ҳаракатлар ва усууллар тўпламидири.

Омилли таҳлил, алоҳида усууллар гурӯхи сифатида психометрикада пайдо бўлган ва ҳозирги кунда иктисодиёт, статистика, социология ва маркетинг тадқикотларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Омилли таҳлил натижасида мавжуд кузатувларга алоқадор бўлган кўп сонли ўзгарувчилар омиллар деб аталадиган кам онли мустақил ўзгарувчан кўрсаткичларга келтирилади. Бунда бир-бири билан кучли алоқада бўлган ўзгарувчилар битта омилга бирлаштирилади. Турли омиллардан бўлган ўзгарувчилар бир-бири билан кучсиз алоқада бўлади.

Шундай қилиб, омилли таҳлилнинг мақсади – кўп сонли кўриб чиқилаётган белгиларни мавжуд бўлган лекин бевосита ўлчаб бўлмайдиган ўзгарувчилар ўртасида кузатиладиган алоқаларни энг тўлиқ изоҳлаб берадиган кенг сифимли комплексли омиллар орқали ифодалаб, бошлангич ахборотни марказлаштиришdir.

Қоидага кўра, омилли таҳлил бир неча босқичда бўлиб ўтади. Омилли таҳлил босқичлари қўйидагилардан иборат:

- омилларни танлаб олиш.
- омилларни таснифлаш ва тизимлаштириш.
- натижали ва омилли кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни моделлаштириш.

Натижали кўрсаткич ҳажми ўзгаришида омилларнинг таъсири ва ролини ҳисоб-китоб қилиш.

Омилли моделдан амалий фойдаланиш (натижали кўрсаткичнинг ўсиш захираларини ҳисоб-китоб қилиш).

Ушбу таҳлил тури тадқиқотчига иккита асосий вазифани ҳал қилишга имкон беради: ўлчаш предметини қисқача ва шу билан бир пайтда ҳар томонлама тавсифлаш. Омилли таҳлил ёрдамида кузатилаётган ўзгарувчилар ўртасидаги корреляциялар чизикли статистик алоқалар учун жавоб берадиган омилларни аниқлаш мумкин.

Кластерли таҳлил кенг доирадаги вазифаларни ҳал қилиш учун кўлланади, лекин кўпинча гап айнан сегментлаш вазифаси ҳақида боради. Сегментлаш муаммосига бағишлиган барча тадқиқотлар, қайси усул фойдаланилишидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири ўхшаш тавсифномали объектларни ўз ичига оладиган барқарор гурухлар (одамлар, бозорлар, ташкилотлар) идентификация қилиш мақсадини қўзладайди. Бу жараённи амалга оширап экан, тадқиқчилар қоидага кўра, қўйидаги қаби хатоларга йўл кўйди: кластерлаш улар асосида амалга ошириладиган тавсифномалар «очикроқ, оддийроқ, арzonроқ» тамойили бўйича танланади. Бундай ёндашув келгуси таҳлил мақсадга мувофиқлигини шубха остига қўйди, чунки ҳатто битта-иккита муҳим бўлмаган тавсифномалар киритилиши ҳам кластерларга нотўри тақсимлашга олиб келиши мумкин.

Таянч иборалар: омилли таҳлил, Альфа – омили, Корреляцион матрица тузиш, Омилли таҳлил усулини аниқлаш, Муаммони ифодалаш, Кайзер-Мейер-Олкин, Кластерли таҳлил, Жойлаштириш, синов, Бартлеттнинг сфера мезони, Кайзер-Мейер-Олкин, релевант, Вард усули.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Омилли таҳлил нима ва у қачон қўлланилади?
2. Омилли таҳлилнинг асосий мақсади нимада ва унинг қандай усувлари мавжуд?
3. Омилли таҳлилни кўллаш борасида амалиётдаги мисолларни келтиринг
4. Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар доирасига ниалар киради?
5. Истеъмолчиларнинг психографик профилларини ўрганишда қандай усувлардан фойдаланилади?
6. Корреляцион матрица қандай тузилади?
7. Дастрлабки ахборотга асосланган аниқлашнинг моҳияти нимада?
8. Кластерли таҳлилнинг асосий моҳияти ва мезони нималардан иборат?
9. Мижозлар сегментлари барқарорлигини таҳлил қилиш қайси кластерли омилнинг турига киради?
10. Иерархик кластерли таҳлилнинг асосий усувларининг хусусияти нимада?

15-боб. КҮП ЎЛЧАМЛИ ШКЛАЛАШТИРИШ ВА ҚҰШМА ТАХЛИЛ

15.1. Күп ўлчамли шаклалаштиришнинг асосий тушунчалари

Күп ўлчамли шкалашаш бу – кўргазмали тасвиirlар ёрдамида респондентларнинг хис-туйгулари ва нималарни афзал кўришини намойиш қиладиган усуулардир.

Объектлар ўртасидаги психологик ўзаро боғлиқликлар кўп ўлчамли маконда нукталар ўртасидаги геометрик боғлиқликлар (алоқалар) кўринишида намоён бўлади. Бу геометрик тасвиirlар кўпинча маконга оид карталар деб ҳам аталади. Маконга оид картада координаталар ўки инсон хулқ-авторининг психологик омилларига ёки, бошқа килиб айтганда, респондентлар объекtlарни идрок қилиш ва афзал кўришини шакллантириш учун фойдаланадиган асосий ўлчовларга мос келади.

Кўп ўлчамли шкалашаш ёрдамида олинган ахборот маркетингда турли вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланилади, чунончи:

1. Имиджни ўлчаш. Фирманинг ўзини идрок қилиши билан таққослаганда унинг истеъмолчилар ва фирма маҳсулотларини истеъмол килмайдиганлар томонидан идрок қилиниши.

2. Бозорни сегментлаш. Идрок қилиши нисбатан бир хил бўлган истеъмолчилар гурухларини аниқлаш учун истеъмолчилар ва савдо маркаларининг битта маконда жойлашуви.

3. Янги товар ишлаб чиқиш. Кўп ўлчамли шкалашаш маконга оид картада янги товарларни жойлаштириш учун потенциал имкониятларни кўрсатадиган камчиликларни қайд қилишга имкон беради. Бундан ташқари, ушбу таҳлил тест ёрдамида янги товарни ва мавжуд савдо маркаларини баҳолаш ҳамда шу тариқа истеъмолчилар товардан ўрин олган янги ғояларни қандай қабул қилишини

аниқлаш учун фойдаланилади. Ҳар бир янги товар учун афзал кўришлар улуши ушбу маҳсулотнинг муваффақият индикатори бўлиб хизмат қиласди.

4. Реклама самарадорлигини баҳолаш. Маконга оид карталардан савдо маркасининг бозорда кутилган ҳолатни эгаллаши нуқтаи назаридан реклама самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

5. Нарх таҳлили. Нархни идрок қилишни ҳисобга олган ва ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилган маконга оид карталарни таққослаш нархнинг харидорлар хулқ-авторига таъсирини аниқлаш имконини беради.

6. Сотув каналлари сони ҳакида қарор қабул қилиш. Респондентларнинг савдо маркаларини турли савдо нукталари билан таққослаш мумкинлиги ҳакида фикри сотув каналлари сони ҳакида қарор қабул қилиш учун фойдали бўлган маконга оид карталарга олиб келиши мумкин.

7. Нисбатлар (муносабатлар) шкаласи тузиш. Кўп ўлчамли шкалашаш усууллари ўлчами ва конфигурацияси бўйича мос келадиган нисбатлар (муносабатлар) шкаласини ишлаб чиқиш учун фойдаланилади.

Кўп ўлчамли шкалашашда қўлланадиган тушунчалар қуидагилардан иборат:

ўҳшашиликни баҳолаш – Лайкерт шкаласи бўйича ўҳшашиликларни акс эттирадиган савдо маркалари ёки бошқа объекtlар барча эҳтимолий жуфликлари рейтинглари.

афзал кўриши ранглари – уларнинг камайиб бориши тартибида (каттадан кичикка қараб) савдо маркалари ёки бошқа объекtlар ранглари. Одатда бу маълумотлар респондентлар орасида сўров ўтказишида олинади.

стресс – мослаштирилган моделнинг бошланғич маълумотларга мувофиқлик даражаси: стресс қиймати қанчалик юқори бўлса, моделни мослаштириш сифати шунчалик паст бўлади.

R-квадрат – корреляция коэффициенти квадрати, у кўп ўлчамли шкалашашда ҳисобга олиниши мумкин бўлган оптималь акс эттирилган маълумотлар дисперсия улушкини кўрсатади.

координата – савдо маркалари ёки бошқа объектларнинг маконга оид картада жойлашувини кўрсатади.

ёйилган ҳолат – савдо маркалари ва респондентларни бир хил макондаги нуқталар кўринишида кўрсатиш.

15.2. Кўп ўлчамли шкалалашни бажариш тартиби

Кўп ўлчамли шкалалашни бажаришни тартибга солиш ва муаммони ифодалашда тартиб бўйича боскичма-боскич фаолият юритади. Муаммони ифодалашда тадқиқотчи кўп ўлчамли шкалалаш натижаларидан фойдаланиш мақсадини аниқлаштириши ҳамда таҳлил қилиш кўзда тутилган савдо маркалари ёки бошқа объектларни танлаши зарур. Айнан улар шкалалаш ўлчовлари ва олинадиган конфигурацияларни белгилаб беради. Яхши аниқланадиган маконга оид карта олиш учун камида 8 та савдо маркаси ёки объектни киритиш лозим. 25 тадан ортиқ савдо маркаси киритиш сўров пайтида респондентларни толиктириб қўяди.

Кўп ўлчамли шкалалашни бажариш тартиби куйидаги боскичларни ўз ичига олади:

1. муаммони ифодалаш;
2. бошлангич маълумотлар олиш;
3. усуслини танлаш;
4. ўлчовлар сони тўғрисида қарор қабул қилиш;
5. ўлчовларни белгилаш ва маконга оид картада нуқталар конфигурациясини талқин қилиш;
6. ишончлиликни баҳолаш.

Буларнинг барчасини тўлиқ ҳолда кўриб чиқамиз. Яъни, ҳар бир тартибга изоҳ берамиз ва ушбу тартибларнинг мазмун моҳияти баён этилади.

Муаммони ифодалаш. Муайян савдо маркалари ёки объектларни танлашга диккат билан ёндашиб керак. Савдо маркалари сони ва уларнинг

номини танлашнинг асосида муаммо, маркетинг тадқиқоти, назарий шартшароитлар ва тадқиқотчининг интуицияси ётади.

Бошлангич маълумотлар олиши. Респондентлардан олинган бошлангич маълумотлар афзал кўриш ёки идрок қилиш билан боғлик бўлиши лозим.

Респондентларнинг идрок қилиши ҳакида маълумотлар тўплашга тўғридан-тўғри ёндашувдан фойдаланишда уларнинг ўз мезонларидан фойдаланган ҳолда турли машҳур маркалар ўзаро қанчалик фарқ қилиши ёки ўхшашлишини баҳолаш сўралади. Респондентлардан кўпинча ўхшаликни Лайкерт шкаласи бўйича кўриб чиқкан ҳолда савдо маркалари жуфтликларини баҳолаш талаб этилади. Бу маълумотлар респондентларнинг товарлар ўхшашлиги ҳакидаги баҳолари билан боғлик. Масалан, тиш пастаси маркалари барча эҳтимолий жуфтликлари бўйича ўхшашликлар баҳолари кўйидаги жадвалда келтирилган.

15.1-жадвал

Ўхшашликларни баҳолаш

	Умуман ўхшамайди	Жуда ўхшаш
Crest билан Colgate		
Aqua-Fresh билан Crest		
Crest билан Aim		
...		
Colgate билан Aqua-Fresh		

Маълумотлар тўплашнинг бошқа усуслари ҳам мавжуд. Респондентлардан барча эҳтимолий жуфтликларни жуда ўхшашдан умуман ўхшамайдиган жуфтликларга ажратиш сўралиши мумкин. Бошқа бир усуlda респондентлар машҳур савдо маркаларини белгиланган базавий савдо маркаси билан таққослади. Ҳар бир савдо маркаси, ўз навбатида, шундай база бўлиб хизмат қиласди.

Мисолда тўғридан-тўғри усул фойдаланилган. Респондентлардан етти баллик шкаладан фойдаланган ҳолда барча $45(10*9/2)$ жуфт тиш пастаси савдо

маркалари ўхшашлиги ҳақида ўз фикрини билдириш сўралди. Респондентлардан олинган маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилган.

15.2-жадвал

Ўхшашликлар рейтинглари

	Aqua-Fresh	Crest	Colgate	Aim	Gleem	Macleans	Ultra Brite	Close-Up	Pepsodent	Dentagard
Aqua-Fresh										
Crest										
Colgate										
Aim										
Gleem										
Macleans										
Ultra Brite										
Close-Up										
Pepsodent										
Dentagard										

Респондентлар идрок қилиши ҳақида маълумотлар тўплашга билвосита ёндашувлар объектлар тавсифномаларига асосланган бўлиб, респондентлар объектларни Лайкерт шкаласи ёки семантик дифференциал шкаладан фойдаланган ҳолда белгиланган тавсифномалардан келиб чиқиб баҳолаши талаб этилади.

Масалан, тиш пастасининг тури маркалари қўйидаги тавсифномалар асосида баҳоланиши мумкин:

Тишларни оқартиради ----- Тишларни оқартирамайди
Кариснинг олдини олади ----- Кариснинг олдини олмайди
Ёқимли таъм ----- Ёқимсиз таъм

Баъзида объектлар тўпламига идеал савдо маркаси ҳам киритилади.

Респондентлардан бир хил тавсифномалар тўплами бўйича гипотетик идеал савдо маркасини баҳолаш сўралади. Агар атрибутив рейтинглар олинган бўлса, савдо маркалари ҳар бир жуфтлиги учун ўхшашликлар ўлчови (Евклид масофаси) чиқарилади.

*Бевосита усуllар билвосита
усуllар билан таққослаганда.*

Бевосита усуllар шундай устунликка эгаки, тадқиқотчи яққол тавсифномалар аниқлашига тўғри келмайди. Респондентлар ўз мезонидан фойдаланган ҳолда объектлар ўхшашлигини баҳолайди. Бевосита усуllар камчиликлари қаторига шуни киритиш мумкинки, мезонга кўриб чиқилаётган савдо маркалари таъсир этади. Агар турли машҳур автомобиль

маркалари битта нарх сегментида бўлса, нарх муҳим омил бўлади. Таҳлил бошланишидан олдин керак бўлса респондентларнинг баҳоларини бирлаштириш анча қийин. Бунинг устига, маконга оид картада ўлчовларга ном бериш қийин.

Билвосита усулнинг афзаллиги шундаки, респондентларни уларнинг объектга муносабатига мувофиқ, яъни объект хусусиятларининг баҳоларидан келиб чиқиб бир хил гурухларга ажратиш мумкин. Шунингдек, ўлчовларни маконга оид картада белгилаш осон. Усулнинг камчилиги шундаки, тадқиқотчи



барча яққол тавсифномаларни аниклаши керак, бу эса осон иш әмас. Идентификация тавсифномалари асосида маконга оид карта олинади.

Бевосита усуллар билвосита (атрибутив) усууллардан күра күпроқ фойдаланилади. Бирок иккала ёндашувдан бир-бируни түлдирадиган ёндашув сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Респондентларнинг бевосита усул билан олинган объектлар ўхшашлиги ҳақидағи фикрлари маконга оид карта олиш учун, атрибутив баҳолар эса – идрок қилиш картаси ўлчовларини талқин қилиш учун фойдаланилади. Шунга ўхшаш тамойиллар респондентларнинг хоҳишистакларига алоқадор маълумотлар учун ҳам фойдаланилади.

Респондентларнинг хоҳишистакларига алоқадор маълумотлар. Хоҳишистаклари ҳақида маълумотлар ёрдамида маркетолог респондентларнинг объектларни уларнинг бирон-бир хоссаси нұқтаи назаридан афзал күриш тартибини күриши мүмкін. Бундай маълумотлар олишнинг оддий усули – хоҳишистакларни рангларга ажратыштыр. Респондентлардан савдо маркаларини уларни афзал күриш пасайиб бориши тартибда рангларга ажратыш талаб этилади. Мұқобил равища, респондентлардан жуфтлаб таққослаш ва ушбу жуфтликда қайси савдо маркасини афзал күришини айтиш сүрәлиши мүмкін. Бундай маълумот түплашнинг башка бир усули – түрли савдо маркалари учун хоҳишистаклар ҳақида баҳолар олиштыр. Агар маконга оид картасында хоҳишистаклар ҳақида маълумотлар ётадиган бўлса, масофа хоҳишистаклардаги тафовутни англашади. Хоҳишистаклар ҳақида маълумотлардан чиқарылган конфигурация объектлар ўхшашлиги маълумотлари асосида олинган конфигурациядан жиддий фарқ қилиши мүмкін. Иккита савдо маркаси идрок қилиш картасида турлича, афзал күриш картасида эса бир хил қабул қилинишини мүмкін ва аксинча.

Масалан, Crest ва Pepsodent тиши пасталари респондентлар гурухи томонидан мутлақо ҳар хил деб қабул қилиниши мүмкін ва шу сабабдан уларга мос келадиган нұқталар идрок қилиш картасида бир-биридан узок жойлашади. Бирок респондентлар бу тиши пастаси маркаларини бир хилда афзал күриши мүмкін, шунда афзал күриш картасида ушбу тис пасталари маркаларига мос

келадиган нұқталар бир-бирига яқын жойлашади. Кўп ўлчамли шкалаша жараёнини акс эттириш учун биз тиши пастаси билан боғлиқ мисолда идрок қилиш маълумотларидан фойдаланамиз, сўнгра афзал кўриш ҳақида маълумотлар шкалашанишини кўриб чиқамиз.

Усулни танлаш. Кўп ўлчамли шкалашнинг муайян усулини танлаш айнан қайси маълумотлар – идрок қилиш ҳақида маълумотлар ёки хоҳишистаклар ҳақида маълумотлар шкалашаниши лозимлиги ёки иккала турни таҳлил қилиш зарурлигига боғлиқ бўлади.

Кўп ўлчамли шкалашнинг нометрик усууларида бошлангич маълумотлар тартибга оид эканлиги кўзда тутилади, лекин таҳлил натижасида улар метрик маълумотларга ўзгаради. Фараз қиласын, олинган маконга оид картада масофалар оралиқ шкаласида акс эттирилган.



Кўп ўлчамли шкалашнинг нометрик усуулари берилган ўлчовда савдо маркалари ёки объектлар ўртасида баҳоланган ранг тартиблари бошлангич маълумотлар ранг тартибларини сақлайдиган ёки тақроралайдиган ўлчовларда аниқлаб беради.

Бунга қарама-қарши равища, кўп ўлчамли шкалашнинг метрик усуулари бошлангич маълумотлар метрик эканлигини назарда тутади. Кирувчи маълумотлар ҳам метрик эканлиги сабабли бошлангич ва чикувчи маълумотлар ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик сақланиб қолади, метрик шкалада ифодаланган бошлангич маълумотлар атрибутлари ҳам сақланиб қолади.

Метрик ва нометрик усууллар бир хил натижаларга олиб келади.

Усулни танлашга таъсир этадиган бошқа омил алоҳида респондент даражасида ёки агрегат даражасида кўп ўлчамли шкалалаш қандай амалга оширилишини белгилаб беради.

Респондент даражасидаги таҳлилда маълумотлар хар бир респондент учун алоҳида таҳлил қилинади ва ҳар бир респондент учун маконга оид карта олинади. Гарчи индивидуал даражадаги таҳлил тадқиқот истиқболлари нуткай назаридан фойдали бўлсада, менежмент фикрига кўра, у унчалик жалб этувчан эмас.

Маркетинг стратегиялари одатда индивидуал эмас, балки сегмент ёки агрегат даражасида ифодаланади. Агар таҳлил агрегат даражасида бажариладиган бўлса, индивидуал маълумотларни бирлаштиришда айрим тахминларга йўл кўйиш лозим. Одатда барча респондентлар савдо маркалари ёки объектларни баҳолаш учун бир хил ўлчовлардан фойдаланади, лекин турли респондентлар бу умумий ўлчовларни турлича ўлчайди.

15.2-жадвалда келтирлган маълумотлар уни олиш учун тартиб шкаласи фойдаланилган идрок қилиш рангларга ажратлиган баҳосини ифодалайди. Шу сабабли маркетологлар кўп ўлчамли шкалалашни нометрик усулидан фойдаланади. Бу маълумотлар битта респондентдан олинганлиги сабабли тадқиқотчилар таҳлилни индивидуал даражада бажаради. Маконга оид карталар тузиш учун биттадан тўрттагача ўлчов фойдаланилган, сўнгра мос келувчи ўлчовлар сони ҳакида қарор қабул килинган. Бу қарор (ўлчовлар сони ҳакидаги) – кўп ўлчамли шкалалашнинг марказий пунктидир.

15.3. Биргаликдаги таҳлил (conjoint analyses)

Биргаликдаги таҳлил – қўйма (*conjoint analyses*) бу – маркетинг тадқиқотларининг кўп ўлчамли усули бўлиб, истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истакларини шакллантириш ва бозорнинг янги маҳсулот таклифларини қабул қилиши бўйича башоратларни моделлаштириш учун фойдаланилади. Мазкур усул атрибулар (attributes) ёки хоссалар йигиндиси сифатида маҳсулот

398

концепциясига асосланади; бунда истеъмолчилар маҳсулот таклифи фойдалилигини унинг атрибулари алоҳида даражалари (levels) фойдалилигини кўшиш ўйли билан баҳолайди.

Биргаликдаги таҳлилнинг асосий устунлиги шундаки, у маълум бир эксперимент услубияти ва пухта ишлаб чиқилган математик модель асосида реал харид вазиятида истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истаклари ҳакида башорат қилишга имкон беради.

Афзаликлари:

- истеъмолчи бир нечта атрибути биргаликда баҳолаган холда йўл кўядиган психологик муросаларни таҳлил қиласди;
- шахс даражасида ҳоҳиш-истакларни ўлчайди;
- респондент англаб етмаслиги мумкин бўлган реал, баъзида яширин мотивларни очиб беради;
- ҳақиқатдаги ҳоҳиш-истакларни тадқиқ этади (амалда магазин ичида танлов каби);
- тадқиқотнинг мос келувчи дизайннда унинг атрибулар ўртасидаги ўзаро алоқаларни моделлаштириш қобилияти эҳтиёжлар асосида сегментлаш учун фойдаланилиши мумкин.

Камчиликлари:

- самарали тадқиқот режаси ишлаб чиқишнинг қийинлиги;
- баҳоланадиган профиллар керагидан ортиқча бўлгандан респондент соддалаштириш стратегиясидан фойдаланишга мойил бўлади;
- интервью вактининг ортиши, чунки респондент профилларни танлаш ва баҳолашга маълум вақт сарфлаши керак;
- катта миқдордаги атрибулар ёки кўп сонли атрибулар қийматлари (даражалари) билан эксперимент ўтказиш қийинлиги;
- маҳсулотни жойлаштириш учун фойдаланиш қийин, чунки актуал товар хусусиятларини қабул қилиш ва кесик атрибуллар тўпламини қабул қилиш ўртасида конвертация жараёни мавжуд эмас;

399

- респондентлар доим ҳам ўзининг янги тоифаларга муносабатини ифодалай олмайди, баъзида эса кундалик ҳаётда эътибор бермайдиган кўрсаткичлар ҳақида ўлашга мажбур бўлади;

- тадқикот дизайнни яхши эмаслиги эмоционал таркибий қисмларга жуда катта аҳамият бериши ва муайян жисмоний тавсифномаларга етарли бўлмаган аҳамият бериши мумкин;

- усул харид ҳажми каби кўрсаткични эътиборга олмайди, шундай экан, бозор улушкини у қадар аниқ башорат қиласлиги мумкин.

Биргаликдаги таҳлил усулининг устунлиги шундаки, у қуидагиларни ишлаб чиқишга имкон беради:

- бу маҳсулот таклифини ташкил қиласидиган элементлар таркибий қисмлари оптималь комбинациясига эга бўлган суғурта маҳсулоти таклифи концепциясини шакллантириш мумкин бўлган суғуртацилар ҳоҳиш-истаклари миқдорий модели. Ушбу усулининг бошқа бир устунлиги унинг нисбатан камхаржат эканлиги ва бозорда тест ўтказиш билан таққослаганда мослашувчан характерга эга эканлиги ҳисобланади, бу эса инқироз шароитларида мухим аҳамият касб этади.

Ҳоҳиш-истакларни таҳлил қилиш мазкур усули, маркетинг тадқиқотларининг бошқа ҳар қандай усули каби, ўз чекловларига эга. уни кўллаш қуидаги ҳолаларда қийин бўлади:

-маҳсулот хусусиятлари истеъмолчи учун мутлақо янги;

-маҳсулот концепцияси ҳақида реалистик тасаввурга эга бўлиш учун эътиборга олиниши лозим бўлган атрибутлар сони жуда кўп;

- респондентларнинг когнитив қобилияtlари чекланган.

Биргаликда таҳлил усули бир қатор ғоялар ва тахминларга асосланади:

400



1. истеъмолчи маҳсулотни уларнинг ҳар бири маълум бир даражалар тўпламига, яъни эҳтимолий қийматлар тўпламига эга бўлган атрибутлар (хоссалар) йиғиндиси сифатида қабул қиласи.

2. маҳсулот таклифини баҳолашда респондент у ёки бу атрибутнинг ҳар бир даражаси билан маълум бир қийматни (фойдалиликни) боғлайди. Хусусий фойдалиликлар деб аталадиган бу қийматлар мижоннинг қийматлар тизимини акс эттиради.

3. суғурта маҳсулоти таклифининг умумий фойдалигини аниқлаш учун мос келувчи хоссалар фойдалиликлари йиғиндиси чиқарилади.

4. умумий фойдалиликни аниқлаш учун хоссалар йиғиндисини чиқаришда компенсатор коида амал қиласи: маҳсулотни умуман баҳолашда истеъмолчи хаёлан нисбатан кичик фойдалиликка эга бўлган атрибутларни нисбатан катта фойдалиликка эга бўлган атрибутлар билан компенсациялади.

Биргаликда таҳлил ўтказишида энг мухим қарорлардан бири маҳсулот таклифини тавеифлайдиган атрибутлар тўплами ҳисобланади. Бунинг учун танлов харидорлик мезонлари ҳақида, шунингдек, уларнинг детерминантлари ҳақида хабардор бўлиш керак. Бундай ахборотни, масалан, эксперклар усули ёки фокус-гурух воситасида олиш мумкин. Мухими, танланган атрибутлар қуидаги шартларга жавоб бериши керак:

-маҳсулот концепциясининг умумий қийматини белгилаб беради;

-истеъмолчилар маҳсулотларни улар асосида дифференциация қиласидиган ҳал қилувчи танлов мезонлари ҳисобланади;

-мустақил бўлади;

-амалий қизиқиш уйғотади, тижорат салоҳиятига эга.

Атрибутлар умумий сони жуда катта бўлмаслиги керак. Хоссалар сонининг ортиши бевосита тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва статистик аҳамиятига таъсир этади.

Биргаликда таҳлилнинг асосида ётадиган гоя шундан иборатки, истеъмолчилар маҳсулот таклифини умуман, унинг алоҳида таркибий қисмлари қийматидан келиб чиқсан ҳолда баҳолайди. Энг оддий ҳолатда маҳсулотнинг

401

умумий фойдалилиги унинг таркибий элементлари фойдалиликлари йигиндини чиқариш йўли билан олинади. Маркетинг тадқиқотлари доирасида респондентлар маҳсулотнинг барча хислатларига бир хил фойдалилик беришга мойил бўлади, амалда эса албатта, бундай бўлиши мумкин эмас. Биргаликда таҳлилнинг муҳимлиги шундаки, респондентлар реал харид вазиятига максимал даражада яқинлашади ва улар учун энг афзал бўлган, барча элементлар ҳам максимал фойдалилик билан ифодаланмаган маҳсулот тақлифини танлаган холда муросага келишга мажбур бўлади.

Биргаликда таҳлил ўтказишжа хоҳиш-истак ҳақида маълумот тўплаш усулидан келиб чиқиб, тўлиқ профилли усул ва жуфтлаб таққослаш усулидан фойдаланилади.

Тўлиқ профилли усулининг камчилиги шундаки, респондентларга жуда кўп сонли концепциялар баҳолаш тақлиф этилган паллада уларнинг ахборот билан ортиқча юкландиган туфайли толиқиши хавфи юзага келади. Жуфтлаб таққослаш усулида респондентлар ҳам концепцияларни бир вақтда эмас, балки уларни жуфт-жуфт қилиб баҳолайди.

Истеъмолчилар хоҳиш-истаклари ҳақида маълумот тўплаш усулларидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ профилли (Full Profile) биргаликдаги таҳлил,



фарқланади. Даствлабки иккича маҳсулотларнинг (маҳсулот концепцияларининг) тўлиқ тавсифлари кўрсатилади ва респондент концепцияни умуман баҳолайди. Адаптив

танловга асосланган биргаликдаги таҳлил (CBC, Choice-Based Conjoint Analysis), рангларга ажратишга асосланган биргаликдаги таҳлил (хусусан, адаптив биргаликдаги таҳлил (ACA, Adaptive Conjoint Analysis)) фарқланади. Даствлабки иккича маҳсулотларнинг (маҳсулот концепцияларининг) тўлиқ тавсифлари

биргаликдаги таҳлил ҳолатида респондент атрибулар ва уларнинг даражаларини рангларга ажратади: даствлаб алохида, кейин комбинацияда. Охирги ҳолатда саволларнинг ҳар бир кейинги блоки тадқиқотнинг бундан олдинги боскичида аниқланган респондентнинг қадриятларига мос келади.

Биргаликдаги таҳлилнинг ҳар хил турларига хос бўлган жиҳатлар, уларнинг устунлик ва камчиликларини кўриб чиқадиган бўлсак, тўлиқ профилли таҳлилда (Full Profile) респондентлар афзал қўриш даражаси бўйича маҳсулотнинг тўлиқ профилини тавсифлаган холда карточка шкаласи бўйича баҳолайди ёки рангларга ажратади. Танловга асосланган биргаликдаги таҳлил (CBC, Choice-Based Conjoint Analysis) кўлланадиган соҳа бўлиб реал харид симуляцияси хизмат қиласди - респондент профилларни рангларга ажратмайди, балки битта маҳсулотни танлайди ёки хариддан воз кечади ва ҳеч нарсани танламайди, респондент муқобил варианtlар орасидан бирини танлаши шарт бўлган биргаликдаги таҳлилнинг бошқа усулларидан фарқли равишда, CBC усули бу ҳолат кўзда тутилган. Биргаликдаги таҳлилнинг бу турида маълумот тўплашнинг бошқа варианtlари билан таққослаганда бренд ва нархга кўпроқ эътибор қаратилади.

Кисса ҳulosалар

Кўп ўлчамли шкалаш бу – кўргазмали тасвиirlар ёрдамида респондентларнинг хис-туйгулари ва нималарни афзал қўришини намойиш қиладиган усуллардир.

Объектлар ўртасидаги психологик ўзаро боғлиқлар кўп ўлчамли маконда нуқталар ўртасидаги геометрик боғлиқлар (алоқалар) кўринишида намоён бўлади. Бу геометрик тасвиirlар кўпинча маконга оид карталар деб ҳам аталади. Маконга оид картада координаталар ўки инсон хулк-авторининг психологик омилларига ёки, бошқа қилиб айтганда, респондентлар объекtlарни идрок қилиш ва афзал қўришини шакллантириш учун фойдаланадиган асосий ўлчовларга мос келади.

Респондентларнинг идрок қилиши ҳақида маълумотлар тўплашга тўғридан тўғри ёндашувдан фойдаланишда уларнинг ўз мезонларидан фойдаланган ҳолда турли машхур маркалар ўзаро қанчалик фарқ қилиши ёки ўхшашлишини баҳолаш сўралади. Респондентлардан қўпинча ўхшаликни Лайкерт шкаласи бўйича кўриб чиккан ҳолда савдо маркалари жуфтликларини баҳолаш талаб этилади. Бу маълумотлар респондентларнинг товарлар ўхшашлиги ҳақидаги баҳолари билан боғлиқ.

Кўп ўлчамли шкалашнинг нометрик усулларида бошлангич маълумотлар тартибга оид эканлиги кўзда тутилади, лекин таҳлил натижасида улар метрик маълумотларга ўзгаради. Фараз қиласлик, олинган маконга оид картада масофалар оралиқ шкаласида акс эттирилган. Кўп ўлчамли шкалашнинг нометрик усуллари берилган ўлчовда савдо маркалари ёки обьектлар ўртасида баҳолangan ранг тартиблари бошлангич маълумотлар ранг тартибларини сақлайдиган ёки такроралайдиган ўлчовларда аниқлаб беради.

Биргаликдаги таҳлил - қўшима (*conjoint analyses*) бу – маркетинг тадқиқотларининг кўп ўлчамли усули бўлиб, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини шакллантириш ва бозорнинг янги маҳсулот таклифларини қабул қилиши бўйича башоратларни моделлаштириш учун фойдаланилади. Маэкур усул атрибулар (*attributes*) ёки хоссалар йигиндиси сифатида маҳсулот концепциясига асосланади; бунда истеъмолчилар маҳсулот таклифи фойдалиигини унинг атрибулари алоҳида даражалари (*levels*) фойдалиигини кўшиш йўли билан баҳолайди.

Биргаликдаги таҳлилнинг асосий устунлиги шундаки, у маълум бир эксперимент услубияти ва пухта ишилаб чиқилган математик модель асосида реал харид вазиятида истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ҳақида башорат қилишга имкон беради.

Таянч иборалар: Кўп ўлчамли шкалаш, Имиджни ўлчаш, Нарх таҳлили, ўхшашликни баҳолаш, афзал кўриш ранглари, R-квадрат, координата, ёйилган ҳолатмуаммо, усул, метрик, нометрик, қўма таҳлил, афзалликлар ва бошқалар.

Назорат учун саволлар

1. Кўп ўлчамли шкалаш деганда нимани тушунасиз?
2. Кўп ўлчамли шкалаш ёрдамида олинган ахборот маркетингнинг қайси жараёнларида қўлланилади?
3. Реклама самарадорлигини баҳолашда кўп ўлчамли шкалаштиришнинг аҳамияти нимада?
4. *R-квадрат* – корреляция коэффициенти квадрати нима учун қўлланилади?
5. Кўп ўлчамли шкалашни бажариш тартибининг босқичлари қандай тартибда ифодаланади.
6. Ўхшашликни баҳолаш
7. Биргаликда таҳлил ўтказишида энг муҳим атрибулар нималардан иборат?
8. Биргаликдаги – қўшма (*conjoint analyses*) қўшма маркетинг тадқиқотларининг қандай усуларига киради?
9. Хоҳиш-истакларни таҳлил қилишда қандай маркетинг тадқиқотлари усулларидан фойдаланилади?
10. Кўп ўлчамли шкалашнинг нометрик усулларида бошлангич маълумотлар тартибга солишнинг асосий тартиби қандай?

16-боб. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ТҮРГИСИДА ҲИСОБОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА УНИНГ ТАҚДИМОТИ

16.1. Натижаларни тақдим этиш

Ушбу боб материалларини ўрганиб чиққач, сиз куйидагиларни билиб олишингиз лозим.

1. Ҳисобот тайёрлашга асосий талаблар, жумладан, унинг шакли, ёзишининг бориши, графиклар ва жадваллар.
2. Оғзаки тақдимот структураси ва кўламини муҳокама қилиш.
3. Мижознинг маркетинг тадқиқотлари ҳақида ҳисоботга талабларини, шунингдек, ҳисоботни ўқиш бўйича тавсияларни баён қилиш.
4. Халқаро маркетинг тадқиқоти ҳисоботи ва тақдимотини тайёрлаш жараёнларини тушуниш.
5. Ҳисобот ва тақдимот тайёрлашда Internet ва компьютерларнинг ролини туштириб бериш.

Ҳисобот тайёрлаш ва тақим этиш

Маркетинг тадқиқотлари ўтказишга буюртма берган фирманинг маркетинг бўйича вице-президенти натижалар ҳақида ҳисобот олди. Хўш, у нималардан иборат? 1-жилдга кирадиган ҳисоботнинг асосий қисми титул вараги, жадвал кўринишидаги мундарижа, раҳбарият учун аннотация, муаммонинг батафсил тавсифи, муаммога ёндашув, тадқиқот режаси, маълумотларни тахлил қилиш учун фойдаланиладиган методология, натижалар, лойиха чекловлари, шунингдек, хулоса ва тавсиялардан иборатdir. 2-жилд титул вараги, рақамли маълумотлар рўйхати, барча рақамли маълумотлар ва графиклардан (диаграммалардан) иборат. Ва ниҳоят, барча статистик деталлар, жумладан, жадваллар 3-жилдда келтирилган.

Ҳисобот ёзиш услугига маркетинг бўйича вице-президент ва бошқа асосий раҳбарларнинг қайси услугни афзал кўриши таъсир қилди. 1-жилдда техник деталлар йўқ эканлиги сабабли у осон ўқилади ёзма ҳисоботга кўшимча

равища бутун лойиҳанинг оғзаки тақдимоти ҳам тайёрланади. Бу ҳисоботдаги менежмент учун айрим тавсиялар ҳаётга татбиқ этилган.

Мисол. Авиакомпания учун ҳисобот. Маркетинг тадқиқотининг вазифаси – раҳбариятнинг ахборотга эҳтиёжини баҳолаш, бундай ахборот тақдим этиш ва раҳбариятга тўғри қарор қабул қилишда ёрдам беришдир. Штаб-квартираси Чикаго шаҳрида жойлашган United Airlines авиакомпанияси раҳбарияти унинг рейсларида учадиган мижозларнинг қониқканлигини тадқиқ этиш давомида буни чукур англаб етдиш. Ҳар ой 900 та авиарейснинг 192 минг йўловчисига тўрт варакдан иборат сўровномадан саволлар берилади. Маркетологларни «ер усти хизматлари»дан фойдаланиш (авиачипталарни брон қилдириш, аэропортда хизмат кўрсатиш) ҳам, «парвоз давомидга сервис» дан ҳам (стюардессалар эътибори, самолет бортида овқатланиш, самолетдаги қулайликлар) қониқканлик даражаси қизикириди. Йўловчилар анкетани смолетга чиққан пайтида олади ва уларда саволларга парвоз давомида жавоб бериш учун вакт бўлади.

United Airlines компаниясининг маркетинг тадқиқотлари бўлими ҳар ой йўловчиларнинг сервисдан қониқканлик даражасини ойлик тадқиқ этишига якун ясайдиган ҳисобот чоп этади. Ҳисобот шунингдек, Internet даги сайтда ҳам жойлаштирилади, шу сабабли United компанияси менежерлари учун дунёning исталган нуктасидан очик бўлади.

Танлама тўплам миқдори (1994 йил билан таққослагандан уч баравар катта) компаниянинг барча бўлинмалари фойдаланадиган маълумотлар репрезентативлигини асослаб беради:

- маркетинг бўлими стратегик режалаштириш, жойлаштириш ва мақсадли гурухлар борасида қарорлар қабул қилиш учун;
- молия бўлими инвестиция сифатида киритилган маблаглардан олинадиган самарани аниқлаш учун;
- аэропорт хизматлари бўлими ер усти сервиси, жумладан, рўйхатдан ўтказиш тезлиги ва самарадорлигини баҳолаш учун;

➤ олий раҳбарият United Airlines компаниясининг ички ва ташқи мақсадларга эришишда рақобатчиларга нисбатан самарадорлигини баҳолаш учун.

Йўловчиларнинг қониқканлик даражаси кенг миқёсли маркетинг тадқиқоти United Airlines барча бўлинмалари ходимларини истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига йўналтиради. Бу компанияга барча рақобатчилар айнан ўхшаш авиарейслар рўйхатларига эга бўлган, бир хил хизматлар тақдим этадиган ва бу хизматларга бир хил тарифлар белгилайдиган шароитларда ўз хизматларини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Масалан, маркетинг тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда United Airlines компанияси парвоз вақтида овқатланиш йўловчиларнинг қониқканлик даражаси муҳим таркибий қисмларидан бири эканлигини аниқлади ва бу сервис сифатини яхшилади. Шунингдек, United Airlines озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш бўйича айrim машҳур компаниялар, масалан, например с Starbucks coffee Godiva Chocolates билан ҳамкорлик ўрнатди.

Универмаг билан боғлиқ мисол маркетинг тадқиқотлари натижалари ҳакида ҳисоботнинг асосий қисми структураси маркетинг тадқиқотлари жараёни босқичларига қай даражада мос келишини кўрсатади. United Airlines компанияси билан боғлиқ мисол ўтказилган тадқиқотлар натижалари ҳакида мунтазам ҳисобот тақдим этиш муҳимлигини кўрсатади.

16.2. Ҳисобот ва тақдимот муҳимлиги

Ҳисобот ва уни тақдим этиш – маркетинг тадқиқотлари лойиҳасининг энг муҳим қисмидир.

1. Улар бажарилган ишларнинг сезиларли натижаси ҳисобланади. лойиҳа якунлангач ва раҳбарият қарор қабул қилгач, ёзма ҳисоботни истисно қилганда маркетинг тадқиқотини хужжатлар билан тасдиқлашнинг бошқа бир йўли йўқ. У бажарилган лойиҳасининг амалдаги гувоҳлигидир.

2. Компания менежменти қарор қабул қилишда ҳисобот ва тақдимотга амал қиласди. агар маркетинг тадқиқоти лойиҳасининг биринчи беш босқичи пухта бажарилган, олтинчисига етарлича эътибор қаратилмаган бўлса, лойиҳасининг буюртмачи учун киммати кескин пасаяди.

3. Кўплаб ҳолатларда буюртмачи компаниянинг менежер-маркетологлари лойиҳадаги ўз иштирокини ёзма ҳисобот ва оғзаки тақдимот билан чегаралайди. Улар лойиҳасининг иш сифатини ҳисобот ва тақдимот бўйича баҳолайди.

4. Менежментнинг келажакда маркетинг тадқиқоти ўтказиш ёки тақорий тадқиқот ўтказиш учун муайян фирма билан ҳамкорликни давом эттириш ҳакида қарорига ҳисобот ва тақдимот фойдалилигини идрок қилиш таъсир кўрсатади.

ҲИСБОТ ВА ТАҚДИМОТ ТАЙЁРЛАШ

Ҳисобот ва тақдимот тайёрлашнинг бориши ҳакида гап кетганда, маркетинг тадқиқотининг муаммоси, муаммога ёндашув, тадқиқот ва дала ишлари режаси нуқтаи назаридан маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини щарҳлашдан бошланади.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш натижаларини қисқача баён қилиш ўрнига маркетолог ўз хulosаларини шундай тақдим этиши керакки, улардан қарор қабул қилиш учун бевосита асос сифатида фойдаланиш мумкин бўлиши лозим. Маркетолог албатта хulosалар чиқариши ва амалий тавсиялар бериши лозим. Ҳисобот ёзишдан олдин тадқиқотчи олинган асосий маълумотлар, хulosалар ва тавсияларни асосий қарор қабул қиласиган шахслар билан муҳокама қилиши лозим. Бу учрашувлар – ҳисобот мижознинг талабларига жавоб бериши ва якуний ҳисобда қабул қилинишининг асосий кафолатидир. Бундай муҳокамалар давомида ёзма ҳисобот ва бошқа материаллар тузиш санасини белгилаш зарур.

Ўтказилган маркетинг тадқиқотининг натижаси алоҳида шахслар учун алоҳида ёзма ҳисобот ёки бир нечта маъruzalar бўлиши керак. Одатда ёзма маъруза оғзаки тақдимот билан бирга келади.

Ҳисобот ва тақдимот тақдим этилгандан сўнг, мижозлар билан мижоз ўртасидаги ҳамкорлик тугамайди. Тадқиқотчи мижозга ҳисоботни тушунишга ёрдам бериши, олинган натижаларни амалга ошириш, кейинги тадқиқотлар ўтказиш ва тадқиқот жараёнини ретроспективада баҳолашда кўмаклашиши лозим. Ҳисобот ва тақдимот тайёрлашга жалб қилинган тадқиқотчининг роли куйидаги мисолда кўрсатилган.

МИСОЛ. Фокус-гурухлар бошловчилари учун ким ҳисобот ёзди?

Коннектикут штати Уилтон шаҳрида жойлашган, сифат маркетинг тадқиқотларига ихтисослашган Groups Plus. Inc. компанияси президенти Томас Гринбаум сўнгти йилларда фокус-гурухлар ўтказиша ўринга эга бўлайтиган тенденцияни кўрсатади. Унинг таъкидлашича, айрим фокус-гурухлар бошловчилари мижозларга ахборотни бузиб кўрсатади, чунки уларнинг ҳисоботлари амалда фокус-гурухлар ишида қатнашмаган бошқа одамлар томонидан ёзилган бўлади.

Гринбаум маълумотларига кўра, бошловчиларнинг ярмидан кўни мижозларга ҳисобот тайёрлаш учун бошқа одамларнинг хизматларидан фойдаланади. Бундай ёлғон ҳисоботлар кўпинча тўлиқсиз иш куни банд бўлган ходимлар ёки кичик маркетолог-тадқиқотчilar томонидан ёзилади. Гринбаум ёлғон ҳисоботлар ёзишини танқид қиласди, чунки фокус-гурух қатнашчиларининг новербал реакциялари ёки биргаликдаги гурух фаолияти доим ҳам аудиоёзувни тинглаётганлар ёки фокус-гурух видеосини томоша килаётганлар томонидан аниқ етказиб берилмайди. Гринбаум бошловчиларни мижозлар билан фокус-гурухлар бўйича ҳисобот муаллифлигига ҳалол бўлишга ундаиди, шунингдек, мижозларни улар билан шартнома бўйича ишлайдиган тадқиқотчилик гурухлари ишига янада талабчан бўлишга чакиради.

"Гарчи ушбу тармоқдаги айрим мутахассислар ҳисоботни мижозга жўнатишидан олдин доимо текшириб чиқишини ёки, эҳтимол, ҳисоботнинг асосий бўлимларини ўзи ёзганлигини айтган ҳолда бундай амалиётни ҳимоя қилсада, фокус-гурух ўтказиш якунларидан фойдаланадиган мижозлар бундай амалиётга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши лозим, - маслаҳат беради Гринбаум. – Агар мижозлар уларнинг ҳисоботини кимдир бегона шахс ёзишини олдиндан билса, бу муаммони қисман ҳал қиласди, лекин бу маслаҳатчилардан олинган натижалар энг яхши бўлишини англатмайди".

Гринбаум ҳисобот сифатининг ёмонлашуви эҳтимолига қўшимча равиша қайд этади, бошқа одамлар томонидан ҳисобот тузиш тизими якуний ҳисобот тақдим этишини секинлаштиради. "Ҳисоботни ўзи ёзадиган бошловчилар охирги гурхда сўров ўтказилган кундан 7-10 кун ўтгач ҳисоботни якунлашга ҳаракат қиласди, шу сабабли олинган ахборот янги бўлади ва ундан ҳисобот ёзишда фойдаланилади, - таъкидлайди Гринбаум. – Бироқ ҳисобот ёзиш учун бошқалардан фойдаланадиган бошловчиларнинг аксарияти мижозларга охирги гурух билан иш якунлангандан сўнг уч-тўрт ҳафта давомида якуний ҳисобот тақдим этишга қодир бўлмайди".

16.3. Ҳисобот шакли

Ҳисобот шакли маркетинг тадқиқоти ўтказадиган фирмага, тадқиқот унинг учун ўтказилаётган мижозга, лойиҳанинг табиатига қараб турлича варианtlарда бўлади. Куйида тадқиқотчи уларнинг асосида ҳисобот ёзиш учун шаклни осон ишлаб чиқиш мумкин бўлган тавсиялар келтирилган. Тадқиқот хақида ҳисоботларнинг аксарияти куйидаги элементларни қамраб олади.

- I. Титул вараги.
- II. Илова хати.
- III. Тадқиқот ўтказишига рухсат берадиган хат.
- IV. Мундарижа.
- V. Жадваллар рўйхати.

VI. Графиклар рўйхати.
VII. Иловалар рўйхати.
VIII. Раҳбарият учун резюме.

- a) асосий натижалар.
- b) хуносалар.
- c) тавсиялар

IX. Муаммонинг таърифи.

- a) Муаммонинг манбалари.
- b) Муаммони ифодалаш.

X. Муаммога ёндашув.

XI. Тадқиқот режаси

- a) Тадқиқот тури.
- b) Зарур ахборотлар
- c) Иккиламчи манбалардан маълумот тўплаш.
- d) Бирламчи манбалардан маълумот тўплаш.
- e) Шкалаш усууллари.
- f) Анкета ишлаб чиқиш ва уни дастлабки синааб қўриш.
- g) Танлама тўплам белгилаш усууллари
- h) Дала ишлари.

XII. Маълумотларни таҳлил қилиш.

- a) Методология.
- b) Маълумотларни таҳлил қилиш режаси.

XIII. Натижалар.

XIV. Чекловлар ва огоҳлантиришлар.

XV. Хулоса ва тавсиялар.

XVI. Иловалар.

- a) Анкеталар ва кузатув шакллари.
- b) Статистика натижалари.
- c) Адабиётлар.

Бундай ҳисобот структураси, айтиш мумкини, маркетинг тадқиқоти жараёни мантиқи билан чамбарчас боғлиқ. Натижаларни ҳисоботнинг бир нечта обида акс эттириш мумкин. Масалан, миллий сўровда маълумотларни таҳлил қилишни тўлиқ танлама тўплам учун бажариш, сўнгра тўртта географик минтақанинг ҳар бири учун маълумотлар алоҳида таҳлил қилиниши мумкин. Агар бу иш айнан шундай бажарилса, натижаларни бешта ўрнига битта бобда акс эттириш мумкин бўлади.

Титул варағи (title page) ҳисобот номи, тадқиқот ўтказган ташкилот ёки тадқиқотчи ҳакида ахборот (исми, манзили ва телефон раками), ҳисобот тайёрланган мижоз-ташкилот номи, ҳисобот тузилган санадан иборат бўлиши лозим. Ҳисобот номи лойиҳа характеристикини кўрсатиши лозим.

Илова хати. Ҳисоботда одатда илова хати (letter of transmittal) мавжуд бўлиб, у мижозга ҳисобот билан бирга тақдим этилади ва унда ушбу лойиҳанинг олинган натижалар билан боғлиқ бўлмаган қисқача якуни келтирилади. Ҳатда, шунингдек, мижоз томонидан олинган маълумотларни амалга ошириш ёки келгусида амалга ошириш лозим бўлган тадқиқот каби кейинги зарурий ҳаракатлар кўрсатилиши лозим.

Рухсат берувчи, ваколат берувчи хат (letter of authorization). Ушбу хужжат мижоз томонидан тадқиқотчига лойиҳа бўйича ишлар бошланмасидан олдин жўнатилади. Бу хат тадқиқотчига лойиҳа бўйича ишларни бажариш ваколатини беради ҳамда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми ва шартларини кўрсатади. Кўпинча илова хатида ваколат берувчи хатга ҳавола қилинади. Бироқ баъзида ҳисоботга рухсат берувчи хатнинг нусхасини киритиш зарур бўлади.

Мундарижа. Мундарижада (table of contents) ҳисобот қисмларининг рўйхати мос келувчи сахифалар ракамлари билан келтирилади. Кўплаб ҳисоботларда мундарижа факат асосий ва қўшимча сарлавҳалардан иборат бўлади. Мундарижадан кейин жадваллар, графиклар, иловалар ва мисоллар рўйхати келади.

Раҳбарият учун резюме (executive summary) – ҳисоботнинг муҳим қисми ҳисобланади, чунки кўпинча мижоз-компания раҳбари фақат уни ўқийди. Резюмеда тадқиқот муаммоси, усули ва режаси қисқача баён қилиниши лозим. Резюме бўлимларидан бири асосий натижалар, хулоса ва тавсияларга бағишланади. Резюме бутун ҳисбот ёзиб бўлинганидан кейин тузилади.

Муаммонинг таърифи. Ҳисоботнинг муаммо таърифига (problem definition) бағишланган бўлимида унинг тарихи, қарор қабул қиласидаган шахслар ва тармоқ эксперклари билан батафсил муҳокамалар келтирилади, иккиласми маълумотлар таҳлили, кўриб чиқилган омиллар ва ўтказилган сифат тадқиқоти муҳокама қилинади. Бундан ташқари, у маркетинг тадқиқоти муаммоси ва бошқарув муаммосининг аниқ ифодасидан иборат бўлиши лозим.

Муаммога ёндашув. Ушбу бўлима муаммони ҳал қилиш учун қабул қилинган ёндашув кўриб чиқилиши лозим (approach to the problem). У тадқиқотда риоя қилинадиган назарий асослар тавсифи, ҳар қандай ишлаб чиқилган таҳлилий моделлар, тадқиқот режасига таъсир этадиган омиллар ва гипотезалар тавсифидан иборат бўлиши лозим.

Тадқиқот режаси. Тадқиқот режасига (research design) бағишланган бўлим тадқиқот ўтказишнинг деталларини акс эттиради. У қабул қилинган тадқиқот режаси структурасини, зарур ахборотларни, бирламчи ва иккиласми манбалардан маълумот тўплашни, шкалалаш усувларини, анкета ишлаб чиқиш ва уни дастлабки синааб кўришни, танлама тўплам белгилаш усувлари ва дала ишларини ўз исига олади. Бу масалалар тушуниш осон бўлган услубда, маҳсус атамаларни суйистеъмол қилмаган ҳолда баён қилинади.

Маълумотлар таҳлили (data analysis). Маълумотларни таҳлил қилиш режаси тавсифланади, маълумотларни таҳлил қилиш стратегияси ва фойдаланиладиган усувлар асослаб берилади. Усувлар оддий, техник атамаларсиз тавсифланиши лозим.

Натижалар. Ҳисоботнинг ушбу бўлими одатда энг катта бўлиб, бир нечта бобдан иборат бўлиши мумкин. Натижалар (results) кўпинча нафақат умумий, балки қисмларга бўлинган (бозор сегменти, географик худуд ва б) тақдим

